

НУРИДИН ИСМОИЛОВ

МАФИЯ САРДОРИ

Саргузашт-детектив роман

Иккинчи китоб

ТОШКЕНТ
«ЯНГИ АСР АВЛОДИ»
2008

[@Badiykitoblar](#)

Исмоилов, Нуриддин.

Мафия сардори: Саргузашт-детектив роман: / Нуриддин
Исмоилов. — Т.: «Янги аср авлоди», 2008.
2-китоб. — 192 б.

ISBN 978-9943-08-341-7

© Н.Исмоилов. «Мафия сардори». «Янги аср авлоди», 2008.

[@Badiiykitoblar](#)

Шоҳруҳнинг оёғи устида нимадир ўрмалагандай бўлди. “Ухлаяпман, — деб ўйлаган йигит қимирламади. — Бироз жим ётсам, бургами-бошқа нарсами безовта қилмай кўяди”, деб хаёл қилди. Ўжар ҳашарот тиззасидан баландроққа ўрмалай бошлагач, Шоҳруҳнинг тоқати тоқ бўлди, лекин негандир кўлини қимирлатолмади. Ҳайрон бўлган йигит кўзини очиб ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, бироқ буниям удалолмади. Сездики, иккала кўли ҳам маҳкам боғлаб ташланган. Ўзи похол устида ётибди. У бир муддат нега бунақа ётганини билолмай ҳайрон бўлди. Бирдан хаёлига Юлдуз иккиси меҳмонхонадан чиқишаётганида тўппонча ўқталган йигит-қизлар келди. Шошиб атрофига қаради. Ёнгинасида пишиллаб ухлаётган Юлдузни кўрди. Арқондан қутулиш учун қўлларини икки ёнга тортди. Аммо яна имконини қилолмади. Шу палла Юлдуз ҳам уйғонди. Йигитга қаради. Бир муддат ҳайрон бўлди.

— Тузоққа тушдик, — деди унга Шоҳруҳ.

— Қардамиз? — сўради қиз.

— Билмадим, лекин боплашди.

— Мени кечиринг.

— Нега?

— Айтганингизга кирмадим.

Шоҳруҳ чуқур нафас олди.

— Яхшиси, бу ердан чиқиб кетишни ўйлаш керак. Ит эмганлар оғилхонага ташлаб кетишибдими, дейман?

— Йўқ, — деди юзида ним табассум пайдо бўлган қиз, — отхонага. Ана қаранг, — у кўзи билан чап томонни кўрсатди.

Шоҳруҳ ҳар-ҳар замон думлари билан пашша ҳайдаб кўяётган иккита отни кўриб:

— Бечораларнинг бошига бизнинг кунимиз тушибди, — деди.

— Уларга биздан яхшироқ, ҳар қалай, оёқда туришибди.

Отхонанинг икки табақали тахта эшиги очилди. Қуёш шуъласи тўғри йигит билан қизнинг юзига тушди. Иккисининг ҳам кўзи қамашди.

— Ваҳ-ваҳ, буларнинг ётишини қаранглар, — деди сочсоқоли ўсиқ, калласи хумдай, аммо ўзи туртиб юборса йиқиладиган даражага келиб қолган, бурни узун, қирқ ёшлардаги киши.

— Романтика, — деди унинг ёнидаги йигит. Овоз жуда таниш эди.

Юлдузнинг жаҳли чиқди. Аини пайтда унга алам қилаётганди. Қаҳрини ичига ютиб Шоҳруҳ томон бошини бурди. Кўзларида бир дунё афсус яширин эди. Шоҳруҳнинг қараши эса бунинг акси, унда мутлақо безовталиқ сезилмасди.

— Калласи йўқ, тентак, — деди Шоҳруҳ.

— Тушунмадим, — дея унга яқинлашиб келди хўрозбош, — ким тентак?

— Албатта, ўзим. Йўқса, биринчи дуч келганиндаёқ сен маразнинг жағингни синдириб ташламайманми? Билардим сенинг маразлигингни! — деди тобора қаҳрланиб бораётган Шоҳруҳ ётган жойида асабий.

— Ҳе, — кулди Саша, — сендақалар лақма бўлишади. Сени кўрганимдаёқ сезгандим. Кечагина қишлоқдан келиб бу ерда гўдаймоқчимидинг?! Кўрсатиб қўяман сенларга!

Юлдузнинг кўзи ёшга тўлди. Уни ҳозирги аҳволи эмас, балки Шоҳруҳнинг гапига кирмагани кўпроқ қийнаётганди.

Оғизларидан аллақандай ёқимсиз ҳид таратаётган махлуқсифатлар Юлдузни турғазаетганларида, Шоҳруҳ қизариб кетди. Бўйин томирлари йўғонлашди.

— Тегманглар унга! — дея бақирди.

Эвазига бир-биридан хунук иржайишларни кўрди. Биқинига Саша туртиб ҳам қўйди.

— Ҳали бақаришга улгурасан, томоғингни асра, яна бўғилиб қолмасин, — деди.

Ташқарига чиққанларидан кейин иккисининг ҳам оёққўлларидаги арқон ечилди. Чунки энди унга ҳожат йўқ эди. Ўн-ўн беш чоғли бир-биридан бақувват барзангилар қўлларидаги ўқотар матоҳларини ўйнаб туришарди. Шоҳруҳни ажаблантиргани — уларнинг орасида оппоқ сочи

елкасига тушиб турган, қадди хиёл букилган тўқсон ёшлар атрофидаги бир чолнинг ҳассага суяниб тургани эди.

У асирдагиларни кўриб бош чайқади.

— Ваҳ-ваҳ-ваҳ, — деди ўтмаслашиб қолган нигоҳини ёнидагиларга қаратиб, — ҳали шуларни деб иссиқ жойим-ни совитдинларми?! Сенларда инсоф деган нарса қолмабди. Ўзларинг... Тўхта, Арзуни тепиб ағдарган қиз ҳали шуми? Ишонгим келмайди. “Калит”!

У шундай деб ёнидаги йигитга мурожаат қилди. Очиғи, бу йигитни одам боласи туққанига ишониш ниҳоятда мушкул. Кўзлари олайган, башарасининг бир неча жойи тиртиқ. Буям камлик қилгандай, татуировка қилинмаган фақат кўз қолганди. Йўғон бўйни калла билан елкани қўшиб юборган, худди бўйни йўқдай эди. Унга хўкиз ёки шунга ўхшаш бирор ҳайвон, айтайлик, “бегемот” деб лақаб қўйса бўларди. Чол уни калитга ўхшатаётгани Шоҳруҳни ажаблантирди.

— Шу қиз билан бир тепишиб кўр... Шошманглар, нега менга шу пайтгача стул опкелмадинглар, пиво қани?! — дея чийиллади чол.

— Мана, — деди Саша унга стулни кўрсатиб, — ҳозиргина турдингиз, отахон, пиво ҳам турибди жойида.

— Сен бола, — деди уни ҳассаси билан ниқтаб чол, — мени чалғитма!

У стулга ўтирди. Шишанинг оғзини ҳидлаб кўриб, ичмади, улоқтириб юборди.

— Нега менга эски пивони бераяпсизлар?! — дея ўқирди.

Шу ондаёқ унинг қўлига муздеккина, Германиядан келтирилган юқори сифатли ичимлик тутқазилди.

“Жинни-ку бу! Нега шунча одам томи кетган қариянинг атрофида гирдикапалак?” ўйлади Шоҳруҳ ва чол яна кўрса-тиши мумкин бўлган навбатдаги майнавозчиликни кутди.

Бир кўтаришда шишани яримлатган чол ютоқиб-ютоқиб сигарета тутунини ичига ютгач, “Калит”га юзланиб:

— Бос, бир томошангни кўриб қўяйин, — деди.

— Ва-а! — деб Калит лақабли барзанги ўз кийимларини бурдалаб ташлади. Шоҳруҳ кўрдик, барзангининг танасидаги татуировкаларнинг ҳаммасида калит шакли акс этган. Барзанги бир-икки қадам босганидан кейин тўхтади.

— Хўжайин, — деди дўрилдоқ овозда чолга юзланиб, — қиз кетворган экан, бир маза қилай, кейин мажақлаб ташлайман.

Унинг гапидан кейин атрофдагиларнинг ҳаммаси хоҳлаб кулиб юборишди. Юлдуз қизарди. Шоҳруҳнинг қони қайнади. Чол бўлса, пиво ичди, сигарет чекди.

— Ваҳ-ваҳ-ваҳ, — деди калласини сарак-сарак қилиб, — агар ёшлигимда бу қиз рўпара бўлганида, сенга бериб қўймасдим. Энди томошадан бошқасига ярамайман. Сен кўр-чи, мабодо қариган мускулларим жонланиб қолса мен ҳам татиб кўрарман!

Ўқириклар, қийқириклар, қарсақлар ва ҳоказо шовқин-сурондан чор-атрофдаги дарахт шохлари қимирлаб кетди.

— Агар, — деди Юлдуз, — кучинг етса билганингни қил! Оёғим остида ётадиган бўлсаларинг қўйиб юборасанлар. Икки соат ичида таъқиб қилмайсанлар, кейин майли, қувинглар. Мана шу ўрмондан ё сенлар тирик чиқасанлар, ё биз!

Чол қарсақ чалиб қўйди. Қолганлар увиллаб наъра тортиб юборишди. Калитнинг кўзи қонга тўлди. У бир-биридан оғир қадамлар ташлаб қизга яқинлаша бошлади. Шоҳруҳ ҳам олдинга чиқмоқчи бўлганида, Юлдуз уни тўхтатди.

— Шарманда бўлсин шунча одам орасида! — деди.

— Итлар, — деди Шоҳруҳ, — қиз бола билан муштлашгунча, тириклайин кўмилганларинг яхшийди.

Юлдуз Шоҳруҳга жилмайиб қўйди. Худди видолашаётгандай, бошқа тирик ҳолда учрашолмаслигига кўзи етган одамдай. Қарашида ғам-ғусса шунчалик кўп эдики, табасум қилса-да, барибир сезилиб турарди. Шоҳруҳ ютиниб қўйди. Унинг оёқлари қалтиради, ҳаяжон босди. Бироқ жойидан қимирлолмади. Чунки Юлдузга ўзбекча гапиргани боис, ёнидагилар хавфсирашган ва тўппончани биқинига тирашганди. У ўлишдан кўрқмасди. Фақат ортиқча ҳаракат қилиб Юлдузни хафа қилиб қўйишдан чўчирди.

Барзанги Калит яқинлашганидан кейин Юлдуз сўл тарафга икки марта сальто қилди: рақибининг кўзини кўрқитиш учун. Аммо Калит унинг хатти-ҳаракатига тиржайиб қўя қолди. Уни читтакдай у ёқдан-бу ёққа сакраётган қушчани ушлаб олиш, “патини юлиш”, кейин билган ишини

қилиб бошқалар олдида ғўдайиш қизиқтирарди. Унинг қон-қонига шунақанги паст ишларни бошқалар кўз ўнгида бажариб мақтаниш сингиб кетганди. Айниқса, ўзидан ожизроқларни бир мушт билан уриб ўлдириб қўйганида шунақанги хурсанд бўлиб кетардики, асти қўяверасиз.

Юлдуз кейинги сальтони икки хил бажарди: аввал ёнига, кейин тўғрига. Кейингисида Калитнинг пешонаси мўлжалга олинганди. Калит эса бунақа бўлишини мутлақо кутмаганди. Қиз яна ёнига сакраб ўзини кўз-кўз қилади деб ўйловди.

Юлдуз бор кучини тўплаб туфлисининг товони билан Калитнинг икки қоши ўртасига тепди.

Аммо барзангига чивин чаққанчалик бўлмади. Фақат калласи силтаниб орқага бироз тисарилди. Қизнинг маҳорати эса атрофдагиларни қойил қолдирди. Ҳамма бараварига қийқириб юборди. Мункиллаган чол эса ўрнидан туриб ўйнаб кетаёзди. У ҳали бирор марта ҳам Калитнинг бунақанги тепки еганини кўрмаганди.

Шерикларининг қийқириқлари Калитни қутуртириб юборди. У йўлбарс мисол Юлдузга отилди. Аммо ўзи ерга йиқилиб тушди. Абжир қиз аллақачон турган жойидан қочиб қолганди.

— Тур ўрнингдан, — деди Юлдуз Калитни имлаб.

Унинг гапи барзангининг суяк-суягигача етди.

Ҳақиқатан ҳам у Юлдузнинг бирон жойидан ушлаб олганида борми, албатта, мажақлаб ташларди. Аммо қани бунинг эпини қилолса? Бесўнақайлиги панд бериб, ҳар бир ҳамласидан кейин ўзи озор чекаверди: ҳали тиззалаб қолди, ҳали ёнига йиқилди, чўзган қўллари эса ҳавонигина кесиб ўтди... Унинг кучи ердаги чанг жойдан кўзгаллишгагина етди. Орадан беш дақиқадан мўлроқ вақт ўтиб у ҳансирай бошлади. Шундан сўнггина Юлдуз ҳужумга ўтди. Икки марта биқинига тепди. Аста-секин ҳолдан тойиб бораётган Калитга булар ҳам таъсир қилмади. Юлдуз унинг орқа миясига урди. Мўлжални бироз нотўғри олди-ю, ўзининг қўли оғригани қолди.

Шундан сўнг бу майнавозчиликни ортиқ чўзиб ўтиргиси келмай, Калитнинг навбатдаги ҳамласига чап бериб орқасига ўтиб олди-да, туфлисининг учи билан уни чунонам тепдики, барзанги наъра тортиб юборди-да, оғриқли жойини чангаллаб қолди. Қиз товонлари билан букчайиб турган барзангининг белига тепди.

Оғзи тупроққа тўлиб қолган Калит тинмай думалар, аъзои баданидаги оғриққа чидаёлмай ўқирарди.

Чол унга термилиб ўтираркан, қошлари чимирилди, ҳасасини ўйнатди, сўнг ёнидаги йигитга қўл узатди. Йигит у нимани истаётганини дарров илғаб, тўппонча тутқазди. Юлдузнинг ранги оқарди. У мени отса керак, деб ўйлаганди. Аммо чол ундай қилмади. Калитга стволни тўғрилаб, тўппончадаги бор ўқни унинг танасига санчди. Аввалига сапчиган барзанги кейинги темир парчалари келиб текканида қимирламади ҳам.

— Сен, — деди чол ҳасасини Юлдузга ўқталаркан, — икки соатга озодсан. Лекин бу гап шеригинга тегишли эмас.

— Номардлик қилманг, — деди ўткир нигоҳини унга қадаган қиз, — биз шунга келишгандик.

— Биз фақат сенинг ўзингга келишгандик, вақт кетаяпти, беш секунд ўтди.

— Тезроқ кетинг, мен билан ишингиз бўлмасин, амаллайман, — деди Шоҳруҳ Юлдузга.

— Бир ўзингизни ташлаб кетмайман.

— Ақлли қиз, майли, яна бир имконият. Буям йигитларимнинг бирортаси билан уришади. Агар ютса, икковинг ҳам кетасан, бўлмаса пешонангдан кўравер.

Шоҳруҳнинг чекига Калитга ўхшаган беўхшов эмас, ўрта бўйли, ихчамгина, қад-қомати келишган, кийиниши ҳам бошқаларига нисбатан тузукроқ, сариқ сочларини силлиқ тараган йигит тушди. У муштлашишдан аввал оёқларини кериб, бурнини шишириб нафас олди. Кейин ўрнидан сакраб турганча Юлдузга ўхшаб сальто қилди. Шу билан ўзининг нимага қодирлигини кўрсатиб қўйди. Албатта, бундай амалларни Шоҳруҳ бажаролмасди. Шу боис ҳам Юлдузнинг юраги гупиллаб ура бошлади.

Шоҳруҳ рақибидан кетма-кет иккита зарба ўтказиб юборди. Шулардан биттаси унинг кўксига тегди. Бир неча сония нафас ололмай қолди, қийналганидан афти бужмайди. Юлдуз Худога ялиниб-ёлворди. Аммо худди шу пайт Шоҳруҳнинг жағига мушт тегди, лаби йиртилиб, оғзи қонга тўлди.

* * *

Мурод ўзига келавермагач, кўчага чиқди. Уй олдида бироз айланиб юрган бўлди. Йўқ, юрагининг безовта ури-

ши қолмади. Кўз ўнгида севгилиси абгор аҳволда кўринди. Автобусга ўтирди-да, Шаҳлоникига йўл олди. Йўл бўйи у дуч келадиган қаҳрли аёл билан бўладиган суҳбатга тай-ёргарлик кўриб борди. “Бир-биримизни севамиз, берма-санглар олиб қочаман, шарманда бўласизлар, дейман”, дея ўйлади. Бироқ ўйи бироздан кейин ўзига эриш туйилди. Хаёлидагилар ёш боланинг гапига ўхшаб қолди. Аммо нима бўлганда ҳам, суҳбат шу тахлит бўлиши керак.

У дарвоза ёнига келганда ҳам бир қарорга келгани йўқ эди. Истар-истамас қўнғироқ тугмачасини босди. Ичкарида жимлик ҳукмрон. Бирор сас эшитилмайди. Бунга сайин йигитнинг юраги гупиллаб уради. Ич-ичидан Шаҳлонинг ўзи дарвозани очишини истади.

Бироқ кошки унинг ўйлагани амалга ошса. Бир қанча вақтдан кейин дарвозанинг кичик табақаси очилиб, Хонзоданинг хўмрайган башараси кўринди.

— Сизга ким керак?! — сўради аёл секин, аммо сўзларини тишлари орасидан чиқариб.

— Шаҳло! — деди йигит ундан нигоҳини узмай.

— Марҳамат, — кутилмаганда йўл бўшатди Хонзода, — сиз кирмасангиз, бошқа ким ҳам кирарди?

Кесатиқ гарчи ўтиб кетган эса-да, Мурод ўзини босди. Ичкарига бир қадам қўйганида:

— Сиздай безбет йигит киради-да, — дея қўшимча қилди Хонзода.

Мурод юришдан тўхтади. Хонзодага нимадир дегиси келди. Аммо тилини тийди. Яна ичкарилай бошлади. Дарвозахонадан ҳовлига ўтгач, Хонзоданинг ўзидан олдинга ўтишини кутди.

Омборхона эшигини калит билан очган аёл Муродга:

— Шу ерда ўтириб турунг, ҳозир Шаҳло келади. Дадаси кетсин, — деди.

Муроднинг қўнгли қандайдир нохушликни сезса-да, ичкарига кирди. Картошка, сабзи, пиёз ва алланималарнинг ёқимсиз ҳиди димоғини қичитди. Бирдан аксириб юборди. Худди шу пайт эшик бошқатдан қулфланган эди. У зимзиё хонада ёлғиз қолиши билан ортига бурилди-ю, эшикни итарди. Очилмади. Аммо унинг ошиқ-мошиғи қимирлаганидан билдики, омонат турибди. Қаттиқроқ тепилса ағанаб тушиши аниқ. “Картошка-пиёзни кимдан бунчалик

бекитишаркан?” — ўйлади йигит. “Уфф”, дея кўксидаги ҳавони чиқариб юборганча деворга суянди.

Хонзода Муродни қамаб қўйганидан ўзида йўқ хурсанд эди. У бундай қилмоқчи эмасди. Муродни кўриши билан кутилмаганда шу ўй хаёлига келди ва буни боплаб уддалади.

Хурсанд бўлишга бўлди-ю, бу ёғига нима қилиш кераклигини ўйлаб боши қотди.

* * *

Содиқ анҳор бўйидаги чойхонанинг шундоққина сув устига қурилган чорпояси устида ёнбошлаб ётарди. У уйидаги ғалвалар, ишхонасидаги муаммолардан роса чарчаганди. Кўнгли ором тусаганди. Уйда ўтириб ароқ ичавергани билан бошининг оғриғи қолмади. Қайтанга баттар ишқаллар гирдобиди қолаверди. Охири ўйлай-ўйлай шу ерга келиб “паноҳ” топди. Бир пиёла ароқ ичиб, икки сих кабоб еди. Бироқ Шаҳлонинг қилмишини миясидан чиқаролмади. Унинг назарида чорпоянинг остидан оқиб ўтаётган сув ҳам қизининг қилмиши ҳақида сўзлаётгандай туйилаверди. У ёмон сўқинди. Ҳар битта сўзни алоҳида-алоҳида талаффуз қилиб сўқинди. Сўқиш хотинига қаратилганди. Чунки қизини ҳақорат қилолмасди. Ҳақоратласа, хунукдан хунук сўзлар қабрда фақат суяклари қолган онасига қаратилгандай туйилаверарди. Чунки, у Шаҳлони ёшлигида “онам, онам” деб кўп эркаларди. Кейинчалик қизиди худди онасиникига ўхшаш одатларни кўрди. Ич-ичидан мамнунлик туйди, ғурурланиб қўйди. “Менинг ойим ўлмади. Қизимга айланиб қайта дунёга келди”, деб хаёл суриб юрди. Мана ўша ойисининг сиймосидаги қизнинг аҳволи. Содиқнинг хаёлига: “Ойимнинг ёшликлари қандай ўтган экан?” деган ўй келди-ю, ўрnidан туриб кетди. Бу пайтда чойхоначи ундан узоқда эмасди. Ғалати-ғалати қилиқлар қилаётган бу одамни чойхоначи кузатиб турганди. Содиқнинг ўз-ўзига гапираётганини кўриб: “Тавба, кўринишидан туппа-тузук одамга ўхшайди-ю, оғзидан чиқаётган гап жинниларникидан фарқ қилмайди”, дея кўнглидан ўтказди.

Содиқнинг қўл телефони жиринглаб, экранда “Хонзодахон” деган ёзув кўринди. Бу ёзувни у ҳали хотинига нафрати уйғонмаганида (нафратнинг уйғонганига ҳали кўп

бўлмади) ёзиб қўйган эди. Содиқ бир муддат қўл телефонига тикилиб турди. Шунақа матоҳни чиқарган одамнинг номига бир нечта “гўзал” сўзлар йўллади. Кейин “сотка”-сини сувга улоқтирмоқчи бўлди-ю, қандайдир ички туйғу халақит бериб, ниятидан қайтди.

— Қизинг ўзини осиб қўйдими?! — деди у ғазаб билан телефонни қўтариб. — Шу “хушxabар”ни айтиш учун мени безовта қилаяпсанми?! Ўлгани яхшимасми, икковимиз ҳам қутуламиз!

— Дадаси! — деди Хонзода эри кўнглидагини тилига кўчиришга имкон бермаётганидан жаҳли чиқиб. — Аввал гапимга қулоқ солинг. Нега бунча портлаб кетаяпсиз? Шунчалик ўз пушти паноҳингиздан бўлган қиздан қутулгингиз келаяптими?..

У оғир хўрсинди. Бир-икки марта бурнини тортди. Йиғламаётганди. Аммо эрида ачиниш туйғусини уйғотиши керак эди. Билмасдики, агар Хонзода: “Ўлаяпман”, деганида ҳам Содиқнинг бир туки ўзгармасди.

— Қизимизни йўлдан урган йигит ўз оёғи билан келди, — дея гапида давом этди бироз танаффусдан кейин. — Омборхонага қамаб қўйдим. Келинг, уни бир ёқли қилайлик.

— Унда бундай қил, — деди Содиқ қўлтиғига ёстиқни яхшилаб жойлаштирди-да, қулайроқ ёнбошлаб, — болта билан бошига ур, ўлсин. Бир урма, чавақлаб ташла. Кейин машинанинг багажига ортиб, шаҳар ташқарисига обориб ташла. Ит ҳам сезмайди. Шу билан ҳамма бало-қазодан қутуласан.

— Эсингиз жойидами?! — бақирди Хонзода. — Қўлимни қонга ботирайми?!

— Унда отангга айт, бирорта одамини жўнатсин. Сенинг ўрнингга мен айтган ишларни бажаради, шу билан олам гулистон. Сен оппоқ бўп қолаверасан.

— Уфф, бунча беўй танбалсиз?! Ҳамма нарсага мен куйиб-ёнишим керакми? Мени ўйламасангиз ҳам қизингизни, унинг бахтини ўйланг. Отасиз-ку! Шу қизни мен кўчадан орттириб келмаганман. Ёшимиз ўтиб қолган пайтда шундай дейсизми?!

Хонзода гапираркан, кўзидан ёш қуйилаверди. Ўзини тутиб туролмади. Охири телефонни ўчирди. Эрини бутун

уруғ-аймоғига қўшиб қарғади. “Қаерда бўлсанг ҳам, ўлигинг ҳақида хабар келсин!” — деди. Бунга ҳам қаноат қилмади. Дераза токчасида турган гулларни тувак-пуваги билан ағдариб ташлади. Ҳолсизланиб диванга ўтириб қолди. Бир муддат пешонасига қўлини тираб ўтирди. Кейин қайнисини уйидан қандай қувғин қилгани эсига тушиб қолди. Бир муддат хаёли тиниқлашди, ўрнидан турди. Хонасига чиқиб, бор тиллаларини олиб чиқиб, алдаб-сулдаб Муроднинг қўлига бермоқчи, кейин милицияга қўнғироқ қилиб, уйига ўғри тушганини айтмоқчи бўлди. Бир ҳисобдан жўнгина, синалган усул. Осонгина битишига кўзи ҳам етади. Лекин бу милиса қурмағур, шунчаки ўғрини ушлаб қамаб юборавермайди-да, суриштирувни бошлаб юборади. Агар сири очилиб қолса, ҳамманинг олдида шарманда бўлгани қолади. Бундан кўра эридан фойдаланади. Қандай бало келса, унга ураверсин. Эрсиз ҳам яшайверади.

Содиқнинг телефон рақамини терди. Чақирув кетди. Лекин эри у билан гаплашишни истамади шекилли, ўчириб қўйди.

Содиқ телефонни ўчирмади, сувга улоқтириб юборди. Кейин пиёласини ароққа тўлдирди-да, бир кўтаришда бўшатиб ўрнидан турди.

— Ўлдираман, сенлар билан бир умр асаббузарлик қилиб юрганымдан кўра ўлдираман. Биринчи ўринда сени, манжалақи Хонзода, — деди ва чорпоядан сакраб тушиб, шитоб билан юриб кетди.

* * *

Бўроннинг оғзи ачишиб кетганидан, бошқа ухлаёлмади. Ювиниш хонасига боришга сабри чидамай деразани очди-да, томоғини қириб тупурди. Кутилмаганда кўзларини уқалаб, истар-истамай кетиб бораётган жиянларига нигоҳи тушди.

— Сожида! — деди ҳайрон бўлиб. — Қаерга кетаяпсизлар?

Тўртала қиз ҳам тўхтаб, иккинчи қаватдаги кўчага қараган деразага нигоҳ ташлашди. Биронтасидан ҳам садо чиқмади.

Бўрон ниманидир тушунгандай бўлди.

— Шошманглар, — деб шкафни очиб ялтироқ халатини кийди. Сўнг ташқарига югурди. Ҳовлида фаввора ёнида

турган Фароғатга кўзи тушди. Аёл уни кўрмаганга олди. Гўё фавворани артган киши бўлди. Бўроннинг қони қайнаб кетди. Хотинини бўралатиб сўкди-да, дарвозахона томон шошди.

У жиянларини қайтариб келди. Сўнг ювинтирди. Хотинига дўқ-пўписа қилиб нонушта тайёрлатди. Кейин машинага миндирди-да, ўзи билан бирга олиб кетди. Фароғат ҳеч нарсани тушунмай қолаверди.

— Жиян, — деди Бўрон ёнида ўтирган Сожидага, — нима бўлди?

Қизчадан садо чиқмади. У тоғасига термилган кўйи ўтираверди. Кўзлари эса ёшга тўлди. Қандайдир нохушлик бўлганини сезган Бўрон йўл чеккасига чиқиб машинасини тўхтатди. Ўгирилиб Сожидага қаради-да, саволни такрорлади. Сожида бир муддат жимликдан сўнг ойсининг касалхонада эканлигини айтди.

— Нега?! Нега касалхонада бўлади?! Нимага аввалроқ айтмадинглар?! — деди жаҳли чиқиб Бўрон.

Қизлар унинг бақириб гапирганидан нотўғри иш қилиб қўйгандай кўрқиб кетишди. Кичкинаси ҳатто йиғлай бошлади.

— Даданг қаерда? — сўради Бўрон юмшоқ оҳангда.

— Уйдалар, — жавоб қилди Сожида.

Бўрон машинага газ берди. Янги “Мерс” гижинглаган отдай учди.

Гайбулло аллақачон уйғонган, чой ҳам ичишга улгурган, ишга кетишга ҳали эрта бўлгани учун телевизор кўриб ўтирарди. Болалари, хотинини бутунлай эсидан чиқарганди. Тўғрироғи, эсида эди, лекин қўл силтади. “Озгина сарсон-саргардон бўлиб юришса, қадримга етишади”, деб ўйлади.

Эшик қўнғироғи жиринглаганида: “Қизларим келди”, деган хаёлга борди. Шу боис, бемалол ўтираверди. Қўнғироқ кетма-кет асабий шовқин солаверганидан жаҳли чиқди. Сўкинганча эшикни очди-ю, башарасига теккан муштан орқасига қулади. Бир муддат кўз олди қоронғилашди. Шоша-пиша ўрнидан тураётганида, биқинига ҳам тепки тегди. Бу сафар умбалоқ ошиб кетган эса-да, оёққа туришининг иложини қилди. Кўрдик, рўпарасида қайноғаси ту-

рибди. Ичидан бир нима чирт этиб узилди, эти музлаб кетди.

— Ҳароми! — деди Бўрон ўшқириб. — Ҳеч ким сўрамайди, деб ўйладингми?!

— Акажон! — деди кўзидан дув-дув ёши оқиб Файбулло. — Айбим нима?!

— Ҳали нима қилганингни билмайсанми?! Айтайми?! Бечора жиянларим кўчада изғишса, синглим касалхонада ётса, сен бу ерда ҳеч нарса бўлмагандай талтайиб ўтирсанг!..

— Қизлар кеча ойисининг ёнига кетишувди. Кечаси билан ухлаганим йўқ, ака! Одамнинг иситмаси чиқиб туради-да. Ўзим ҳозир сизга хабар бермоқчи бўлиб турувдим. Хотинимнинг озгина мазаси йўқ. Ўз-ўзидан давления...

— Қайси балнисада? — сўради Бўрон унинг гапини бўлиб.

Файбулло додиреди, нима дейишини билмай, кўзи ўйнади. Буни кўрган Бўрон баттар тутақиб кетди.

— Ҳали, сен ифлос, унинг қаерда ётганиниям билмайсанми? Ўз ёстикдошингни-я!..

Гапнинг давоми муштлашувга айланиб кетди. Файбулло икки қўллаб башарасини яширди. Сўнг букчайиб қолди. Унинг бундай қилиғи Бўронни баттар газаблантирди. Шунчалик газабландики, куёвини уришдан ҳазар қилиш даражасига борди.

Ёнидан қўл телефонини чиқарди. Ўзининг фирмасида ҳамширалик қилаётган қизга қўнғироқ қилиб, синглисининг исми-шарифини айтди-да, қайси касалхонадалигини зудлик билан топишни буюрди. Сўнг нафрат билан куёвиге боқди. Яна бир-икки марта тегишни мўлжаллади-ю, лекин тепмади. “Буни уришам ҳайф! Қўлим кирланади”, деб ташқарига чиқиб кетди. Ҳали йўлақдалигидаёқ, ҳамшира қўнғироқ қилиб Раънонинг қайси касалхонада эканлигини айтди.

Бўрон синглисини бориб кўрди. Сингил акасини кўрганида унга қараб қотиб қолганди. Бирин-кетин палатага қизлари кириб келганидан кейин эса йиғлаб юборди. Ўпкаси тўлиб, ўксиб-ўксиб йиғлади. Болаларини кучди, юз-кўзларидан ўпди. Уларни шундай бахтиқаро қилиб қўйгани учун

кечирим сўрамоқчи бўлди-ю, тилини тийди. У акасининг олдида эри ҳақида ёмон гапиролмасди. Лекин ичи тўлиб кетганди. “Шу одамга тегмаганимда, сизлар бундай кўргиликларни кўрмаган бўлардинглар... Дадангнинг пасткашлигини кошки аввалроқ билсайдим”, демоқчи эди у.

Она-болалар йиғлаб-сиқтаб кўришишгач, Бўрон синглисидан аҳвол сўради (агар уйига жиянлари бормаганда синглиси борлигини ҳам унутганди). Кейин Раъно ойисини соғиниб кетганини айтди. Ана шу гап Бўронни эзиб юборди. Бироқ эри тўғрисида, касаллиги ҳақида лом-мим демади.

— Ҳаммасининг тагига етаман. Мени кечир, — деди Бўрон ва жиянларини ёнига олиб касалхонадан чиқиб кетди. Йўл-йўлакай Шоҳруҳни эслади. “Юргандир бирон жойда санқиб”, деган хулосага келди.

Машина шаҳарнинг текис йўлида елдай учиб бораркан, тўрт опа-сингилнинг митти юракчаларини кўрқув эгаллай бошлади. Чунки уларнинг ҳеч бири Фароғат янгаларини кўргилари йўқ эди. Унинг хўмрайган башарасини кўришдан чўчишарди. Аммо тоға уларни бутунлай бошқа ёққа, иккинчи хотининикига олиб кетаётганини билишмасди.

Истараси иссиқ, йигирма беш-ўттиз ёшлар атрофидаги жувон дарвозанинг кичик табақасини очиб, Бўронга салом берди, қизларга кўзи тушгач, юзида табассум пайдо бўлди. Қизларнинг ҳар бирини айланиб-ўргилиб юзларидан ўпди. Бир-биридан ширин гапларни гапириб ичкарига таклиф қилди.

Гарчи уй сўнгги модадаги “мушук” услубида қурилмаган эса-да, ҳамма жойи саранжом-саришга эди. Ҳовли ўртасига турли анвойи гуллар экилган, улар турли-туман очилиб, одамнинг кўзини қувнатар, кайфиятини кўтарарди.

— Опа, опа, — деди шошиб қолган қизларнинг кичиги Сожиданинг қўлидан тортқилаб. — Қаранг гулларнинг чиройлилигини. Ҳидиям роса ширин бўлса керак-а!

Сожида жилмайди, аввал тоғасига, сўнг уларни кутиб олган жувонга қаради.

— Вой, ўзимнинг жоним, — деди аёл, — ёқиб қолдими? Ҳозир узиб бераман.

— Йўқ... Йўқ, — деди қизча шошиб. — Узманг, йиғлайди!

Қизчанинг ширин талаффузда гапирганидан ҳаммалари кулиб юборишди.

— Йигламайди, — деди Бўрон, — хурсанд бўлади, мени шундай ажойиб қизча олди, деб. Кейин ўрнидан яна бошқаси ўсиб чиқади. Фарангизхон, тезда битта гулдаста қилиб беринг.

— Хўп, — деди жувон Бўронга ажиб табассум ҳада этаркан, — жиянчамиз бир маза қилиб яйрасин.

Гарчи уч қиз унинг сўзларига эътибор беришмаган эса-да, Сожида ҳайрон бўлди. Бу аёлни умрида биринчи кўриши, онаси-ю дадасининг уруғида бундай жувонни учратмаганди. Таниганлари — иккита бир-биридан қовоғи осиқ ва битта улардан тузукроқ янгалари. Жувоннинг исми Фарангиз экан.

Фарангиз уларни меҳмонхонага киритмоқчи бўлса-да, қизлар ошхонада ўтиришни маъқул кўришди. Бўрон бу пайтда ётоқхонага кирган, икки кишилик каравотга чалқанча ётиб шифтга термилганча янада кўп даромад қилишни ўйларди. У газетада ўқиб қолди: бир рус миллиардери кунига эллик миллион доллар ишларкан. Эллик миллион! Айтишга осон. Тўғри, улар маблағининг катта қисмини чет эл банкларига фоизга бериб қўйишади. Лекин шу билан бирга ишлаб чиқаришга йўналтирилганлари ҳам оз эмас-да. Бўрон улардек бўлишни кўпдан орзу қилади. Ўзи ҳам, эллик миллион бўлмаса-да, ҳар қалай, салмоқли пул топгиси келади. Тинимсиз ишласа, ҳар бир ишга қўл урганида қоплаб пул пайдо бўлса... У шундай ширин ўйларга берилиб жиянларини унутди. Пул унинг учун ҳамма нарса. Бундай пайтда унинг хаёлини бошқа майда-чуйдалар эгаллаши мумкин эмас. Унинг назарида фақатгина бойлик дунёни бошқаради. Агар қўлингда жарақ-жарақ пул бўлса, ўз-ўзидан ҳурматинг ошади. Гарчи бировга фойданг тегмасаям. Фақат бугина эмас. Ҳамма ишни битиришинг мумкин. Ҳатто ҳокиму ҳукамо бўласан. Аслидаям шундай-да. Қайси аҳмоқ бой бўлибди? Фаҳм-фаросатинг, ақлинг бут бўлса, зебу зар орқангдан қувиб юради. Хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам чўнтагингга кириб олади...

Хонага Фарангиз кирди. Юзида табассум, кулгич. Айни шунинг учун Бўрон уни севиб қолган.

Фарангиз қиз бола эди. Университетда беш йил ўқиган,

кейин яна озгина ишлаган, шу билан ёшини йигирма бешдан ўтказиб қўйган. Одатда, бундай пайтда йўқ жойдан “ўтирган қиз” деган тамға босилади (эшитишимча, дунёнинг баъзи давлатларида қиз йигирма бешга кирмагунча турмушга чиқмаскан). Фарангиз ҳечам “ўтириб қолган” қизга ўхшамасди: мафтункор, ёш кўринарди. Ошиқлари ҳам кўп эди, лекин у орзу қилган йигит учрамади. Кутилмаганда Бўроннинг чангалига тушиб қолди.

Диёра исмли дугонасининг тўйига борганда “сотка” сига ойиси қўнғироқ қилиб тоби қочганини айтди. Қиз тўйда ўтиролмади. Келинга билдирмасдан бошқалардан узр сўраб, тўйхонадан чиқди. Такси тўхтатмоқчи бўлганида, ёнига кутилмаганда “иномарка” тўхтаб, ойнаси очилди. Фарангиз бунақа машиналарга чиқавермасди. Назарида, бунақанги улов эгалари пул ишлаш учун одам олмайди, кўзига яхши кўринган қизларни ўтказиб, улар билан шунчаки гаплашиб кетади. Ҳозир эса бошқа машина кутишнинг мавриди эмасди. Фарангиз шошиб манзилни айтди.

— Ўтиринг, айнан шу ёққа кетаётгандим, — деди ҳайдовчи жилмайиб.

Қиз кира ҳақини сўради.

— Минаверинг-чи, бирон нима берарсиз, — деди улов эгаси.

Улар икки дақиқагина, машина жойидан жилгунича гаплашишмади, холос. Сўнг то манзилга етгунларича галмагалдан гапириб кетишди. Фарангизнинг бегоналар билан гаплашадиган одати йўқ эди. Аммо шу сафар гапирди. Сабабини ўзи ҳам билмайди. Ўзининг оиласи, тўйи бўлаётган дугонаси тўғрисида, ойисининг кутилмаганда бетобланиб қолгани ҳақида... Ҳайдовчи унинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан эшитди. Ўша дамда унинг шумлик қилиш, амаллаб қизнинг кўнглини топиб уни ишратга бошлаш нияти йўқ эди. Шунчаки, йўл бўйида турган қизнинг ёнида машинасини тўхтатди. Ҳаттоки улов секинлаётганида: “Нега тўхтаяпман?” — деб ҳам ўйлади. Хуллас, қизнинг майин сўзлашлари, ҳар-ҳар замон жилмайиб қўйиши, табассум қилган пайти пайдо бўладиган кулгичи Бўроннинг меҳрини уйғотди. Бунда ҳали эҳтирос кўринмаган эди.

Бўрон машинасини Фарангизларнинг уйи ёнгинасида тўхтатди. Сўнг:

— Уйингизга кириб кўринг, мабодо яна бирон жойга обориш керак бўлса, савобни тўлароқ қиламан, — деди.

— Майли, бораверинг, сизни овора қилиб қўяман, — дея рад этди қиз.

— Биз дўстмиз. Дўстлар бир-бирларини бундай пайтда ташлаб кетмасликлари керак. Сиз тезроқ онангизнинг ҳолидан хабар олинг. Агар яхши бўлсалар, хабар қилинг, — деб Бўрон Фарангиз ўтирган томон эшигини ўзи очиб берди.

Ўн дақиқалар чамаси вақт ўтгач, кўчага чиққан қиз жилмайиб:

— Сизни куттириб қўйганим учун узр. Ойим яхши экан. Озгина қон босими ошган экан. Дорилари бор. Ичириб қўйдим. Дарров ўзларига келдилар. Касалхонага оборишнинг ҳожати йўқ. Юринг, энди бир пиёла чой ичиб кетинг, — деди.

Бўрон кирмади. Қизнинг телефон рақамини олиб машинасини юрғизди.

Орадан икки кун ўтиб, улар тагин кўришишди. Ўтган кунлар мобайнида Бўрон қизнинг гапиришларини, майин боқишларини, табассумли кулгичини эслаб юрди. Кейин кўнғироқ қилди. Қизнинг салом-алиги бошқача эди. Ҳар бир сўз талаффузидан кейин кулги эшитиларди.

Бўрон уни ресторанга кечки овқатга таклиф қилди. Иккиланишлардан кейин Фарангиз кўнди.

Беш-олти учрашувдан кейин ҳам Бўрон ҳеч бир ортиқча ҳаракат қилмади. Бунақанги шоҳона ўтиришларнинг сабабини қиз ҳеч тушунолмасди. Бўрон ҳамиша у ёқ-бу ёқдан гапирар, латифалар айтиб кулдирарди. Шундай кунларнинг бирида сабри чидамаган қизнинг ўзи эндиликда анча қадрдон бўлиб қолган, бир қарашда олижаноб инсон кўринган Бўрондан зиёфатлар сабабини сўради.

— Мен ҳам одамман, — деди Бўрон чуқур тин олиб, — шундай экан, одамга ўхшаб ўтиришга ҳақим бор. Ҳар куни қовоқ-тумшуқ қилиб кутиб оладиган оила, иш деб жонни ҳалак қилишдан чарчадим. Маза қилиб гаплашадиган самимий суҳбатдошнинг гадосиман.

— Мен... Мен ҳам бир куни жонингизга тегиб қолсам

керак. Кўриниб турибди, таъбингиз жудаям нозик. “Ортиқча гап айтиб қўймадимми?” — деб ўйлаб юраман.

Бўрон кулди, сўнг:

— Қўлингиздан келмайди. Ҳечам қўпол гапиролмайсиз. Майли, бу гапларни қўя турайлик, — деб Бўрон тагин мавзуни бошқа томонга бурди.

Учрашувлар сони ўндан ортганидан сўнг Фарангиз бутунлай унга ўрганиб, ишониб қолганидан кейингина Бўрон уни дала ҳовлисига олиб борди. Кечгача иккаласи чақчақлашиб ўтиришгач, у қизнинг қўлидан ушлади. Ўпди. Аста-секин ўпич юздан дудоққа кўчди.

Қолганини Бўронниқига қўшилиб Фарангизнинг эҳтироси бажариб ташлади.

Қиз йиғлади. Ўксиб-ўксиб йиғлади. Сўз айтмади. Ҳатто Бўрондан: “Энди нима қиламан? Қандай бош кўтариб юраман? Сизга ишонгандим. Ишончимдан фойдаландингиз!” — демади. Шунчаки йиғлайверди.

Эртасига, индинга улар яна учрашишди. Орада қандайдир хафалик бордай эди. Бўроннинг ҳам гаплари аввалгидай ёқимли чиқмас, узук-юлуқ эди. Охири у чидамади.

— Фарангиз, — деди қизнинг кўзига тикилиб, — мен сизга уйланаман.

Қиз аччиқ жилмайди.

— Уйланаман?! — дея қиз унинг гапини такрорлади. — Қандай қилиб? Хотинингиз, бола-чақангиз бор-ку?!

— Мен сизга уйланаман дедимми, тамом, уйланаман. Бошқа нарса мени қизиқтирмайди.

— Менга ичингиз ачиганидан шундай деяпсизми? “Камбағал қиз, отаси ташлаб кетган, ёлғиз онаси билан туради, бунинг устига, бокира эмас. Бундан бу ёғига кўча қизига айланиб кетиши ҳеч гапмас!” — деб ўйлаяпсизми?!

— Йўқ, — дея унинг гапини бўлди Бўрон, — сиз айтган нарсалар мени умуман қизиқтиргани йўқ. Ўз ҳаловатимни ўйлаяпман. Пул топаяпман. Энди шунга яраша яшашим керак. Шунчаки юришим ҳам мумкин эди, лекин сиз билан шунчаки юролмайман. Чунки яна битта одам орамизга қўшилиб қолса, чидолмайман. Бўлди, ортиқ тушунтириб беролмайман.

Фарангиз дарров рози бўлмади. Ўйлаб кўриш учун вақт сўради. У ич-ичидан хурсанд эди. Тўғри, олдинда кундош-

лик балоси турибди. Лекин нима бўлган тақдирдаям, у жазман эмас, бировнинг ҳалол хотини бўлади. Шуниси муҳим, қолганини эса вақт кўрсатади.

Бўрон Фарангизнинг розилигини олгач, унинг ойисининг ёнига ўзи борди. Харобгина ҳовлида, чорпоя устида сочлари қордай оппоқ кампирни кўриб, бир сесканиб тушди. У Фарангизнинг онаси анча ёш бўлса керак, деб ўйлаганди. Тўғри-да, қизи эндигина йигирма бешга кирган бўлса, онаси кўпи билан элликлар атрофида бўлиши керак-да. Аёлнинг кўриниши камида саксон ёшга кирган кампир қиёфасида, мияси ҳам кирди-чиқди бўлиб қолганга ўхшарди.

— Ойижон, — деди Фарангиз жилмайиб волидасига боқар экан, — мана, Бўрон акам келдилар.

Аёл бошини қимирлатди. Гўё аввалдан уни танийдигандай қизининг гапини тасдиқлаган бўлди.

Салом берган бўлғуси куёв чорпоянинг бир четига омонатгина ўтирди. Фарангиз чой дамлаш учун ошхонага кетди. Шу маҳал аёл ўзидан-ўзи йиғлади. Елкалари силкиниб-силкиниб йиғлади. Бўрон зўрға чидаб, унинг йиғидан тўхташини кутди. Ниҳоят, у ўзини босди. Кейин ўксик оҳангда сўзлади. Эрининг ўлгани, қариндош-уруғларининг қарамай қўйгани, бировларнинг уйини тозалаб кирини ювганларини, ҳамма унга паст назар билан қараганини куйиниб гапириб берди. Умрининг охирида: “Ўлғизгина қизим яхши кунларни тўхфа қилади”, деган умид билан яшаб юрганида, бола-чақали одам харидор бўлиб келганини эшитиб, сал бўлмаса ўзидан кетиб қолаёзганини айтди.

Бўроннинг бахтига Фарангиз келиб қолди. Ойисининг ёнига ўтириб уни маҳкам қучоқлади. Сўнг:

— Ойи, мен, албатта, бахтли бўлман, сиз хавотир олмаган, — деди.

Бўрон икки пиёла чой ичиб, дили хуфтон бўлиб ташқарига чиқди. Машинасига ўтириб рулга бошини қўйди. Бир хаёл кириб аёлдан ёшига мос келмайдиган ишни қилиб уни хафа қилиб қўйгани учун кечирим сўрамоқчи бўлди. Аммо шу пайт ёнига Фарангиз келди. Илк мартаба ўзи уни қучиб ўпди.

— Ойимдан сира хафа бўлманг, эндигина эллик бешга кирганлар. Лекин бир умр ғам-ғуссада яшаганликлари боис,

сочлари оқариб кетган. Юзларига сон-саноқсиз ажин тушган. Ҳаммасини тушунтирдим. Рози бўлдилар, — деди у жилмайиб.

— Фарангиз, ойингиз ҳеч қачон кўзингизда ёш кўрмайди. Ваъда бераман. У киши мендан бор-йўғи саккиз ёш катта экан. Уялиб кетдим. Ўзимни роса сўкдим... Бугуноқ сизнинг номингизга уй оламиз.

Унинг гапига ҳайрон бўлган Фарангиз Бўронга тикилиб турди-да:

— Нега? — дея сўради.

Бўрон изоҳ бергиси келмади. Фақат қизнинг юзидан ўпиб кўйди.

— Боринг, ойингиз хафа бўлиб қолмасин, — деди.

Уч кун ўтгач, Фарангиз ойисини олиб, оддийроқ кварталдан сотиб олинган икки хонали уйга кўчиб кетди. Ойиси: “Дадангнинг чироғи ўчиб қолади”, деб аввалига роса оёқ тираб турди. Фарангиз ялиниб-ёлвориб туриб олгач, ноилож кўнди.

Бир ярим ой мобайнида Фарангизларнинг ҳовлиси таъмирланди. Энди у аввалгидан бутунлай ўзгариб кетган, кўрган одамнинг кўзини қувнатарди. Фарангизнинг ойиси эса ўз уйини таниёлмай гарангсиди. Кейин бирдан ғамгин бўлиб қолди.

Тўй бўлди. Ресторанда. Келиннинг ёнида Бўроннинг ўрнига бошқа бир йигит ўтирди. Икки юз доллар эвазига.

Энди Бўроннинг вақти жудаям тиғизлашиб қолганди. Тўғри, у уйланганини Фароғатга айтмади (айтиб кўрсинчи, шу куни охирзамон бўлади), иши кўплигини баҳона қилиб кун ора уйига бормайдиган бўлди.

Фарангизнинг ойисини ғам аллақачон адоёи тамом қилган экан. Олти ойга бормади. Лекин ўтган олти ойда маза қилиб яшади. Доим хурсанд ўтирарди.

Шу воқеалардан кейин ҳам тўрт йилдан ортиқ вақт ўтди. Мана ҳозиргача чиройини йўқотмаган Фарангиз унинг ётоғига кириб турибди. Ҳеч қачон унинг жамолига тўймаган Бўрон мол-дунёни ҳам унутиб унга тикилиб қолди.

— Тинчликми? — дея унинг ёнига келди Фарангиз. — Саҳарлабдан жиянларингиз...

— Сенгаям ёқмадими улар? — деди Бўрон бирдан унинг гапини бўлиб.

— Нега ёқмаскан? Хурсанд бўп кетдим. Ишқилиб, икки уч-кун туришармикан? Ҳайҳотдай уйда ёлғиз зерикиб ўтирмасдим. Ўзлариям бирам ширин қизларки!

Бўроннинг қовоғи солинди. Ёнбошлади-да, чаккасига қўлини тиради.

— Менимча, икки-уч кун эмас, бир умрга шу ерда қолишади. Раъно ҳезалак билан яшаб, роса абгор бўпти. Ўзи айтмади-ю, лекин менга шундай туйилаяпти. Жиянлардан секин сўра. Агар Файбулло ярамас Раънони унижат қилган бўлса, бориб бурдалаб ташлайман.

Фарангизнинг юзи жиддийлашди. Ётоқдан чиқиб қизларнинг ёнига борди. Уларга боқиб ҳавасланаркан, ичидан бир нарса узилгандай бўлди. Ахир шунча йилдан бери у фарзандли бўлмаётган эди-да.

* * *

Юлдуз кафти билан юзини бекитди. Кўзидан дув-дув ёш оқаркан, тиззалаб ўтириб қолди. Бу пайтда рақибнинг оёғи Шоҳруҳнинг биқинига озор етказиш учун чўзилганди. Йўқ, буниси мўлжалга аниқ етиб бормади. Ўзини бироз олиб қочишга улгурган Шоҳруҳ унинг оёқ бармоқлари устига чунонам мушт туширдик, қарсиллаган овоз чиқди. Юлдузнинг жон-пони чиқиб кетди. У: “Шоҳруҳ бутунлай тамом бўлди”, деб ўйлаганди. Бошини илкис кўтарди. Тўзғиган сочлари бир сидра юзини бекитиб ўтди. Ва бутунлай бошқа манзарани кўрди. Шоҳруҳ қадди ростланган, занжирдан қутулган шердай турган бўлса, рақиб эса оёғидан яраланган сиртлонни эслатарди.

Муштлашув яна икки дақиқача чўзилди. Шоҳруҳ душманининг ожизлигидан фойдаланиб, икки марта жағига мушт туширгач, у ерга йиқилди-да, ҳушидан кетди. Унинг ҳам бошига Калитнинг куни тушди. Фақат бу сафар оқсоқол ўзини ортиқ уринтирмади. Сигаретидан чиқаётган тутунга ўпкасини тўлдирди-да, қултуллади пиво ичди, сўнг ёнидаги шотирига мағлубни бутунлай мағлубга айлантди-ришни имо-ишора билан тушунтирди.

Шоҳруҳ титрарди. У чолга ўтқир нигоҳини қадаб:

— Эркак сўзидан қайтмайди. Сўзидан қайтган — эркак бўлмайди. Юбка кийиб юради, — деди.

Шундоғам зўрға ўтирган чол бошқаларни ҳайратда қолдириб ўрнидан турди-ю, икки марта сальто қилди-да,

Шоҳруҳнинг ёнгинасида пайдо бўлди ва ҳассасини унинг бўйнига тиради.

— Эркаклик қанақа бўлишини менга ўргатайсанми?! — дея чинқирди чол. — Юз метр наридан ўрмон бошланади. Агар бир дақиқа ичида кўзимдан йўқолмасанг, баданингни тешиб ташлайман. Вақт кетди.

Шоҳруҳ билан Юлдуз бир-бирига қаради.

— Югурдик, — дея бақирди қиз ва йигитнинг қўлидан ушлаб тортқилади.

Яланглик билан ўрмон ораси юз метрдан кўп эди. Бир дақиқа ичида босиб ўтиш амри маҳол, лекин ягона чора шу бўлганидан кейин чиқмаган жондан умид қабилда иш тутишдан ўзга илож йўқ эди-да.

Гарчи Юлдуз бироз дам олган эса-да, Шоҳруҳ муштлашувдан кейин анча чарчаганди. Шу боис, югуриш оғир кечди. Шундай эса-да, у тишини тишига босиб олдинга интилаверди.

Юлдуз вақтни ўзича ҳисоблаганми ё кўнгли сезганми:

— Ётдик! — деб бақирди.

Улар ерга ағанашлари билан ортларидан кетма-кет беш марта гумбурлаган овоз эшитилди.

Қуролларнинг овози қочаётганлар кучига куч қўшди. Улар энди аввалгидан-да тезроқ югуришар, ора-чора оёқлари чалишиб умбалоқ ошиб кетишарди. Ажабланарли томони, бошқа ўқ отилмади. Юлдуз ҳатто: “Чол шафқат қилди”, деб ўйлашга ҳам улгурди.

Чол эса бу қалтис ўйинга беш минг доллар тикканди. Кимда-ким ҳовлиқиб қочаётган йигит билан қизни ўрмонга етиши билан отиб ўлдирса, мукофот шуники бўларди. Лекин уларнинг биронтасиниям ўқи тегмади. Сабаби, қочоқлар айни ўша пайт йиқилишганди. Визиллаб учиб келган темир парчалари дарахтларнинг шоҳларига тегди, таналарига санчилиб озор берди.

Шоҳруҳ билан Юлдуз ўринларидан турмоқчи бўлганларида, орқадагилар яна қўлларидаги матоҳларини ишга солишди. Бу сафар Юлдуз яраланди. Ҳамманинг назарида кўзи ожизланиб қолган оқсоқол отган ўқ унинг қўлини ялаб ўтганди. У ерга йиқиларкан, инграб юборди. Шоҳруҳ бирдан эмаклаб унинг ёнига келди.

— Сиз кетинг! — деди оғриқ азобидан чиройли юзи қизарган Юлдуз. — Кетинг!

— Қаерингизга тегди? — сўради қизга қараб ундан ҳам кўпроқ қийналиб кетган Шоҳруҳ.

— Қўлим... Қўлим! — дея зўрға гапирди қиз.

— Ҳечқиси йўқ. Бирга кетамиз, — деб Шоҳруҳ унинг соғ кўлидан ушлаб ўрмон томонга тортқилади.

Худо шу сафар ҳам улардан мурувватини дариф тутмади. Ўрмонга амаллаб кириб олишлари билан ёмғир шовуллаб ёғишни бошлаб юборди. Бундай пайтда узоқдан мўлжални аниқ олиш оғир. Ўқ отиш тўхтади. Ўрнини қийқириқлар эгаллади. Бирпасда сочлари жиққа ҳўл бўлган Юлдуз дарахт танасига суяниб, жовдирабгина Шоҳруҳга боқди. Чимиллаган оғриқ вужудига азоб берар, узун киприклари пирпирар, йиғлар, аммо ёмғир кўз ёшини ювиб кетаверарди.

— Ҳозир яна бизни ушлашади, — деди у.

Шоҳруҳ шундагина унинг йиғлаётганини сизди. Дарров бағрига босди. Шу он анча нарида ўрмоннинг қинғирқийшиқ, ўйдим-чуқур, тор йўлидан “Виллис” келаётганига кўзи тушди.

— Жа унчаликмас-у, лекин имкониятимиз бор, кетдик, — дея Шоҳруҳ қизни кўлтиқлаб олди.

Бор-йўғи бир дақиқадан кейин улар келаётган машинага рўпара бўлишди. Шоҳруҳ бир кўлини юқорига кўтариб:

— Тўхта! Тўхта! — деб бақирди.

Ҳайдовчи озгина овсар шекилли, йигит билан қизни уриб юборишига сал қолди.

Машина тўхтади. Ҳайдовчи кабинадан тушди. Шунда Шоҳруҳ унинг мастлигини сизди.

— Ўлгинг келдими, эшак?! — деб бақирди ҳайдовчи. — Кўрмай қолганимда мажақлаб кетардим!

— Ҳозир ўзинг ўлиб кетасан, бандерлар “уй”ига бораяпсан! — бақирди унга Шоҳруҳ.

— Бандер!.. — деб ўшшайди у. — Бир кўрай ўша бандерларингни. Анчадан бери кўришга ошиқиб юрардим.

Унинг кўзлари сузилиб турган эса-да, сўзлари дона-дона чиқаётганди.

— Мен-чи, — гапида давом этди у, — хохолман. Фарбий хохол. Томиримда бандерлар қони оқади. Улар, — деб ҳайдовчи бир кўлини юқорига кўтарди, — каллакесар бўлишган.

Шоҳруҳ қараса, ҳали-бери у сўзлашдан тўхтамайдиган. Агар унинг эзмаланишига қулоқ тутиб тураверса, чолнинг одамлари етиб келиши аниқ.

— Ҳов, бандер! — бақирди Шоҳруҳ. — Мошинани тезроқ орқага бур!

— Ни-ма?..

Хохол ортиқ гапиролмади. Сабр қосаси тўлган Шоҳруҳ жағига бир мушт уриб, ерга ағдарди. Сўнг қўлтиғидан ушлаб кўтарди-да, машинанинг орқа ўриндиғига ётқизди.

“Виллис” ортга ўгирилиб икки метр юриши билан орқа чироқлар чилпарчин бўлиб кетди.

— Тезроқ ҳайданг! — дея бақирди Юлдуз. — Яқинлашиб қолишибди.

— Ётинг, бошингизни кўтарманг!..

Шоҳруҳнинг сўзлари ҳали ҳавода муаллақ турганида орқа томонни кўрсатадиган ойнага ўқ тегди. У газни босди. Шу билан бирга йўлдан кўзини олмади. Албатта, бундай қинғир-қийшиқ йўлда юришнинг ўзи бўлмасди. Агар озгина мўлжалдан адашса, осмонўпар дарахтларнинг бирига урилиб, қуваётганларга тайёр ўлжа бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Шоҳруҳнинг чайир қўллари рулни гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга бурар, оёқлари тинимсиз педаллар устида ҳаракатланарди.

Тобора ортда қолаётган “овчи”лар бақирисар, сўкинишар, машинага қарата тинимсиз ўқ отишарди. Аста-секин темир парчаларининг учиши тинди. Шоҳруҳ чуқур нафас оларкан, “Виллис” тезлигини сусайтирди.

Ёнида ўтирган Юлдуз ярадор қўлини ушлаб:

— Им! — деди.

— Оғрияптими? Озгина чиданг. Ҳозир бирор чора топамиз. Дори, дока-пока топилар...

Шоҳруҳ қолган гапларни айтолмай қолди. Шу пайтгача орқа ўриндиқда ётиб келаётган ҳайдовчи кутилмаганда қаддини ростлади-да, бирдан Шоҳруҳнинг бўйнидан бўға бошлади. Унинг семиз қўллари йигитни нафас олдирмай кўйди. Шунда ҳам у машинани бошқаришда давом этаркан, ҳайдовчининг қўлини олиб ташлашга уринарди. Бироқ бақувват билаклардан қутулишнинг ҳеч иложи бўлмас, аста-секин унинг кўзи тина бошлаганди.

Юлдуз соғ қўли билан Шоҳруҳнинг орқасидан кучоқлаб

олган кимсанинг башарасига бир-икки марта уриб кўрди. Аммо у “ўлжа”сини қўйиб юбормади. Шунда жаҳли чиққан қиз:

— Қўйиб юбор, ярамас! — дея бақирганча кўзига қўлини тиқиб олди.

— Вой, аҳмоқ қиз! — бақирди ҳайдовчи ва Шоҳруҳни қўйиб юбориб юзини бекитди.

Шоҳруҳ гўё дунёга қайта келгандай бўлди. Шунақанги шошиб нафас олдики, овози хириллаб кетди. Бу пайтда машина танаси бир қулоч келадиган дарахтга етишига оз қолганди. Йигит тормозни босди. Машина сирпаниб дарахтга урилди. Ҳартугул, унчалик қаттиқ эмас. Фақат орқадаги бандер Шоҳруҳнинг ўриндиғига калласи билан урилди. Йигит сўкинганча “Виллис” эшигини очди-да, сакраб пастга тушиб, энди-энди кайфи тарқай бошлаган бандерни машина салонидан суғуриб олди. Аямасдан қорнига, жағига мушт туширди. Сўнг ўзидан кетиб қолган ҳайдовчини яна жойига ётқизиб машинанинг олдини кўрди. Бампер қийшайибди, чироқлар синган. Уловнинг шикастланган жойига қараб Шоҳруҳ бир четга “чирт” этказиб тупурди ва рулга ўтириб моторни ўт олдирди. “Виллис”нинг жони қаттиқ бўлади, деб бежиз айтишмаган экан. У ҳеч нарса бўлмагандай аввал орқага, сўнг олдинга юрди.

Бироздан кейин ўрмон тугади. Яланглик бошланди. Беш километрча нарида қандайдир қишлоқ қорайиб кўринарди.

Бу пайтда Юлдуз бошини деразага суяб, оғриқни енгиш учун кўзини юмиб олганди. Шоҳруҳ унга тез-тез қараб қўяр, бирор кор-ҳол бўлмасидан қишлоққа етиб олиш учун нисбатан текис бўлган йўлдан машинани мумкин қадар тезроқ ҳайдаб кетарди.

— Қайси гуноҳим учун урдинг?! — деган дўриллаган овоз келди бир маҳал.

— Овсарлигинг учун, — деди Шоҳруҳ орқа ўриндиққа бир қараб қўйиб.

— Одаммас экансан, — деди ҳайдовчи ва оғзидаги қонни машина ичига тупурди, — ҳам уловимни олдинг, ҳам урдинг. Биласанми, бунинг учун сени неча йилга қамашади?

— Агар тирик қолсанг, ўша қамайдиганларга бориб айтишнинг уддасидан чиқсанг, улар мени ушлаб олишса, ундан кейин...

Шоҳруҳ гапираётиб Юлдузга қаради ва унинг ўқ теккан қўлидан тинимсиз оқаётган қонни кўрди-ю, бирдан машинага тормоз берди. У шоша-пиша кўйлагини ечаётганида орқада ўтирган ҳайдовчи ҳам қизнинг ярадор қўлини кўриб қолиб:

— Қизгина қийналибди-ку, — деб Шоҳруҳнинг елкасидан туртди, — бардачокни оч, ичида аптечка бор. Оғриқни қолдирадиган, қон тўхтатадиган дорилар бор. Бинт ҳам.

Ярани боғлашга Шоҳруҳ уқувсизлик қиларди. Умуман олганда, у биринчи марта бунақанги ярани боғлаши эди. Унинг қўлидан бандер олди. У гарчи семиз бўлса ҳам, чаққонлик билан керакли дориларни суртиб бинт билан маҳкам боғлади. Сўнг:

— Ўн йил фельдшерлик қилганман. Уста эдим. Қадримга етишмади. Ичишимни баҳона қилишди. Мана энди ўрмондаги майда-чўйда ишларни қилиб юрибман, — деб бандер машина бардачоғидан озгинаси ичилган ароқ шишасини олди. Шишани оғзидан ичмоқчи бўлди-ю, лекин негадир ичмади. Юлдузга тутди.

— Озгинаси оғриқни босади. Мендан кейин барибир ичмайсан, — деди.

Бир қултум ютган қизнинг нафаси бўғилиб қолаёзди. Бир-икки марта ютганидан кейин лабини артиб:

— Шундай аччиқ нарсани қанақа қилиб ютасизлар? — деди.

Ҳайдовчи ўшшайди.

— Охирги пайтларда ширинлик қиляпти. Қўшним Меколга ўхшаб қалампир қўшсамми деб ўйлаб юрибман, — деб бандер шишани кўтарди. “Қулт-қулт” этган товушлардан сўнг шиша яримлади. У газак учун сигарета чекди. Тутунни ташқарига пуфлаётиб:

— Анавилар, — деб ўрмон тарафни кўрсатди, — изларингдан келмаяптими?

Шоҳруҳ бирдан у кўрсатган томонга қаради-ю, кўзи иккита қоп-қора “Жип”га тушди.

Ўнқир-чўнқирлардан отилиб тушаётган машиналар танкдай бостириб келарди.

Шоҳруҳ шошиб рулга ўтирди.

— Қоч, — деди унинг ёнига келган бандер, — сен бунга ҳайдолмайсан. Ўзим боғлайман.

Шоҳруҳ пастга тушиб ўтирмади. Салон ичидан орқа ўриндиққа ўтиб олди.

— Қани, тулпор, кучингни уларга бир кўрсатиб қўй, — дея ҳайдовчи бирдан газни босган эди, “Виллис”нинг тезлиги ошди. Машина ичида Юлдуз билан Шоҳруҳ коптокдай у ёқдан-бу ёққа чайқала бошлашди. Ҳар иккиси ҳам бир неча марта бошларини уриб олишди. Ҳайдовчи эса хохолаб кулар, қилаётган ишидан завқланарди.

“Жип”дагилар эса ҳайрон: эски, туртсанг тўкиладиган аҳволга келиб қолган машина кутилмаган тезлик билан узоқлашиб кетаётганди.

Ҳартугул, “Виллис” ярим соатлардан кейин “ўзини босиб” олди. Текис асфальтда машина оҳиста елиб борарди.

— Агар, — деди ранги оқариб кетган Юлдуз, — яна озгина шунақа юрганимизда, орқадан келаётганларнинг қувишларига ҳожат қолмасди.

— Мени “қутурган Яша” дейишади. Қоним қайнадимми, тўхтатиб бўпсан! Қани, олға! — дея ҳайқирди ҳайдовчи.

Кўп ўтмай чап томонга буриладиган йўлга етишди. Аммо Яша машинасини тўғрига ҳайдади. Бироздан кейин бу йўлда юриш мумкин эмаслигини билдирувчи белгига дуч келишди. Аммо бунга ҳеч ким эътибор қилмади.

Кўп ўтмай, Яшанинг бекорга кеккайгани маълум бўлиб қолди. Катта тезликда келаётган “Виллис” йўлнинг ўртасидаги ёғоч тўсиқни бузиб ўтди-да, чамаси беш метрлар нарида шиддат билан оқаётган дарёга шўнғиди. Биргина Юлдуз бақирришга улгурди.

Шоҳруҳ машина чўка бошлаши билан қизнинг қўлидан ушлади. “Виллис”нинг деразасидан чиқишлари билан уларни шиддатли оқим тортиб кетди. Аввалдан бундай бўлишини кутмаган йигит билан қизнинг тезда нафаслари қайта бошлади. Ҳар иккиси ҳам юқорига интилар, лекин бунинг уддасидан чиқишнинг иложи йўқ эди. Оқим худди оёққа чирмашгандай пастга тортаверарди.

Шоҳруҳ бор кучини ишлатди. Пастга тортқилаётган “ёв”нинг кучини енгди, ўзи билан бирга Юлдузни ҳам қутқарди.

Қиз шошиб нафас олаётиб, сувни ҳам ютиб юборди ва кислородга тўймай йўтала бошлади.

Улар шўнғиган жойларидан йигирма беш метрча узоқла-

шиб кетишганди. Дарё қирғоғини қалин дарахтлар қоплаганди. Бунинг устига, ўт-ўланлар ҳам мўл эди. Шу боис, сувдаги одам нариги ёқда ким борлигини кўролмасди. Шоҳруҳ қирғоққа интилар, қизни ҳам ўзи билан бирга олиб кетишга уринарди. Аммо оқим шиддатли бўлганлиги боис, унинг ҳаракатлари зое кетарди.

Маълум муддатдан кейин Юлдуз ҳам ўзига келди.

— Қўйиб юборинг, ўзим сузаман! — дея бақирди Шоҳруҳга. Йигитнинг қўйиб юборгиси йўқ эди. Қўрқарди. Шундай эса-да, Юлдузнинг қўлини бўшатди. Шу ондаёқ оралиқ масофа узоқлашиб кетди. Энди биров-бирова ёрдам беролмасди.

Йигит билан қизга ичи ачидими ёки секинлашадиган пайти келдими, ҳартугул, оқим озгина шаштидан тушди. Шоҳруҳ чарчаганди. Аммо озгина ҳаракат ҳам уни қирғоққа элтаётганди. У беш дақиқалардан кейин дарё бўйидаги ўт-ўланларга ёпишди. Ортига ўгирилиб, қизни кўрмади. Бирдан юраги орқасига тортиб:

— Юлдуз! — дея бақирди. Лекин жавоб бўлмади. Фақатгина дарёнинг шовқин солиб оқаётганигина эшитиларди, холос.

Йигит яна бақирди. Жавоб йўқ. У чарчоғини ҳам унутиб, шоша-пиша тирмашиб қирғоққа чиқди. Сўнг кўзлари жовдираганча дарёга қаради. Қиздан ном-нишон йўқ эди.

“Мумкин эмас, мумкин эмас, у сузишни биларди”, дея пичирлади унинг лаблари.

У кўзларига ишонмасди. Шунинг учун қирғоқ бўйлаб югура бошлади. Ниҳоятда ҳолдан тойганлиги боис, бир неча марта умбалоқ ошиб тушди. Юзини дарахт шохлари тирнади. Шунда ҳам анча сокинлашиб қолган дарё сувидан нигоҳини узмасди. Охири, у бутунлай чарчади. Йиқилди. Ерни муштлади.

— Нега, Нега?! — дея бақирди.

У бир неча сония шу тахлит ётди. Кутилмаганда сувнинг шалоплаётгани қулоғига чалинди. Аввал бошини кўтарди. Товуш қаердан келганини билолмай, қулоқларини динг қилди. Сувнинг шовқини бор, дарахт шохларининг шитирлашлари эшитилади, аммо шалоплашидан дарак йўқ. Шундай эса-да, у ўрнидан турди. Секин қирғоқ бўйлари-ни кўздан кечирди. Юлдузни кўрди. У сувга тегиб турган

дарахт шохига осилиб турарди. Елкасигача сувга ботган, боши эгик, худди шохга илиниб қолгандай кўринарди. Уни кўриши билан Шоҳруҳнинг юраги орқага тортиб кетди.

— Юлдуз! Юлдуз! — дея қичқирди у ва ўт-ўланлар орасидан ўтиб, ўзини сувга ташлади. Етиб боргач, Юлдузнинг белидан қучди. — Ҳозир, ҳозир олиб чиқаман!

Гарчи қиз бутунлай ўзидан кетиб қолмаган эса-да, ҳар эҳтимолга қарши Шоҳруҳ унинг оёғидан ушлаб юқорига тортарди. Шу пайт Юлдузнинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Шарт эмас, — деди.

Икки соатга яқин дам олганларидан кейин йўлга тушишди. Борар манзилларини билишмасди. Мақсадлари, мумкин қадар бу ердан узоқлашиш эди. Шаҳарга бориш режасини эса кейинроққа қолдиришди. Улар кўп юришмади. Ўн дақиқалардан кейин:

— Нега мени ташлаб кетаяпсизлар? — деган овоз эшитилди. Ортларига ўгирилиб қарашса, Яша тебраниб келаяпти.

— Шундай машинам силарни деб сувга фарқ бўлди. машинасиз кераксиз бўп қолдимми?

Йигит билан қиз бир-бирларига қараб жилмайишди.

Яша анча вақтгача очилмади. Шоҳруҳ аввал жиддий, сўнг ҳазил гап қилди. Лекин барибир унинг турқи ўзгармади. Энсасини қотириб бир неча марта йигитга қаради-да, деди:

— Яхшиси, ичимликни қаердан топишни ўйла. “Виллис”да икки шиша қолиб кетди. Ўйласам, ичим ёниб кетаяпти.

Унинг гапини эшитган қиз билан йигит бақа бўлиб қолишди. Кейин қаҳқаҳлаб кулиб юборишди.

— Дардингиз оғир экан, — деди Юлдуз ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб, — ҳозирча иложсиз. Кутасиз энди.

Яша қўл силтади ва қизга хунук қараб:

— Келиб-келиб сенларга дардимни айтдимми? — деди.

Улар икки соатдан мўлроқ юриб, беш-олти уйдан иборат қишлоққа кириб боришди. Кўча-кўйда, уйлар атрофида зоғ кўринмасди. Худди ҳамма ашқол-дашқолларини ташлаб кўчиб кетгандай эди.

— Ана, ҳаммамизга биттадан текин уй. Кириб бемалол яшайверамиз. Маза, — дея мийиғида кулди Юлдуз.

— Текин жойни биров мен учун ўз-ўзидан ташлаб кетади, деб сира ўйламаган эканман, — деди Шоҳруҳ.

Уларнинг иккиси ҳам соф рус тилида гаплашишаётганди. Сабаби, ёнларида Яша бор. Ўзбекча сўзлашса, унинг кўнглига ҳар хил нарсалар келиши мумкин. Ҳар қалай, уларнинг бошларида шундай ўй бор эди.

— Адашасизлар, — дея суҳбатга қўшилди Яша, — анави чўчқаларни кўраяпсизларми?

Қиз билан йигит у кўрсатган тарафга қарашди.

— Уйларини ташлаб кетиши мумкин одамлар, лекин ҳеч ким чўчқаларни ташламайди, — давом этди Яша. — Демак, ароқ ҳам бор. О-о, маза қиларканман-да!

Бу сафар унинг гапи эътиборсиз қолди. Аммо кимнингдир борлигидан дарак берган ҳайвонлар уларни-да қувонтирди.

Қадам олишлар тезлашди. Дикқат-эътибор ҳовлисида чўчқа сайр қилиб юрган уйга қаратилди.

— Иван! — бақириб юборди бир маҳал Яша. — Иван!

“Кимга бақираяпти?” деган маънода қиз билан йигит унга қарашди. Сўнг яна уй тарафга юз буришди. Ҳеч ким кўринмади.

— Қани Иван деганинг? — ҳайрон бўлиб сўради Шоҳруҳ.

— Ҳов ана, дарахтнинг тагига қара, этик кўриниб турибди. Иваннинг этиги. У оёқларини соснага тираб, маза қилиб ётибди. Роса отволган, баччағар. Одатини биламан, икки шишани ағдарган. Қандингни ур, Иван, — дея Яша ўзи кўрсатган томонга югуриб кетди.

Унинг гапи тўғри чиқди. Ҳақиқатан ҳам дарахт тагида ёши элликлар атрофидаги, соч-соқоли ўсиб кетган, устига эски пинжак кийган, бир қарашда пиёнистага ўхшаб кўринадиган одам хуррак отиб ётарди. Ёнида бўшаган шишалар думалаб ётибди.

Яшанинг биринчи ушлагани шиша бўлди. Шунақа “чанқаган” эдики, бўш идишни оғзига тутиб кўрди. Шишадан икки томчи тушди. Шу ҳам унинг чехрасини очди. Ютиниб лабини яларкан, Иванни бир тепди.

— Чўчқа, ҳаммасини ичиб қўйибсан. Ўласанми, озгинасини қолдирсанг! — деди у.

Иваннинг бурни қаттиқ оғриди. Кўзини очиб тепасида турганларга ҳайрон қаради. Кейин ҳафсаласиз қўл силтаб ёнига ўгирилди-да, ухлашда давом этди.

— Иван! — дея бақирди жаҳли чиқиб Яша. — Ўз ўртоғингни танимадингми?!

Иван чўчиб тушди. Шоша-пиша ўрнидан туриб, ён-атрофдан ниманидир излай бошлади. Тополмагач, жаҳли чиқиб Яшанинг ёқасига ёпишди.

— Қани?! — деди бўғиқ овозда. — Топиб бер!

— Чўчқа! — дея ўқирганча ёқасидан унинг қўлини олиб ташлади Яша. — Ўзинг ичиб тамом қипсан-ку?! Бир қултум ҳам қолдирмабсан. Эсингдами, икки стаканни тўлдириб қуйиб бергандим.

Иван бўшашди. Сўнг хаёлига бир нарса тушиб қолгандай, айланиб ўтлар орасини қидира бошлади.

— Вой! — деди йиғламсираб. — Ҳозиргина шу ерда турувди. Ҳали очилмаганди.

У сўзлаётиб Яшанинг қўлидаги шишани кўриб қолиб, дарров тортиб олди. Синчиклаб қаради. Ҳеч вақо йўқлигини билгач, отиб юборди. Кейин “гуп” этиб ерга тушган идишни икки қўллаб эҳтиёткорлик билан қўлига олди-да, уни силаб ўпиб қўйди.

— Мени кечир, қийнаб қўйдим. Аслида отиш ниятим йўғиди. Асабийлашганимдан... Сен кечиргин, хўпми, — дея шиша билан гаплаша бошлади, — ҳалиги шерингнинг борида, очилмаганди. Шунини...

У тўсатдан гапиришдан тўхтади. Бармоғи билан пешонасига урди.

— Калланг қурсин, Иван. Дарров ҳамма нарсани эсингдан чиқариб қўясан.

У ароқнинг қаердалигини эслади. Кейин беш-олти қадам нарида алланималарни кавшаниб, хурхурлаб юрган чўчқанинг қорнига бир тепиб ҳайдади. У турган жойга энгашиб ароқни олди-да, юқорига кўтарди.

— Мана! — деди ҳайқариб. — Топдим, топдим!

Яша яшнаб кетди. Қувончдан осмонга сақраб улфатининг ёнига югурди.

Ҳар иккови ҳам дунёни унутганди. Шиша ва унинг ичидаги суюқлик бутун вужудига ҳаёт бағишлагандай

қувонишарди. Уларга қараб турган Юлдузнинг ичи ачиди. “Эсиз одам”, дея хаёлидан ўтказди.

Шиша бўшаганда, Яша билан Иван бир-бирини жуда қаттиқ ҳурмат қиладиган дўстга айланган эди.

— Мен дунёни қўлимда ўйнатадиган одамман. Биласанми шуни? Лекин синдиришди. Аввал ўзимни сиқувга олишди, кейин хотинимни фоҳишага айлантиришди. Мана энди, ҳеч кимга керагим қолмади. Ишонасанми, ит сўрамайди. Лекин сўрамагани ҳам яхшийкан, иккита бўш бутилка оборсам, ҳеч бўлмаганда эллик грамм беришади. Маза қилиб ичиб ётаман. Кеча бойваччаларга битта чўчқа боласини сотдим. Тўрт шиша беришди. Улар менга қараб туриб: “Сизни бир буюк одамга ўхшатдик”, дейишди. Уйда олиб қўйибман, колбаса беришди... Сен ўзи қаерда юрибсан, араванг қани?

Иван бир тоғдан, бир боғдан қилиб гапирарди. Нима деяётганини ўзи ҳам тушунмаётган эди. Бор-йўғи бир стакан ароқ унинг кайфини ошириб қўйганди. Аммо у шиша бўшагунча ичди. Яшадан қизганди. Агар жонини сўрашса бериши мумкин, лекин ароқ масаласида унга гапириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам ўз ҳолига қарамади. Мана, энди оғзидан боди кириб, шоди чиқаяпти. Буниси ҳам ҳолва экан. Бироздан кейин унинг бутунлай уни ўчди. Ҳатто шунақанги секин нафас ола бошладики, кўрган одам уни ўлганга чиқариб қўйиши ҳеч гап эмасди.

Яша эса ундан бақувватроқ чиқди. Кўк ўтлар устига узала тушиб ётган шишадошига бир қараб қўйди-да, бошини эгиб аллақандай қўшиқни хиргойи қила бошлади.

— Кунимиз шу иккита алкашга қолибди-да, — деди алам билан Юлдуз.

— Шунақага ўхшайди, — деб унинг гапини тасдиқлади Шоҳруҳ.

— Хурсанд бўлиб айтаяпсизми?

— Тушунмадим.

— Нимани тушунмайсиз? Ҳеч нарсадан қайтмайдиган, осмонда учиб юрган қиз бирдан лойга ботиб қолса қувонмайсизми?

— Жиннисан! Тушундингми, жиннисан?! — дея бақирди Шоҳруҳ. — Оғзингга келган гапни айтаверасанми?! Қачон мен шунақа дедим, қачон?!

Юлдузнинг киприклари пирпиради. Бироз ортига тисарилди. Зеро, у Шоҳруҳдан ҳечам шунақанги гаплар эшитаман, деб ўйламаганди. Шунчаки, синаб кўрмоқчи эди. Одатда, одам ўта сиқилиб кетса мана шу аҳволга тушади. Гарчи қатъийлик билан инкор этса-да, барибир бўлаётган ишлардан норозилиги мана шунақа бақир-чақирларда билиниб қолади. Айни чоғда, ғўдаймасанг ҳам бўларкан, ҳолингни кўрдим-ку, деб ўйлаётганини ҳам билиш мумкин эди. Юлдуз Шоҳруҳнинг юзидан айнан шуни ўқди. Аммо унинг кейинги хатти-ҳаракатлари хаёлидагиларни бир зумда ҳавога учирди.

Шоҳруҳ кутилмаганда уни қучоқлади ва лабига лаб босди. Аввалига унинг қучоғидан чиқмоқчи бўлиб ҳаракат қилган қиз бирпасдан кейин ўзи ҳам йигитнинг истагига пешвоз чиқди. Улар бутунлай ҳамма нарсани унутишди. Шамолда тебраниб шовуллаётган дарахт шохлари, икки алкашнинг думалаб ухлашлари, ташвишлар, умуман, ҳеч нима уларга халақит беролмасди. Бутун борлиқлари билан ҳиссиётга берилишганди. Муҳаббат сеҳри икковини ҳам домига тортиб кетганди.

* * *

Эртасига Маъмур қўнғироқ қилди. Шомурод ака айнан мана шуни кутиб турган эди. Ҳазил-хузул билан бошланган гап секин-аста жиддийлашди. Бўлиб ўтган воқеаларни мутлақо хотирлолмаган Маъмур суҳбат сўнгида Шомурод акага тезда етиб келишни буюрди. Шомурод ака ундан бунақанги муомалани кутмаганди. Шу боис, бир қалқиб тушди. Гўшакни қўйди-да, сўкинди. Сўнг котибасига махсус тайёрланган дисклардан биттасини олиб келишни тайинлади. “Ҳали шошмай тур, кўрнамак! Онангни учқўрғондан кўрсатганимда, қандай қилиб оёқларимни ялаганингни билмай қоласан!” — дея ўз-ўзига гапирди. Ўрнидан туриб, шкафдан кеча Маъмур билан бирга ичилган “Наполеон” коньягидан биттасини олди.

У кўз очиб-юмгунча манзилга етиб борди. “Совға”ларини қўлтиқлаб Маъмур ўтирган хонага кирди. Маъмурнинг қовоқ-тумшугига жавобан амаллаб илжайди. Қўшқўллаб кўришди. Маъмурнинг вақти тифизроқ экан, икки дақиқача сўзлашди. Гап орасида Шомурод акага куёвининг аҳволи оғирлигини, яқин кунлар ичида ўзининг ҳам фирмаси

текширилажагини айтиб ўтди. Бундай совуқ муомала ҳам Шомурод аканинг тусини ўзгартиролмади.

— Унда, — деди Шомурод ака ўрнидан тураётиб, — пешингача кеча келишганимизни тайёрлайман, сўнг дарров сизга қўнғироқ қиламан.

У Маъмурнинг хонасидан чиқиб кетаётиб қўлтиқлаб келган нарчасини унутиб қолдирди. “Вой тулки-ей, қанақа қилиб “узатиш” ниям қойиллатасан. Биламан, бир-икки соат ўтиб, маъкул бўлдим-йўқми, деб суриштирасан. Конечно, айтганим бўлган бўлса, маъкул келгани, йўқса, оқсоқол, ўзингиздан кўринг”, дея хаёлидан ўтказган Маъмур секин ўрнидан турди. Совғага бир неча муддат тикилиб турди. Сўнг бирдан мияси яшин тезлигида ишлаб кетди. “Тузоқ!” дея пичирлади. Ранги докадек оқариб кетди. Шомурод акани бўралатиб сўкди. Шоша-пиша телефон гўшагини кўтариб рақам терди.

— Тез етиб келинглар, уйимни куйдирмоқчи бўлишибди! — деди ҳовлиқиб. У гўшакни кўяркан, қўллари асабий титраётганини сизди. Бир хаёл Шомурод акага қўнғироқ қилиб, обдан уни сўкмоқчи бўлди. Лекин дарров ниятидан қайтди. Аввал махсус одамлар билан у келтирган шифрли, кукукли пулларни кўради, кейин чақиради. Обдан тузлайди. Баҳонада касбдошлари орасида обрўси яна бир неча поғонага ошади. Ҳаммалари унинг нақадар ҳалол одамлигини кўриб оғзилари очилиб қолади.

Орадан бир неча вақт ўтиб, у кутаётган одамлар етиб келишди. Бошлиқ савол назари билан унга қаради.

— Бир ташкилотни текшираётгандим, келиб манавини ташлаб кетибди, — дея у Шомурод ака ўтирган столнинг ёнидаги кўк пакетни кўрсатди.

— Тушундим, — деди бошлиқ ва ходимларига дарров қолдирилган пакетни текширишларини буюрди.

Унинг ичида бир шиша “Наполеон” коньяги билан битта дискни кўриб, ҳамма бараварига ажабланди. Маъмур эса қизарди.

— Даҳшат-ку, — деди бошлиқ, — бунақасига сира дуч келмаган эканман. Коньякнинг этикеткасига қараганда, махсус келтирилган, лекин дискда нима бор экан? Балки чет эл банкидан ҳисоб рақами очиб, шунга пул ўтказишдимикин, ҳар қалай, шунақасиям бўлиб туради-ку?!

У дискни олиб хонасига кирди. Жуда катта жиноятчи ташлаб кетган ўлжани ушлаш илинжида келганлар ҳам ҳафсалалари пир бўлиб, коньякка тамшаниб қарашганча хонани тарк этишди. Ёлғиз ўзи қолган Маъмурнинг негадир мияси қизий бошлади. Шомурод ака нега бунақа қилганини билиш учун ҳар қанча бош қотирмасин, барибир сабабини аниқлай олмади. Шундан кейин: “У ҳақиқатан ҳам унутиб қолдирган, менга ҳеч вақо опкемаган”, деган хулосага келиб бироз тинчланди. Аммо барибир кўнглидаги нотинчлик босилмади. Устма-уст сигарета чекди. “Юрагим ўйноқи бўп қопти, аввал ўзим кўрсам бўларкан, ваҳимага бало бормиди?” — деб ўйлади навбатдаги сигаретасининг қолдиғини кулдонга босаркан. Худди шу пайт кўнғироқ бўлди. Гўшакни кўтарса, бошлиқ уни сўраётган экан.

Шошиб ўрнидан турган Маъмур лабига қистирилган сигаретани унутиб бошлиқ ҳузурига югурди. Шу аҳволда қабулхонагача борди. Агар котиба қиз эслатмаганида, оғзида сигарет билан кириб кетарди хўжайинининг ёнига. Маъмур: “Нима?” — дейиши билан лабига қистирилган сигарета тушиб кетди.

— Эй-й, — деди у кўзи олайиб ва ерда тутаб ётган сигаретани олиб котибага тутқазаркан, — ушлаб тулинг, — деганча бошлиқнинг эшиги тутқичига қўл узатди.

— Келинг, — деди Баҳром Мавлонович унга ғалати илжайиб. — Бу дейман, зўр совға бериб кетишибди-ку, барака топгурлар.

У дискни компьютерга қўйиб, мониторни Маъмур томонга бурди-да:

— Келинг, сиз ҳам томоша қилинг, — дея қўшимча қилди.

Юрагини ҳовучлаб турган Маъмур бир-икки ютиниб “фильм”ни томоша қила бошлади. Аввал унинг ранги оқарди, сўнг қизарди. Хаёлидан эса, куни кеча Шомурод ака билан ичган “Наполеон” коньяги ўтди.

— Хўш, — деди томоша ниҳоялаганидан кейин Баҳром Мавлонович Маъмурга юзланиб, — сизда қўшимча изоҳ бордир.

Маъмурнинг тили калимага келмай қолди. Унинг боши гувиллар, нима деб ўзини оқлашни билмасди.

— Ҳозирнинг ўзида котибадан оппоқ қоғоз олиб, унга кир қўлларингиз билан ариза ёзасиз. Бу биринчидан! Иккинчидан, ишингиз прокуратурага оширилади. Учинчидан, сизни бир секунд ҳам кўргим келмаяпти. Тезда қорангизни ўчириг.

* * *

Шаҳло ойсининг гапларини эшитиб, юраги типирчилди. Бир неча марта эшик ёнига бориб келди. Ҳозир дадаси келиб омборхонада қамалиб ўтирган Муродни кўрса, нима бўлишини тасаввур қилиб кўрди. “Нега келдингиз, Мурод ака? Ўзим бир амаллаб ёнингизга борардим-ку. Уфф, энди нима қиламан, нима қиламан?!” — дея ичида фарёд чекди. Эшикни бор кучи билан итариб кўрди, очилмади.

— Ойи-и!!! — дея бақирди. Жавоб келмади. Кўз ёши бўлса, тинимсиз қўйилиб келаверди, келаверди.

У дераза ёнига келди. Иккинчи қават анча баланд, сакрайдиган бўлса, оёғи синиши аниқ. “Майли, — ўйлади у, — синсаям омборхонага бораман, Мурод акамни чиқариб юбораман. Фақат, фақат овоз чиқармаслигим керак. Додламаслигим керак”. Шаҳло дераза раҳига чиқиб секин пастга қаради. У илгари бу ердан неча бор қараганди. Ўзи илгаридан шунақа қилиб ўтиришни яхши кўрарди. Ўша пайтлари ҳечам кўрқмасди. Ҳозир эса боши айланди. Бир хаёл, ниятидан қайтмоқчи ҳам бўлди. Аммо шу заҳоти Муроднинг қамалиб ўтирганини, дадаси келса, уни не қўйга солишини ўйлаб, кўзини чирт юмди-да, ўзини пастга отди. Юраги шув этиб кетди. Кейин гурсиллаб бетон устига тушди. Оёқлари зириллади. Сўнг ўтириб қолди. Оғриқдан афти бужмайиб кетди. Азбаройи бақириб юбормаслик учун оёқларини ушлаш ўрнига оғзини бекитди. Бунга ҳам қаноат қилмай тишларини маҳкам бир-бирига босди. Иссиғи ошиб, пешонасидан тер чиқди. Бир муддат шу тахлит ўтиргач, чуқур-чуқур нафас олиб секин ўрнидан турмоқчи бўлганида, битта оёғи қийшайиб кетди. Қиз ажабланмади. Зеро, олдиндан шундай бўлишини кутганди.

Вазни енгил эди. Наридан борса, эллик килодан зиёдроқ. Аммо ҳозир у шунга кўтаришга ҳам кучи етмади. Бунинг ўрнига оғриқ бошигача келиб, яна ўтириб қолди. Алам билан йиғламсираб синган оёғига қараркан: “Шунчалик

ҳам нозик бўласанми? Одамлар ўнинчи қаватдан йиқилса ҳам бир жойлари қилт этмайди”, деди паст овозда.

Бир неча сониядан кейин оғриқ озгина сусайгандай бўлди. Шунда ҳам тик юришдан қўрқиб эмаклай бошлади. Шунчалик секинлик билан жойидан силжиётгандики, имиллаётганидан ғазаби қўзирди. Шунинг билан бирга у тез-тез эшикка қараб қўярди. Ва албатта, ора-чора дарвозага ҳам нигоҳ ташлашни канда қилмасди қиз.

Бахтига на эшик ва на дарвоза очилди, у омборхонага етиб олди. Аммо уни энди бошқа муаммо кутиб турарди. Чунки омборхона тутқичи анча баланд бўлиб, уни ушлаш учун Шаҳло ўрнидан турмаса бўйи етмасди. Қолаверса, эшик зулфини ҳам занглаганидан тортиш қийин бўлиб қолганди. Қиз деворга суяниб ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Тобора шишиб кетаётган оёқлари уни дармонсиз қилиб бўйининг ўсишига тўсқинлик қилаверди. Оғриқ забтидан бир неча марта инграб юборди у.

— Шаҳло!!! — деган овоз келди ичкаридан. — Нима гап, жоним?! Эшикни оч тезроқ, Шаҳло?!

— Ҳозир, ҳозир, озгинадан кейин, — деди амаллаб зулфини ушлаган қиз.

— Сенга нима бўлди, нега йиғлаяпсан?!

Муроднинг юраги қафасидан чиқиб кетгудек бўлар, у эшикка маҳкам ёпишиб олганди.

Ниҳоят қиз бор кучи билан тортиб зулфини тортди, эшикни очди. Мурод отилиб чиқди. Худди шу пайт деворга суяниб турган қиз йиқилди.

— Нима бўлди, жоним?! — деди энгашиб қизнинг сочларини силаган йигит.

— Ҳозир дадам келиб қолишлари мумкин, эртароқ кетмасангиз, бир нарса қилиб қўядилар. Илтимос, кетинг! — деди ҳансираб Шаҳло.

— Мени қўя тур, улар сени нима қилишди? Айт, нима қилишди?!

— Иккинчи қаватдан сакраб тушдим. Оёғим оғрияпти. Сиз хавотир олманг, фақат эртароқ кетинг, бир нарса бўлмасидан...

— Йўқ, мен сени опкетаман. Шу ниятда келганман, сенсиз кетмайман. Майли, ўлдиришларигаям розиман! — деб Мурод қизни кўтариб олди-да, ташқарига йўналди.

* * *

Эридан жаҳли чиққан Хонзода уй тўридаги залга кирди. Диванга ўтирар экан, видеони қўйиб овозини баландлатди. Қоникмади. Янаям баландлатди. Экранда ҳинд актёрлари қўшиқ айтишарди. Бир-икки дақиқа ичида уларнинг қўшиқлари жонига тегди. Бир хаёл қўлидаги пультага улоқтириб юбормоқчи бўлди-ю, аммо ўзини овутишга бошқа нарса тополмаганидан видеони ўчириб, телевизорни жуҳудлар каналига қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Куппа-кундузи (балки жуҳудлар юртида вақт ярим тундан ошгандир) шарм-ҳаёнинг нима эканлигини унутган қиз билан йигит нафсларини қондириш учун бир-бирларини билган қўйларига солишаётган эдилар. Уларни кўриб Хонзоданинг кўзи олайди, бор диққат-эътиборини экранга қаратди. Ана шу дамда у қизини ҳам, эрини ҳам унутган эди. Ташқарида “гуп” этган товуш эса қулоғига чалинмади ҳам.

Экрандаги шакллар ўзгарди. Хонзодада ғайриоддий иштиёқ пайдо бўлди. Шу тобда ишқнинг ҳамма кўчасига навбатма-навбат кириб чиқаётган экрандаги қизнинг ўрнида бўлгиси келди.

* * *

Содиқ йўл четига чиқиб, машинага ўтирди-да, ҳайдовчига манзилни айтди. Сўнг ўз-ўзига ниҳоятда паст овозда гапирди.

— Аслида барига ўзим сабабчиман. Шундай қизни увол қилдим. Уйлансам, нима қиларди? Ана, акам уйланиб олди-ку?! Ҳалигача биздан яширади. Лекин кошки кичкина кеннойимникига бориб келаётганини сезмасам... Ўшанинг уволи урди мени. Ҳозир қаерда экан, қандай топсам бўларкан? Мени кечирармикан?.. Йўқ, у мени кечирмайди. Кечирмайди, тамом-вассалом.

У чуқур хўрсинди. Кўзини юмиб ўриндиққа бошини қўйди. Манзилга етгунича қайтиб очмади. Очгиси ҳам келмади. Ҳатто шу ҳолида ўлишни ҳам орзулади. Албатта, қисқа муддатли орзусининг умри ҳам қисқа бўлиб, у кўрқиб кетди. Шоша-пиша деразадан ташқарига қаради. Ҳайдовчининг машина бошқаришига эътибор қилди. Ҳаммаси жойида.

Уйи ёнига етгач, кира ҳақини бериб энди тушаётганди, галати манзаранинг гувоҳи бўлди. Қандайдир безбет унинг қизини кўтариб келаётганди.

* * *

Агар ёмғир ёғиб қолмаганида, Шоҳруҳ билан Юлдуз эҳтирос гирдобига бутунлай шўнғиб кетиши аниқ эди. Ялангликда, икки алкаш ухлаётган жойда. Четдан қараганда, манзара жуда хунук эса-да, бутун борлиқни унутиб бир-бирига талпинаётган йигит-қизнинг хаёлида бу хунулик ўзгача тароват касб этганди.

— Шоҳруҳ ака, — деди Юлдуз йигитнинг юзини кафтларига олиб, — шошманг, нималар қиляяпмиз?!

— Билмадим, — деди сочлари тўзғиган йигит унинг кўзларига эҳтирос билан боқиб.

Юлдуз уялиб кетди. Йигитнинг қучоғидан сирғалиб чиқиб, ўрнидан турди-да, кийимини хаслардан тозаларкан: “Анави икки алкаш уйғониб қолмадимикин?” — деган хавотирда уларга ўғринча кўз ташлаб қўйди. Кўнгли хотиржам тортгач, сочларини бармоқлари билан тўғрилаган бўлди-да, беш юз қадамча наридаги ёғоч уй томонга кетди.

Шоҳруҳ ундан кўзини узмай термилиб тураверди. Бир хаёл қилган ножўя иши учун кечирим сўрамоқчи бўлди. Аммо севгани, шу қизни деб юрганини ўйлаб, ўзини айбдор ҳисобламади. Бунинг ўрнига, қиз узоқлашиб кетгач, узала тушиб ётиб кўкка боқди. Бир-бир томчилаётган ёмғирнинг шиддати унчалик кучли эмасди, бироқ ундан тушаётган сув зарралари Шоҳруҳнинг шаштини қайтарди. У ширин энтикиб, оромини бузган булутга тикилди...

Йигит қизни қидириб ёғоч уй ёнига борди. Ичкарига кирди. У ерда ҳар хил ашқол-дашқоллар сочилиб ётар, шифтини ўргимчак тўри қоплаганди. Шундан бу уйда кўпдан буён ҳеч ким яшамаганлигини билиш мумкин эди. Шоҳруҳ уй ичида Юлдузни кўрмагач, ташқарига — уй орқасига ўтди. У ерда қиз юзини кафтлари билан бекитиб, бошини эгганча кунда устида ўтирарди. Йигит бир муддат унга тикилиб турди, сўнг аста ёнига яқинлашди. Оёқ товушини эшитган қиз бошини кўтариб Шоҳруҳга қаради. Унинг кўзлари ёшланиб, қизарган эди.

— Мени кечиринг, — деди Шоҳруҳ.

— Нега? — сўради қиз йиғламсираб.

— Қўполлик қилганим учун...

— Ҳеч ким бундай қилмаган. Журъати етмаган. Лекин бундай бўлмаслиги керак эди. Мен... Мен турмуш ўртоғим билангина ҳар нарсага тайёрман. Шундай деб қасам ичганман. Сиз қасамимни буздингиз...

— Демак, сиз меники бўласиз, — деб Шоҳруҳ унинг ёнига чўккалаб ўтирганча елкасидан қучоқлади.

— Қўйинг, — деб уни нари итарди Юлдуз.

Шоҳруҳ унга термилганча жим бўлиб қолди. Бироздан кейин майса устига ўтирди, сўнг чўзилиб ётганча хаёл уммониغا шўнғиди.

Юлдуз унга тикиларкан, меҳри жўшди: келиб Шоҳруҳнинг ёнига ўтирди-да, йигитнинг бошини тиззасига олганча назокат билан юзини силай бошлади.

Орадан икки соатча ўтгач, Юлдуз билан Шоҳруҳ уй ичини бироз эпақага келтиришди. Энди, ҳартугул, бир кечани ўтказса бўларди.

Тун осуда эди. Чивин учса билинади. Вақт алламаҳал бўлган, ҳавода бир парча булут йўқ, юлдузлар чарақлаб турибди.

Эшик секин очилди. Унинг ғийқиллаган товушидан Юлдуз уйғониб кетди. Жойидан қимирламасдан овоз келган томонга қаради-да, Шоҳруҳни кўриб ҳайрон бўлди. Бир хаёл қаёққа бораётганини сўрамоқчи бўлди. Кейин бирдан миясига келган ўйдан кулгиси қистади.

Беш-ўн дақиқа ўтди. Шоҳруҳ дом-дараксиз. “Тушиб кетдим биرون жойга”, дея хаёлидан ўтказган Юлдуз ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Атрофни нигоҳи билан кузатган бўлди: на бир шитирлаган товуш эшитилади, на бирон кимсанинг қорайган нусхаси кўринади. Унинг кўнглини бирдан хавотир эгаллади.

Шоҳруҳ кундузи ўзлари қочиб келган томонни чамалаб қўйганди. Кўнглида алами зўр эди, бориб бир-иккитасининг яхшилаб таъзирини бериб қўйишни мўлжал қилганди. Лекин бу ҳақда Юлдузга айтгиси келмади. Биринчидан, у ниҳоятда толиққан, иккинчидан, қиз боланинг ярим кечаси санқиши унга кўпам маъқул келмаганди. Агар аввалгидай бегона деб қабул қилганида, эҳтимол, у билан бирга бориши ҳам мумкин эди. Бироқ энди Юлдуз унинг кўз қорачиғи, озгина зиён етадиган бўлса, у ўзини кечирмайди.

Оралиқ масофа анча олис эди. Гарчи машинада тезда етиш мумкин эса-да, пиёда икки соатдан кам юрилмасди. Шоҳруҳ шошиларди. Шу боисдан ҳам гоҳ тез, гоҳ секин югурди. Ўрмонга етганидан кейин эса қадамини секинлатди. Чунки бу ёғига кучини асраши лозим эди.

У йўл-йўлакай мўлжалидан бироз адашди. Бунга қоронғилик ҳам ҳисса қўшди. У ўрмоннинг анча ичкарисига кирганидан сўнг бошқа томонга кетаётганини англаб, ортига қайтди. Ой ёруғида атрофни кузатган бўлди. Озроқ чапга юрди. Шунда бир машина сиққулик йўлга дуч келди. Ўша йўл билан яна ичкарилади. Ярим соатлар чамаси юрганидан кейин узоқдан чироқ ёруғи кўринди. Ўшани мўлжал қилиб жадал кета бошлади. Дарахтлар тугаб, яланглик бошланди. Жуда таниш яланглик. Аста-секин хира нур таратиб турган чироқ ҳам яқинлашди. Уйга эллик қадамча қолганида Шоҳруҳ секин ўтириб атрофни кузатди. Бирорта зоғ кўринмайди. Бўлганда ҳам қоронғиликда бировни кўришнинг ўзи амримаҳол. Беш дақиқача шу тахлит ўтиргач, ўрнидан туриб илдам юрди. Аммо ўн қадамча босиши билан тагин ўтиришга мажбур бўлди. Айни ўша чироғи ёниқ уйнинг эшиги очилди-да, ичкаридан икки киши чиқди. Бири иккинчисига алланималарни тушунтирарди. Гапининг охирида қўлидаги сигаретасини улоқтириб юборди-да, улардан беш-олти қадам наридаги машинага ўтирди. Унинг ортидан бироз қараб турган шериги қўлидаги сигаретасини устма-уст чекди-да, сўнг улоқтириб, уйга кириб кетди.

“Падар лаънатилар, ҳалигача ухлашмабдими?” — дея ҳаёлидан ўтказган Шоҳруҳ энгашганча югуриб деразанинг ёнига борди. Ичкарига мўралади. Унчалик кенг бўлмаган хонанинг ўртасидаги узун стол устида бўшаган турли хил шишалар турарди. Шоҳруҳ яна аллақандай нарсалар сочилиб ётганини кўрди. Аммо айнан нималар эканини билолмади. Умуман, билишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Чунки унинг асосий эътибори хонадаги одамларда эди.

Ҳозиргина кирган киши стаканга қулқуллашиб ароқ қуйиб ичди-да, гасак қилди. Сўнг столнинг нариги тарафига қараб:

— Пиво билан ароқни аралаштираверганидан кейин одамнинг чўчкадан фарқи қолмаскан, — деди ва қулочини ёзиб керишди-да, столнинг ёнидан ўтиб кетди. Унинг қаёққа

кетганини Шоҳруҳ кўролмади. Шундоғам дераза хийла баландда эди. У оёқ учида туриб мўралаётганди.

У деразадан узоқлашиб, ичкаридагиларнинг ухлашини ярим соатдан мўлроқ кутди. Вақт ўтиши қийин эди, уни ўлдириш учун Шоҳруҳ кучи етгунча юлдузларни санади. Зерикди. Бироз кўзини юмиб ётган эди, сал бўлмаса, ухлаб қолаёзди.

Эшик ёнига борди-да, ичкарига қулоқ солди. Хурракдан бошқа ҳеч нарса эшитилмади. Кўнгли хотиржам бўлиб, эшик тутқичидан ушлаб ўзига тортди. Ошиқ-мошиқлар яхши мойланган, шекилли, эшик ҳеч қандай товуш чиқармади.

Аста ичкарига кирди. Уйнинг ҳавосини сигарета билан ароқнинг ҳиди тутганидан, одамнинг афти бужмаярди. Стол ёнидаги юмшоқ оромкурсида ястанган кимса билан тўрдаги диван устида туфлисини ҳам ечмасдан чўзилиб ётган хонанинг яна бир аъзоси бу бадбўйликка аллақачон кўни-киб уйқуни уришаётганди.

Шоҳруҳ аввал оромкурсидаги кимсанинг ёнига борди. Башарасига бир неча сония қараб тургач, жағига шунақанги қаттиқ мушт туширдик, у бир силтанди-да, хурраги ўчди. Иккинчи нусхага у қараб ҳам ўтирмади. Бирдан ўзи биладиган нуқтага зарба берди. Мушт еганларнинг иккаласи ҳам энди бир неча вақт қимирламасдан ётишларига кўзи етган Шоҳруҳ уларнинг чўнтақларини тинтиб, тўппончаларини олиб қўйди. Биттасидан машина калити чиққанида, Шоҳруҳнинг хаёлига ҳовлидаги “Жип” келди.

“Бу яхши бўлди”, — деб жилмайди у ва қидирувда давом этди. Албатта, энди навбат хона ичига келганди. Бир қарич ер ҳам унинг назаридан четда қолмади. Ҳафсаласи пир бўлиб, кетиш учун эшик ёнига борди-ю, бир нарса хаёлига келиб, бирдан ортига бурилди. Тез-тез юриб келиб, тўрда диван устида чўзилиб ётган йигитни пол устига ағдариб юборди-да, диван остини кўрди. У ерда катта-кичик иккита қоп турарди. Бирини очди. Ҳаммаси пул экан. Аввалги сафаргидай адашиб қолмайин, деб улардан бир донасини чироқ ёруғига тутди. Қоғозини ишқалаб кўрди. Йўқ, бу сафар ҳақиқий пулни қўлида ушлаб турган экан. Мийиғида кулиб қоп оғзини ёпди ва иккинчисини очди.

Бунисидан целлофан идишларга солинган оппоқ кукун чиқди. У биттасини очди-да, наркотика деб ўйлаб ҳидлаб кўрди. Аммо нималигини билмади. Чунки умрида бунақанги нарсаларни кўрмаганди. Шундай бўлса-да, иккала қопни ҳам кўтариб ташқарига чиқди.

Шоҳруҳ катта акасининг “Жип”ига ўтирганди, лекин ҳайдамаганди. Шу боис улкан машинанинг енгил бошқарилаётгани уни қойил қолдирди. Гарчи катта йўлга етгунча секин юрган эса-да, асфальтда тезликни оширди. Руҳланиб, газни қатиқроқ босди. Машина елдай учди. “Ўхў!” — дея қийқириб қўйди Шоҳруҳ.

* * *

Юлдуз мижжа қоқмади. Хаёлан минг бир кўчага кириб чиқди. Ҳатто Шоҳруҳни сотқинга чиқаришга ҳам улгурди. Охири тонг бўзариб келаётганида ана шу қарорида қолди ҳам. Бу фикри катта тезликда яқинлашаётган “Жип”ни кўрганида янада мустаҳкамланди. Қочиш чораларини қидирди. У бемалол хоҳлаган уйга кириб яшириниши мумкин эди. Аммо қишлоқдан узоқлаб кетолмайди. Чунки қишлоқ билан қалин ўрмон оралиғи анча олис. Унга етгунича камида ярим соат вақт керак бўлади.

“Йўқ, кетмайман ҳеч қаёққа. Мен унга ишонгандим. Ҳатто кўнглимни ҳам беришга улгургандим. Эркак бўлиб шунчалик паст кетдими, бир башарасини кўриб қўяй. Кўзимга қандай қараркан, безбет?” — дея ўзига-ўзи гапирди қиз ҳамда келаётган машинага тик боқиб тураверди.

Машина Юлдузнинг ёнига етиши билан Шоҳруҳ тор-мозни босди-да, эшикни очиб сакраб тушди.

— Юлдузхон, кўриб қўйинг бу тулпорни! — деди кўзлари порлаб. — Бир кечада ҳам уловли, ҳам бой бўлдик.

У орқа ўриндиқдаги бир қоп пулни олди-да, қувонч билан Юлдузнинг ёнига яқинлаша бошлади. У қизни кучоқламоқчи, яқин бир-икки соат ичида шаҳарга боришларини айтмоқчи эди. Аммо Юлдузнинг қарашларида шодликдан асар ҳам йўқлигини кўриб, унга етишига икки қадамча қолганда тўхтади. Шу пайт Юлдуз унинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Қизнинг кутилмаган қилигидан Шоҳруҳ ҳайрон бўлиб унга тикилиб қолди.

— Жиннисиз, жинни! — деди қиз ва бирдан йигитнинг бўйнига осилиб йиғлаб юборди. — Нега, нега бундай қил-

дингиз? Мени пичоқсиз сўйдингиз-ку! Сизни душмангаям чиқариб қўйгандим, биласизми?!

Шоҳруҳ қувониб кетди ва қизни маҳкам бағрига босиб, юзидан ўпиб қўйди.

— Сюрприз бўлсин дегандим. Мени кечиринг, — деди у.

Шоҳруҳ қучоғидан қизни бўшатиб, меҳр билан қўзига тикилди. Сўнг уни машина ёнига етаклаб борди-да, аввал эшикни очиб қопдаги гиёҳванд моддани кўрсатди, кейин воқеанинг ҳаммасини бирма-бир гапириб берди. Унинг гапларини диққат билан эшитган Юлдуз:

— Ҳеч бўлмаса, оёқ-қўлларини боғлаб келмабсиз. Ўзларига келишган бўлса, шерикларига хабар беришгандир. Балки аллақачон...

— Хавотирга ўрин йўқ, — деб Шоҳруҳ машинанинг орқа ўриндиғини кўрсатди. У ерда иккита қўл телефони ётарди.

— Яхши, лекин у ерда битта уй эмасди. Бизни отхонага қамашганди. Шунинг учун бошқалари бўлишиям турган гап.

— Машинага ўтиринг унда. Шериклари уйғониб, нима бўлганлигини билгунларича шаҳарга етиб оламиз. Кейин ҳисоб-китоб ишларини жойига қўйишимизга тўғри келади. Анави хўрозбош, дугонаси Лида... Тўғри, улар жудаям майда, лекин ўлиб кетишимизга сал қолди уларни деб.

Юлдуз жилмайди. Шоҳруҳнинг гапларига эмас, албатта. Қўнглидаги бир-биридан қора ўйларнинг бари шунчаки хаёлнинг қинғир қўчалари ваҳимаси эканлиги унинг дилини ёритиб юборганди. У йигитнинг қўлини қучиб бир муддат тин олди. Сўнг бошини кўтариб Шоҳруҳга қаради-да:

— Кетдик, — деди.

Гапининг сўнгида хўрсиниб қўйди.

Уларда юк деган нарсанинг ўзи йўқ эди, шу боис бирдан машинага ўтиришди. Шоҳруҳ энди уловни жойидан қўзгатмоқчи бўлганида, қаердандир пайдо бўлган Яша ўзини капотнинг устига ташлади.

— Оббо, палакат, — деб Шоҳруҳ машинани тўхтатиб, ўзи пастга тушди.

— Бировга яхшилик қилма, ёмонлик бўп қайтади, де-

ганди бобом, ишинг битганидан кейин суриб қолаяпсанми? — деди у.

Ундан шунақанги бадбўй ҳид таралаётгандики, Шоҳруҳнинг афти бужмайди. Беихтиёр бир қўли билан бурнини бекитди.

— Нима дейсан? — деди у аччиқланиб.

— Сени деб, — дея йиғламсиради Яша, — бор-будимдан айрилдим. Энди жуфтакни ростлаяпсан. Шу инсофданми, айт?

— Жонга тегиб кетдинг, одам шунчалик миннатчи бўладими? Агар машинани ҳовлиқиб ҳайдамаганингда, чўкиб кетмасди...

— Унда ҳозир мен билан гаплашмаётган бўлардинг. Ётардинг биронта чуқурда сасиб.

Яша ҳақ эди. Ана шу ҳақлиги Шоҳруҳни эсанкиратди. У бир неча сония рўпарасидаги одамсифат махлуққа термилиб тургач, шартта “Жип”нинг орқа эшигини очиб, қопдаги пулдан бир дастасини олиб унинг қўлига тутқазди. Яша ўшшайди. Бир хаёл ортига бурилиб Ивандан суюнчи олмоқчи бўлди. Кейин бирдан ниятидан қайтди.

— Бунақа пулларни сенсиз ҳам топаман. Мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Сизлар билан бирга юришни ният қилувдим.

— Туя ҳаммомни орзу қилганидай.

— Тушунмадим, — деди ҳайрон бўлган Яша.

— Ўлмасанг, тушуниб оласан.

Шоҳруҳ ўз-ўзидан асабийлашарди. Шу боис тезлик ошиб кетди. Аввалига йўлдан кўзини узмай кетаётган қиз ҳаддан зиёд тез кетаётганларига эътибор қилмади. Кўзи беихтиёр спидометрга тушиб қолди-ю, ҳуши бошидан учиб:

— Нима қилаяпсиз?! — дея бақирди.

Шоҳруҳ чўчиб тушди-да, Юлдузга қаради. Шу билан бирга рулни бироз бурди. Бу пайтда тезлик кўрсаткичи бир юз саксонда эди.

* * *

Оғриқ борган сари забтига олаётганидан Шаҳло ҳамма нарсани унутди. Бақириб юбормаслик учун лабларини шунчалик маҳкам тишладики, дудоқлар керагидан ортиқ эзилиб, иккита кичкина тешикча пайдо бўлди ва лабидан қон сизиб чиқа бошлади. Билинар-билинемас учаётган чиройли

ияги лола рангга бўялди. Севгилиснинг тортаётган заҳма-
тидан Мурод қийналар, кўзидан ёш чиқиб кетган эди.

Табиийки, такрорланмас томошани кўриш қўшниларга
хуш ёқарди. Ўзи охириги пайтларда Содиқнинг оиласи ҳақида
“деди-деди” гаплар кўпайган эди. Шундай маҳалда бой-
ваччанинг қизини беш-бегона йигит кўтариб кетиши, Шаҳ-
лонинг абгор аҳволи айни муддао бўлди. Бирон сабаб би-
лан кўчага чиққан уч-тўрт қўшни нафас ҳам олмасдан
воқеанинг давомини кузата бошладилар. Содиқнинг уларга
ҳам кўзи тушди. Қизарди. Жаҳл оти гижинглади.

— Қайси гўрга кетаяпсан?! — деди ғазабдан кўзлари
олайиб.

Мурод бирдан юришдан тўхтади. Рўпарасидаги бўлажак
қайнотасига тикилди. Шаҳло ҳам бир муддат оғриқни унут-
ди. Дадасига кўзи тушиб титраб кетди.

— Тушир ерга! — деди дағ-дағ титраётган ота.

— Туширолмайман. Оёғи синган. Тезроқ касалхонага
обориш керак.

Муроднинг гапи қатъий эди. Агар ҳозир Содиқ келиб
ундан қизни олмоқчи бўлганида ҳам бермасди.

— Нега синади?! Ким синдиради?! Қайси маразнинг ҳадди
сиғди?!

Содиқнинг бирдан жони чиқиб кетди. Авайлаб-асраб
келаётган қизига кимдир жароҳат етказгани унинг ғазаби-
ни жунбушга келтирган эди.

У югуриб келиб Шаҳлонинг оёғини кўрди. Қизининг
ўрнига ўзи азобланаётгандай инграб юборди.

— Ҳозир, ҳозир мошинани миниб келаман, шу ерда
туриб туринглар, — деди ва шошиб уйи тарафга югуриб
кетди.

Хонзода дарвозанинг очилганини сезмаган эса-да, ма-
шина юрғизилгани унинг қулоғига чалинди. Аввалига
қўшнилардан биронтаси келгандир деб ўйлади. Шу боис-
дан чиқишни пайсалга солди. Фақат Содиқ дарвозани да-
ранглатиб тепиб кетгачгина ташқарига чиқди. Эри қизи
билан Муродни машинага ўтқазётганини кўрмади. Маши-
на катта йўлга бурилиб кетаётганинигина кўриб қолди.
“Авария-паварияга учраб йўқ бўлиб кетгур! Келишини
қачондан бери кутиб ўтирибман-у, ярамас, индамай жуф-
такни ростлаб қолганини... На қизини ўйлайди, на бошқа-

ни. Нега келди-ю, нега кетди? Одамни қон қилиб юборадди, паразит”, дея Содиқни яниди. Алам билан дарвозани ёпаётганида, қўшниларига кўзи тушди.

Уларнинг уч-тўрттаси бир бўлишиб алланималарни баҳслашишаётганди. Бир хаёл бориб нима гап-сўзлигини билмоқчи бўлди-ю, дарров ниятидан қайтди. “Сабил қолгурлар гийбатдан бошқа нарсани билишмайди”, деган ўй ўтди хаёлидан. Бунинг устига, телевизордаги кино уни ўзига шунақанги тортаётгандики, югуриб бориб телевизор қаршисида ўтиргиси келарди. Шунда ҳам у аввал “махкум”ни кўриб ўтмоқчи бўлди.

Бориб, омборхона эшиги ланг очиклигини кўргач, кўзи олайиб кетди. “Вой қирилгур, яшшамагур, оғзингдан қонинг келгур, қочиб қолибди-ку?! Шошма! Шошма, машинаниям миниб кетган бўлмасин! Чунки Содиқ акам келганида менга учрашган, уйда бўлаётган гап-сўзни суриштирган бўларди”. Унинг юраги ҳаприқиб кетди. Югуриб уйга кирди. Телефон гўшагини кўтарди. Кейин яна жойига қўйди. Юқориги қаватга шошилиб чиқди. Қизининг хонасини очди. Дераза очик. Шаҳлодан ном-нишон йўқ. Ана шунда у жудаям кўрқиб кетди. Оёқларидан мадор қочди. Кўзида ёш пайдо бўлди. “Афирис, қизимния, мошинаниям опқочиб кетибди-ку. Ҳаҳ, телевизор кўрмай ҳар бало бўлайин. Қайси падар лаънати шунақанги шармсиз кинони яратибди?” — деди у йиғламсираб ҳамда яраланган жонивордай судралиб пастки қаватга тушди. Эрига қўнғироқ қилди. Жавоб бўлмади. Умуман, телефон ўчирилган. Ана шунда у чорасиз қолиб бўшашганча гилам устига ўтириб қолди.

Содиқ қай даражада машинани тез ҳайдаётганини ўзи ҳам билмасди. Қизини Муроднинг қўлида кўрганида кайфи бироз тарқагандай бўлувди. Лекин аста-секин унинг кўз ўнгини туман қоплагандай туйилаверди. Бир сафар ҳатто олдинда кетаётган машинага урилиб кетишига сал қолди. Фақат сўнгги лаҳзадагина ўзини ўнглаган Содиқ тормозни босишга улгурди.

— Мен ҳайдаинми? — сўради Мурод хавотирга тушиб.

Содиқ унга ўқрайиб қаради-ю, лом-мим демади. Бунинг ўрнига акслиги тутиб баттар тезликни оширди. Гарчи оғриқ зўр келаётган эса-да, азбаройи дадасини ҳовлиқтирмаслик учун тишини-тишига босиб кетаётган Шаҳлонинг капала-

ги учди. “Дада, секинроқ ҳайданг, илтимос”, дейиш учун оғиз жуфтлади-ю, аммо айтишга улгурмади. Содиқ бошқарувни йўқотди. Ихтиёри ўзида қолган машина юришдан эриниб, йўл четидаги танаси қулочга сиғмайдиган теракка қарсиллаб урилди. Тезлик баландлигидан бирдан жойида тўхтамади. Ортига қайтиб тўнтарилди ва шундан кейингина тўртта филдирагини осмонга қаратиб ҳавода айлантирганча тинчиди.

* * *

Шомурод ака тинимсиз жиринглаётган гўшакни кўтарди. Кулоғига олиб бориб эринчоқлик билан:

— Алло, — деди.

— Одаммас экансиз. Мен сизга ишониб... Сизнинг оғирингизни енгиллаштираман деб... Нима қилдингиз?! — деган овоз келди гўшакдан.

— Адашмасам, Маъмур бўлсанг керак, — деди Шомурод ака чўзиб сенсираб.

— Ҳа, Маъмурман, афирис!

— Ўпкангни бос, ука, нега ҳовлиқасан? Ҳақорат қиляпсанми?! Ким сенга ҳуқуқ берди?

Шомурод ака юмшоқ курсига яхшилаб жойлашиб, секин, босиқлик билан гапирарди. Ана шу йўл билан Маъмурнинг кўксига яна пичоқ санчгиси келарди.

— Ҳа, қари тулки, бир ҳафтадан ортмайсан! Наполеонингни орқангга тикаман! Одамни тушириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман сен итга!!!

Шомурод ака Маъмурнинг бундай ҳақоратларига ортиқ чидолмади, ўрнидан туриб кетди. Қошлари чимирилиб, юзи қизарди.

— Нималар деб валдираяпсан, сен гўдак?! Менинг кимлигимни эсингдан чиқариб қўйдингми? Эркак бўлсанг ҳозир ёнимга кел. Ундан кейин кўрамиз кимнинг орқасига ким Наполеон...

Шомурод аканинг қолган гаплари оғзида қолди. Маъмур телефонини ўчириб қўйган эди. Тутоқди. Охиригача мириқиб Маъмурни сўколмагани алам қилди. Ўрнидан туриб хонанинг у бошидан бу бошига бориб келаркан, ўзича гўлдираб бир нималар деди. Сўнг сигарета тутатди. Шу пайт бирдан кулгиси қистаб қолди. Хохолаб маза қилиб, кўзидан ёш чиққунча кулди. “Оҳ, Наполеон, Наполеон,

ҳамма жойда барибир ўзинг зўрсан! Сен ҳеч қачон ўлмайсан, ҳамиша тирик бўласан! Қаердаки ким кимни туширмақчи бўлса, ёрдамга келасан”, дея ўзига-ўзи гапирди. Кейин ўз гапидан ўзи гурурланиб, сейфни очди-да, бир шиша коньякни олиб, стол устига қўйди. Кичкина рюмкага қултуллатиб қип-қизил суюқлик қуйди. Йўқ, бир ўзи ичолмади. Ёқутдай товланаётган ичимликка бир муддат тикилиб турди-да, котибасини чақирди.

Калта юбка кийган, кўкрагининг ярмигача очиқ, киприклари узун, силлиқ қоп-қора сочлари деярли белигача тушиб, шаршарадек таралиб турган Диляхон (асли исми Донохон) бир-бир босиб хонага кириб келди ҳамда кўзларини сузиб хўжайинига қараркан, ним табассум билан:

— Чақирдингизми? — деди нозланиб.

— Чақирдим, оппоғим, чақирдим! — деди оғзи қулоғида бўлган Шомурод ака.

У жуда камдан-кам бундай аҳволга тушарди. Ҳеч вақт котибасига чеҳрасини очмаган. Диля қанчалик ноз қилмасин, хўмайиб тураверган. Чунки унинг аллақачон аёлларга бўлган қизиқиши сўниб бўлган, фақат майхўрликдан лаззат топади. Аёллар ҳам эркак сифатида унга жуда ўч эмас. Фақат унинг пули кўпроқ қизиқтирарди уларни. Буни Шомурод ака яхши билади. Шу боисдан аёл зотидан ўзини узоқроқ тутиб юради. Аслида ёшлигидаям ўч эмасди. Доимо тезроқ бойиб кетишни ўйларди.

Хўжайиндан биринчи марта бунақанги гапни эшитган Диляхон суйилиб кетди. Иржайиб-тиржайди. Енгил ҳаркат билан кўкрагини кенгроқ очиб қўйди.

— Зўрсиз, хоним, зўрсиз! — деди Шомурод ака ва шкафдан яна битта қадаҳ олиб келиб стол устига қўйди-да, уни ҳам коньяк билан тўлдириб котибасига узатди.

— Вой, мен ҳеч қачон ичмаганман, — деди Диля баттар овозини ингичкалаштириб.

— Шунинг учун ҳам бераяпман-да. Ичганингизда бермасдим.

Диля узун бармоқлари билан қадаҳни олди.

— Сиз жуда ажойибсиз! — деди Шомурод ака унинг ёнига келиб белидан тортинмасдан кучоқлар экан.

Дилянинг бўйи узун, ўзи хипча бел эди. Шомурод аканинг қўли қулай жойлашди. Қизга ёқди унинг қилиғи, у

ҳам бир қўлини Шомурод аканинг бўйнидан ўтказди. Қадаҳлар бўшади. Шундан сўнг хўжайин қизни қўйиб юборди. Қизга алам қиладиган томони, хўжайини яна аввалги ҳолига қайтиб олган эди.

— Бориб қаранг, — деди Шомурод ака, — битта-яримта келган бўлмасин. Бугун ҳеч ким билан гаплашмайман. Тобим йўқ.

Диля хонадан ҳафсаласи пир бўлиб чиқаркан: “Бирйўла ўлиб қўя қолсанг яхшийди”, дея хаёлидан ўтказди.

У бугун иккинчи марта Шомурод акага яқинлашишга уриниб кўрган эди. Биринчиси Маъмурнинг аҳволини видеога олишганида бўлганди. Ўшанда соддалик қилганди Диля. Шомурод ака айтган нусхада Маъмурнинг қилиқларини дискка кўчирди-да, аслини ҳатто компьютердан ҳам ўчириб ташлади.

Иш уни яқунланаётганида Шомурод аканинг кайфияти бузилди. Негадир ўз-ўзидан сиқилаверди. Сигарета чекди. Кофе ичди. Кўнглининг чигаллиги барибир тарқамади. Битта жойда ўтиравериш сиқилиб кетганга йўйди аҳволини ва костюмини елкасига ташлаб ташқарига йўналди. Қабулхонада котибаси хаёл уммонига фарқ бўлиб, тирноғини текислаш билан овора эди. Шомурод ака унга бир кўз ташлади. Аммо сўз қотмади. Индамай чиқиб кетди.

Ҳайдовчисига ҳам жавоб бериб юбориб, машина рулига ўзи ўтирди. Аммо узоқ кетолмади. Ҳали серқатнов шаҳар йўлига етмаганди ҳам, кутилмаганда ён томонидан оқ “Нексия” уни йўл ёқасига чиқариб қўйди. Шомурод ака шоша-пиша тормозни босиб машинани тўхтатди-да, эшикни очиб бироз туриб қолди. Ўрнидан қимирлай деса, боши айланаяпти. Ўтираверса, анави ундан озгина нарироққа бориб тўхтаб, машинасидан тушиб важоҳат билан келаётган ўттиз ёшлар атрофидаги йигитни обдан сўккиси келаяпти.

У, ҳартугул, эшикка суяниб ўрнидан турди.

— Сен ҳовлиқма...

Оғзидан чиққани шу бўлди. Йигит кела солиб, ҳе йўқ-бе йўқ, башарасига қулочкашлаб шунақанги мушт туширдик, бечора Шомурод аканинг кўз олди қоронгилашиб кетиб, йиқилди.

* * *

Агар Юлдуз рулни вақтида тутиб қолмаганида, машина йўлдан чиқиб кетиб тўнтарилиши аниқ эди.

— Тормозни босинг! — бақирди Юлдуз.

Шоҳруҳ шошиб қолди. Бироз кеч бўлса-да, педалнинг устига оёғини қўйди. “Жип” икки юз метрча сирпаниб борганидан кейин тўхтади.

— Сизни нима жин урди?! — деди қиз йиғламоқдан бери бўлиб. — Қасдингиз борми менда? Ундан кўра уриб ўлдириб қўя қолинг!

Шоҳруҳ унга жавоб қайтармади. Пастга тушиб анча вақт тоза ҳавода юрди. Сўнг қайтиб келиб Юлдуздан кечирим сўради.

Шаҳарда бир нечта патрул хизматидагилар уларни кўришди, лекин ҳеч ким тўхтатмади.

— Бу ёғи “вип”га ўхшайди, — деди Шоҳруҳ Юлдузга жилмайиб кўяркан.

— Ҳозирча шундай, кейин қувиб қолишмасин. Шунинг учун машинани бирон жойда қолдириб кетамиз.

Бироз юрилганидан кейин “Жип” йўл четида тўхтади. Сўнг эшик-деразалари очиқ ҳолда янги эгасининг ортидан мўлтираганча қолаверди. Шу билан бирга машина безовта эди. Ахир ҳайдовчи томондаги эшикнинг пастига кичкинагина қизил чироқча ёниб-ўчиб турар, симининг бир учи кабина остидаги кичкина, лекин бутун бошли машинани бўлақларга бўлиб ташлашга кучи етадиган бомбага уланганди. У махсус ўрнатилган бўлиб, бегона одам машина рулига ўтириб уч соат ҳайдаса ҳаракатга келарди. Уни ўчириш учун рул тагидаги қора тугмачани босиб қўйиш керак эди. Аммо Шоҳруҳ уни босмади. Умуман, машинада бомба борлигини, уни ўчиришнинг йўлини ҳам билмасди. У Юлдуз билан бирга такси ушлаш учун кетганида учинчи соатнинг тугашига бор-йўғи ўн беш дақиқа вақт қолганди. Шоҳруҳ билан Юлдуз юқларини йўловчи машинага жойлагач, йўлнинг нариги тарафидаги қаҳвахонага кириб тамадди қилиб ўтиришганида бирдан портлаш юз берди. Машина ердан икки метрлар ба-ландликка кўтарилди-да, яна қайтиб тушди. Баллонлар, эшиклар ва яна бошқа темир-терсақлар ҳар томонга сочилди. Қаҳвахона деразалари зириллаб кетди. Йўл ёқасидаги машиналар бирин-сирин чийиллаб қолишди. Анча пайтдан бери энди тузукроқ овқатланишаётган йигит билан қиз чўчиб тушиб, ўринларидан туриб кетишди. Қаҳвахонадагиларнинг кўпчилиги то-

мошани кўриш учун ташқарига ошиқишди. Бошқалари де-
разага ёпишишди. Улар орасида Шоҳруҳ билан Юлдуз ҳам
бор эди.

Портлаш Юлдузни қалтиратиб юборди. Унинг киприк-
лари пирпиради, ранги оқарди. Шоҳруҳ унга юзланиб:
“Худо асради”, демоқчи бўлди-ю, қизнинг аҳволини кўргач
елкасидан қучиб:

— Ҳаммаси жойида бўлади, омад биз томонда, — деди.

Улар тўрт соат деганда Бек турган жойга етиб боришди.
Иккиси ҳам роса чарчаган эди. Шу боисдан уй бекаси
тайёрлаган дастурхон атрофига ўтирмай, ётоққа кириб ке-
тишди.

Ўз юртидан келгандан бери тинчлик бўлмагани боис
Юлдуз барчага бир ҳафталик дам эълон қилди. Орадан уч
кун ўтиб, ҳамма зерика бошлади. Бекнинг дам олиши
чўзилиб кетганди, ўтиролмайд қолди. Бунинг яна бошқа
сабаби ҳам бор эди. У шериклари шаҳарга кетганда улар
турган жойдан унча узоқ бўлмаган қишлоқда яшовчи жу-
вон билан танишган ва икки кеча уникида “меҳмон” бўлиб
қайтганди. Уч кунлик танаффус зўриқтириб юборди. Ҳар
қалай, ўрганиб қолган экан, навбатдаги кечада у яна ўша
томонга кетаётганида Юлдуз сезиб қолди.

— Боринг-чи, — деди у Шоҳруҳга, — дўстимиз нима
билан шуғулланаётган экан?

Шоҳруҳ бирпас қизга термилиб тургач, у кўрсатган то-
монга қаради.

— Шубҳангиз борми? — сўради қиздан.

— Шубҳаланмайман-у, лекин...

— Айланиб, қайтиб келар. Зериккандир, озгина юрса
чарчайди. Оқшом ухлаши яхши бўлади, — дея Юлдузнинг
гапини бўлиб қисқача жавоб бериб қўя қолди Шоҳруҳ.

— Нега бирдан унинг тарафини олишга тушиб кетдин-
гиз? Ёки ораларингизда мен билмайдиган қандайдир сир
борми?

— Сир нима қилсин? Ҳали тузук-қуруқ гаплашмадик-
ку?! Ҳар қалай, дам олишдан тўйганини кўзи айтиб туриб-
ди. Иккинчи томондан, кетгани ҳам яхши бўлди, иккови-
мизни холи қолдирди.

— Балки сиз ўзингиз: “Айланиб келинг”, деб Бекни
жўнатиб юборгандирсиз?

- Агар сиз айтганингиздай бўлса-чи?
- Унда ниҳоятда аҳмоқ одам бўласиз.
- Шундайми?
- Шундай.

Шоҳруҳ бирдан қизни қучоқлаб лабига лабини босди. Юлдуз ҳарчанд типирчиламасин, барибир йигитнинг қучоғидан чиқиб кетолмади. Аслида унинг-да чиққиси йўқ эди.

— Жинни! — деди Юлдуз кулги аралаш. — Кампир кўриб қолади. Шарманда қилманг мени!

— Кўрмайди. Униям жўнатворганман. Посёлкадаги дўконга. Икковимиздан бўлак ҳеч ким йўқ.

— Бас қилинг. Кўп эркалиниб кетдингиз! — деб Юлдуз Шоҳруҳни астойдил ўзидан итарди. Эркинликка чиққанидан кейин эса: — Охиргиси бўлсин. Агар яна бемазагарчилик қилсангиз, бутунлай хафалашамиз! — деди.

— Барибир мен сизга уйланаман. Йўқ десангиз, опқочаман, чин сўзим. Лекин ваъда бераман, бундан бу ёғига қўлимни ҳам теккизмайман!

Шоҳруҳнинг сўзлари қатъий эди. Ҳақиқатан ҳам нияти шундай эди. Аммо у ҳали келажакда қандай воқеалар содир бўлишини билмас, не-не азобларни бошидан ўтказиши хаёлига ҳам келмаганди. Юлдуз унинг гапларига ишонди. Аслида Шоҳруҳ шундай демаганида ҳам ишонган бўларди. Агар олдидаги муаммолар бўлмаганида, ҳозир ҳам ўзи ёқтирган йигитининг оғушидан чиқишга уринмасди. Балки иккаласи муҳаббат ҳақида узундан-узоқ суҳбат қуришарди.

Шоҳруҳ гапида турди. Кейинги кунларда ишқий мавзуда қизга ҳеч нима демади. Бундан ташқари, иккаласи холи қоладиган бўлса, бирон нимани баҳона қилиб, унинг ёнидан кетиб қоладиган одат чиқарди. Аввалига қиз эътибор бермади. Кейинчалик сизди. Сизди-ю, маъюсланиб қолди. Аммо Бекнинг “саёҳат”га чиқишлари тўхтаб қолди. Тўғрироғи, Шоҳруҳ тўхтатди.

— Қаерга бориб келаётганингни сезиб юрибман. Юлдуз ҳам ҳид олган. Шунинг учун ҳозирча карам шўрвангни йиғиштириб қўй, вақти келса тўйиб оларсан, — деди у Бекка.

Бек унга ўкрайиб қаради. Кейин ўшшайди.

— Ҳар қалай, эркакмиз. Мана шундай чеккага чиққани-

мизда, — деб энди гап бошлаган эди, Шоҳруҳ дарров унинг оғзини ёпди.

— Унда ўша ёққа кетгин-да, қайтиб келма.

— Сен ким бўлдинг менга хўжайинлик қиладиган? Бизга қўшилганинга тўрт кун бўлдими-йўқми...

— Гапимни эшитган бўлсанг, тамом. Агар яна майнавозчилик қиладиган бўлсанг, ўзингдан кўр.

— Нима келади қўлингдан? Юлдузнинг ёнида юрибман, ҳамма нарса мумкин менга, деб ўйлаётган бўлсанг, чучварани хом санабсан, сендақа бўйни йўғонларнинг кўпини кўрганман...

Шоҳруҳ унинг қолган гапларини айттирмади. Ўйлаб ҳам ўтирмай, жағига мушт туширди. Бек бундай бўлишини кутмаганидан орқасига гурсиллаб йиқилди.

Агар уларнинг жанжали устига Юлдуз келиб қолмаганида, муштлашув авжига чиқиб кетиши мумкин эди.

— Нима қилаяпсизлар?! — дея бақирди қиз.

Йигитларнинг ҳар иккиси ҳам жавоб бермади. Юлдуз қайта-қайта сўраса-да, бирови ғинг демади.

— Агар яна бир марта бир-бирларинг билан жиққамушт бўладиган бўлсанглр, қайтиб бу ерда қораларингни кўрмай, — деб аччиқ устида улардан узоқлашди.

Йигитларнинг бир-бирларига гарази йўқ эди. Бекка калтак егани алам қилаётган бўлса, Шоҳруҳга Бекнинг менси-магани оғир ботганди. Улар аввалига ёвқараш қилишди. Бироз ўтиб, Шоҳруҳ чордана қуриб ўтириб олган Бекка қўлини узатди.

Шу билан жанжалнинг умри тугади. Айни чоғда Бек қишлоққа қатнашни бас қилиш билан бирга, Шоҳруҳга итоат ҳам қила бошлади. Албатта, Юлдузга эргашиб. Чунки у Шоҳруҳдан кўп маслаҳат сўрар ва унинг айтгани бўйича иш қилар, дастурхон атрофида ўтирганларида эса ёқтирган йигитига хизмат қиларди. Бу билан Шоҳруҳни ўзидан баланд қўяётганини атайин Бекка кўрсатардики, хатти-ҳаракатида: “Мен-ку Шоҳруҳга шундай илтифот кўрсатаяпман, сен ким бўлсан? Сен ҳам бунинг ҳар айтган сўзини ўзингга қонун деб биласан”, деган мазмун бор эди. Ва бу ҳаракат мазмунига Бек ҳам беихтиёр эргашадиган бўлди.

Дам олишга ажратилган ҳафта ҳам ниҳоят ўтди. Учовлон ижарачи кампирнинг кичик хонасига йиғилишди.

— Ишни нимадан бошлаймиз? — сўради Юлдуз Шоҳруҳга юзланиб.

— Бизнесдан. Бозорга бориб майда-чуйда сотамиз. Фақат сиз ҳеч қаяққа чиқмайсиз.

Шоҳруҳдан бунақанги жавобни кутмаган Юлдуз унга тикилганча қотиб қолди.

— Хафа бўлманг, — гапида давом этди йигит, — менимча, энг тўғри йўл шу. Агар яна шошма-шошарлик қилаверсак, ўлиб кетамиз. Орзуларингизнинг ушалиши эса қийматга қолади.

— Мен, — деди бироз ранги оқарган қиз, — уйда ўтиролмайман... Сиз, сиз ғалати гапларни айтаяпсиз. Агар биз бозордан уларни зўрлик билан чиқариб юбормасак, савдо қилишимизга йўл қўйишмайди.

Шоҳруҳ унга жилмайиб қаради.

— Бир куни, — деди нигоҳини қиздан олмай, — турмушга чиқасиз. Ўшанда уйда ўтиришга мажбур бўласизми? Бўласиз. Демак, ҳозирдан тайёргарлик кўришингиз зарур... Кейинги масала, героинни йўқ қилмасак, бошимизга кўп ташвиш келтиради.

Бек ялт этиб Шоҳруҳга қаради. Юлдузнинг хонасида турган иккита қопдан унинг хабари бор эди. Шоҳруҳ кўтариб келганида нималигини сўраганида: “Бомба. Очсам портлаб кетади”, деган жавоб олувди. Ўшанда: “Буларнинг ҳаммаси пул бўлса керак”, деб ўйлаганди. Қисман ҳақ ҳам эди. Бироқ шерикларининг героин олиб келиши мумкинлиги хаёлига ҳам келмаганди.

Унинг юзидаги ажабланиш аста-секин ғазабга айланди.

— Бегонамани? — деди у. — Нега менинг билишга ҳақим йўқ.

— Чекармидинг? — деб ўқрайиб қаради Шоҳруҳ.

— Шартмиди чекишим? Билиб қўйсам, озгина...

— Шунинг ҳам жанжал чиқарманглар. Ҳозир жанжаллашадиган аҳволдамасмиз. Ундан кўра нима қилиш ҳақида ўйлашимиз керак. Менимча, ҳозир шу ерда тура турсин. Балки бир жойга керак бўлиб қолар. Ўзиям беш-олти кило чиқиб қолади, — деди Юлдуз.

— Демак, учаламизниям камида ўн беш йилдан қамалиб

кетишимизга бемалол етиб ортади, — дея бир нуқтага термилиб қолди Шоҳруҳ.

— Сен айтганинг — ёмон томони. Яхши томони, бу матоҳ Афғонистонда килоси беш юз “кўк”ида турса, Европада бир ярим миллион туради. Демак, учаламиз ҳам миллионерлармиз, — деб кафтларини бир-бирига ишқалади Бек.

— Шунинг орқасидан миллионер бўлгандан кўра, гадой бўлиб садақа сўраб юрганим минг марта афзал. Қисқаси, йўқ қиламиз, тамом-вассалом, — деб Шоҳруҳ ўрнидан турмоқчи бўлганида Юлдуз уни кўлидан ушлаб тўхтатди.

— Ундан сира хавотир олманг. Менинг бир ўзимни ташлаб кетаяпсизлар-ку. Ўйлаб кўраман. Сизнинг гапингизни тўғри деб қабул қилсам, аввал озгинасини татиб кўриб, қолганини ёқиб юбораман, — дея жилмайди қиз.

Шоҳруҳнинг бирдан қўллари мушт бўлиб тугилди.

— Татиб кўрасан, — деди у еб қўйгудек қизга қараркан.

— Ҳазиллашдим. Хавотир олманглар, шунга айтиб қўймоқчиман, холос.

Эртасига келишилганидай Шоҳруҳ билан Бек шаҳарга боришди. Тўғри бозорга тушишди. Ҳаммаёқ одам. Олди-сотди авжида. Сотувчиларнинг кўпчилиги қорамағиз. Ораларида ўзбеклариям бор. Шоҳруҳ улардан бирининг ёнига бориб ўз тилида салом берди. Йигит унинг юзига бир қараб қўйди, холос. Сўнг рўпарасидаги семиз аёл билан савдолашишда давом этди. “Халақит бермайин. Мижозига молини сотсин, кейин гаплашаман”, дея хаёлидан ўтказган Шоҳруҳ бироз нарида туриб сотувчининг гап-сўзлари-ю хатти-ҳаракатларига эътибор бериб турди. Семиз аёл кетди, унинг ўрнига бошқаси келди. Яна бояги аҳвол такрорланди. Йигит зерикди. Бошқа расталарга эътибор қилди. Сотувчиларнинг олдида фақат сара мевалар териб қўйилган эди. Жуда узоқлардан келтирилган хурмолар шунақанги сақланган эдики, кўрган одам минглаб километр нардан келтирилганига ишонгиси келмасди. Бошқа мевалар ҳам худди шу тахлитда сақланган. Гўё шу шаҳар яқинида етиштирилган-у, узоғи билан кунга кеча узиб келтирилган. Уларни кўриб беихтиёр оғзининг суви оқади. Фақат ҳар бири алоҳида кўк брезент билан ажратилган расталарнинг орқасида турган айрим сотувчиларнинг ранги совуқлиги

одамнинг кўнглини хира қиларди. Айни улар турган жойга камдан-кам харидор борар, борганлари ҳам шунчаки нарх сўраб ўтиб кетишарди. Шоҳруҳнинг уларга хаёли кетиб, гаплашмоқчи бўлгани ёдидан кўтарилди.

— Эй-й, — деди бир маҳал Бек уни туртаркан, — қара.

Шоҳруҳ бирдан Бек имлаган тарафга кўз ташлади. Улардан бор-йўғи тўрт қадамча нарида, боягина Шоҳруҳ салом берган йигитнинг қаршисида иккита барзанги турарди.

— Бизнинг ҳақимизни дарров чиқар, кечаги қарзингни икки баробар тўлайсан. Демак, уч кунлик “доля” бўйнингда осилиб ётибди, — деди улардан бири.

— Бугун ҳали савдо энди бошланди. Ҳеч қанча савдо қилмадим. Жой ҳақиниям берганим йўқ ҳали. Мумкин бўлса, кечкурун...

Савдогарнинг қолган гаплари ичида қолиб кетди. Барзангиларнинг иккинчиси растада чиройли қилиб териб қўйилган Эрон олмасидан бирини олиб, савдогарнинг башарасига отди.

Савдогар гарчи жони чиқиб кетгудай бўлган эса-да, финг демади. Фақат олма теккан лабини кафти билан бекитди. Унинг башараси аянчли тус олган эди.

— Кечкурун қарзинг икки ҳисса ошади. Тўламасанг, нима бўлишини яхши биласан, — деб биринчи барзанги бошқа бир олмани кўлига олиб уни бир-икки марта ҳавога отиб илиб олгач, “ғарч” этказиб тишлади ва хунук ўшшайганча бошқаларнинг ёнига кетди.

Сотувчининг юзига қараб бўлмасди. Унинг лабидан оқа бошлаган қон туфайли эмас, балки шунақанги ачинарли тус олгани учун одамнинг ичи эзиларди.

— Ким у? — сўради Шоҳруҳ унинг қаршисига бориб.

— Итдан тарқаганлар! — деди сотувчи алам билан. — Одаммас улар.

— Нега унга “доля” бераркансиз?

Шоҳруҳнинг навбатдаги саволи сотувчининг назарида ўта мантиқсиз эди. Чунки бу ердагиларнинг ҳаммаси “доля” нима эканлигини яхши биларди. Сотувчининг энсаси қолди.

— Қанча олади? — сўради Шоҳруҳ унинг ҳолатига эътибор бермай.

— Кечагача икки минг эди. Бирдан беш мингга чиқаришди. Ҳамма ҳайрон. Яна фақат бизга. Ана, азарлар бир

тийин беришмайди. Шунинг учун арзон-гаров савдо қилишяпти. Клиентлар ҳам фақат уларда. Бари иномарка миниб юришибди. Бизда бўлса “Москвич” ҳам йўқ.

— “Кўк”ида тўлайсизларми?

— Қанақа “кўк”и? Рублда.

— Нечтасизлар?

— Ўзимиздан келган сотувчиларми? Йигирма бештача чиқиб қолса керак.

— Йигирма олтинчиси мен бўламан. Жой гаплашиб беролмайсизми?

— Эй, ошна, яхшиси, бошқа иш қилганингиз дуруст. Нима қиласиз оғримаган бошингизни оғритиб? Мол олишнинг ўзи бўлмайди. Ҳамма олиб бўлганидан кейин бизга навбат тегади. Қолган-қутгани. Ана уни кейин сотиб кўрчи? Бунинг устига, жой ҳақиям бор. Анави зўравонларнинг “доля”си жонга тегиб кетди. Агар қарзимни тўлаб бўлганимда, бир минут ҳам турмасдим бу ерда.

— Қанча қарзингиз бор? — сўради ундан Шоҳруҳ.

— Етти минг “кўк”ида.

Шоҳруҳ чўнтагидан бир даста бели букилмаган юз купюралик доллар олди-да, сотувчининг қўлига тутқазди.

— Шу пул, менимча, етади. Сиз бемалол бораверинг. Ўрнингизга беш-олти кун ўзим ишлаб тураман. “Доля”лариниям тўлайман.

Сотувчи йигит анқайиб қолди. У нима деярини билмасди. Бу йигитлар қаердан келишди? Нега пул беришяпти? Мақсадлари нима? Тушунмасди у. Бир неча сониядан кейин эса қўлидаги пулга қаради. Сўнг дарров оқ халатни ечиб унга узатди.

— Майли, уриниб кўринг, балки сизнинг ишингиз юришиб қолар, — деб кийимини Шоҳруҳнинг қўлига тутқазиб, ўзи қаёққадир шошиб кетди.

Унинг ортидан қараб қолган Шоҳруҳ жилмайди.

— Бошқаларга ўхшаб чумомиз чиқаркан-да, — деди шеригининг қилигидан жаҳли чиққан Бек, — бу ёғи энди қанақа майнавозчилик?

— Кўявер, дўстим. Зора шу ишдан бирон натижа чиқса. Сен бориб бозорни айланиб юравер. Озгина савдогарлик қилай. Қўлим енгил, келгунингча мана шу ерда, — Шоҳруҳ راستани кўрсатди, — ҳеч нарса қолмайди.

Бутунлай кайфияти тушиб кетган, зўрға ўзини ушлаб турган Бек аламидан тишини-тишига босиб ундан узоқлашди.

Шоҳруҳ акасининг дўконларига қараб юргани билан, ҳали ўзи бирор марта бўлсин, савдо қилмаган эди. Тўғрироғи, сотувчиларга мол олиб келиб берган, соттирган, лекин ўзи бирон нимани доналаб раста ортида туриб пуллаган эмасди. Акалари кўп марта унинг қўли енгиллигини айтишганди. Аммо қўл енгиллиги ҳақида ўзи тасаввурга эга эмасди.

Ярим соат нари-берисида уч-тўрт кило мева сотди. Шунинг билан бирга ён-атрофдагилар, у билан савдолашаётган харидорларнинг туриш-турмушига, гап-сўзларига диққат қилди. Бир нималарни англагандай бўлди. Лекин айнан ўша нарсани сира тополмади.

Кечки пайт “солиқчилар” келишди. Шоҳруҳ уларга сотувчининг укаси эканлигини айтди.

— Байрамнинг укасимисан? — жудаям аниқлик киритди улардан бири.

— Ҳа, бугун келдим. Акам касал бўп қолди, пулларни бериб қўясан, деб менга ташлаб кетди, — дея у чўнтагидан улар сўраган пулни чиқариб берди.

— Сен, — деди пул йиғувчиларнинг тўладан келгани (дарвоқе, унинг қўлида пиво бор эди, кунига ўн шишадан кам пиво ичмасди), — тузук болага ўхшайсан. Гапларинг ҳам дангал. Шундай бўлсаям бир нарсани айтиб қўяйин, агар бизнинг ҳақимизни беришда бир соат кечиксанг ҳам, устама ҳақ тўлайсан.

— Бизнинг гапимиз битта бўлади, акалар, мана кўрасизлар, вақти келиб жуда яқин бўп кетамиз. Ҳатто мен сизларга ёрдам ҳам бериб юбораман.

— Сени қара-я, ўзи бугун келибсан-у, гапларинг осмонда. Тагин юраман деб, чўлоқ бўп қолмагин, мишиқи.

“Солиқчилар”нинг ҳар иккови ҳам хохлашиб кулишиб, сўнг кетишди.

Шоҳруҳ атрофидагилардан сўраб-суриштириб молни қаердан, неча пулдан олишларини билиб олди. Эртасига ўрнига Бекни қўйиб, нақ бир фургон мева келтирди. Кейин шеригига жавоб бериб, “кеп қолинг, оп қолинг” билан шуғулланди. Худо “ол, қулим!” деса, асфальт йўлдан тош

териб келсанг ҳам, дарров сотилиб кетаркан. У гарчи азарларга нисбатан молнинг нархини бирмунча қиммат қилиб қўйган эса-да, харидорлар айнан унинг мева-чевасидан сотиб олишни маъқул кўришди. “Манавини, — дерди у бир дона мевани қўлига олиб мижознинг қулоғига шивирларкан, — битта тишлаб кўринг, кейин бошқаларникининг таъмини билинг. Агар фарқи бўлмаса, текин бериб юбораман... Асл молнинг нархиям қиммат бўлади-да”. Бу, албатта, унинг энг оддий шумлиги эди. Иккиланиб турган мижозларга нисбатан ишлатиларди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Энди уни бозордаги савдогарларнинг кўпчилиги билишарди. Ҳатто азарлар ҳам. Шоҳруҳ улар билан дўстлашиш йўлини ҳам топди. Яъни бориб молини сотишга ёрдамлашди. Эвазига ҳеч нарса олмади.

— Дўстим, биз савдогарлармиз, бугун сенинг молинг ўтмай қолган бўлса, эртага меники туриб қолади. Сен ҳам ўша пайтда биз тарафга бир қараб қўйсанг бўлди, олам гулистон.

Албатта, унинг хатти-ҳаракатлари бир-иккита тупроқдошларига ёқмасди. Лекин Шоҳруҳ ҳеч нимага эътибор бермади. Мумкин қадар кўпроқ одамни таниш, уларга яқинлашишга уринди. Шунинг билан бирга юртидан келганларнинг аҳволи билан қизиқди. Савдогарлари ёмон эмасди. Юпун кийинган, чориғи илвираб кетган, баҳайбат аравани инқиллаб судраб кетаётганларни кўрганда ичидан бир нима чирт этиб узилди. Уларнинг кўзларидаги ўт сўниб қолгандай эди. Ҳамма нарсага бефарқ боқишарди. Мақсадлари — аравага молини ортган бойвачча кўпроқ пул берса, тузукроқ овқатланса... Шу эди, холос. Тўрт-беш сўм орттириш йўлида не-не умидлар билан кўз тикиб турганлар томонга мижозларни жўнатиш хаёлларига ҳам келмасди. Уларни кўрган Шоҳруҳ йиғлаб юборай деди.

Савдогарликнинг тўртинчи ҳафтасига келиб ундан маслаҳат сўрайдиганлар пайдо бўлди. Айни чоғда Шоҳруҳ ишонса бўладиган, бақувват, бирон нима буюрсанг, уддалай оладиган йигитлардан топди. Табиийки, улар ишбилармон ҳам эдилар. Аммо ташқи таъсир ишлашларига йўл қўймасди. “Ака, — деди ёши ўттизларга бориб қолган йигит, — ҳаммаси жонга тегиб кетди. Шу ерда топганимни уйимдан чиқмай ҳам топардим... Нега энди биз хор

бўлишимиз керак? Ундан кейин сиз қилаётган ишларгаям сира тушунмаяпман. Шунчалик пулингиз кўп экан, қаердаги ўғри-муттаҳамларга инъом қилгандан кўра, арава тортиб юрганларнинг ҳолидан хабар олинг”. Шоҳруҳ, аввало, унинг “ака” деб мурожаат қилганидан хижолат бўлди. Кейин мулойимлик билан, бироқ кескин айтилган гап унинг юрагига бориб қадалди.

— Исмингиз нима? — сўради қаршисидаги одамдан.

— Бахтиёр, — жавоб қилди савдогар.

— Меники Шоҳруҳ. Танишганимдан хурсандман. Кейинчалик балки бир-биримизни тушуниб олармиз?

Шу билан суҳбат узилди. Аммо Шоҳруҳнинг шу гапининг ўзи Бахтиёрни ҳайратлантирди. “Бир нарсани аниқ биладики, шундай ишлар қилиб юрибди”, деган фикрга келди у.

Навбатдаги ойнинг охири эди. Иш бунчалик чўзилганидан Юлдуз жудаям сиқилганди. “Бўлди, бунақанги майна-возчиликларни йиғиштиринг”, демоқчи бўлиб турганида, Шоҳруҳ саккизтача йигитни бошлаб келди. Бари қорамағиз, барининг кўзидан ўт чақнайди.

Шоҳруҳ уларни ташқарида қолдириб Юлдуз билан ичкарига кирди. Қиз йигитнинг кўзига тикилди.

— Тушундим, — деди Шоҳруҳ жилмайиб, — кўришмаганимизга бир ҳафтадан ошди. Соғиндим.

У шу гапларни айтиш баробарида қизнинг лабидан бўса олди. Юлдуз монелик кўрсатмади. Билъакс, ўзи ҳам жуда соғинган, ҳақиқий хотини бўлганида бўйнидан қучоқлаб олган бўларди.

— Энди айтинг, — деди юзига қизиллик югуриб.

— Ишни бошлаш вақти келди. Мен қирқтача одам йиғдим, ҳаммаси жанговар қиёфада. Нима деса қайтмайдиганлардан, — дея гап бошлади Шоҳруҳ.

— Анави хўрозбош...

— Хавотир олманг, — дея бирдан унинг гапини бўлди Шоҳруҳ, — бирортасиям қулоғини қимирлатмайди. Қолаверса, тўқсон фоизи ўзимизникилар. Сиз билан таништириш учун саккизтасини олиб келдим. Биринчи рақамли хонимни кўриб қўйишлари учун.

— Йўқ, унақа қилманг. Менинг бош бўлишим кўп кўнгилсизликлар келтиради. Яхшиси, сизнинг ёнингизда

бўлиб тураман. Ўзингиз айтгансиз-ку, бир тану бир жон-миз деб.

Беихтиёр айтиб юборилган сўнги гап Шоҳруҳни руҳлантириб юборди. Қизни кучди. Қайта-қайта ўпди. Сўнг ташқарига чиқиб, ўзи билан бирга келган йигитларни уйга таклиф қилди.

Шу куни базм бўлди. Ҳамма еди-ичди, хурсандчилик қилди. Эртасига Шоҳруҳ шаҳарга қайтиб борди. Доимий рўйхатда турадиган йигитлар номига учта машина сотиб олди. Шундан иккитаси қоп-қора “Тойотта” “жип”и эди.

— Бахтиёр ака, — деди у машинага ўтирганидан кейин ортига ўгирилиб, — энди ишни бошласак ҳам бўлаверади.

Ҳа, ўша Шоҳруҳнинг қилаётган ишларидан ҳам ҳайратланган, ҳам жаҳли чиққан, беш йилдан бери шу ерда савдо-сотиқ билан шуғулланиб юрган узоқни ўйлайдиган, мулоҳазали, кенг елкали, бўйлари узун бу йигит Шоҳруҳнинг яқинларидан бирига айланган эди. “Нима бўлган тақдирда ҳам бошқалардан ўзимизни ҳимоя қилиб, одамга ўхшаб яшайлик”, деганди у Шоҳруҳнинг мақсадини билганидан кейин.

— Нимадан бошлаймиз? — сўради Бахтиёр.

— Мўлжаллаб қўйибман. Учинчи микрорайонда улар ҳар пайшанбада тўпланишади. Бориб ҳаммасини элакдан ўтказамиз, — деди унга қараб жилмайиб қўйган Шоҳруҳ.

— Лекин биз ҳали тайёр эмасмиз. Бунақанги нарсаларни бировимиз ҳам қилмаганмиз. Қандай бўларкан?

Шоҳруҳ жавоб қилмади. Қандай бўлишини унинг ўзи ҳам билмасди. Муҳими, душманлари ҳеч нарсадан хавфсирамайди. Бемалол ичкиликбозлик, маишат қилишади. Улар бошқа нимани ҳам ўйлашарди? Ишлари авжида, мўмайгина пул ўз оёғи билан келиб турибди. Ҳатто юртида ҳам бунақанги роҳат-фароғатни кўрмаган. Ана шундай пайтда Шоҳруҳ кириб боради. Ҳаммаси карахтланиб қолади. Ўзларини ўнглагунларича Шоҳруҳ уларнинг бир-иккитасининг оғзи-бурнини қонга белейди.

— Балки қолган болаларниям чақирармиз? — сўради аввалги саволига жавоб ололмаган Бахтиёр.

— Ҳожати йўқ. Ҳозир олти кишимизми, шунинг ўзи етади. Тўғрими, Бек? — деб Шоҳруҳ кўзгу орқали орқа ўриндикда ўтирган йигитга қараб қўйди.

Бек бош иргаш билангина жавоб қилди.

Мўлжалланган манзилга учта яп-янги машина ярим соатлардан кейин етиб келиб олдинма-кейин тўхтади. Шаҳарнинг энг чеккасидаги кварталнинг сўнгги тўрт қаватли биноси. Ундан кейин уй тугул кўча ҳам йўқ. Фақат ҳаммаёқ дов-дарактлар.

— Анави хонадонга кирамиз, — деди Шоҳруҳ қўли билан айвонининг олди темир панжара билан ўралган томонни кўрсатиб, — аввал мен бир ўзим бораман. Гугурт ёқаман ёки бошқа шунга ўхшаш белги бераман. Шундан кейин дарров югурасизлар. Фақат бу уйларнинг бошқа қаватларида ҳам одамлар яшашини эсларингдан чиқариб қўйманглар. Ҳар қандай шовқинни эшитиб қолишса, дарров “мент”ларга хабар беришади. Ундан сўнг нима бўлишини ўзларинг яхши биласизлар.

— Шоҳруҳ, бир ўзинг боришинг хавфли. Уларнинг қуроллариям борлигини эсингдан чиқарма. Бўлмагандаям, кўпчиликка туриб беришнинг ўзи бўлмайди, — деди унга хавотирли нигоҳ ташлаган Бек.

— Бир гап бўлар, — деб Шоҳруҳ машинадан тушди ва кўп қаватли уй томон илдам юриб кетди.

Одам ҳаддан зиёд тўқ бўлса, кўп нарса унга оддий ҳолдай туйилади. Ҳатто осмонга қараб ётиб олганча, ҳеч қайсига ўхшамайдиган, ҳар доимгидан-да бошқачароқ кайфу сафо қилишни ўйлаб қоларкан. Шоҳруҳ кўтарилган иккинчи қаватдаги бир-биридан бақувват тўрт киши ана шу тоифага кирганларига анча бўлган эди. Майдан олинадиган сархушлик, ожизаларнинг нозли эркаланишлари уларнинг истагини бажаролмасди. Фақат билакларининг йўғон томирларига шприц орқали жўнатилган хаёлни бутунлай ўғирловчи суюқликкина ҳақиқий роҳат-фароғатни бера оларди. Бироқ айна чоғда, уларнинг биронтаси ҳам ҳушини йўқотмаган эди. Столнинг устига икки қоп пулни ағдаришган ва эринибгина санаш билан овора эдилар. Эшик кўнғироғи жиринглади. Тўртта девқомат йигит сергакланди. Шунда улардан бири қўл силтаб:

— Марина келмоқчийди. Ярим соат олдин телефон қилувди. Дугонаси “ломка”да экан. Қарзга икки грамм сўради, — деди.

Унинг гапини эшитганидан кейин қолган учтаси ўрнидан туриб кетди.

— Қарзга?! — ўкириб юборди калласи хумдай келадиган, ҳамма ёғини жун босган, саватдай сочи жингалак, бурнининг бир тарафида тиртиғи бор барзанги. — Хўжайин қарзга умуман бермайсанлар деган. Ҳатто ҳидлатмайсан ҳам. Соққасини олиб келиб, кейин олаверсин.

— Кетворган нарса у. Пули бўлмагани билан бадани шунақанги оқ, силлиқки, кўрсанг ўлиб қоласан, — деди қизни уйга таклиф қилган йигит кўкрагига игна билан чизилган аждар сурати устини қашлаб қўяркан.

— Аёл десанг, қайт қилиб юбораман. Менга пул керак! Пул!..

— Бўпти, ҳозир эшикни очаман. Ёқмаса ўзим чўнтагимдан тўлайман.

У ўрнидан турди. Шошилмасдан эшикнинг “кўз”идан ташқарига қаради. Ҳеч ким кўринмади.

— Ким?! — сўради у аччиқланиб.

— Мен, — дея қутилмаганда эркак овози келди эшикнинг ортидан.

* * *

Машинага қараб бўлмасди. Ҳамма ойналари чил-чил синган, капоти гижимланган, моторга олдинда жой қолмагани боис салон тарафга ичкарилаган, эшиклар илгакдан узилиб, асфальт йўлдан жой олишганди. Эндиликда пастда қолган томнинг текислигидан асар ҳам қолмаган эди.

Бир қарашда бу машинадагиларнинг ҳаммасига аза очиб қўявериш мумкин эди. Аммо Худонинг кароматини қарангки, қизи каби Содиқнинг фақатгина оёғи ва битта қўли синди. Муроднинг боши ёрилди. Юзини ойна кесиб кетди. Шаҳло эса қўрққанидан ҳушидан кетиб қолди. Машина тўнтарилганини кўришлари билан ёрдамга етиб келган одамлар айнан уни ўлганга чиқаришди ва биринчи тўхтаган машинага ётқизиб касалхонага жўнатиб юборишди. Қолган икки жабрланувчи инграр, нима бўлганига ҳали-ҳамон тушунишмасди.

Содиқни машинадан суғуриб олишгач, у ҳушини йўқотди. Уни тасодиф туфайли шу ердан ўтиб қолган “Тез ёрдам” машинаси олиб кетди. Мурод “Тез ёрдам”га чиқишни хоҳламади. Шунча мажбурлашларига қарамай, “Кетмайман!” деб оёқ тираб туриб олган, тўнтарилиб ётган машина атрофида гарангсиб айланар, тинмай Шаҳлони

қидирарди. У ҳам боши қаттиқ чайқалганидан энди ён-атрофидагиларни кўриб-кўрмай қолаётган эди. Худди маст одамдай чайқалиб юрарди. “Шахло! Шахло!” — деб бақирар, ёрдамга келганлар у кимни қидираётганини англашиб, қизни касалхонага олиб кетишганини айтишса-да, барибир у қидиришда давом этаверарди. Аввалига йигитни ўз ҳолига қўйганлар ундаги ўзгаришни сезишгач, дарров машина тўхта-тишди.

Мурод касалхонада қилинган укол таъсирида қотиб ух-лади. Бир марта бўлсин қимирламади. Икки соатлар ўтгач уйғонди: оппоқ хона, оппоқ халатли кишилар, оппоқ чой-шаб. Ҳатто каравотлар ҳам оққа бўялган.

— Мен бу ерда нима қилиб ётибман? — сўради у бош тарафидаги столнинг устига алламбало дориларни қўйиб, шприцга игна қадаётган ҳамширадан.

Ҳамшира унга ўғирилди. Бир муддат тикилиб турди-да:

— Уйғондингизми? — деди совуққонлик билан.

— Нега бу ерда ётибман? Ким мени олиб келди? — дея ўрнидан туришга ҳаракат қилди Мурод.

— Одамлар олиб келишди. Худога шукур қилинг, ҳеч жойингизга ҳеч нарса қилмабди. Бўлмаса унақанги авария-да одам тирик қолмаслиги керак.

— Авария?! — деб Мурод бошини ёстиққа ташлаб шифт-га термилди. Ўтган воқеаларни бирма-бир хаёлида тиклай бошлади. Бирдан Шаҳлони эслади. — Шахло! — деди у ўрнидан сапчиб туриб. — Шаҳлога нима қилди?! Қаерда у? Униям шу балнисага олиб келишдимиз?!

Ҳамшира Муродни худди энди кўраётгандай унга бош-дан-оёқ қараб чиқди.

— Нега жимсиз?! — деди Мурод бўғилиб. — Ростини айтинг, нима, унга бирор нарса қилдимиз?!

— Ўзингизни босинг, нимага бақирасиз?! Оёғи синган қизми? Униям бахти бор экан. Биргина оёғи синибди. Ҳа, сизлар билан бирга яна битта одам бор экан. Тавба, унга жинам урмабди. Лекин жинни-пинни бўлган бўлсанглар керак. Шундай мастликдаям одам рулга ўтирадимиз?..

— Шаҳлони кўрсам майлими, у қайси палатада?!

— Кимингиз бўлади? Мабодо хотинингиз эмасми?

— Шундай десаям бўлади...

Бошқа сўзлашга унинг бардоши етмади. Назарида, унинг

гапларини ҳамшира тушунмаётгандай эди. Ҳамширага фалокат тафсилотлари, қайсидир палатада ётган оёғи синган қиз билан уларнинг алоқаси ва ҳоказолар кўпроқ қизиқдай туйилди. Боши боғланган, юзининг тирналган жойида қон излари қолган Мурод эшик томонга йўналди.

— Ўн еттинчи палатада, — деди унинг ортидан мийиғида қулиб қараб қолган ҳамшира.

Мурод юрмади. Учди гўё. Шаҳло ётган палатага отилиб кирди. Қиз ҳам бу пайтда ўзига келган, бутун фикри-хаёли йигити билан отасида эди. У қачон оёғини гипслашганини билмасди ҳам. Муродни боши боғлиқ ҳолда кўрдию, ўрнидан туриб кетаёзди.

Мурод кела солиб уни кучди.

— Яхшимисан, ҳеч қаерингга...

— Мен яхшиман, Мурод ака, бошингизга нима қилди?! — деди қиз унинг гапини бўлиб.

— Хавотир олма, сенга айтгандим-ку, тегирмонга солишса ҳам бутун чиқаман, деб. Мана кўриб турибсан, бошим салгина тилинибди. Сен ўзинг...

— Меники тилинмабдиям. Дадамлар яхшимикан?

— Сўрадим, “яхши” дейишди. Оёғингни гипслашаётганларида оғримадими?

— Йў-ў-қ, — дея жавоб қилди Шаҳло.

Мурод Шаҳлонинг ёнидан чиқиб, Содикни бориб кўрди. Бўлғуси қайнотаси қайғуда эди. Мурод билан тузук-қуруқ гаплашмади ҳам. Йигитнинг сўровларига қовоғини уйиб жавоб қилди. Фақат Мурод кетар чоғида Шаҳлонинг аҳволини бир оғиз сўраб қўйди.

Бирмунча вақт ўтгач, милиция формасидаги беш киши бирин-кетин кириб келди. Сўроқ бошланди. “Қанақа эди?” “Нимага?” “Кўз қаёқда эди?” “Дарахт ўрнига одам бўлганида нима қилардинглар!” ва ҳоказо саволлар фалокатга учраганларнинг ҳар бирига бир неча мартадан берилди. Охири қиз билан йигитга жавоб беришиб, Содикнинг палатасида икки соатдан мўлроқ қолиб кетишди.

Кечга яқин Муродга жавоб тегди. Шаҳлони эса, стресс ҳолатини ҳисобга олиб, шифохонада қолдирадиган бўлишди.

— Буям кетади, — дея оёқ тиради йигит.

Врач унга еб қўйгудек тикилди.

— Ҳой бола, эсинг жойидами сенинг? Бунақанги стресдан кейин оғир касалликларни юқтириб олиши ҳеч гапмас. Аслида сен ўзинг ҳам эртагача ётишинг керак эди, жой муаммо бўп турибди. Шунинг учун қўйиб юбораяпман. Яна бошқа сабабиям бор. Бошқа бировнинг доридармонини ишлатиб юбордик, шунинг учун аптекага югуриб бориб келасан.

Мурод чўнтақларини ковлаштирди. Ҳеч вақо йўқ. Бор эди. Ўн беш мингча. У: “Бирон жойга ишлатдимми?” — деб ўйлаб кўрди. Эслаёлмади. Шундай эса-да, ташқарига чиқди.

Фотима опа ўғлининг аҳволидан даҳшатга тушди. Агар Мурод йиқилиб тушганини, бошини йўл ёқасидаги темир панжарага уриб олганини тезроқ айтмаганида, ўзидан кетиб қолиши ҳеч гап эмасди. Ўғлининг гапига кўпам ишонмади. Бинтни ечиб, жароҳатни кўзи билан кўрди. Барибир кўнгли таскин топмади. Чунки бир пайтнинг ўзида ҳам юзи, ҳам боши жароҳатлангани дилига ғулғула солган эди. Мурод пул сўраганидан кейин эса шубҳаси яна ошди.

— Пулни қизғанмайман, болам, лекин менга ростини айт, нима бўлди? Нега бунақа қилиб юрибсан?! — сўради онаизор.

— Айтдим-ку, йиқилганимни, нимага ишонмайсиз, қачон сизга ёлғон гапирганман? Пул бўлса, дўхтирга керак. Кўп қонамасин деб, “Тез ёрдам”га кирувдим. Бинтлари кам қолган экан, чақирувга чиқиб қолишса, керак бўларкан. Хўп денг, ойи.

Фотима опа ўғлига пул берди, сўнг айвон деразасидан Муроднинг ортидан қараб қолди. Бу пайтда омад куши учиб келиб Муроднинг елкасига қўнган, ўзини сеҳрли ҳис этибгина англаш мумкин бўлган куйини чалган эди. Йигитнинг кайфияти бирдан кўтарилиб кетди. Гарчи боши боғлиқ ҳолда кетаётганига бошқалар ғалати назар ташлаётган эса-да, унинг юзида ним табассум пайдо бўлди.

Автобекатга етиши билан ёнига оппоқ “Кемри” тўхтади. Ҳатто Муродни туртиб юборай деди. Йигитнинг юраги шув этди. Жаҳл билан ҳайдовчига қараган эди, тиржайиб турган синфдоши Ваҳобни кўрди.

— Одаммассан! Илгаридан қилиғинг совуқ эди, шундайлигингча қопсан, — деди Мурод.

Ваҳоб эшикни қарс этиб ёпди-да, кучоғини очиб келди. Муроднинг белидан кучиб даст кўтарди ва ҳавода икки марта айлангириб қайтариб ерга қўйди.

— Хизрни йўқласанг бўларкан, оғайни, ҳозир сени излаб келаётувдим. Оёғимнинг остидан чиқиб турибсан! — деди ҳиринглаб Ваҳоб.

— Ҳали сенинг оёғинг остида қолибмизми?! — дея жиддийлашди Мурод.

— Нималар деяпсан? Ўтир мошинага, — деб уни қўлтигидан етаклади Ваҳоб.

У асли бой оиладан эди. Отасининг бензин қуядиган шаҳобчаси бор эди. Муроднинг билгани шу. Мактабни битириши билан Ваҳоб ҳам ўзини тадбиркорликка урганини эшитувди. Лекин илгаридан синфдоши бировга иши тушмаса ҳеч қачон шунчаки қидирмаслигини, ялтоқланмаслигини биларди. Ҳозир ҳам: “Менда қанақа иши бор экан?” — деган ўй яшин тезлигида ўтди хаёлидан.

— Оғайни, — деди машинасини жойидан енгил қўзғатган Ваҳоб Мурод тарафга бир назар ташлаб қўяркан, — қаерга кетаётгандинг?

— Ўзим айланиб чиқувдим, — жавоб қилди Мурод.

— Бошга нима қилди? Бировни сузиб юбормадингми?

Мурод бир муддат нима деб жавоб қилишни билмай ўйланиб қолди.

— Калланга бирон нима билан туширишганга ўхшайди, нафасинг чиқмай қолди.

— Шкаф ағанади.

— Қойил, шкаф ағанасаям бемалол юрганингни қара. Майли, ўзи омадли йигитсан... Мен сенга айтсам, битта иш чиқиб қолди.

— Билардим шунақа дейишингни. Бўлмаса, хаёлингга ҳам келтирмасдинг.

— Жа, унчаликмас. Болалардан биронтасини кўриб қолсам, албатта, сени сўрайман. Майли, хафа бўлма, оғайни. Кўриб турибсан, қанақанги замонда яшаяпмиз. Вақт йўқ. Иш бошдан ошиб ётибди. Ҳатто икки йилдан бери дам ҳам ололмайман. Хуллас, оғайни, бир кўришганимизда пластмасса заводида танишим бор дегандинг. Шунча ури-ниб кўрсам ҳам, барибир, канал тополмаяпман. Стол-стул керак, минг комплект. Шаҳар ташқарисидаги қишлоқдан

тўйхона очувдим. Пластмасса стол қишлоққа бўлаверади. Ўз нархида гаплашиб бер. Хизматингни ерда қолдирмайман.

Мурод ўйлаб ўтирмай, рози бўлди. Пул керак бўлиб турганидан кейин, албатта, кўнади-да. Бошқа иложи қанча?! Қолаверса, ундан нима кетди? Ўктамнинг ёнига киради (етти йил бурун Ўктамнинг оиласи уларнинг ён қўшнисини эди. Пуллари кўпайиб қолганидан кейин ҳовли олиб кўчиб кетишди. Ўктам Муроддан уч ёш катта эди. Шундай эсада, улар худди тенгқур ўртоқдай яқин эдилар. Мурод ўтган йили унинг никоҳ тўйига ҳам борганди). Ишини битириб берса берди, йўқса, шунчаки салом-алик қилиб, чиқиб кетаверади.

— Аввал дўхтирхонага кириб чиқайин, зарур ишим бор. Қариндошларимиздан биттаси тушиб қолибди, — деди Мурод улар анча йўл босишганларидан кейин.

— Бемалол, дўстим, қаерга десанг обориб қўяман, мабодо тўрт-беш сўм керак бўлсаям тортинмай айтавер, — деди Ваҳоб йўлдан кўзини узмай.

Мурод унга ўқрайиб қараб қўйди.

У дўхтирга пулни берганидан кейин Шаҳлони бориб кўрди. Кўп ўтирмади. Унинг жамолига бир муддат тикилди. Ҳазил-хузул гаплар билан қизни озгина кулдирди. Баҳонада ўзи ҳам Шаҳлонинг гўзал табассумидан баҳраманд бўлди. Сўнг тезда қайтиб келажагини айтиб синфдошининг ёнига шошди.

Ваҳоб уни пластмасса заводининг ёнигача олиб борди. Билмаган экан, Ўктам аллақачон ўринбосарлик лавозимига кўтарилиб кетибди. У Муродни кўриши билан ўрnidан туриб қучоғини очганча кутиб олди. Муроднинг бошидаги бинтни кўриб ҳайрон бўлди. Бошқалардай сабабини суриштирди. Ҳаммага айтавериш ёд бўлиб кетган сўзларни Мурод шеърдай, маромига келтириб гапириб берди. Табиийки, Ўктам котиба қизга ширинлик келтиришни буюрганди. Улар ширин дастурхон атрофида бироз суҳбатлашишгач, Мурод секин мақсадга кўчди.

— Шу холосми? — дея жилмайди Ўктам. — Дарров ҳал қиламиз. Лекин шунча стол-стул сенга нимага керак? Ёки шунча қисқа вақт ичида бойиб кетдингми?

— Қанақа бойиш?! Аввал қандай бўлсам, ҳозир ҳам

ўзгарганим йўқ. Ўртоғим шаҳар ташқарисида тўйхона кураётган экан. Шунга керак бўпти, — деди Мурод бироз ноқулай аҳволга тушиб.

— Ким у ўртоғинг?

— Синфдошим Ваҳоб.

— Ҳа-а, Ваҳобми? Тўйхона дегин. Аввал ҳам бир марта опкетувди. Отаси билан келган экан. “Одамлардан қарз олдик. Шунинг пулига стол-стул олиб, кейин ижарага бериб беш-тўрт сўм чой пули қилсак. Аста-секин қарзимизни узволардик. Кунимиз ўтиши қийин бўп қолди”, девди. Отаси анча бечора одамга ўхшайди. Уст-боши эски, ҳатто кўйлагининг ёқаси озгина йиртилибдиям. Директорга ўзим кириб, максимал скидка қилдириб берувдим. Энди ўйла-ниб қолдим. Ёки яна бориб бировдан қарз олибдими?

Мурод унинг гапини эшитгач, ўрнидан туриб кетди. Ҳайратдан кўзлари пирпиради.

— Барот ака-я?! Тагида охирги модел “Мерс”, ўғлида “Кемри”... пулни қаерга қўйишни билишмайди-ку улар.

Ўқтам жилмайди. Сўнг бир қўлининг кафтига иккинчи қўлининг муштини урди.

— Шунақа-да. Биз ўзимизни пишиқ деб юрсак, одамлар аллақачон ўн баравар пишиқ бўп кетган. Майли, аввал бечорасифат бўлиб ишини битириб кетган экан. Энди биз ҳам озгина иш қилиб қолайлик. Ҳар қалай, бизнес билан шуғулланиш айб эмас. Мен аввалгидай бўлмасаям, сал бундайроқ арзонлаштириб бераман. Сен бўлсанг, устига ўзингнинг нархингни қўйиб айтасан. Баҳонада беш-олти сўмлик бўп қоласан.

— Унинг ўзи қуруқ қўймайман, деган.

Ўқтам кулди. Сўнг ўрнидан туриб, айланиб келди-да, Муроднинг елкасига қўлини қўйди.

— Юз фоиз гарантия бериб айтаман. Унақанги одамлар бировга сариқ чақаям бермайди. Аввалги стол-стулни яхшигина пулга сотган. Фойдасиям ёмон бўлмаган. Яна шундай фойда кўрмоқчи. У бизнес қилади-ю, бошқалар қараб ўтирадимми? Хуллас, гап шу. Уқдингми, ана энди бориб айт. Бозордаги нарх эллик беш мингдан юқори. Бизники йигирма беш фоиз арзон. Устига беш фоиз қўшсанг ҳам, минг комплектда тузуккина фойда бўлади.

— Бўпти, — деб Мурод ўрнидан турди ва Ўктам билан хайрлашиб ташқарига чиқди.

Ваҳоб бировнинг кўнглини олишга жуда уста эди. У аллақачон муздеккина Россия пивоси билан газак ҳам келтириб қўйганди. Мурод машинага келиб ўтириши билан: “Иш битдими-йўқми?” — деб сўрамади. Пиво тутқазди қўлига. “Афсус, ўзим рулдаман. Бўлмаса, жон-жон деб ичардим”, деди. Муроднинг кўпам ишқибозлиги йўқ эди. Лекин ҳозир олди. Қулқуллатиб ичди. Сўнг лабини артиб, Ваҳобга юзланди.

— Иш битдими? — сўради Ваҳоб.

Мурод шошилмасдан яна бир қултум пиво ичди. Кейин Ўктам нима деб ўргатган бўлса, ҳаммасини шеърдай қилиб айтиб берди.

— Ошна, — деди дарров ранги ўзгарган Ваҳоб, — озгина қимматми дейман?

— Ўктам нима деган бўлса, шуни айтдим. Сенинг менга бир тийининг ҳам керакмас. Ишонмасанг, бориб ўзинг гаплаш, — деб унинг кўзига тикилди Мурод.

— Ишонаман, ишонаман. Агар менга ўхшаган таргаш бўлганингда ишонмасдим... Қани, битта ҳисоблаб кўрайлик-чи, — деб Ваҳоб қўлига калькулятор олди-да, узоқ муддат рақам терди. Нималарнидир олиб ташлади. Нималарнидир кўшди. Бошини сарак-сарак қилди. Сўнг пешонасидаги терни артиб ўртоғига юзланди.

— Ҳеч бўлмаса, яна беш юз тушиб бермасмикан? — деди.

— Мен бизнес деган нарсани умуман тушунмайман. Кейин битта жойга икки марта кирмайман ҳам. Қолганини ўзинг ҳал қилавер.

— Аввалгидай чўрткесар, ўжарсан-да, оғайни. Бўпти, иложимиз қанча? Ҳар қалай, бозордан анча арзон экан-ку. Эртага пулини опкеламан. Сенинг уйингга телефон қиламан. Ёрдамлашиб юборасан. Соққангниям ўшанда оласан. Бўптими? Ҳозир мен битта жойга ўтиб келай, срочний чақириб қолишди.

Унинг нима демоқчилигини дарров тушунган Мурод эшикни очиб пастга тушаркан, қўлидаги пивони кўрсатиб:

— Менда қолаверсинми? — деди.

Ваҳоб унга хунук қараш қилди. Шу билан озгина ижирганганини ҳам билдириб қўйди. Қўли билан: “Ичавер”, ишорасини қилди-да, машинага газ берди.

Эртасига тушгача Мурод уйдан жилмай Ваҳобнинг қўнғироғини кутди. Лекин телефон жим эди. Тўғрироғи, бир-икки марта жиринглади. Бошқалар экан. Унинг ҳафсаласи пир бўлди. “Бир марта имконият туғилувди, шуниям эплолмадим”, деб энди касалхонага — Шаҳлонинг ёнига кетмоқчи бўлиб турганида телефон безовталаниб қолди. Ўзгача қувонч билан Мурод гўшакни кўтарди-ю, қулоғига обора-оборас:

— Алло, — деди шошиб.

Аммо қутилган овоз келмади гўшакдан.

— Оғайни, синфдошинг пул опкеб беришини кутиб ўтирибсанми? Маладес. Ўтиравер, минг йил кутганингдаям у сени чақирмайди. Чунки кечанинг ўзида бизга ҳамма пулни ўзи келтириб берди. Стол-стулниям машинага ортиб олиб кетди, — дея кулги аралаш гапирди Ўктам.

— Йўғ-э, — деди Мурод алланечук бўлиб.

— Лекин мен сени эсимдан чиқарганим йўқ. Анҳор бўйидаги кафега кел. Ўтирамик чақчақлашиб.

Мурод бўшашибгина гўшакни қўйди. Кайфияти тушиб айвонга борди. Тапчанга ўтириб кўзини юмди. “Нега мен бунчалик омадсизман? Ниманики мўлжалласам, дарров тескарисига айланиб кетади. Бир мартагина тузукроқ пул ишлаб олмоқчийдим. Шуюм насиб этмади-я. Ойимдан олган пулимни қандай қилиб қайтараман? Жонга тегиб кетди ҳаммаси. Ҳозир Ўктамнинг ёнига бораман-да, у билан тўйиб ичаман”, дея ўйлади ва дарров ўрнидан туриб ташқарига йўналди.

Ўктам аллақачон ўзи айтган қаҳвахонага бориб, егуликка буюртма бериб ҳам бўлган экан. У ҳар доимгидай ўрнидан туриб, қучоқ очиб Муродни кутиб олди. Сўнг ўтиришга таклиф қилди.

— Бир бутилкадан муздай пиво ичамиз, — деди.

— Яхшиси, муздай ароқ ичайлик. Сиқилиб кетдим, — деб унга термилди Мурод.

— Сиқилишга бало борми? Ҳаммаси зўр бўлади. Лекин майли, сазанг ўлмасин, кўп бўлмасаям юзта-юзта қиламиз.

Ароқ ичилиб, ортидан тўрт сихдан кабоб ейилганидан кейин Ўктам қўлини чўнтагига тиқиб қоғозга ўралган бир нарсани олди-да, Муроднинг олдига қўйди.

— Нима бу? — сўради йигит ҳайрон бўлиб.

— Сенинг улушинг.

— Беш мингам чиқмайдими дейман. Бунча пулни га-дойлар ҳам тушгача топиб қўйишади. Керакмас, мана, ҳақ бераяпсан-ку, шунинг ўзи етади, — деди Мурод норози бўлиб.

— Сен аввал бунинг ичини очиб кўр. Ёқмаса, кейин қайтариб берарсан.

Мурод қоғозга ўралган пулни қўлига олди. Атрофини айлантириб кўрди. Сўнг секин қоғознинг бир четини йир-тиб кўрди-да, ҳайратдан кўзлари олайиб кетди. Чунки қўлида бир даста доллар турганди.

— Икки минг қўкида.

* * *

Эркак кишининг товушини эшитган барзанги бирдан белига қистирилган тўппончани қўлига олди:

— Кимсан? — сўради қайтадан.

— Милицияданман, — жавоб қилди Шоҳруҳ. Унинг-да қўлида тўппонча бор эди.

— Милиция?! — деди ҳайрон бўлган барзанги ва нари-роқда шошилмасдан пулларни тахлаётганларга қаради.

— Падар лаънатининг келган пайтини қара. Соққалар-нинг устига дастурхон ёпиб қўямиз, — деди улардан бири ва эринибгина ўрнидан тураркан, — роса чекким келиб турганди, — деб қўшиб қўйди.

Эшик ёнидаги барзанги тўппончасини қайтиб жойига қўйди ва шериклари ишларини битиришларини кутиб тур-ди. Фақат шундан кейингина шарақ-шаруқ қилиб эшикни очди. Айнан шуни кутиб турган Шоҳруҳ уни кўриши билан тўппончасининг дастаси билан барзангининг қошлар-и оралиғига зарб билан туширди. Барзанги “мент”лардан кўрқмасди ва айна пайтда улар бирдан бунақанги ҳаракат қилади, деб ўйламасди ҳам. Шу боис вужудини бўш қўйган-ди. Оқибатда, бирдан орқасига гурсиллаб ағанади.

Қолган барзангиларнинг эса ёнида қуроллари йўқ эди. Бунақа бўлишини улар ҳам кутишмаганди. Шу боисдан, қисқа муддатга анграйишди ва натижада вақтни бой бе-

ришди. Уйга бостириб кирган Шоҳруҳ уларга тўппончасини ўқталди-да:

— Биронтанг қимирласанг, илма-тешик қилиб ташлайман! — деб бақирди.

Барзангилардан бири ҳиринглаб:

— Брат, бошлиғингдан балога қолгинг келдими, бизнинг кимлигимизни билмайсанми? — деди ва ёнидаги шеригининг елкасига қўл қўйди. У “мент”лар бунақанги жойларга ёлғиз келмаслигини яхши биларди. Бунинг бир ўзи пайдо бўлибдими, демак, ўзининг иши бор. Барзангининг тахминича (дарвоқе, унинг исми Омар эди), гўдайган бу “лайча”га пул ёки наша керак.

— Агар яна озгина қимирласанг, ўзингдан ўпкала! — деди Шоҳруҳ жаҳл билан.

— Бўпти, келишдик. Биз эркакмиз. Қанча пул керак сенга? Хоҳлаганингча беришимиз мумкин. Олгин-да, қорангни ўчир, — деди Омар қўлини ҳавода силкиб ва шундагина бостириб кирган йигитнинг қуроли стволига овоз пасайтиргич ўрнатилганига эътибор берди. “Ментлар бунақа қилишмайди”, деган ўй яшин тезлигида хаёлидан ўтди. Ўтди-ю, аммо босқинчининг кимлигини суриштиришга улгурмади. Чунки Шоҳруҳ тепкини босганди. Со-нида бирдан пайдо бўлган оғриқ Омарни ўқиртириб юборди. У гурсиллаб полга йиқилганча уввос торта бошлади.

Қолган икки барзангининг кўзлари олайиб кетди. Зеро, ҳалигача биронта одам уларга бунақанги муомала қилмаганди. Ҳамма кўрқарди. Ҳатто милициядагилар ҳам. Чунки улар аллақачон хўжайинлари томонидан қўлга олинганди. Нима десалар барига кўнишарди.

— Қўлларингни бошларинг орқасига қўйиб ётинглар. Бўлмаса, сенларниям отиб ташлайман! — деб бақирди Шоҳруҳ қолганларига.

Ноилож қолган барзангилар дарров унинг айтганини ба-жаришди.

Эшик очиқ қолган эди. Унинг ёнида бошқа бир барзанги пешонасига теккан зарбадан кейин ҳушини йўқотиб ётарди. Шоҳруҳ эшикни ёпмаса, қўшнилардан биронтаси ўтиб қолар, ичкаридаги воқеани кўрмаса-да, бақир-чақирни эшитар ва “мент”ларга хабар берарди.

Шуларни ўйлаган йигит бошларини кучоқлаганча юзла-

рини полга босиб ётганлардан ва айнаи чоғда оғриқ азобидан инграётган Омардан кўзини узмаган ҳолда бир-бир орқасига қадам ташлаганча эшикка яқинлаша бошлади. Худди ўша маҳал Омарнинг ёнига ажал етиб келди.

У босқинчини кетаётган хаёл қилиб (гарчи у азобдан қийналаётган эса-да, Шоҳруҳнинг нима қилаётганини кўриб турарди. Айнаи чоғда биринчи имконият бўлиши билан ўч олиб қолишни ҳам ўйларди), бирдан қўшни хонада турган қуролига интилди ва бошининг ҳам тешилишига сабабчи бўлди. Аммо шу пайт унинг ниятини бошқа бир барзанги амалга ошириш учун икки марта қўшни хона томонга умбалоқ ошди.

Шоҳруҳ унинг ортидан югураркан, эҳтиётсизлик қилиб, ерда чўзилиб ётган бошқа барзангининг ёнидан ўтаётиб оёғи чалиниб кетди. Ёшлигида курашларга қатнашган ва кўп марталаб курашчиларнинг елкаларини ерга теккизган Исроил (тўртинчи барзангига ота-онаси катта умидлар билан шундай исм қўйганди. Аммо бу исмнинг умри бор-йўғи йигирма беш йил бўлди. Кейин ўрнини Қашқир деган лақабга бўшатиб берди) Шоҳруҳнинг оёғидан ушлаб қолганди.

Шундай эса-да, Шоҳруҳ йиқилаётиб қуролни олишга ва жуда яқин қолган барзангининг белини мўлжалга олишга улгурди. Кейин тўппонча қўлидан отилиб кетди.

Буни кўриб товонигача қувониб кетган Исроил ўзини душманининг устига отди. Шоҳруҳ шундай бўлишини олдиндан билганди. Шу боис ўзини четга олишга улгурди. Исроил гурсиллаб пол устига тушди. Бироқ у-да чаққон эди. Бир қўли билан Шоҳруҳнинг елкасидан ушлаб қолди, шу заҳоти иккинчи қўли унинг ёқасига ёпишди. Олишув бошланиб кетди.

Аввалига Шоҳруҳ уни устидан ағдарган бўлса, кейин яна остига тушиб қолди. Исроилнинг башарасига мушт туширишга уриниб кўрди. Аммо эплаёлмади. Курашчи чап берди. Чунки ҳозир унинг қоидаси бўйича уришиш кетаётганди. Мабодо, иккаласи ҳам тик оёқда бир-биридан озгина узоқликда бўлганида эди, шубҳасиз, Шоҳруҳ рақибини қонига белаб ташларди. Бироқ чайир Исроил бунга йўл қўймас, остига босиб олган йигитни қаттиқроқ бўғишга ҳаракат қиларди.

Айни шу дамда эшик ёнида чўзилиб ётган барзанги кўзини очди. Боши қаттиқ оғриётганидан икки қўллаб сиқди, кейин ўрнидан туриб ўтирди ва бақир-чақир қилиб олишаётганларга кўзи тушди. Аввалига нима бўлаётганини англаёлмади. Чунки унга ўзиникилар бир-бири билан уришишаётгандай туйилди. Кейин бирдан ёдига эшикдан кириб келган “мент” тушди ва ёнидан қуролини олиб тураётганида тагин бир нарса “қарс” этиб, унинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Ва ҳамма нарса туман ортида қолиб, ён томонига гурсиллаб йиқилди.

Шоҳруҳнинг жуда узоқ қолиб кетганидан уни кутиб турганлар хавотир олишаётганди. Бек бир неча марта машинадан тушиб яна қайтиб чиқди. Тўғрироғи, Бахтиёр қайтарди. “Шошмайлик, ёрдам берамиз деб, режасини бузиб қўймайлик. Ҳар қалай, у атайин жонини хавфга қўймас”, деди.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, камида ўн киши йиғилган бўлса, биргина Шоҳруҳнинг қўлидан нима келарди? Бунинг устига, фақат казо-казолари тўпланишади. Бундай ўтираверсак, аниқ уни бир бало қилиб қўйишади, — дея Бек сиқилганидан кўйлагининг иккита тугмасини ечди.

Бахтиёр индамади. Шоҳруҳ кириб кетган йўлакка термилганча ўтираверди.

Охири Бек чидолмади. Машинадан сакраб тушди-да, югурганча кетди. Унинг ортидан қолганлар ҳам эргаштишди. Биринчи қаватга чиқишлари билан тепада бўлаётган тўполон эшитилди. Қадамлари тезлашди. Бек ярим очиқ турган эшикдан қўлида тўппонча ушлаганча ичкарилаётган барзангини кўрди ва орқа миясига қўлидаги қурол билан уриб уни ағдарди. Бу пайтда Исроил Шоҳруҳнинг қўлидан учиб кетган тўппонча ёнига бориб қолган ва уни олишга улгурганди.

Исроил тўппончани ишлатишнинг иложини тополмади. Чунки худди шу маҳал унинг қўлига Шоҳруҳ ёпишганди. У қуролни тортиб олишга уринди, лекин уддасидан чиқолмади. Шоҳруҳнинг қўли шунчалик чайир эдики, бармоқларини очишнинг иложи йўқ эди. Қайта-қайта чиранишлари фойда бермади. Алам қилганидан йигитнинг бошига бўш қўли билан урди. Шундаям Шоҳруҳ унинг қўлини қўйиб юбормади. Исроилга жуда алам қилиб кетди. Кўзи-

га ҳеч нарса кўринмай, душманининг бўйнидан тишламоқчи бўлганида оёқлари орасидан шунақанги тепки едики, кўзи чиқиб кетай деди. Бутун танаси бўшашиб, қуролни қўйиб юборди. Агар кейинги тепкилар, муштлар борлигини билганида жони чиқса ҳам тўппончани ташламаган бўларди. Шоҳруҳ уни шунақанги муштлардики, бечора Исроил нафас олишга ҳам улгурмасди. У қулади. Қулаганда ҳам бурнию иккита тиши синиб, башараси қора қонга ботиб қулади. Агар Бек Шоҳруҳнинг белидан қучоқлаб ушлаб қолмаганида, ғазаб отига минган йигит душманини ўлгунича тепкиларди.

Белидан қучоқлаган киши Бек эканлиги Шоҳруҳнинг хаёлига ҳам келмаганди. Шу боис тирсаги билан унга қарамаган кўйи биқинига туширди.

— Нима қиляяпсан?! — деди Бек букчайганча инқиллаб. Шоҳруҳ бир неча сония унга қараб турди.

— Сенлар нима қилиб юрибсанлар? Айтувдим-ку, кутинглар деб, — деди.

У Бекнинг кейинги гапларини эшитмади. Исроилга юзланди. Тепмоқчи бўлди. Лекин ниятидан қайтди.

— Бу гўрсўхталарни битта жойга тўпланглар, кейин хоналарнинг ҳаммасини бирма-бир текшириб чиқинглар, — деди у нафасини ростлаб олишга улгурган Бекка қараб.

Унинг буйруғидан кейин шериклари дарров ишга киришиб кетишди. Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб чиқиш кўп вақтни олмади. Ярим соат ичида кийимлар, ҳар хил қоғозлар ва ҳатто пулларни полга сочиб ташлашди. Ўлжа ёмон бўлмади. Ўн килоча героин билан анчагина валютани қўлга киритишди. Ҳамманинг оғзи қулоғида эди. Шошишарди. Тезроқ бу ердан қораларини ўчиришга ҳаракат қилишарди. Биргина Шоҳруҳ бемалол, ҳар тарафга синчков назар ташларди. Унинг назарида бу ерда бошқа нарсалар ҳам бордай эди. Қандайдир ички бир сезги уни кетишга йўл қўймади. Ҳамроҳлари кетиш учун эшик ёнига борганда ҳам у хоналарга бирма-бир кириб чиқди. Ва кутилмаганда ётоқхонадаги деворга ёпиштирилган йўлбарс сурати эътиборини тортди. Суратнинг қоғози жуда қалин эди. Бориб уни бармоғи билан чертди. Шунда билдики, унинг орқасида қандайдир бўшлиқ бор. Шоша-пиша қоғозни йиртиб ташлаган эди, орқасидан фанер эшик чиқди. Унинг ҳеч қана-

қанги қулфи йўқ эди. Лекин кўринишидан эшикнинг ўзгинаси. Эшик борми, демак, унинг ортида нимадир яширинган. Шоҳруҳ иккита фанер бирлашган жойдаги кичик ёриққа қўлини тиқиб ўтирмади. Мушти билан урганди, фанер синиб кетди. Шунда унинг кўзи қатор териб қўйилган автоматларга тушди. Биттасини секин олди. Айлантдириб кўрди.

— Бек! — деди ортига ўгирилиб.

Шоҳруҳнинг овозини эшитиши билан Бек у турган хонага югуриб кирди.

— Қара, нима топдим? — дея Шоҳруҳ қўлидаги автоматни кўрсатди. Бекнинг кўзи олайиб кетди.

— Ўҳ-ҳў, — деб бошини сарак-сарак қилди, — роса жойига тушган эканмиз-ку!

— Болаларга айт, тез ҳаммасини йиғиштириб олишсинда, бирон нимага ўраб мошинага ортишсин. Домдагиларнинг ҳаммасига реклама қилиб юборманглар тагин.

Йигитлар дарров ишга киришишди. Кўнгли хотиржам тортган Шоҳруҳ эшик томон кетаётганида стол устида турган компьютерга кўзи тушди. Бир хаёл уни синдириб ташламоқчи бўлди-ю, аммо дарров ниятидан қайтди. Дарров процессорни мониторидан ажратиб ўзи кўтариб олди.

— Мен сени танидим, — деди Шоҳруҳ хонани тарк этаётганда деворга елкасини тираб оёғини узатиб ётган Исроил. Шоҳруҳ унга ўгирилиб қаради. Барзанги бечоранинг кўзлари деярли кўринмас, лабидан ҳали-ҳануз қон оқмоқда эди, — бозорда икки-уч марта кўрганман. Арининг уясига тегиндинг. Энди бутун уруф-аймоғингни қуришиб юборамиз.

— Шунақами? — дея изига қайтиб келиб унинг пешонасига тўппонча тиради Шоҳруҳ. — Бунинг учун аввал ўзинг тирик қолишинг керак.

Исроилнинг юмилиб қолаётган кўзлари очилди. Ўйладики, ҳозир бу эсини еган бола тепкини босиб юборади. Аммо Шоҳруҳ ундай қилмади. Ҳатто тарсаки ҳам туширмади. “Пақ!” деди уни кўрқитиб, кейин:

— Ожизларга ўқ отмайман, — дея қўшимча қилиб қўйдида, қуролни чўнтагига солиб хонадан чиқиб кетди.

Машиналар йўлга тушганидан кейин Шоҳруҳни негадир ҳаяжон боса бошлади. Ҳамма нарса хамирдан қил суғур-

гандек битди. Энди бемалол манзилга етиб олишади. Ҳатто Юлдуз қандай кутиб олишини ҳам тасаввур қилиш мумкин. Аммо кўнглининг безовталиги баттар кучайиб бора-япти. “Балки анави ярамаснинг гаплари энди таъсир қилаётгандир”, деб ҳам ўйлади у. Йўқ, ҳартугул, буларнинг бари бекор бўлиб чиқди. Унинг машиналари ҳеч бир тўсиқсиз Юлдуз турган уйга етиб келди.

Қиз катта тезликда келаётган машиналарни кўриб аввалига ҳайрон бўлди. Уйга югуриб кирди-да, тўппончасини олиб чиқди. Кампирга оғилхонага бориб туришни тайинлади. Кейин: “Очиқда турсам, улар мени дарров мўлжалга олишади”, — деб ўйлади. Қайтадан уйга кириб деразанинг бир кўзини очди-да, уловларнинг тезроқ етиб келишини кутди.

Биринчи “Жип”дан Шоҳруҳ сакраб тушганини кўргач, бўшаши. Ҳатто кўзида ёш ҳам пайдо бўлди.

— Жинни, — деди пичирлаб ва шу ондаёқ юзига табасум югурди. Тез-тез юриб ташқарига чиқди.

Йигит билан қизнинг нигоҳи тўқнашди. Юлдузнинг юзидаги ним табассумга яна нимадир қўшилган эди. Эҳтимол, озгина хафалик, озгина араз, балки ноз ҳамдир. Аммо не бўлганда ҳам табассум жозибасини икки ҳисса ошириб юборганди.

— Вой-бў, — деди Юлдуз йигитнинг юзидан ўпиб қўяр экан, — қаердан топдингиз шунча мошинани?

— Шаҳарга тушсам, учаласи турган экан. “Мошина кимники?” — деб уч марта бақирдим. Ҳеч ким жавоб қилмади. Топган топалоқники деб, миниб келавердим, — дея жавоб қилди Шоҳруҳ.

Унинг гапидан кейин уловлардан тушиб тўдалашиб турган йигитлар орасида энгил кулги кўтарилди.

— Ҳали бу ҳолваси, — дея гапида давом этди Шоҳруҳ, — қолганларини эшитиб ҳушингиздан айриласиз.

Унинг имоси билан йигитлар ўлжаларни бирин-кетин уйга таший бошладилар. Юлдуз пулларни кўриб кўпам ажабланмади. Ҳаттоки наркотик ҳам унинг пинагини бузолмади. Бироқ у автоматларни кўрганида, ҳақиқатан ҳайратланди. Бироз ранги ҳам оқарди. Савол назари билан Шоҳруҳга қаради.

— Хоним, тамадди қилайлик, кейин ҳаммасини гапириб бераман, — деди унга жавобан Шоҳруҳ.

Шундай деди-ю, ошхонага аввал ўзи борди. Музлаткичдан бир парча гўштни олиб майдаламоқчи бўлганида бирдан хаёлига Исроилнинг қонга беланган башараси келди. Бир муддат пичоқни гўштниги устида тутиб тургач, ташлаб юборди.

— Нима гап? — дея сўради унинг ортидан ошхонага кирган Юлдуз.

Шоҳруҳ жавоб қилмади. Столга ўтирди. Бошини кафтлари орасига олди.

— Тинчликми, сизга нима бўлаяпти? Нега бирдан рангингиз оқариб кетди? — деб Юлдуз унинг қўлларини олиб кўксига босди.

— Овқат тайёрлашингизга ёрдамлашмоқчийдим. Удалолмасканман. Анави ярамаснинг башараси эсимга тушиб кетди.

Юлдуз секин йигитнинг сочларини силади, сўнг энгашиб юзидан ўпиб қўйди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, яхши, — дея ўзига-ўзи далда берган бўлди Шоҳруҳ ва ўрнидан турди-да, музлаткичдан бир шиша ароқ олиб пиёлани тўлдирди. Ичди. Тагин тўлдирди. Аммо бу сафар ичишга улгурмади. Юлдуз олиб қўйди.

— Бу аҳволингизда бошқа ичманг, маст бўп қоласиз. Яхшиси, ўша ярамас ҳақида менга гапириб беринг-чи, — деди у.

Столга ўтирган Шоҳруҳ талай муддат кўзини юмиб турди. Сўнг машина сотиб олганларидан тортиб, шу ерга етиб келгунча бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир гапириб берди. Юлдуз орага сўз қўшмади. Бутун вужуди қулоққа айланиб йигитнинг гапларини тинглади. Гоҳ қизарди, гоҳида оқарди. Баъзан титраб кетди.

— Жинни, — деди Шоҳруҳ ичидагини тўкиб бўлганидан кейин, — улар тўрт киши эмас, ўнта-йигирмата бўлганида нима қилардингиз? Бир иш қилишдан аввал, салгина ўйла-сангиз бўлмайдими?

— Ўйлагандим, эшикни очган кишини башарасига тушириб, кейин жуфтакни ростламоқчийдим. Қизиқиш устида ичкарига кириб кетибман. Одатда, улар кўпчилик бўлиб йиғилишарди. Лекин шуни аниқ билардимки, ярмидан кўпи шунчаки маишат учун тўпланишарди. Ана шундан фойдаланиш ниятим бор эди.

— Ниятингиз амалга ошганидан хурсандман. Аммо энди бошқа бундай қилманг. Ҳамма сизнинг менга яқин бўлиб қолганингизни биледи. Шундай бўлсаям, ортиқча хатти-ҳаракатингизни кечиролмайман. Тўғри, ҳозир йўлбошчисиз. Шунинг учун ўзимни катта тутиб айтаётганим йўқ. Азбаройи...

Юлдуз қолган гапни айтолмади. Дилидагини тилига чикаришга кучи етмади унинг. Бунинг ўрнига йигитни маҳкам қучди. Шундан кейингина:

— Сиз менга кераксиз, — дея олди.

Эртасига шаҳарга тушган Шоҳруҳнинг йигитларидан бири даҳшатли хабар олиб келди. Унинг айтишича, бозордаги воқеалардан хабардор бўлиб туриш учун қолдирилган Наримон исмли йигитни кимлардир ўлдириб кетишибди. Атрофдагиларнинг ҳеч бири билмайди кимлар ўлдиришганини. Лекин юз-кўзларидан кимлар, қандай қилиб азоб берганини кўришгани аниқ сезилиб турибди. Бироқ лом-мим дейишолмайди. Қўрқишади. Ҳатто чиптачилару бозор директори ҳам елка қисганмиш. Наримоннинг чўнтагидан хат топилган. “Агар ўзинг икки кун ичида бизни топиб ёнимизга келмасанг, сен ҳам шу аҳволга тушасан, ярамас!” — деб ёзилган.

Шоҳруҳнинг бошига оғриқ кирди. Исроилни бир йўла ўлдирмаганига афсусланди. Ҳеч қурса ўзи билан олиб келмайдими? Қайтанга озроқ қийнаганида, қанча маълумотни айтиб берарди.

— Бизнинг ишда кўнгилчанлик кетмайди. Оқибати мана шундай бўлади, — деди Юлдуз хабарни эшитгач.

— Ҳали ҳаммаси учун жавоб беришади. Агар биз бу ерда савдо қилмасак, улар дунёда шундай шаҳар борлигини фақат тушларида кўришади.

Унинг нигоҳлари бир нуқтага тикилган, сўзлари ўта жиддий эди. Хабарчи йигит Шоҳруҳни шошиб қолса керак, деб ўйлаганди. Аммо у бундай қилмади. Бир-бир босиб ташқарига чиқиб кетди. Унинг ўрнига буйруқни Юлдуз берди.

— Бечорани уйига олиб боришнинг ҳамма йўллари қилинглар. Фақат самолётда кетсин. Поезд бўлмайди, — деди у.

Шоҳруҳ кечгача ўзига келолмай юрди. Аслида бугун

тўйиб ухламоқчи эди. Қани уйқуси келса, озгина тин олса тамом, бирдан хаёлига Наримон келади. Унинг ортидан эса башараси гижимланган Исроил.

У кечки пайт ўлжа қилиб олиб келинган процессорни мониторга улади. Яхшиямки компьютерга пароль қўйилмаган экан. Унинг файлларини Шоҳруҳ бемалол оча олди. Ва қутилмаган маълумотларга қўзи туша бошлади. Уларда шаҳар мэрининг уйи, оиласи, кўпроқ нимани яхши кўриши, қачон дала ҳовлисига бориб дам олиши, нечта тансоқчиси борлиги, ўғлининг нима иш билан шуғулланиши ва ҳоказолардан тортиб, уларни қандай ва қаерда йўқ қилиш мумкинлигини ҳам ёзиб қўйишганди. Шунингдек, прокурор, милиция, суд раислари ҳақида ҳам тўла маълумот берилганди. Айниқса, прокурорнинг ўғлининг аёлларга ўчилиги, ҳаттоки, сўнгги бир ой ичида нечта жувон кучоғида бўлганлиги расмлари билан берилганди.

Шоҳруҳ маълумотларнинг ҳаммасини дафтарга ёзиб олди. Сўнг кейинги файлни очди.

“Банк “АЛФА”. 22 сентябрь. Соат 6. Ўн беш киши. Келишилган. Роман Фёдорович — раис. Оксана унинг қизи. Уйи шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида. Садовая — 78. Ўлдирилади”, деб ёзилганди унда.

Шоҳруҳнинг боши қотди. Ўйланди. Ўзича файлдаги маълумотнинг мағзини чақишга уриниб кўра бошлади. У шунчалик қаттиқ ўйга берилиб кетдики, хонага Юлдуз кириб келганини, унинг ўйчан юзига термилганини ҳам сезмади. Шоҳруҳ талай муддат мониторга тикилиб турганидан кейин: “Улар банкирнинг қизини ўлдиришни режалаштиришган”, деган қарорга келди. Аммо у бир нарсага тушунмади. Қизни ўлдириб нима натижага эришишади? Ахир қиз гумдон қилинса, банкир қутуриб кетмайдими? У ҳам ўзининг одамлари билан жиноятчиларни қидиришга тушиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг устига, муттаҳамлар сариқ чақаям олишолмайди.

— Жуда бошингиз қотибди, — деди Юлдуз ўйдан қутулмаётган Шоҳруҳга.

Йигит унга ялт этиб қаради. Кейин бошини қашладида, монитorni кўрсатди.

Қиз ундаги ёзувларни диққат билан ўқиб чиқиб, бироз хаёл суриб тургач:

— Бу ишқалга аралашаман, деб ўйлаб ҳам ўтирманг. Бу катта ўйин. Аслида катта ўйинга аралашиб бўлгансиз. Аммо жудаям чуқур кетсангиз, асл ниятингиздан узоқлашасиз. Ҳозирча бирон нимага эришаётганга ўхшасангиз ҳам, аслида йўқотаяпсиз. Ҳадемай улар сизнинг кимлигингизни аниқлаб бўлишади. Ундан кейин шаҳардаям туролмайсиз. Балки, умуман, бу ерлардан жуфтакни...

— Юлдуз, — дея бирдан унинг гапини бўлди Шоҳруҳ, — мен аллақачон, сизни учратганимдаёқ шу йўлга кириб бўлганман. Ўшандаёқ орқага қайтадиган йўлим бекилган. Агар бу ерда сиздан биров қўрқмаса, икки дунёдаям бозорга кириб боролмайсиз. Кимгадир қарам бўлишга мажбурсиз... Мен бир нарсани тушунолмаяпман. Нега аввалги шиддатингиз кўринмайди? Нега? Ёки қўлингизни ювиб қўлтиққа урдингизми?

— Билмадим, Шоҳруҳ ака. Билмадим.

Юлдузнинг юзи қизарди. Вужудида аллақандай титроқ пайдо бўлди. Буни дарров иллаган йигит ўрнидан турдида, уни кучоқлади. Юзидан ўпиб қўйди.

— Мен бир нарсани ўйладим. Агар ҳақиқатан ҳам улар банкирнинг қизини ёки ўзини ўлдиришни режалаштирган бўлишса, биз уларга халақит беришимиз керак. Шунда банкир билан яқинлашиш имконияти пайдо бўлади. Кейин компьютерда бошқа маълумотлар ҳам бор. Мэр, прокурор, бошқа амалдорлар ҳақида тўлиқ ёзилган. Демак, улар билан яқиндан таниш экан. Агар вақти келиб ўша танишларидан биронтаси уларнинг ишига халақит берса, йўқ қилишади. Қандай йўқ қилиш йўллариям аниқ-тиниқ ёзилган. Шунинг учун ҳозирдан ҳаракат қилиб қолишимиз керак.

— Мен бунақа бўлиб кетишини хаёлимга келтирмагандим. Агар иш шунақа чуқурлашса, янаям юқорилар аралашиб қоладими, деб қўрқаяпман.

— У ёғини пешонамиздан кўрамиз, — деб Шоҳруҳ қизни кучоғидан бўшатди. Йигитнинг бағридан чиққач, Юлдуз ўзини ёлғиз ҳис этди. Эртами-индин Шоҳруҳ бирон ёққа кетади-ю, қайтиб келолмай қолади. Чунки унинг бошқа иложи йўқ. Юлдуз ундан бутунлай айрилади. Шоҳруҳ ҳаёт билан видолашади-ю, у аввалгидай бир ўзи қолади. Йўқ, ҳов узоқда, ўзининг юртида онаси билан акаси борки, баёнимиз давомида улар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

— Кўрқаман, — деди кўзи жикқа ёшга тўлган Юлдуз, — сизни йўқотиб қўйишдан.

У йигитини маҳкам кучоқлади. Ўзи истаб, хоҳлаб, талпиниб Шоҳруҳнинг лабига лабини босди. Эҳтиросли ўпич бир муддат давом этди. Улар ўзларини бундан бу ёғига тўхтата олмаслигини англаб туришарди. Зеро, ора-чора лаблар туташishi узилиб-узилиб, сўнг яна давом этаверди. Кундузи исталган пайтда хонага одам киришидан чўчиган қиз, ниҳоят, жилмайганча, ўзгача меҳр билан севгилисининг бўйнидан маҳкам кучоқларкан:

— Биров кўриб қолади, — деди.

Шу билан лаззат онлари ниҳояланди.

Шоҳруҳ эртага тушга яқин шаҳарга боражагини Юлдузга айтди.

Қиз унинг кечаги масала юзасидан йўлга отланаётганини сезиб турарди. Лекин уни қайтаролмайди. Шу пайтгача у Шоҳруҳни неча марта синаб кўрди ва англадики, у бирон ишни қилишга қасд қилса, то охирига етмагунча қўймайди. Кунни кеча ҳам гарчи Юлдуз ташқаридагилардан хавотир олиб, ишнинг гўзал онларини тўхтатиш зарурлигини айтган эса-да, Шоҳруҳ уни қўйиб юбормади. Охири биров кирди. У кампир эди. Юлдузга онадай бўлиб қолган кампир бир-бирини ачомлаб турган йигит-қизни кўриши билан ортига бурилиб кетса-да, лекин барибир, қиз билан йигит ажралишга мажбур бўлишди.

Шоҳруҳ ўзи билан бирга фақат Бекни шерик қилиб олди. “Аввал вазиятни билиб келайлик, ундан кейин шаброитга қараб иш тутамиз”, деди у.

Тез-тез қатнаганидан кейин шаҳар ҳам яқиндай туйилиб қоларкан. Биринчи марта шаҳардан қишлоққа етиб келгунларича Шоҳруҳнинг тинка-мадори қуриб кетганди. “Шунча узоқдан қатнаймизми?” — деб ўйлаган эди. Мана, энди билинмаяпти. Гўё у Бек билан озгина гаплашди-ю, бир зумда шаҳарга келиб қўйди.

— Аввал ўша Алфа банкига борамиз, кириб раисга учрашасан. Ҳисоб рақам очмоқчилигингни айтасан. Четдан келганинг учун унинг ёнига киришинга рухсат беришади. Агар ўша одам Роман Фёдорович бўлса, демак, компьютердаги маълумотлар нотўғри эмас, дарров Садовая кўчасига борамиз. Биринчи навбатда унинг қизининг ўқиш ёки

ишлашини аниқлашимиз керак. Кейин шароитга қараб иш тутамиз, — деди Бекка.

Банкни топиш қийин бўлмади. Бек кириб ҳам чиқди. Бошлиқ ҳозир йўқ экан-у, лекин унинг эшигига “Роман Фёдорович” деб ёзиб қўйилганини Шоҳруҳга айтди.

Шундан сўнг Садовая кўчаси қидирилди. Бунақа кўчадан шаҳарда тўртта бор экан. Ҳатто бир хиёбон ҳам шундай номланган экан. Шаҳар харитасини кўздан кечираётиб Шоҳруҳ бошини қашлади.

— Старая Садоваяга борамизми ёки верхнийсигами? Балки новыйсидан топармиз қидирганимизни? — деди ёнидаги ўриндиқда унга тикилиб ўтирган Бекка.

— Бир бошидан бошлаймиз. Агар биттаси шаҳарнинг нариги бошида, иккинчиси бериги бошида бўлмаса, кечгача топиб оламиз.

Улар қидираётган кўча деярли шаҳар ташқарисида бўлиб чиқди. Атрофини дов-дарахтлар қоплаган баҳаво жойдаги чиройли иморатларнинг бири айнан Роман Фёдоровичники экан. Қизғиш дарвозага туташ деворга “78” рақами ёзилган эди.

— Нима қиламиз? — сўради Бек.

— Бироз қараб турайлик. Бирорта одам чиқиб қолар. Мабодо мен ўзим кириб чиқсам-чи... Худди шундай қилган маъкул. Сен ўтириб...

— Шошма, ўлгинг келаяптими? Телехлари пешонангдан дарча очиб қўйишмасин тагин. Соат ўн бирдан ошиб қолди. Авваласи, ухлагандир ҳам.

— Йўқ, унақа одамлар ухламайди. Кечаси билан ҳисобкитоб қилади. Миясида бошқа нарса йўқ.

Шундай дея Шоҳруҳ машинадан тушди. Улар уловни дарвозадан анча ўтказиб тўхтатишганди. Ортга икки юз метрча юриш лозим эди. Шоҳруҳ масофанинг ярмини босиб ўтди. Катта тезликда келган “Опел” дарвоза тарафга бурилиб тўхтаганини кўриб, у бир муддат туриб қолди. Кейин ўйлаб қараса, айти муддао. Ахир банкирнинг уйига ўғринча эмас, тўғри кириб бормоқчи. Бундай пайтда ҳовлида кимларнингдир бўлгани яхши. Дарров чиқади. У қадамини тезлатди. Худди аввал ҳам бир неча марта келган одамдай бемалол, баландлиги тўрт метр, энига етти-саккиз қулочлар чамаси келадиган дарвозанинг қўнғироқ тугмаси-

ни босди. Ҳеч ким жавоб бермади. Негадир бир неча дақиқа аввал ҳовлига машина кирган эса-да, ичкаридан мутлақо шовқин эшитилмасди. Бироз кутган Шоҳруҳ қўлини яна қўнғироққа олиб боришга мажбур бўлди. У шундоққина тепасида аллақачон видеокамера ёнганини билмасди. Аввал бир неча марта шунақа бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаган эса-да, ҳозир ана шу оддийгина нарса ҳаёлига келмади. Ичкаридан бирон кимса чиқишини интиқ бўлиб кутиб тураверди. Ниҳоят:

— Ким? — деган товуш келди. Товуш қайси томондан эшитилганини Шоҳруҳ англаёлмай қолди. Шундай эса-да:

— Мен — сизларнинг дўстларинг, — деб жавоб қилди.

— Ким керак?

Шоҳруҳ чўчиб тушди. Дарвозага жуда яқин борганлиги учун овоз деярли унинг қулоғи остидан чиққанди. Шундагина кўзи одам бўйи қилиб ўрнатилган қулфнинг ёнгинасидаги мосламага тушди.

— Роман Фёдорович! — деди чўчиб тушганидан жаҳлланиб.

— Нима масалада келдинг?

— Сенга нима? Ўзининг қулоғига айтадиган гапим бор.

— Ёзма шаклда билдир гапингни. Эртага пешиндан кейин.

— Томинг жойидами? Эртага кеч бўлади. Ҳозир гаплашишим шарт!

Бир неча сониядан кейин дарвоза ўз-ўзидан қия очилди. Ҳар елкасига биттадан одам бемалол ўтирадиган кал бош, икки метрли бир нусха пайдо бўлди. Шоҳруҳ унинг олдида худди боладай бўлиб қолди.

— Нима деб сайраяпсан? — деди у дўриллаган товушда. Шоҳруҳ қулт этиб ютинди. Мўлтирабгина барзангининг юзига боқаркан:

— Роман Фёдоровичга жудаям зарур гапим бор...

Шоҳруҳ гапини ё тугатди, ё тугатишга улгурмади. Буни ҳатто унинг ўзи ҳам сезмай қолди. Бир маҳал чамаси калладай келадиган мушт гурс этиб унинг кўкрак қафасига тушди. Бечора йигит орқасига йиқилди. Нафаси қайтиб, бир неча сония типирчилаб қолди. Қизариб-бўзариб кетганидан кейингина, нафас йўли очилиб, “ҳиҳ-ҳиҳ” деб юборди. Ана шу сонияларнинг ўзигина ҳаётнинг, кислороднинг

қанчалик азизлигини кўрсатиб қўйди. Зумда кўз ўнгидан билиб-билмай ўлдирган одамлари ўтди. Ҳатто афсус қилишга ҳам улгурди.

Ичига ҳаво кириши билан йўтал тутди. Сўнг томоғини ушлаган кўйи ўрnidан тураётганида кўксида қаттиқ оғриқ туриб беихтиёр инграб юборди.

Барзанги у оёққа туриб олгунича кутди. Шоҳруҳнинг бутунлай нафас ростлаб олганига амин бўлгач, сочини гижимлаб ушлаб юзини ўзига қаратди-да:

— Ҳозироқ бу ердан қорангни ўчир, бўлмаса...

Унинг гапи худди шу ерда тугади. Бу сафар бор кучини билагига жамлаган Шоҳруҳ иягининг остига шунақанги қаттиқ мушт туширдик, ўзининг ҳам қўли зирқираб кетди. Барзанги бўлса орқаси билан гурсиллаб дарвозага урилди. Бироқ йиқилмади. Қисқа муддатга кўз олди қоронғилашиб, нима бўлаётганини англолмай қолди.

— Мазамикан, яна битта татиб кўрмайсанми? — деб Шоҳруҳ кейинги зарбани бермоқчи бўлганида, осмондан тушдими, ердан чиқдими, барзангининг ёнида келбати уникидан қолишмайдиган яна иккитаси пайдо бўлди. Ҳар икковининг ҳам қўлида қурол. Уларни кўриб Шоҳруҳ музлаб кетди. “Жасадим шу дарвозанинг тагида қоларкан-да”, дея ўйлашгайм улгурди. Ҳавога кўтарилган қўлини беихтиёр тушираркан, машина ичида бўлаётган воқеадан кўз узмай ўтирган Бекдан умид қилди. Биларди у айни дақиқада ҳеч қанақа ёрдам беролмаслигини, лекин ич-ичидан умидланди. Мабодо у келмаса-ю, Шоҳруҳ фалокатдан эсон-омон қутулиб қолса, яхшилаб таъзирини беражагини кўнглига тугиб қўйди.

У қўлини ҳаводан туширгани сабаб бўлдими ёки ўзлари иштасмадими, ҳартугул, кейинги чиққан барзангилар қўлларидаги қуролларидан фойдаланишмади. Фақат муштлирини ишлатишди. Улар шунчалик инсоф қилишдики, бири ураётганида иккинчиси кутиб турди. Шоҳруҳ фақат ҳимояланди. Унинг дастлабки зарбаларданоқ қаршилик кўрсатишга имкони бўлди-ю, лекин фойдаланмади. Мабодо бирортасини уриб юборса, уларнинг қўлларидаги тўппончалар ҳаракатга келади деб ўйлади.

Бу пайт ичкарида ўзининг ишхонасидаги мониторга Роман Фёдоровичнинг кўзи тушганди. У аввалига нима бўла-

ётганини тушунмади. Ишини йиғиштириб ўрнидан турди ҳамда мониторга синчиклаб назар солди-ю, бирдан сўкиниб юборди.

— Итдан тарқаганлар, эшигимнинг тагида нима бало қилишаяпти? Мен сенларга кўрсатиб қўяман!

У жаҳд билан стол тортмасидан тўппончасини олди ва шоша-пиша ташқарига юрди. Худди шу пайт қаршисидан қизи Оксана чиқиб қолди.

— Отажон, — деди у падари бузрукворининг бўйнига осилиб, — менга тезда Швейцарияга чипта топиб беринг.

Қизининг оғзидан келаётган ароқ ҳидидан Роман Фёдоровичнинг бурни жийирилди.

— Оксан, кейин гаплашамиз. Ҳозир муҳим ишим бор, хўпми? — дея унинг кўлини бўйнидан олиб, эшик тарафга юра бошлаганида қизнинг бармоқлари тўппончага тегиб кетди.

— Ота, — деб юборди у, — тинчликми? Тўппонча билан қаерга бораяпсиз?!

— Ҳаммаси жойида. Сен хонангга кириб бемалол дамнингни олавер, — дея ота қадамини тезлатди. Унинг ортидан эркатой қиз ҳам эргашди.

* * *

Бунча пул ҳеч қачон Муроднинг кўлига тушмаган. Тўғри, юз купюралик долларни ушлаганди. Унга ҳам анча бўлиб кетди. Ўшанда гарчи пул мутлақо бошқа одамники бўлса-да, кун бўйи чўнтагида юрганлиги боис шунақанги кайфияти кўтарилиб кетгандики, минг қўйли бойдай гўдайиб юрганди. Ҳозиргиси ундан анча кўп, бунинг устига, Ўктамнинг айтиши бўйича, ўзиники. Қувончдан осмонга сакрасинми? Талтайиб уйига таксида борсинми? Ишлаб топган пулини кўриб ойиси қанча қувонади ҳали. “Бизнинг бошимизгаям офтоб чиқадиган кун бор экан-ку”, деб кўзини намлаганида Мурод қанчалик шодланади!

— Ювамиз, — деди Мурод кўзлари порлаб, — мен ўзим энди ҳақ бераман!

Ўктам мийиғида кулди. Кейин бошини сарак-сарак қилди.

— Оғайни, бунақанги гапингни қўй. Агар биринчи ишингданоқ чўнтагингдагини мана шунақанги маишатга совурадиган бўлсанг, кўпга бормайсан. Гапларимни икки қулоғинг билан ҳам яхшилаб эшит. Бизнес билан шуғуллана-

диган бўлсанг, бекордан-бекорга бировга бир сўм берма. Кейин бир сўм кетадиган жойга, мумкин қадар, эллик тийин сарфла. Иложи бўлса, умуман сарфламасдан ишингни битказ. Энг асосийси, маишатни йиғиштир, ҳозир ичишингга қаршилиқ қилмадим. Лекин бошқа оғзингга олма. Френштен. Энди омин. Ишингни барорини берсин, бизнес планларинг бўлса, олдимга бор, гаплашамиз.

Ўқтам Муродни кутиб ўтирмай, юзига фотиҳа тортди. Сўнг ўрнидан турди.

Мурод хурсанд эди. Бирон нима қилгиси, шодлигини ким биландир баҳам кўргиси келарди. Аввалига таксига ўтириб касалхонага бориб, қилган ишларини Шаҳлога айтгиси келди. Билади, қиз яйраб кетади. “Ҳали иккаламиз роса бойиб кетамиз, дадам, аям қилган ишларидан пушаймон бўлишади. Сизни куёв қилганларидан бошлари осмонга етади”, дейди.

У зувиллаганча бир-бирини қувиб ўтаётган машиналарга қўл кўтара бошлади. Худди ана шу пайтда Ўқтамнинг гапларини эслади. Хаёлан ҳисоб-китоб қилиб кўрди. Таксида касалхонага борса, икки мингча сарфлайди. Агар автобусга чиқса, беш юз-олти юз билан етиб олади. Шуларни ўйлаб бекатга борди. Биринчи марта бунча кўп пул олиб юргани боис, бекатда турганлардан хавфсираб тез-тез чўнтагини ушлаб-ушлаб қўяверди. Бошқалардан узоқроқда турди. Айниқса, кўзига ёмон кўриниб кетаётган болалардан. Айтиб бўладими, қанақа улар? Муроднинг назарида ҳамма унинг чўнтагига эътибор қилаётганди... Ҳозир автобусга чиқади. Одам тиқилинч. Биронта ўғрининг ёнида туриб қолса борми, Худо уради. “Икки минг долларни йўқотиб қўйгандан кўра, таксида кетганим яхшироқ. Озроқ кўп пул сарфлайман-у, лекин қолгани ёнимда қолади. Шошма, нимадан қўрқаман? Шаҳарда катта бўлган бўлсам, бунинг устига, унча-мунчаси билан уришишга бемалол кучим етади, нимадан қўрқаман?”

У келиб тўхтаган автобусга ҳаммадан охирида чиқди. Эшикнинг ёнида турди. Бошқа йўловчиларга киши билмас назар солди. Ҳамма ўзи билан ўзи оврадай кўринарди-ю, лекин сал нарида соқоли ўсган, қўйлагиғижим, ўтгизлар атрофидаги одамнинг кўзи бежодай туйилди. Тез-тез ёнида турган қизнинг сумкасига назар ташлаб қўйяпти. Ҳа, унинг

бир балоси бор. Мурод шу ўйда унга еб қўйгудек тикилди. Бир неча сонияга чўнтагидаги пулини ҳам унутди. У ўғри деб хаёл қилган йигит қизнинг орқа томонидан атай тиралиб олди. Бўлмаса, жа ёпишиб оладиган даражада автобус тиқилинч эмасди. Йигит қандайдир ортиқча бемаза ҳаракат қилдики, қиз безовталанди. Елкасига илиб олган сумкасини унутди. Юзи қизарди. Олдинроққа бироз силжиб қўйди. Бор-йўғи бўлган воқеа шу. Қизнинг рўйхушлик бермаганини унинг орқасида турган йигит англади шекилли, салоннинг ўртароғига силжий бошлади. Бироздан кейин орқа эшик ёнида пайдо бўлди. Навбатдаги бекатда тушиб қолди. Ҳаммасини кузатиб турган Мурод енгил нафас олди. Аммо чипта олиш учун сумкасини титкилаган қизнинг бирдан ранги оқариб кетди. Қидирганини тополмади шекилли, атрофига олазарак боқди ва шу ондаёқ кўзидан дув-дув ёш оқа бошлади. Шундан кейингина Мурод ҳаммасини англаб етди. Бояги одам бу ёшгина қизга тегажожлик қилиш баҳонасида унинг сумкасига тушганди. Қизнинг кўзидаги ёшни кўрган йўловчилар бирдан уни сўроққа тутиб кетишди. Бечоранинг қўнгли бўш, бунинг устига, содда, тагин бировга қаттиқ гапиролмас экан. Сўраган кишига жовдираб боқади. Ҳеч нимани айтолмайди. Бирпасда йўловчилар уни касал бўлганга чиқариб қўйишди. Ҳатто ҳайдовчига автобусни тўхтатишни, бир қизнинг мазаси бўлмай қолганини айтганлар ҳам бўлди. Шундоғам бекатларда тўхтайвериб, асабийлашиб қолган ҳайдовчи: “Мазаси бўлмай қолишини билса, нима қилади автобусга чиқиб? Такси-паксида кетавермайдими?” — дея бақариб берди. Ана шундан кейингина қиз худди айбдордай: “Пулим билан телефонимни кимдир олиб қўйибди”, дея олди. Шунда ҳам йиғи аралаш паст товушда гапирди. Салоннинг ичи баттар шовқинга тўлди. Ҳамма ўзининг мулоҳазасини айтишга шошди. Кимки олдинги бекатда тушиб қолган бўлса, деярли ҳаммаси ўғрига айланиб улгурди. Қиз гоҳ-гоҳида Муродга нигоҳ ташлар, гўёки ундан нажот кутаётгандай эди. Йигитнинг ичини нимадир кемира бошлади. Қани ҳозир автобусдан тушса-ю, ортига қайтиб бориб ўша ярамасни ушласа, қилган иши учун обдан таъзирини бериб, кейин қизнинг нарсаларини қайтариб олиб берса. Бора-бора қиз унга янаям кўпроқ қарай бошлади. Мурод ортиқ

чидолмади. Ахир қандай қилиб шундай сулув қизнинг ёшли кўзига боқсин? Унинг ўрнида Шахло ҳам бўлиши мумкин эди-ку. Лекин нима бўлганда ҳам унга ёрдам беролмайди. У бундай аҳволда бошқа кетолмаслигига кўзи етгач, навбатдаги бекатда тушиб қолди. Бошқасида кетаман, деб хаёл қилди.

Бекатда дили хуфтон бўлиб турганида, ён томонидан:

— Ака, ёрдам бериб юборинг, — деган овоз келди.

Ўгирилиб қараса, ўша автобусдаги қиз.

— Мутлақо пулим қолмади. Шу ердан бошқа автобусга чиқиб кетишим керак, — деди қиз киприклари пирпираб.

— Кўпмиди пулингиз? — сўради Мурод унга ич-ичидан раҳми келиб.

— Талабаман. Квартирада тураман. Бугун уйга бориб квартира пулини олиб келаётгандим...

Қиз бошқа гапиролмади. Йиғиси уни сўзлашга қўймади.

Аксига олиб, Муроднинг ёнида бор-йўғи беш юз сўм қолган. Қаерга, қанча сарфлаганини ҳисоблаб юрадиган Мурод буни яхши билади. Агар шу пулини берадиган бўлса, у бутунлай сўмсиз қолади. Валютасини эса бу ерда алмаштиришнинг иложи йўқ. Қолаверса, беш юз билан қизнинг муаммоси ҳал бўлмайди. Йигитнинг боши қотди. Бир муддат нима қиларини билмай, ўйланиб турди. Қаршисидаги қизнинг қарашларида шунақанги мунг бор эдики, ҳар қандай эр кишининг юрагини ўйнатиб юборади. Мурод чўнтагига қўлини тикди. Қоғознинг бир четини секин йиртди ва долларлар орасидан биттасини суғурди-да, кафти орасида гижимлаганча қизнинг қўлига тутқазди.

— Биров кўрмасин, кейин манави беш юз сўмниям олинг, валюта алмаштирадиган жойгача етволасиз. Кўпроқ берардим-у, афсус, ўзимда қолмади, — деди у бирдан кўзлари порлаб кетган қизга.

— Раҳмат, акажон, яхши кунларингизда қайтарайин. Мен қайтармасам, Худо ўн чандон кўпроқ қилиб қайтарсин, — дея миннатдорчилик билдиришга тушиб кетди қиз.

Мурод ўзини қўярга жой тополмай қолди. Ахир бекатда қанча одам бўлса, ҳаммасининг кўзи уларда. Қани энди секинроқ гапирса, баттар овози баландлашиб кетаяпти.

— Бўпти, бўпти, синглим, ана автобус келиб қолди. Сиз бемалол бораверинг, фақат эҳтиёт бўлинг, — деб Мурод

нари кетди. Шу билан бирга қизга қарамасликка ҳаракат қилди. У жуда ғалати аҳволга тушган эди. Чунки қизни камгап деб ўйлаганди. Ундан бунақанги сўзлар чиқиши мутлақо хаёлига келмаганди. Агар ўзи ўйлаганидай бўлганида эди, квартирасигача олиб бориб қўярди.

Автобус одамларни тушириб, ўрнини яна тўлдирганидан кейин жўнаб кетди. Шунгача Мурод, бир марта бўлсин, у томонга қараб қўймади. “Мана, таксида кетмаганимнинг оқибати: Ўқтамнинг ҳамма гапига ҳам киравермай дейман-у... Уфф!” — дея хаёл сураётган маҳал унинг елкасига қўл тегди. Ўгирилиб қараса, элликлар атрофидаги, сочлари оппоқ, оддийгина кийинган бир киши турибди.

— Бекор қилдингиз, дўстим, — деди у қандайдир бошқача нигоҳ билан.

— Нимани? — сўради Мурод.

— Бояги қизга пул бериб. Қанча берганингизни билмадим-у, лекин у сизни алдаб кетди. Тескари ўгирилишингиз билан автобуснинг орқасидан келиб тўхтаган яшил “Жигули”га югуриб чиқиб кетди. Машинадаги йигит билан ўпишиб кўришди. Кейин сизга қўлини силтаб кетди.

Мурод бутунлай бақа бўлиб қолди. Қулоқлари битиб қолгандай эди. Шунақанги мулзам бўлдики, ер ёрилмади — кириб кетмади. Хабарчи одамнинг кўзига қарашга юзи чидамади. Ҳатто унга бир оғиз ҳам сўз айтолмади. Ўгирилди-ю, илдам юриб кетди. Боши гувиллади. Нимани хаёл қилишнйам билмайди. Ахир уни куппа-кундуз кунни, яна ўзини рози қилиб тунаб кетишганди. Тағин қиз бола шу ишни қилди. Унинг йиғлаганини, чорасиз қолганини кўрган Муроднинг ўзи ҳам йиғлаб юборай деганди-ку... Одам шунчалик маккор бўладими? Қиз бола-я?!

У хаёлида ўша нотаниш қизнинг сиймосини тиклашга уриниб кўрди. Яхшилаб ўйлаб қараса, уни ўзи автобусга чиққан бекатда кўргандай эди. Ҳа, кўрувди. Автобусга аввал уни чиқариб юборганди. Қиз қандай қилиб унда пул борлигини сезган, Мурод ақлига сиғдиролмасди. Ҳаяжон босиб, чўнтагининг устидан тез-тез уриб қўйгани эса сира хаёлига келмасди.

Мурод тушкун кайфиятда қанча юрганини сезмади ҳам. Юраверди, юраверди. Бир пайт қараса, валюта алмаштириш шаҳобчасининг ёнига бориб қолибди. Алам устида

чўнтагидан яна битта купюра чиқазиб сўмга алмаштирди. Сўнг таксига ўтириб касалхонага борди. Тўғри Шаҳлонинг палатасига кирди. Қиз девор томонга ўгирилганча хаёл уммонига шўнғиб ётарди. Афтидан, у ўзининг ўйига шунчалик берилиб кетгандики, ҳатто Муроднинг оёқ товушини ҳам эшитмади. Йигит унинг юзидан ўпиб қўйганида чўчиб тушганидан бақириб юбораёзди. Севгилисини кўрганга эса кўзлари порлаб, бирдан ёшланди.

— Соғайиб қолдингизми, яхши қиз? — сўради Мурод уни эркалаб.

— Нега шу пайтгача келмадингиз? Кутавериб, кўзларим тўрт бўлди. Ҳар хил ёмон хаёлларга боравериб жинни бўлаёзим. Қўрқиб кетдим! — деди қиз йиғлаб, сўнг йигитнинг қўлидан ушлаб ўзига тортди. Маҳкам кучоқларкан:

— Мени ҳеч қачон ташлаб кетмайсиз-а?! Ташлаб кетмайсиз-а?! — дея ялинчоқ овозда сўради.

Муроднинг хаёлига бирдан автобустаги қиз келди. У ҳам йиғлаганида одамни эзиб юборарди. Шаҳлонинг йиғиси ҳам уникага ўхшаб кетди. У сўзлаш учун оғиз жуфтлаган маҳал эшик қарсиллаб очилди. Йигит билан қиз бирдан чўчиб тушди. Иккаласи ҳам бир-бирини қўйиб юбориб, бирдан эшик тарафга юзланишди. Не кўз билан кўришсинки, остонада қўлини белига тираб Хонзода турарди.

— Ана! Буни кўриб қўйинглар! — деб бақирди у ва икки-уч қадам ичкарига қадам босди. — Ушланглар ўғрини!

У шундай дейиши билан орқа томонида иккита милиционер пайдо бўлди.

* * *

Шоҳруҳнинг башарасига қараб бўлмасди. Иккала барзанги уни шунақанги аямасдан уришардики, йигит келганига пушаймон ея бошлади.

— Нима қилаяпсанлар, ит эмганлар?! — дея бақириб юборди Роман Фёдорович. Йигитлари бирдан уришдан тўхтаб, хўжайинларига қарашди. Роман Фёдорович бақириб билангина чекланмай, ҳар икки барзангининг қорнига тепди.

— Эшигимнинг олдида шунақанги иш қиласанларми, ҳаромилар?! Бирон жойга обориб гумдон қилмайсанларми?! Кимга томоша кўрсатмоқчи бўлаяпсанлар?! Кўзимдан йўқот бунини! — деб қичқирган Роман Фёдорович Шоҳруҳни қўли билан кўрсатди.

Айб иш қилиб қўйганларидан дағ-дағ қалтираётган йигитларга жон кирди. Иккови Шоҳруҳнинг икки қўлтиғидан олди. Худди шу пайт бутунлай ҳолдан тойган йигит:

— Мен сизга ёрдам бергани келдим, — дейишга улгурди.

Оксананинг изма-из чиқиб келганини кўриб жаҳли чиққан Роман Фёдорович қизининг елкасидан қучиб, ичкарига бошлаётган жойда тўхтади-да, ортига ўгирилиб:

— Нима? Ёрдам?! Қанақа ёрдам? Шошманглар-чи, — дея йигитларини тўхтатди ва Шоҳруҳнинг ёнига келиб, унинг юзига яхшилаб қаради. Таниёлмагач, сўради: — Кимсан?

— Сизга ёрдам бергани келганман, — деди Шоҳруҳ.

Унинг оғзи тўла қон бўлгани учун яхши гапиролмади. Роман Фёдорович бироз унга тикилиб тургач, йигитларига тезда ичкарига олиб кириб юз-кўзларини яхшилаб ювиб, янги кийим кийдиришларини буюрди-да, қизини етаклаб ҳовлига кириб кетди.

Тансоқчилар шошиб қолишди. Учаласи Шоҳруҳни даст кўтариб, ичкарига олиб кириб кетишди.

Дарров уни чўмилтиришди. Кийим-бош билан таъминлашди. Йигит тўла ўзига келиб олиши учун унга дори беришди. Аммо юзи ва пешонасининг ёрилганини, кўзининг кўкарганини тузатишолмади. Бунинг учун кечирим сўрашди.

Роман Фёдорович ҳамма ишларини охирлатиб, қадаҳни тўлдириб виски қўйди-да, уни бир-бир ҳўплаганча ўзи доим севиб ўқийдиган “Мухр” романини мутулаа қилишга тушди. Бу асарни у неча марталаб ўқиб чиққан. Лекин ҳар сафар ўзгача бир руҳ, қувват топгани боис, яна қайта кўз югуртиришдан зерикмасди. Ҳозир ҳам китоб бирдан диққатини тортиб, талай муддат қўлидан қўёлмай қолди. Фақат доимгидай, саккизинчи саҳифадан сўнг ўз хаёлларига фарқ бўлди. Кўзи сатрлар устида юрар, кейинги бетга ўтар, хаёллари эса қиладиган ишининг лаззатига кўмилганди.

— Мумкинми? — деди йигитларидан бири эшикдан бошини суқиб.

Роман Фёдорович кўзойнагини олиб стол устига қўйди-да, йигитига юзланди:

— Йигит ўзига келдими?

— Ҳа, кираверсинми?

— Бемалол. Ҳа, унгаям виски келтиринглар, — деб Роман Фёдорович китобни бир четга қўйиб, қадаҳдаги шаробдан ҳўплаб қўйди.

Шоҳруҳ банкирнинг хонасига кириши билан атрофга бир қур назар ташлади. Европа услубида безатилган хона шу қарашининг ўзидаёқ ёқди.

— Оҳ, менинг кичик дўстим, — дея ўрнидан турди Роман Фёдорович, — англашилмовчилик учун сиздан минг бор узр сўрайман, баъзан атрофингда ҳеч балога ақли етмайдиган аҳмоқлар пайдо бўлиб қолганини сезмай қоларкансан.

У Шоҳруҳнинг қўлини сиқиб кўришди. Хона тўридаги лип-лип ёниб турган печнинг ёнига йигитнинг елкасидан қучиб олиб бориб юмшоқ оромкурсига ўтқазди, кейин ўзи бошқасига ўтирди. Келтирилган вискидан ҳўплаб, йигитни ҳам ичишга даъват қилди. Кейин ён чўнтагидан гавана сигаретасини олиб, лабига қистирди. Ёнаётган ўтин бўлакчаси билан тамакисини тутатди.

— Шунақа қилиб, чекиш — жону дилим. Ёшлигимда битта кино кўргандим. Ўша фильм қаҳрамони ўрмонда ўт ёқади-да, ёнаётган чўпдан сигаретасини тутатади. Оҳ, бирам ёқиб қолгандики, гарчи эндигина еттинчи синфда ўқиётган бўлсам ҳам чекишни ўрганишга интилганман. Мана, орадан қанча йиллар ўтиб кетди, ҳалигача чекаман, — деди жилмайиб Роман Фёдорович ҳамда тутунни ҳузур қилиб ичига ютди.

Шоҳруҳ қўлидаги қадаҳдан бир қултум виски ютди-да, ҳамсуҳбатига юзланди.

— Қани энди, кичик дўстим, айтинг-чи, кимсиз? Нега келдингиз? Юз тузилишингиздан бу ерликларга ўхшамайсиз... Дарвоқе, менга ёрдам бериш учун жонингизни гаровга қўйганингиз қойил қолдирди. Ҳамманиям қўлидан бундай иш келмайди, — деди Роман Фёдорович.

— Қизингизни эртага ўлдиришади.

Шоҳруҳ бу гапни шунчалик бемалол айтдики, ҳатто ўзи ҳам ҳайрон қолди.

— Нима? Ўлдиришади?! Оксанани-я? Жин урсин. Қаёқдан олдинг бунақанги хабарни?! — дея ўрнидан туриб кетди Роман Фёдорович.

Худди шу маҳал хонага ялтироқ, олди ҳаддан зиёд очиқлигидан оппоқ кўксини салгина бекитиб турадиган калта тунги кўйлақда Оксана кириб келди.

— Ҳа-а, — деди у отасининг қўлидаги сигарани кўриб, — дарров чекишни бошладингми? Дўхтирлар сенга мутлақо чекиш мумкинмаслигини айтишганди-ку?!

— Қизгинам, бу ёққа кел, — деб қўли билан Роман Фёдорович уни ёнига чорлади.

Оксананинг узун киприклари пирпиради. Худди модельер қизлардай узун оёқларини кўз-кўз қилганча битта-битта босиб отасининг ёнига келди. Отаси уни кучди. Хушбўй атир ҳиди анқиб турган сарғиш сочларини узоқ ҳидлади, сўнг юзидан ўпиб кўйди.

— Тинчликми? — сўради отасининг бундай қилишидан ҳайрон бўлган қиз. — Ёки ҳозирнинг ўзида бирон ёққа сафарга кетаяпсанми?

— Йўқ, шунчаки сени яхши кўриб кетдим. Эсимдан чиқай дебди. Илтимосингни бажардим. Эртага саҳарда Москвага чипта олиб кўйдим. У ердан Швейцарияга учасан. Ўйлаб қарасам, дам олмаганингга ам анча бўпти.

— Ота, барибир сени тушунолмаяман. Ҳеч қачон илтимосимни бу даражада тез бажармагандинг. Ҳатто ойим ҳам: “Отанг бир ишни қилиш учун йиллаб ўйлайди”, деганди. Нега бунчалик ўзгариб қолдинг?

— Ҳозир хаёлимга келиб қолди. Дунёда замонавий бўлиб яшашинг керак экан, йўқса, сени сарқитга чиқариб кўйишаркан, буни менинг ёш дўстим ҳам тасдиқлаши мумкин, — дея Роман Фёдорович қизини кучоғидан бўшатиб Шоҳруҳнинг ёнига келди ва энгашиб афт-ангори кўкариб кетган йигитдан: — Шундайми? — дея сўради.

— Умуман олганда, — деб Шоҳруҳ юзини кафти билан бекитишга ҳаракат қилди, — сиз ҳақсиз.

— Дарвоқе, — дея юзида ним табассум билан Оксана йигитнинг ёнига келди, — бу уришқоқ йигит ким бўлди? Оҳ, юзига қара, ота, моматалоқ бўп кетибди-ку.

— Ҳали танишишга улгурганимизча йўқ. Лекин ўйлашимча, душман бўлмаса керак.

— Исмин Шоҳруҳ, ўзбекман. Сизларни эса гарчи аввал кўрмаган бўлсам-да, исмларингизни биламан, — дея жавоб қилди Шоҳруҳ.

— Кўринишингиздан, қолаверса, ёшлигингиздан бирон катта жойнинг эгасига ўхшамайсиз. Пулингиз бордир, лекин отамчалик бойлигингизга кўзим етмайди. Шундай одам қандай қилиб бизга ёрдам бериши мумкин? — сўради Оксана.

— Қизим, — деб Роман Фёдорович Оксананинг белидан кучди, — сен бориб дамингни олавер, биз ўзимиз гаплашиб оламиз. Ҳар қалай, эркаларнинг ишига аёллар аралашиси яхши эмас. Айниқса, мен шунақанги аёлларни ёмон кўраман.

— Ота, мен сенга бегона эмас, қизингман. Қолаверса, фақат икковимиз қолганмиз. Ойим ҳам ўлиб кетди. Ишингни ўргатиб борсанг, кейинчалик балки ёрдамим тегиб қолар.

— Фақат бунисига эмас. Лекин сенга раҳмат, ўзимнинг эркатоим.

Роман Фёдорович қизининг юзидан ўпиб қўйиб, уни ётоғи томонга етаклади. Лекин қиз унамади. Бир қадаҳ виски ичишга рухсат сўради. Қизининг раъйига доим қараб келган ота бу сафар ҳам уни бўй етган ҳисоблаб, илтимосини бажо келтирди.

Оксана атайин отаси ўтирган курсига ўтириб олди. Мақсади, эркаларнинг гапларини эшитиш эди. Қолаверса, уйқуси ўчган, ўзиям бегона ўғил болалар билан гаплашишга мойил эди. Унинг ниятини олдиндан билган Роман Фёдорович мутлақо иш тўғрисида оғиз очмади. Фақат ёшларнинг нима билан қизиқишлари, келажакда қандай режалар тузганларини сўради. Ўзи ёшлигини гапириб берди. Шу билан орадан икки соатча вақт ўтиб кетди.

Кейин қизини ётоғига киргизиб юбориб, Шоҳруҳни сўроққа тутди.

Йигит ҳеч нарсани яшириб ўтирмади. Компьютерда ниманики кўрган бўлса, ҳаммасини гапириб берди. Албатта, фақат Роман Фёдоровичга тегишли бўлганларини.

— Шунақа экан, бекордан-бекорга келмагандирсан?! Қанча пул керак сенга? — сўради унинг гапларини тинлаган Роман Фёдорович.

— Ҳеч қанча, вақти келганда бир мурувват кўрсатиб юборасиз, тамом. Энди рухсат берсангиз, мен кетайин. Ташқарида шеригим кутиб ўтирибди. Менимча, у бутун-

лай адоий тамом бўлган. Ахир мени йигитларингиз дўппослашди. Кейин уйга олиб кириб кетишди. Нима хаёлга борганини тасаввур қилсангиз керак.

— Ҳали шеригинг ҳам борми?

— Бўлмаса-чи?!

— Эҳ, ёшлар, нимани ўйлаб юрасизлар, билмайман. Ҳақиқатан ҳам, жаҳл устида ўлдириб юборганимда, нима қилардинг? Бўпти, майли, омадинг бор экан. Хабаринг учун катта раҳмат. Жабрланганинг ҳақини эса эрта кечга оласан.

— Айтдим-ку, керакмас, деб. Қизингизни эҳтиёт қилинг.

Шоҳруҳни Роман Фёдоровичнинг йигитлари кузатиб қўйишди.

Ташқарида эса...

Бек Шоҳруҳни калтаклашаётганларини кўриб жон-пони чиқиб кетди. Ёрдамга бориш учун машина эшигини очди ҳам. Бироқ тушмади. Шоҳруҳнинг режасига халақит бериб қўйишдан кўрқди. Ахир бу йигит неча марта мана шундай кутилмаган ишлари билан ҳаммани ҳайрон қолдирганди. Бунинг устига, агар унинг ишига бирон кимса аралашса, ўша одамни жуда ёмон кўриб қолишини Бек яхши биларди.

Роса калтак еган йигитни ичкарига олиб кириб кетишганини кўрганидан кейин ортиқ чидаб туролмади. Бирдан Юлдузга қўнғироқ қилди. Воқеани ипидан-игнасигача айтди. Ҳовлиқиб қолган қиз манзилни сўради. Бек қаерда турганини маълум қилиши билан телефон ўчди.

Бир соат ичида Юлдуз шотирлари билан етиб келди. Ҳаяжондан унинг киприклари пирпирарди. У машинадан тушибоқ Бекни саволга тутди. Бек сўзлаб бўлиши билан юзига шапалоқ тортиб юборди.

— Ярамас, сен уни уришларига, қонига белашларига қараб турдингми?! Одам шунақаям юраксиз бўладими?! — деб қичқирди Юлдуз.

У биринчи марта Бекни сенлаётган эди. Йигитга кўпроқ шуниси алам қилди. Тўғри, шунча одамнинг орасида юзига шапалоқ тортгани, ёш болага бақиргандай бақиргани нафсониятига текканди. Аммо сенсирагани ҳаммасидан ўтиб тушди. Бир сафар уни Шоҳруҳ ерга урганди. Энди бу ҳамманинг кўз олдида ер билан битта қилди. У алаmidан қизариб кетди. Қўллари мушт бўлиб тугилди.

— Бекор қилдингиз, — деди ҳар бир сўзни тишлари орасидан чиқариб, — агар у итнинг ўзи: “Ишимга аралашмай машинада ўтир”, демаганида, гўрсўхталар билан муштлашардим.

У сўзларини тугатиши билан ичкаридан Шоҳруҳ билан Роман Фёдорович қўлтиқлашиб чиқиб келди. Ҳамманинг нигоҳи бирдан уларга қаратилди.

Банкир дарвозасининг тагида шунча одам турганини кўриши билан қўрқиб кетди. Беихтиёр унинг қўли чўнтагидаги тўппончани ушлади. Шоҳруҳнинг эса жаҳли чиқди. Юлдузнинг ёнига деярли югуриб борди.

— Нега келдинглар, ким чақирди сизларни?! — деди.

Шоҳруҳнинг ўзбошимчалиги Юлдузнинг жаҳлини чиқарганди. Яхшилаб “чақиш” нияти бор эди. Аммо чироқ ёруғида йигитининг юзи моматалоқ бўлиб кетганини кўриб, бирдан шаштидан қайтди. Бунинг устига, Шоҳруҳнинг сўзларида таҳдид аломати ҳам бор эди.

— Бек бизни чақирди, лекин...

Унинг гапи ичида қолди.

— Бундан буён ўзим чақирганимдагина келасизлар, — деди Шоҳруҳ ва ортига бурилиб Роман Фёдоровичнинг ёнига борди. Ундан узр сўради.

— Мен сени бир ўзинг бўлсанг керак, деб ўйлагандим. Кўриб турибман, атрофингда яхшигина одам тўплабсан. Аммо мен мафиозлар билан ишламайман. Хў-ўш, менимча, бошқа кўришмасак керак. Дарвоқе, қизимдан сира хавотир олма. Йигитларингдан биронтасини ишхонамга жўнатсанг, хабарингнинг пулини бериб юбораман.

Шоҳруҳ Роман Фёдоровичнинг бунчалик тез ўзгаришини мутлақо кутмаган эди. Шунча ҳаракати бекор кетганидан бўшашди. Ҳовлисига кириб кетаётган Роман Фёдоровичнинг ортидан: “Ҳали йўлимиз кўп туташади”, деган гапнигина айтишга улгурди. Кейин бошини эгди, Юлдуз тарафга ўгирилди.

— Бекор келибсиз, меҳнатим ҳавога совурилди, — дея машина томон кетди.

У машинага ўтирганидан кейингина қиз ёнига етиб келди.

— Орамизда англашилмовчилик бўлмаслиги керак. Мен сизни калтаклаганларини эшитиб, қандай қилиб бир жой-

да жим ўтироламан? Нега унинг уйига киришингиз ҳақида айтиб қўймадингиз? Ҳамма ишни ўзингиз билганча қиласиз. Ҳаммани хавотирга соласиз. Кейин сизнинг қилмишингиз учун бошқалар айбдор бўлиб қолаверади, — деди Юлдуз алаמידан бўғилиб.

— Лекин мен иш битираётган эдим. Агар банкирни қўлга олганимизда, у орқали янаям юқорироққа чиқишимиз мумкин эди. Бир марта калтакланишимга арзимайдими бу?.. Майли, бўлар иш бўлди. Энди ҳеч нимани орқага қайтариб бўлмайди. Эртага... Йўқ, ҳозирданоқ банкирнинг қизини сақлаб қолиш йўлини қилишимиз керак. Ўзига хавф борлигини айтдим. Назаримда, жиддий қабул қилмади. Тўғри, Оксана тонгдаёқ Москвага, ундан Швейцарияга учиб кетаркан, аммо Роман Фёдорович ҳар эҳтимолга қарши шундай қилди. Агар унинг жонига суиқасд бўлмаса, мен шунчаки эртақ айтганга айланаман... Хуллас, бошим қотди.

— Чарчабсиз, — деди унга тикилиб турган Юлдуз, — дам олинг.

Шоҳруҳ жавоб қилмади. Пешонасини ушлади. Дарҳақиқат, унинг кўзи юмилиб кетаётганди. Юлдузнинг гапи ёқди. Ўриндиққа бошини қўйди.

Бироқ унга дам олиш насиб этмади. Чунки уларнинг ўзлари келганлариданоқ кузатувда эдилар. Яъни рақиблари томонидан. Ҳозирда улар ҳамма чиқиш йўллари тўсиб қўйишганди.

* * *

Муроднинг ранги докадай оқариб кетди. Унинг айна ҳолатини кўрган одам ўғрилигига сира шубҳа қилмасди. Табиийки, милиционерлар ҳам шу хаёлга боришди. Уларнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. Ахир бунақанги омад ҳамма вақт ҳам келавермайди-да. Агар ҳозир бу шубҳали йигитнинг қўлини орқасига қайириб бўлинмага олиб боришса борми, камида мукофот олишади. Шу боисдан ҳам шошилишди. Хонзодани четлаб ўтиб, Муродга қўл узатишлари билан Шаҳло бақариб юборди:

— Тегинманглар!!!

У ўрнидан турди. Ички кийимдалиги учун бадани туман ичида тургандай оппоқ бўлиб кўриниб турарди. Келганларнинг кўзи тушиб, бир зум хаёллари қочди. Аммо тезда яна ўзларига келиб олишди.

Шахло йигитининг қўлидан маҳкам кучоқлади.

— Мурод акам ҳеч қанақанги ўғирлик қилганлари йўқ. Қандай қилиб одам севган кишисиникига ўғирликка тушиши мумкин? Кейин Мурод акам ўғирликни пасткашлик деб биладилар! Ойим сизларни алдаганлар... Ойи, уялмайсизми бировга туҳмат қилгани? Аввалги сафар амакимни ўғрига чиқаргандингиз. Эндиги навбат Мурод акамгами?!

Қиз қизариб-бўзариб кетганди. Кўзидан тинимсиз ёш оқарди. Хонзода унинг ёнига қошлари чимирилиб, ранги оқарганча шиддат билан келди-да, қўлидан силтаб тортди. Ана шунда қиз бечора гипсли оёғини ерга босиб олди-ю, оғриқдан чинқириб юборди.

— Бу муттаҳам сенинг бошингни айлантириб қўйибдику! Кимни ҳимоя қилаётганингни биласанми, шарманда қиз?! Даданг бечора у пулларни топгунча қанча пешона терини тўккан! Ҳеч бўлмаса шуни ўйламадингни бу ўғрига пулларимиз қаерда туришини кўрсатаётганингда! — дея Хонзода қўлини бигиз қилиб Муродни кўрсатди.

Мурод ҳам, Шахло ҳам унинг гапларидан қотиб қолишди. Тиллари музлади. Бу даражада очиқ туҳматни улар тушларида ҳам кўришмаган эди. Йигит билан қизнинг мум тишлаб қолганини кўрган милиционерлар аёлнинг гапларига шубҳалари қолмади.

— Нимангизни ўғирлабман?! — деди ниҳоят тилга кирган Мурод.

— Нималигини ўзинг яхши билмайсанми, ялангоёқ?! Қизимнинг ишончига кирволиб, уни йўлдан уриб, яна без бўлиб туришинга ўлайми? Нимамни ўғирлаганингни менинг ўзимдан сўраб турибсан-а? Мен рўйхатини керакли одамларга берганман. Ҳаммасини қайтарасан! Яна мени шунчалик ташвишга қўйганингни ҳақиниям тўлайсан. Тўла-масанг, умрингни қамоқда чиритаман!

— Ойи! — дея бақариб юборди Шахло. — Нималар деяпсиз? Шунча одамнинг олдида қайси юз билан бировга туҳмат қиляпсиз, бутун оиламизнинг барбод бўлаётгани камлик қиляптими сизга?!

— Кам, — деди эшик раҳига суяниб турган Содиқ, — қизим, ойингга камлик қилади буларнинг бари. Қачонки, мен ўламан, сен хор-зор бўласан, ундан кейин ойингнинг кўнгли тинчийди.

Чўчиб тушган Хонзода ортига ўгирилиб эрини кўрди. Қизи ётган палатадаги шовқин-суронни эшитган Содиқ шу ергача аранг етиб келганди.

— Дадаси, нималар деяпсиз?.. — деди у оёқларидан мадор қочиб.

— Эшак, йўқол бу ердан, касалхона можарохона эмас, одамларнинг тинчини бузма!

— Ни-ма?! — дея чинқирганча Хонзода ўзини полга ташлаб юборди ҳамда типирчилай бошлади. Икки милиционердан бири:

— Опа, сизга нима бўлди? — деб аёлнинг бошини кўтаришга шошган бўлса, иккинчиси дўхтирни чақиршга югуриб кетди.

Бир неча дақиқа ичида оқ халатли киши чошиб келди. Унинг ортидан ҳамширалар ҳам келиб, аввал Хонзоданинг томир уришини текширишди. Врачнинг юзидаги шошқинлик ўрнини бирдан сокинлик эгаллади. У қаддини ростлаб, милиционерларга қараркан:

— Кўрқадиган ҳеч нарса йўқ, озгина дам олса, ўтиб кетади, — деди.

Хонзода бошқа хонага олиб кирилиб укол қилинди. Шу билан у ухлаб қолди.

— Сен, — деди милиционерлардан бири Муродга қараб, — барибир биз билан кетишинг керак. Масаланинг тагига етгунимизча сўроқларимизга жавоб беришингга тўғри келади.

— Кимдир тўхмат қилса-ю, жабрини Мурод акам тортишлари керакми? Бормайдилар, борсалар ҳам мен ёнларида бўламан.

Ҳамон эшик рахига суяниб турган Содиқ бир қалқиб тушди. Кўзлари ўз-ўзидан ёшланди. У ҳеч қачон қизи бегона одамни бунчалик ҳимоя қилишини кутмаганди. Бунинг устига, отасининг ёнида айтаётган гаплари уни ғуссага ботирди.

— Шахло, — деди у ҳазин товушда, — мен сен учун кимман? Ҳурматим йўқми олдингда?!

— Дадажон...

— Ҳали бирор марта: “Ҳолинг қандай?” — деб сўрамадинг-а, қизим?!

Содиқнинг боши эгилди. Жароҳатли жойларида оғриқ

сезди. Афти бужмайди. Кўз ёшини қизидан яширмоқчи бўлганди, урдасидан чиқолмади. Шўр сувнинг икки-уч томчиси полга тушди.

Шахло оқсоқланганча бориб дадасини қучмоқчи бўлганида, падари бузруквори унамади. Қизи ёнига яқинлашганида ўгирилиб чиқиб кетди. Оқсоқланиб, ҳам руҳий, ҳам жисмоний оғриқлар исканжасида зўрға ўзи ётган палатага етди. Сўнг каравотига юзини босиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Шахло шу аҳволда, ўзи билмаган ҳолда танасини бошқаларга кўз-кўз қилиб, отасининг ортидан бормоқчи бўлганида, Мурод ушлаб қолди. Устига халатини кийгизди. Шахло унинг кўксига бошини қўйди ва унсиз кўз ёш тўка бошлади.

Хартугул, Муроднинг қўлига кишан солиш ниятида келганларга Худо инсоф берди. Улар бир-бири билан кўз уриштирганларидан кейин палатани тарк этишди.

— Энди нима қиламиз, Мурод ака? Бутун оиламиз барбод бўлди, қандай яшайман?! — йигитини маҳкам қучоқлади Шахло.

— Ҳаммаси изига тушиб кетади. Мана кўрасан, бари эсингдан чиқади. Ҳозир, ҳозироқ кийимларингни йиғиштир, сени опкетаман. Бир минут ҳам бу ерда қолмайсан. Уйимизга борамиз, ойим сени жудаям яхши кўриб қолганлар, — деди Мурод.

— Дадам-чи, уларни шу аҳволда қандай ташлаб кетаман? Ўзларини-ўзлари еб битирадилар-ку!

— Сен тайёрланиб тур, мен ўзим ёнларига кириб гаплашаман.

Мурод Содиқдан яхши гап эшитмади. Қонига ташна бўлиб турган одам, у кириши билан: “Йўқол, кўзимга кўринма!” — дея бақирди.

Муроднинг бир аҳволда чиқиб келганини кўрган Шахло ичидан зил кетди. Гарчи йигит ҳеч нарса демаган эса-да, унинг юз қиёфасидан “суҳбат” қандай кечганини билиш қийин эмасди.

Дадасининг ёнига ўзи борди. Ҳали-ҳануз юзини ёстиққа босиб ётган падарининг сочини силади. Содиқ ким унинг сочларини силаётганини ич-ичидан сезди.

— Қизим, — деди бўғиқ овозда, — мен кўп нарсани

тушуниб етдим. Энди бор, бошқа ёнимга келма. Мен сени катта тўй қилиб узатмоқчийдим... Ўлигимга келмасанг ҳам розиман. Пешонанг қурсин, келиб-келиб, аҳмоқ аёл билан ярамас отага қиз бўласанми?..

— Дадажон, мен сизни жудаям яхши кўраман. Илтимос, хайдаманг. Тузалгунингизча ёнингизда ўтирай, жон дада!

— Йўқ, бор кет. Ойингнинг яна каромат кўрсатишини хоҳламайман. Мени қийнама бошқа. Шундоғам тамом бўлдим. Ҳеч кимни кўрмай ўлишни хоҳлайман.

— Унақа деманг, дадажон, — дея Шаҳло энди дадасининг елкасини силамоқчи бўлганида:

— Тегинма! — деб қичқирди ота.

Шаҳло чўчиб тушди. Тез-тез қовоғи кўтарилиб тушаётган дадасига бироз термилиб турди-да, кўзидан ёшини селдай оқизганча эшик томон йўналди.

Йўлакда уни Мурод кутиб турарди. Бирдан кучоқлади.

— Мурод ака, уйимга олиб бораман, дегандингиз. Гапингиз ростми? — деди Шаҳло йиғламсираб.

Мурод жавоб қилмади. Бунинг ўрнига қизнинг белидан кучиб, ташқарига бошлади.

* * *

Чол ўрмондан келган хабарни эшитгач, ўрнидан туриб кетди. Ўзи билан бирга пивоҳўрлик қилаётган ёрдамчиларини ўта дағал сўзлар билан шунақанги бўралатиб сўқдики, барининг юраги ўйнаб қолди. Чол бу билангина қаноатланмади. Ёнидан тўппончасини олиб, дуч келган томонга ўқ ота бошлади. Буниси ҳаммасидан ошиб тушди. Кўзларига дунё қоронғи бўлиб кетган барзангилар бирдан полга кўкракларини бериб ётишиб, бошларини кафтлари билан бекитишди. Вақтида шундай қилишди. Бўлмаса, бу қутурган чол битта қўймай отиб ташларди. Ниҳоят, тўппончада битта ҳам ўқ қолмаганидан кейин чол тинчиди.

Қуролни улоқтириб, кираверишдаги, ўзи жуда яхши кўрадиган, Эрондан келтирилган нархи беш минг доллар турадиган, ниҳоятда чиройли кўзани чил-чил қилиб синдирди. Сўнг столга ўтириб, ютоқиб-ютоқиб пиво ичди.

У аввалги сафар Юлдуз билан Шоҳруҳни кўлдан чиқарганида ҳам қутурган эди. Лекин ҳозиргидай эмас. “Ов”га кетганлар қуруқ қўл билан қайтиб келишгач, жаҳл устида битта йигитини оёғидан яралаганди. Шу билан тинчиган-

ди. Бироз ўтиб, қиз билан йигитнинг бошлаб кетишганига ҳатто ўзи ҳам қойил қолганини бошқалардан яширмай, иржайиб-тиржайиб айтувди.

Энди эса кимдир ўрмондаги қароргоҳга бостириб кириб, учта йигитини тинчитибди. Пулларни, сотишга тайёрланган героинга қўшиб яқиндагина сотиб олинган “Жип”ни ҳам ўғирлаб кетибди-ю, улар оғизларини очиб қолаверишибди.

Талай муддат ичкилик ичиб, сигарета чекиб ўтирди. Полга ётганлар бирин-сирин ўринларидан туришди. Оёқ учида юриб, хонадан чиқишди. Чол ҳамма нарсани жуда яхши сезиб ўтирар эди. Шотирларининг ундан махлуқдан қўрққандай қўрқишларини кўриб, ич-ичидан севиниб кетди ҳам.

Бироздан кейин у бақирди. “Қайси ит эмган бор!” — дея сўкинди. Эшик ортида турган учала шотири ҳам унинг овози эшитилиши билан югуриб киришди. Ҳаммаси рангкути ўчган, қутурган чолга олазарак боқиб туришарди.

— Бориб, ўрмондаги учта маразни йўқ қилинглар, — дея буйруқ берди, — кейин ўғриларни...

Шундай деганида унинг кулгиси қистаб кетди. Чунки унинг ўзи ўғрилиқда бошқаларга дарс берарди. Унинг ўзини айнан ўз услубида тунашганлари қитиқлади. Зўрға башарасидаги табассумни йўқотиб, ўрнини қаҳр-ғазабга бўшатиб берди.

Шотирлари бирин-кетин шошганча чиқиб кетишди. Ҳаммасининг ич-ичидаги алами аста-секин, ора-чора бир-бир бўй кўрсатиб қоларди. Чунки қаригани сайин инжиқликлари ортиб бораётган чол жонларига тегиб бўлган эди. Аммо қўлларидан барибир ҳеч нима келмасди. Қўрқишарди. Албатта, чолнинг ўзидан эмас. Унинг чет элда ҳамтовоқлари кўп эди. Айниқса, сицилиялик наркобарон билан жуда қалин эди. У сўнгги уч-тўрт йил ичида беш-олти марта Москвага келган ва ҳар сафар, энг аввал, мана шу чол — Рамиз билан учрашар, маслаҳатлашар, чойлашар, маишат қиларди. Ана шу лаҳзаларда чол йигирма яшар йигитга айланарди. Наркобарон кетар чоғида бошқа авторитетларга: “Отамизнинг бир тола сочи ҳам қиммат туради. Уни авайлаб-асрашимиз керак”, дерди. Унинг мана шу гапи яна қайтиб келгунича чолга соябон вазифасини ўтаб

берарди. Биров унинг мушугини “пишт” демас, бундан фойдаланган Рамиз чол хоҳлаган номаъқулчилигини қилиб юраверарди.

У Москвада яшамасди. Бировдан кўрққанидан эмас, шунчаки ёқтирмасди, холос. Унинг кўриниши ҳечам ўзгармасди. Ундан кейин бирор марта ҳам касал бўлиб, ётиб қолган банда эмас. Ёшлигида дори-пори ичган бўлиши мумкин, буни ҳатто ўзи ҳам эслаёлмайди. Доим бақувват, бардам юрарди. Чунки Германияда ҳар икки йилда бир маротаба қонини ёш боланикига алмаштирарди. Қоннинг кучи билан олти ойлар чамаси ҳақиқий йигитга айланарди. Фақат кучли овқат ер, кейин ёшгина, ҳали йигирмага кирмаган қизларни истаб қоларди. Атрофидагилар унинг бундай ўзгаришидан ҳайратланишарди. Кошкийди, биз ҳам унинг ёшига етганимизда ана шундай бақувват юрсак, деб орзу қилишарди. Бироқ олти ой ўтганидан кейин чолнинг тетиклиги ортга чекинарди. Қиз-жувонларни эса жини суймай қоларди. Кейин эзма, мижғов чолга айланарди-ю, ҳамманинг жонига тегарди. Фазаби кўзиганлардан нечтаси уни ўлдирмоққа шайланди. Бироқ ҳеч бирининг кўлидан келмади. Бунинг ўрнига ўзлари нариги дунёга равона бўлишди. Бундай воқеалар тобора тезлашиб кетаётганидан хавотирга тушган чол ўзининг қиёфадошини қидирди. У бу ишни хуфиёна, учта оғзига маҳкам, ишончли йигитига буюрди. Узоқ қидирувлардан кейин, ниҳоят, унга икки томчи сувдай ўхшайдиган қирқ ёшдан ўтиб қолган одам топилди. Фақат соқоли йўқ эди. Рамизникига ўхшаш соқол яшаш муаммо туғдирмасди, албатта. Уларнинг ўртасидаги ягона фарқ характерида эди. Рамиз — жиззаки, чўрткесар, кўпол, жойи келса ўз онасини танимайдиган бўлса, Февзи унинг бутунлай акси эди. Бироқ ўз вақтида дзюдо билан шуғулланиб, икки марта ўз юртининг, бир марта иттифоқнинг чемпиони бўлган эди. Қиёфадошининг ана шу томони Рамизга кўпроқ ёқди. Бошқа масалалар учун эса, у Февзини икки ой бировга кўрсатмасдан тарбиялашига тўғри келди. Ниҳоят ҳамма нарса жойига тушганидан кейин, йигитларининг ёнига юборди. Натижа ўйлаганидан ҳам зиёдроқ бўлди. Биров шубҳа қилмади. Февзи уларни шунчалик довдиратдики, Рамиздан ҳам ўтказиб юборди. Шундай қилиб, аввал ойлар, унинг ортидан йиллар ҳам

ўтиб кетди. Февзининг сохта соқол қўйишига ҳожат қолмади. Ўзиники оппоқ бўлди. Рамиз ўзи борадиган жойларга ҳеч иккиланмай уни жўнатадиган, унинг қандай гапирган, нима ишлар қилгани ҳақида ишончли одамларидан билиб оладиган бўлди. Ҳатто бир сафар сицилиялик наркобарон билан ҳам учраштирди. Фақат қиёфадошига кўзойнак тақтириб, бурнининг тагига Гитлерникига ўхшаш мўйлов ёпиштириб қўйди.

Февзининг эса хаёли бузилди. У энди сохталикдан безган, ҳақиқийликни кўпроқ қўмсаётган эди. Шу боисдан ҳам Рамиз ва унинг атрофидагиларни жуда синчковлик билан ўрганди ҳамда ўзининг Февзилигини биладиган Рамиздан бошқа уч кишини топди. Уларнинг айғоқчилик қилиб юрганлигини ҳам аниқлади. Ва ҳар учовини бараварига йўқ қилиш режасини тузиб, қулай фурсат келишини кутди. Анча вақт кутди. Бир йил муддат ичида учта айғоқчини бир жойда учратолмади. Бунгача ўзининг ўлиб кетишига оз қолди. Қаҳвахонадан ишрат қилиб қайтаётганида (албатта, Рамизнинг ўрнига), кутилмаганда ёнларига “Жигули” тўхтаб, улар ўтирган машинани ўққа тутиб қолди. Яхшики, енгил жароҳат олди, холос. Лекин уни қўриқлаб кетаётганларнинг учаласи ҳам нариги дунёга равона бўлишди. Ана шу воқеадан кейин унинг қарори янада қатъийлашди.

Хўжайиннинг буйруғи билан дала ҳовлига борди. Бироздан кейин негадир учта айғоқчи ҳам келди. Тўрталаси битта хонада ўтиришди. Февзи улар билан бирга озгинадан грузин виносини ичди. Сўнг қулай фурсатни қўлдан бергиси келмай, учала йигитни ҳам отиб ташлади. Дала ҳовлида улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Шу боисдан учта йигитни битта қабрга қўмиб ташлаш унинг учун муаммо туғдирмасди. У ишини битирганидан кейин, машинага ўтириб хўжайиннинг қароргоҳига йўл олди. Борса, ҳаммаёқ осойишта, ҳар ким ўзининг иши билан овора. Қўриқчи йигитлар Рамиз (Февзи)нинг ўзи машинани ҳайдаб келганига ҳайрон қолишди. Бироқ лом-мим дейишолмади. Дарров дарвозани очишди.

Февзи уйга кирганидан кейин иккинчи қаватга қўтарилди. Рамизнинг хонасига кирди. Чол қандайдир харитани столнинг устига ёзган ва алланималарни чамалаш билан овора эди. Февзини кўриши билан жони чиқиб кетди.

— Нимага келдинг, мараз?! Ҳозир у ёққа Петербургдан болалар келиши керак эди-ку, разбор бор эди! — дея бақирди томоғи йиртилгудек бўлиб.

Февзи унинг сўроғига жавоб бериб ўтирмади. Чўнтагидан овоз чиқармайдиган ускуна ўрнатилган тўппончани олиб, аввал Рамизнинг кўкрагига, кейин бошига ўқ узди. Рамиз полга гурсиллаб йиқилди. У ҳатто бақирини ҳам улгурмади. Кўзлари олайганча ўлиб қолди. Унинг ўлигидан ҳам одам сесканарди. Февзи бир муддат қотганча унга термилиб турди. Сўнг дарров ўзига келиб, қиёфадосининг мурдасини дераза ёнига судраб олиб борди-да, устига мато ёпиб қўйди. Шундан кейингина бироз тин олиш учун шкафдан коньяк олди-да, қадаҳни тўлдириб қўйди. Ичаётганида қўли шунчалик қалтирардики, бир кўтаришда қадаҳни лабига олиб боролмади. Стол устига қўйди. Чуқур-чуқур нафас олди. “Ҳеч ким билмади, ўзингни бос. Ҳаммаси жойида”, дея қайта-қайта хаёлидан ўтказди. Фақат шундан кейингина қадаҳдаги суюқликни ичди. Аввал томоғи, ундан кейин ошқозони қизиди. Вужудидаги титроқ йўқолди. Қадаҳга коньяк қуйишга сабри чидамай, шишанинг оғзидан ичди. Чўнтагига қўлини тиқиб сигарета олди. Ўпкасини тўлдириб-тўлдириб тутун ютаркан, мурданинг тепасига борди.

— Шунча бойликка эга бўлдинг, лекин барибир дунёга тўймаганингдан кўзинг очиқ кетди-я, бечора, — деб Рамизнинг қовоғини силади ва кўзини ёпди.

Бу ёғига у шошилиши керак эди. Чунки тезда дала ҳовлига бориши, петербургликлар билан гаплашиши лозим эди. Агар кечикса, ҳамма сири очилиб кетиши мумкин эди.

У мурдани шу ерда қолдиришга қарор қилди. Кийимларини алмаштириб, эшикни ўзининг калити билан қулфлади-да, ҳовлига тушди. Йигитларидан олтитасини олди. Улар иккита машинада йўлга тушишди.

Дала ҳовлига етиб борганларидаёқ кўз қири билан қабрга қаради. Синчиклаб қаралса, ернинг қовлангани дарров билинаркан. Йўқ жойдан уникага айланган шотирларига уйнинг атрофидан бир қадам ҳам жилмасликларини буюриб, ўзи ичкарига кирди. Яхшиям шундай қилган экан. Столнинг бурчагида қон юқига кўзи тушиб қолди. Уни

дарров артиб ташларкан, чуқур нафас олди. Қўли беихтиёр чўнтагини ковлаб, сигарета олди.

Орадан ярим соатлар ўтганидан кейин кутилган одамлар келишди. Ҳаммаси бир-биридан бақувват, боқишлари одамни тешиб юборай дейди.

Икки киши у билан меҳмонхонада ўтирди. Рамиз: “Куруқ стол атрофида ўтиринглар. Улар сендан Тожикистондаги йўлакни уч ойга бўшатиб беришингни сўрайди. Рози бўлма. Кейин қайтариб ололмаймиз”, деган эди. Лекин бўлиб ўтган воқеалар сабаб бўлдими ёки Рамизнинг айтганини атайин қилгиси келмадими, келгувчиларнинг таклифига кўнди.

— Уч ойдан кейин ҳеч қандай гап-сўзсиз қайтариб оламан, йўқса, сизларга уруш эълон қилишимга тўғри келади. Аслида молларингни ўзим ўтказиб беришим, эвазига эллик фоизга эгалик қилишим лозим эди. Лекин қўлимнинг очиқлигини сизларга кўрсатиб қўйгим келди, — деди.

Петербургликлар Рамизнинг бунчалик тез кўнишини мутлақо кутишмаганди. Жа эллик фоиз бўлмаса-да, йигирма-йигирма беш фоизга ишлашга ҳам рози эдилар. Шу боисдан ҳам кетма-кет миннатдорчилик билдиришди. Кейин маишат бошланди. Ярим тунгача ўтиришди. Агар улар ичган ароқни фил ичганида борми, жигари шишиб ўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Аммо одам шаклидаги жониворлар ўта маст бўлишса-да, биронтаси ҳам ўлмади. Уларнинг орасида биргина Февзи бир қултум ҳам ичмади. Ўрнига минерал сувга қорнини тўлдирди. Аслида унинг ҳам шароб билан тўйиш нияти бор эди. Лекин шаҳарда Рамизнинг мурдаси ётибди. Уни бирёқли қилиши керак. Айнан шу сабаб, шотирларига ётиб қолгунча майхўрлик қилишга розилик берди.

У тонги учларда шаҳарга қайтиб келди. Рамизнинг мурдасини бўлакларга бўлди. Сўнг машинанинг юкхонасига ортиб, ахлатхонага ташлаб келди. Фақат калласини бошқа жойга, шаҳар ташқарисига олиб борди. Уни ҳам тўрт бўлакка бўлиб, тўртга жойга кўмиб ташлади.

Уйга қайтиб яхшилаб чўмилганидан кейин қадаҳни тўлдириб коньяк ичгачгина ўзига келди. Мийиғида кулди ва кулочини кенг ёзиб:

— Энди ҳаммасига бир ўзим эгалик қиламан! — дея бақариб қўйди.

Мана, ҳозир эгалик қилиб юрибди. Тўғри, айрим жойларда чалкашиб қолади. Нима қилишини билмайди. Бироқ буларнинг бирортаси ҳам шотирларида шубҳа уйғотмайди. Фақат Германияга қонини алмаштиргани борганида, врач унинг бошқа одамлигини сизди. “Сизнинг қонингиз бошқа, демак, мутлақо бошқа одамсиз”, деди у. Февзи довдираб қолди. Врачнинг оғзини ёпиш учун юз минг доллар санаб беришига тўғри келди.

Шотирлари унинг айтганини бажариб келишди. Кейин бошқа хабарни, яъни шаҳарда уларнинг “Жип”и портлаб кетганини айтишди. Февзи — Рамиз тутатди. “Ернинг тагидан бўлса ҳам топинглар ўша итдан тарқаганни”, деб бақирди.

Лекин тезда унинг айтгани ижобат бўлавермади. Аста-секинлик билан машина, пуллар, героин эсидан чиқаёзган эди. Чунки Швейцария банкидан ҳисоб рақам очиб келган. Энди тўплаган пулларини ўша ҳисоб рақамига ўтказиш чорасини ахтариб юрганди. Топганди ҳам. АЛФА банки унинг айтганига кўнди. Албатта, мэр ёрдамчисининг аралашуви билан. Лекин орадан икки кун ўтар-ўтмас, Роман Фёдорович бесабаб гапидан қайтиб қолди. Февзининг жиғибийрони чиқди. Бир-икки марта телефон орқали айтиб кўрди(илтимос қилмади), натижа чиқмади. Шундан кейин унинг қизини йўқотишни режалаштирди. Ниятини амалга оширишига бор-йўғи икки кун қолганида эса, кутилмаганда унинг одамларига хужум бўлди. Тагин уч киши ўлдирилган, биттаси майиб қилинганди. Ўша майиб Исроил эди. У босқинчини таниганлигини айтди. Кейин эса Февзи — Рамизнинг тўппончасидан отилган ўқдан сўнг бу дунё билан видолашди.

* * *

— Шошманг, — деди Юлдуз ҳайдовчининг елкасига туртиб. — Шоҳруҳ ака, компьютердаги ёзувларни сиздан кейин уч марта кўриб чиқдим. Банкир ҳақидаги маълумотлар охирида “мушук” деган ёзув бор эди. Мушукнинг банкирга нима алоқаси борлигини кўп ўйладим, лекин тополмадим. Балки унга бирор сир яширингандир.

Шоҳруҳ қизга юзланди. Пешонасини қашлади.

— Роман Фёдоровичнинг қизи мушукни яхши кўрарми-кан? — деди у худди ўзига-ўзи савол бераётгандай. —

Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Мушук орқали уни ўлдиришолмайди. Лекин яхшилаб ўйлаб кўриш керак экан. Очиғини айтсам, миямга ҳеч нарса кирмаяпти. Бошим оғриб, уйқум келаяпти.

— Унда уйга бориб озгина ухланг, кейин гаплашамиз.

Машина бирор юз метрча юргач, кутилмаганда ҳайдовчи тезликни пасайтирди.

— Тинчликми? — дея сўради ундан Юлдуз.

— Рўпарамизда “Жип” турибди. Яна йўлнинг ўртасида. Нима қилай? — сўради ҳайдовчи.

Бу пайтда Шоҳруҳ уйқуга кетган эди. Юлдуз уни уйғотгиси келмади. Тўппончасини олиб ўқлади.

— Юраверинг-чи, — деди.

Уларнинг машинаси тезликни оширганидан кейин рўпарадаги машина ўз-ўзидан четга ўтиб тўхтади.

— Аста-секин чумчуқдан ҳам қўрқадиган бўп қоласизлар, — дея чуқур нафас олди Юлдуз ҳайдовчининг қўрқоқлигидан ранжиб.

— Бу пайтда кўчанинг ўртасида мошина нима қилади? — деб ўзини оқлаган бўлди ҳайдовчи ва газни кўпроқ босди.

Сал юрилганидан кейин яна иккита машина чиқди. Ҳайдовчи тезликни янада ошириб, уларнинг ёнларидан шамолдай ўтиб кетди-да, дарров ойнадан орқага қаради. Уларга қарашли машиналар шубҳали “Мерс”ларга елларини ялатиб ўтганларидан кейин, бегона уловлар жойидан жилиб дарров уларга дум бўлиб олди.

Шунда ҳам ҳайдовчи орқа ўриндиқда Шоҳруҳнинг елкасига бошини қўйиб, ярим уйқу ҳолатида кетаётган Юлдузга ҳеч нима демади. Шаҳар ташқарисига чиққанларидан кейин эса қизни уйғотди:

— Орқамиздан дум келаяпти, — деди.

Қиз эшитмади. Бунинг ўрнига Шоҳруҳни кучоқлаб олди. Шундан кейин ҳайдовчи гапини бу сафар баландроқ овозда такрорлашга мажбур бўлди:

— Дум? — дея ҳайрон бўлиб бошини кўтарди Юлдуз.

— Ҳа, иккита. Иккаловиям “Мерс”, — жавоб қилди ҳайдовчи.

— Машинани секинлатинг, кейин бирдан буринг. Фақат

эхтиёт бўлинг, орқадан келаётган ўзимизнинг машиналарга урилиб кетманг, — дея буйруқ берди Юлдуз.

— Хўп, — деди ҳайдовчи бошини қимирлатиб ва хавфсизлик чироғини бироз ёқиб турди-да, кейин газдан оёғини олиб, тормозни босди. Бирдан рулни сўл тарафга бурди. Улов чийиллаган овоз чиқарди ва тескари ўгирилди. Шоҳруҳ эшикка ёпишиб қолай деди ва чўчиб уйғониб кетди-да:

— Нима гап?! — деб беихтиёр бақириб юборди.

— Босинг газни! — қичқирди Юлдуз. Сўнг Шоҳруҳга юзланиб:

— Орқамиздан тушишибди, — деди.

Улар ўтирган машина ҳайдовчининг шарофати билан тулпордай олдинга отилди. Қисқа муддат ичида катта тезликка чиқди. Аммо “Мерс”дагилар ҳам анойи эмасди. Улар машинани тескари ўгиришга улгуришди. Фақат бир неча сония кечроқ. Чунки аввал нима бўлаётганини тушунишмаганди. Лекин сездириб қўйишгани кундай равшан эди. Шу боис, бурилганлари заҳоти қочишга тушишди.

Юлдуз машина деразасидан қўлини чиқариб, қуролини олдинги машинага тўғрилаб уч марта кетма-кет тепкини босди. Иккита ўқ зое кетиб, биттаси чироқни синдирди.

— Падар лаънатилар қайси гўрдан пайдо бўлди? — дея бақирган Шоҳруҳ ҳам тўппончасини ўқлади-да, олдинда тобора тезлашиб кетаётган машиналарга қарата кетма-кет ўқ уза бошлади. Олдиндагилар ҳам қараб туришмади. Машиналар эшиги ёнида олов ёниб-ўча бошлади ва бирдан ҳайдовчининг “Им!” деган дардли овози эшитилди.

— Нима бўлди?! — деди Шоҳруҳ ҳайдовчига юзланиб.

— Қўлим! — дея ингради йигит.

— Секин йўл четига ўтказиб машинани тўхтат. Шошилма. Падар лаънатиларни барибир қувиб етолмаймиз.

Юлдуз ҳайдовчининг қўлини боғлаш билан овора бўлаётган пайтда, Шоҳруҳ тобора узоқлашаётган, фақат орқадаги чироқларигина милт-милт кўришиб турган, аста-секин хиралашиб бораётган машинага нафрат билан қараб турарди. Аммо унинг ўзи карахт эди. Нега нафратланаётганини ҳам билмасди. Анлагани, ортидан кимлардир тушган. Мақсадлари нима — буниси қоронғи.

У машинанинг орқа эшигини очди. Ўриндиққа ўзини

ташлади-ю, ухлаб қолди. Агар чарчоқ елкасидан босмаганида, уйқу элитмаганида, ҳозир у йигитлари билан бирга қўналғага қайтмасди. Рулга ўзи ўтириб, ортларидан келганларни қувар, етиб олиб бир ёқли қиларди. Тўғри, ўқ жуда ғалати тарзда машина ойнасини тешиб ўтганди. Қизиги, ойна чил-чил синиб кетмади, фақат тешилиб қолди. Ўқ ҳайдовчининг чап қўлини яралаб ўтди. Унинг қўлидан тинмай қон оқаётганди. Албатта, жаҳл отига минган Шоҳруҳни буларнинг биронтаси ҳам тўхтатолмаган бўларди.

Тушга яқин уйғонди у. Шифтга қараб бир муддат ётди. Кейин худди зарур ишга кеч қолаётгандай сапчиб ўрнидан турди. Ташқарига югуриб чиқди. Нигоҳи билан Юлдузни қидирди. Дарров топди. Беш-олти қадам нарироқда, олманинг остига қўйилган ўриндиқда, Бекнинг ёнида ўтирган экан. Улар бир-бирига шунчалик яқин эдики, тиззалари тиззаларига тегиб турарди. Боз устига, қизнинг этаги тепароққа сурилган ва оёқларининг кўпроқ қисми кўриниб турарди. Шоҳруҳнинг жон-пони чиқиб кетди. Қўлини мушт қилиб тукканча уларга яқинлаша бошлади.

Юлдуз уни кўргач, дик этиб ўрнидан туриб жилмайди.

— Турдингизми? — деди майин товушда.

Шоҳруҳнинг қовоғи солиқ эди. Қўйиб берса, ҳозир Бек билан Юлдузни еб ташлайдиган шашти бор эди.

— Вой-бўй, юзингиз шишиб кетибди. Қани, бу ёққа юринг-чи, — дея Юлдуз Шоҳруҳнинг қўлидан ушлаб, ювиниш хонаси томон етаклади. Шоҳруҳ негадир юмшади. Беихтиёр қизга итоат этди. Эҳтимол, ювиниш ёдидан кўтарилиб, шу аҳволда ташқарига чиққани ўзининг уялишига сабабдир.

У ойнада аксини кўрганидан кейин даҳшатга тушди. Чунки юзи ачинарли даражада шишиб, кўкариб кетган эди. Қовоқлари ҳам кўзини бироз ёпган эдики, Шоҳруҳ бирдан асабийлашгани боис, эндигина эътибор бераётганди.

— Жуда чиройли бўп кетибман-ку! Лекин боплашибди. Бир ойча кўчага чиқолмас эканман-да энди, — деди у жилмайиб.

— Ўзбошимчалик оқибати. Хаёлингизга нима келса, оқибатини ўйламасдан қилиб кетаверасиз. Одам озгина эҳтиёткор бўлиши керак-да. Ҳалиям Худо асради...

Шоҳруҳ қизга юзланиб, кўзларида ёш кўрди. Унинг Бек

билан ёнма-ён ўтирганини ҳам бутунлай унутди. Юрагини чексиз меҳр эгаллади. Ахир унинг учун бир қиз куйиниб турса... Бундан ортиқ бахт борми дунёда? Онаси ўтгандан бери унга бирор банданинг ичи ачимаганди. Аксинча, энг яқинлари сал бўлмаса ўлдириб юборай дейишганди.

У Юлдузни меҳр билан қучди. Кўнгли юмшаб, йиглаб юборишига бир баҳя қолди. Қиз:

— Энди ҳечам бундай қилманг, хўпми? Менинг юрагим ёрилиб кетади, — деганида эса додлаб юбораёзди. Бағридаги қизни янада қаттиқроқ қучди.

— Вой, вой, қийнаб қўйдингиз, — деди Юлдуз ва йигитнинг қучоғидан сирғалиб чиқди.

Тамаддидан сўнг Юлдуз Шоҳруҳнинг юзига дори сурди. Кейин белини ҳам кўрсатишни сўради.

— Бошқа жойимга ҳеч нарса қилгани йўқ. Падар лаънатилар фақат юзимга уришибди-да. Тўғри айтган экансиз, уларга ёрдам берганнинг ўзи аҳмоқ...

Шоҳруҳнинг қолган гаплари ичида қолди.

— Гапни бошқа ёққа бурманг, кўрсатинг белингизни. Биламан ўғил болаларни. Қани, тез бўлинг. Бўлмаса, ҳозир ўзим ётқизволаман-да, кўкарган жойлари бўлса, ёнидан ўзим ҳам қўшаман...

Юлдуз кулиб, ҳазиллашиб, хушчақчақлик билан сўзларди. Ҳолат шунақанги гўзал эдики, бирон жойингни атайин кўкартириб олгинг келарди. Албатта, Шоҳруҳнинг бели бир-икки марта чимиллаб қўйган, демак, жароҳати бор, бироқ жароҳатни қизга кўрсатгиси йўқ эди.

— Вой-бўй! — деб юборди Юлдуз Шоҳруҳнинг белидаги жароҳатни кўриб. — Кўл-оёқларинг сингурлар!!!

— Ҳай-ҳай. Ўзингизни босинг, яхши қиз. Салгина тилинганига шунча ваҳима қиласизми?!

— Шу тилинганими? Ўлиб кетмайдими ўша банкир!.. Яхшиси, дўхтир чақира қолайлик, яхшилаб бир кўрсин. Хўпми? — деди Юлдуз ялинчоқ овозда.

— Хоним, мен ўзимни жудаям соғлом ҳис қилаяпман. Дўхтирнинг сираям кераги йўқ. Қолаверса, ўзингиз ҳамма дўхтирдан зўрсиз. Яхшиси, менга кеча орқамиздан тушганлар... — деди-ю, Шоҳруҳ бирдан ўрнидан туриб кетди. Қизга бир муддат термилиб тургач:

— Бу ўртада бошқа қишлоқлар ҳам бор бўлса керак, — деди.

— Ҳа, лекин оралиқлари узоқ-узоқ. Биздан ўтиб озгина юрилса, кичкинагина шаҳарчаям бор. Нимаиди? — дея ҳайрон бўлди Юлдуз.

— Агар улар орқамиздан тушган бўлса, демак, ҳозир бизни қидириб юришибди. Ажабмаски, келиб қолишса. Шунинг учун болалардан беш-олтитасини катта йўлга чиқариш керак. Мабодо биз тарафга бирор шубҳали машина буриладиган бўлса, дарров хабар беришсин. Ўзлари эса машинани тутиб қолишсин. Сайтни кўрганимда «мушук» деган ёзув ҳам бор экан, деганмидингиз? — сўради у пешонасини тириштириб Юлдуздан.

— “Мушук” эмас, “кучук”. Кеча ҳаяжонда чалғидим шекилли. Билмадим, балки у шунчаки ёзувдир. Лекин нимаики бор бўлса, ҳаммасини айтдим-да.

— У ерда шунчаки ёзув бўлмайди. Ҳар битта ҳарфда маъно бор. Қизиқ, Роман Фёдорович кучукка қизиқарми-кан?.. Йўқ, улар қизини йўқ қилишмоқчи, эҳтимол, қандайдир кучукча орқали. Аниқлаштирайлик-чи, унинг қизи кучукчани яхши кўрадими-йўқми? Кейин шунга қараб бирор фикрга келармиз.

— Ўша банкир сизга жудаям керакми? Балки бу ишга аралашмаганимиз маъқулдир. Яна қош қўяман деб кўз чиқариб қўймайлик, — дея эътироз билдирди Юлдуз.

— Бизнинг бу ерда тузукроқ танишимиз йўқ. Шу йўл билан юқорироққа чиқиш мумкин. Чунки банкир ўз-ўзидан банкир бўлиб қолмаган. Унинг орқасида жуда кўп одамлар турибди. Демак, унга зиён етказмоқчи бўлганларнинг дасти Роман Фёдоровичнинг атрофидагиларгаям бемалол етади. Бўлмаса, бунақанги ишга қўл уришмаган бўларди, — деди Шоҳруҳ эҳтиёткорлик билан юзини силаб.

— Мана, бордингиз ҳам. Қизини ўлдиришмоқчилигини ҳам айтдингиз, энди нима қиласиз?

— Мени ана шу ит ўйлантираяпти. Ёзув бекоргамас.

Шоҳруҳ ҳақ эди. Рамиз-Февзи банкир ҳақида ҳамма маълумотларни тўплаётганида, унинг қизи Оксана кучукчани роса яхши кўришини, Петка лақабли оппоқ, бўйи бор-йўғи бир ярим қарич келадиган кучукчасини доим кўтариб юришини аниқлаган. Демак, айнан ўша кучукча

қизнинг бошига етади, деб хаёл қилган эди. Бунинг учун ўша хонадон хизматчиси қўлга олиниши керак эди. Бундан бир ой муқаддам Мария исмли аёл дўқ-пўписаю кўрқитишлардан кейин кучукчанинг боғичига махсус қурилмани ўрнатиб қўйишга ваъда берганди. Мабодо аёл сўзидан қайтса ёки сотиб қўйса, унинг иккита набираси ўлдириларди. Уларга қўшилиб ўғли билан келини ҳам.

Қурилма ҳаракатга келтириляётганида Оксана кучукчани кучоқлаб, бағрига босган бўлиши керак эди. Чунки унинг кучи унақа катта эмасди. Кучукча портлаганидан кейингина қизни ҳам ўлдириши мумкин эди. Ён-атрофдагиларга эса деярли таъсир қилмайди. Фақат жароҳатлайди. Агар қиз кучукчасини етакласа-ю, қурилма ҳаракатга келтирилса, ҳамма режа барбод бўларди. Америкадан юз эллик минг долларга келтирилган қурилмани битта итваччани ўлдиришгагина сарфлашган бўларди. Шунинг учун қиз кузатувда бўлиши ва у сеvimли кучугини ердан олиб бағрига босиши билан қўл телефонига ўрнатилган бошқарув пультаининг тугмачаси босилиши шарт эди.

— Роман Фёдорович менга телефон рақамини берганди, — деб Шоҳруҳ чўнтақларини титкилай бошлади. Кўкрак чўнтагидан топди. Дарров рақамларни терди. Нариги ёқда гўшакни кўтаргунларича Шоҳруҳнинг пешонасида тер пайдо бўлди. Юлдуз унга термилиб турар, йигитдаги ҳар бир ўзгаришни диққат билан кузатарди. Ва хаёлан Шоҳруҳни илк маротаба кўргани билан ҳозиргисига таққосларди. Жудаям содда, ишонувчан йигитнинг бу даражада тез ўзгарганига ҳайратланар эди.

Нариги томондан гўшак кўтарилди. Йигитнинг юзи бирдан жиддийлашди. Салом берди-ю:

— Оксана қаерда? — деб сўради.

— Адашмасам, — деди Роман Фёдорович, — сиз мени туни билан ухламай чиқишимга сабабчи бўлган одамсиз. Нима бўлганда ҳам, раҳмат сизга, менинг ёш дўстим.

— Роман Фёдорович, — дея шошиб гапира бошлади Шоҳруҳ, — қизингизнинг кучукчаси борми?

Банкир кулди.

— Ҳозирги қизлар негадир жудаям итларга ишқибоз. Оксана Петкасини сираям қўлидан қўймайди.

— Петка?

— Ҳа, лақаби шунақа. Тинчликми?

— Илтимос, ҳозирча кучукчасидан узоқроқ бўлсин. Ёки йигитларингизга айтсангиз, ўша кучукчани текшириб кўришса.

— Оксана ҳозир Москвада, ярим соатдан кейин чет давлатга учади.

— Нега бунча бемалолсиз, сизга қиз керакми? Телефон қилинг, кучукчасидан узоқроқ бўлсин.

— Тушунтириброқ гапирсанг-чи?! Нега энди кучукчасидан узоқроқ бўларкан?

— Сайтда “кучук” деган ёзув ҳам бор. Фақат тезроқ бўлинг.

— Ҳозир, бир дақиқа, — деб Роман Фёдорович қизига кўнғироқ қилди.

Бу пайтда Оксана Москва аэропортида эди. Ўриндикда ўтириб, севимли Петкасининг бошини силар, тез-тез қўл соатига қараб қўярди. У самолётга чиқишни эълон қилишларини сабрсизлик билан кутаётганди. Сабаби, унинг йигити — Петкаси Швейцарияда; эртароқ етиб бориб, у билан бирга висол онларини ўтказишни истарди. Дарвоқе, у кучукчасини жудаям яхши кўргани учун йигитининг исмини қўйган эди. “Сен ўзимнинг вафодоримсан, муҳаббатимсан. Сенсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Сенинг ҳаётимда борлигинг, мен учун қанчалик бахт эканлигини билсанг эди”, деб эркаларди мушукдан озгина йирикроқ кучукчасини. Кечқурун уни хизматкорига ишонмасдан, тўғрироғи, унинг қўли тегишидан қизганиб, энг қиммат шампун суриб яхшилаб чўмилтирар, сўнг француз атиридан сепиб, ўзи билан олиб ётарди. Кучукча ҳам унга шунчалик ўрганиб қолгандики, чироқ ўчганидан кейин, албатта, қизнинг юзини ялаб қўярди. “Ҳали, — дерди Петкасининг қилиғи хуш ёққан Оксана, — йигитимдан қизганиб, уни мен билан ётишгаям қўймасанг керак”. Кучукча унинг сўзларини тушунмаса-да, гингшиб қўярди.

Ниҳоят самолётга чиқиш эълон қилинди. Аксига олиб, худди шу маҳал кучукча безовталанди.

— Оббо, — деди қиз унга қараб бошини сарак-сарак қиларкан, — топган вақтингни қара-ю! Майли, самолёт кутиб туради. Сен енгиллаб ол-чи!

У Петкани кўтарганча шоша-пиша ҳожатхона томонга

кетди. Худди шу пайт кутиш хонасига Рамиз-Февзининг йигитлари кириб келишди. Ҳамма қизларга бир-бир нигоҳ ташлай бошлашди. Йўқ, уларнинг орасида оппоққина кучукча кўтаргани кўринмайди. Лекин уларга берилган суратдаги қизга ўхшайдиганлар анчагина эди. Иккала йигит бирма-бир қизларнинг ёнига бориб кўра бошладилар. Шунда улардан бирининг кўзи улкан таблога тушди. Унда Швейцарияга учадиган самолётга чиқиш бошлангани ёзиб қўйилган эди.

— Кечикканга ўхшаймиз, — деди у шеригини туртиб таблони кўрсатаркан.

— Хўжайиндан балога қолдик. Аяб ўтирмайди у. Боришимиз билан пешонамиздан отади, — деди бирдан руҳи тушган иккинчи йигит, — нима қиламиз энди? Балки...

Унинг гапи оғзида қолди. Ҳожатхона томондан оппоққина кучукчасини кучоқлаганча шошиб бир қиз келарди.

Уни кўрган йигитларнинг юзи ёришди. Улардан бири ёнидан қўл телефонини олди-ю, махсус рақамларни тера бошлади.

Бирдан Оксананинг телефони жиринглади. Шошаётган қиз тезлик билан яшил тугмачани босиб қулоғига тутди.

— Алло, Оксана! Кучукчангни ерга ташла! — дея бирдан бақирди отаси Роман Фёдорович.

Ота бошқа гапни айтишга улгурмади. Гумбурлаган товуш эшитилди қулоғига. Унинг қўлидан уяли телефони тушиб кетди. Ранги оқарди ва ёнига қулади.

Шоҳруҳ Роман Фёдоровичнинг қизига гапираётганини эшитиб турган эди. Унинг бирдан овози чиқмай қолганидан саросималанди. Қайта-қайта гўшакка: “Алло! Алло!” — деди. Бироқ жавоб бўлмади.

* * *

Фотима опа ўғли билан Шаҳлони кўриб қотиб қолди. Бир муддат уларга термилиб турганидан кейин:

— Опқочиб келдингми? — дея сўради Муроддан.

— Йўқ. Олиб келдим. Бугундан бошлаб, агар сиз рухсат берсангиз, уйимизда туради. Бир умрга, — дея Мурод онасига тикилди.

Фотима опа ютинди-да, қизарган, боши эгилган Шаҳлюга қаради. Унинг кўкраги тез-тез кўтарилиб тушар, вужудида билинар-билинемас титроқ бор эди. Фотима опанинг

юраги эзилди. Ўғлини ортиқ саволга тутмай, қизни оғушига олди.

— Ойижон! — дея Шахло йиғлаб юборди.

— Қизим. Уйимнинг тўри сизники. Шу уйнинг маликаси ўзингиз бўласиз, — деб бўлғуси келинини Фотима опа юз-кўзларидан ўпиб, уни меҳмонхонага етаклаётганида қиз оқсади. Шундан кейингина опанинг кўзи унинг гипсланган оёғига тушди.

— Вой ўлмасам! Нима бўлди, қизим?! — деб Фотима опа аввал Шахлога, кейин Муродга қаради.

— Ҳалиги... ойижон, йиқилиб тушгандим, — дея жавоб қайтарди Шахло баттар қизариб-бўзариб.

— Битталаринг йиқилиб бошингни ёрсанг, бошқанг оёғингни синдирсанг... Қани, ичкарига киринглар-чи икковларинг ҳам, яхшилаб гаплашиб кўяйин.

Фотима опа ўзгача меҳр, майинлик билан гапирдики, йигит билан қизнинг юзида беихтиёр табассум пайдо бўлди.

Меҳмонхонада уларнинг гаплари кўпам қовушавермади. Фотима опа нимани сўрашни, ўғли билан Шахло эса нимани гапиришни билмасди. Мурод ўйлаб-ўйлаб, охири чўнтагидаги пулларни стол устига қўйди. Буни кўрган она билан бўлажак келин ялт этиб йигитга қарашди.

— Нима бу? — сўради Фотима опа.

— Пул.

— Билдим пулигини, қаердан олдинг шунча пулни? Яна кўча-кўйда...

— Ойи, нималар деяпсиз? Кўчада бировнинг пули ётган тақдирдаям эгилиб қўлимни чўзмайман-ку?! Бу пулларни ўзим ишлаб топдим.

— Қандай қилиб, болам? Шунча долларни бир йил бурнинг ерга тегиб меҳнат қилганингдаям тополмаслигингни биламан-ку! Ҳозироқ айт, қаердан олдинг бу пулларни?!

— Уфф, ойижон, бошқаларга ўхшаб бизнес қилдим. Аниқроғи, битта ўртоғимга стол-стул керак экан. Топиб бердим. Анави Ўктам бориди-ку, қўшнимиз. Шу орқали. Хизматимга шунча пул беришди. Ишонмасангиз, Ўктамнинг телефонини бераман, ўзингиз гаплашасиз.

Юраги гупиллаб уриб турган Шахло энгил нафас олди.

— Ишқилиб, тозами? — сўради Фотима опа ишонқирамай.

— Агар олди-сотди билан бойлик орттираётганларнинг пуллари тоза бўлса, демак, менинг топганим ҳам тоза. Энди бу пулларни нима қилишни Шаҳло билан ўйлаб кўрасизлар, — деб Мурод юзига фотиҳа тортди-да, ўрнидан туриб эшик томон йўналди.

Она билан бўлғуси келин унинг ортидан қараб қолишди.

Мурод иккаласига гаплашиб олиш имкониятини бериб, атайин ташқарига чиқиб кетди. Шу бўйи икки соатча кўриниш бермади. Бу муддат ичида Фотима опа нима воқеалар содир бўлганини мулойимлик билан, Шаҳлога оғир ботмайдиган қилиб сўради. Шаҳло тўлиб турган эди. Дардини кимга айтиб енгиллашиб олишни билмаётганди. Баҳонада “тўкилди”. Автоҳалокатгача бўлган воқеаларни бирма-бир гоҳ йиғлаб, гоҳида юзи жиддийлашиб сўзлади. Отаси уни ҳайдаб юборганини айтаётганида эса, додлаб юбормаслик учун зўрға ўзини босди. Лаблари титради, кўзларидан оқаётган ёшни тинимсиз артиб турган эса-да, барибир тугатолмади. Алам аста-секин суяк-суягигача бориб етди. Фотима опа унга қўшилиб йиғлади. Ундан-да баттар қайғуга ботди.

— Ойижон, — деди ҳикоясини тугатганидан кейин Шаҳло, — дардим билан сизни ҳам қийнаб қўйдим. Билмадим, нима гуноҳим учун Худо мени бунчалик жазолаяпти?

— Қизим, — деб Шаҳлонинг узун, оппоқ бармоқларини ушлади Фотима опа, — сизда ҳеч бир айб йўқ...

Шундай дея у бироз каловланиб қолди. “Ота-онангизнинг касрига қолгансиз”, деган гап тилининг учига келдию, бирдан опа тилини тишлади. Агар шундай дейдиган бўлса, шундоғам эзилиб ўтирган қизни баттар азоб исканжасига солишини англаб қолди.

— Манави пулларни нима қиламиз? — деб гапни бошқа томонга бурди.

— Ойижон, — дея қиз бошини эгди.

— Вой, эсим қурсин. Чой дамлаш ҳам хаёлимга келмабди-я, — дея Фотима опа ўрнидан тураётганда:

— Мен ўзим дамлай қолай, — деди Шаҳло.

— Ойингиз ўргилсин, ўзимнинг жоним қизим. Ҳали шунча кўп иш буюриб ташлайинки, бошингизни қашлаш-

га вақт тополмай қолинг. Унгача соғайиб олишингиз керак.

Шаҳло Муроднинг онасининг ширинсуханлигидан, меҳрибонлигидан терисига сиғмайдиган даражада қувониб кетди. Бир муддатдан кейин ўзининг ойисини эслади. Бирдан юзидаги табассум йўқолди. Жиддийлашди. Ўқинди.

Фотима опа ич-ичидан хафа эди. У ўғлини шунақанги ишлар қилади, деб сираям ўйламаганди. Совчиликка бориб, қизнинг онаси билан талашиб-тортишиб, ҳамма удумларни жой-жойига қўйиб келин олмоқчи эди. Қўни-қўшниларга: “Ўғлимни унаштирдим. Фалон кунни тўй қилишни мўлжалладик. Келинимнинг ибодати билан чой олиб кирганини бир кўрганларингизда эди, оғизларинг очилиб қоларди”, деб мақтанишни алақачонлардан бери дилига туғиб юрарди. Ҳамма орзулари бирпасда саробга айланди... Шаҳло бошқача, тушунадиган оиланинг фарзанди бўлганидаям майли эди. Ўзи унинг уйига борарди қизни етаклаб... Унинг онаси бутунлай бошқача аёл. Агар қизининг шу ердалигини билса борми, қиёмат қўпади.

Фотима опанинг бошига оғриқ кирди. Бир хаёл қизни уйига жўнатиб юборишни ҳам ўйлади. Бироқ шу ондаёқ хаёлидан бу фикрни ҳайдаб солди. Уни шу аҳволда қаерга жўнатади? Соппа-соғ бўлганидаям майли эди.

У талай муддат шу тахлит — қўлига гугурт ушлаганча газ ёнида туриб қолди. Агар телефон жириглаб қолмаганида, ҳали анча турарди ҳам. Хаёли бузилиб, тинимсиз безовталанаётган телефон ёнига бориб гўшакни кўтарди.

Ундан эркак кишининг овози келди. Фотима опанинг бирдан юраги шув этиб кетди. Зумда хаёли Шаҳлонинг дадасига бориб тақалди. «Дўқ-пўписа қилади. “Ўғлингни қаматиб юбораман”, дейди», деган фикр миясига жойлашиб ҳам улгурди.

— Мен, — деди телефон қилган одам, — Ўқтамман, кеннойи, танидингизми?

Фотима опа сал бўлмаса гўшакни ташлаб юборай деди. Чуқур нафас оларкан:

— Ўқтамжон, юрагимни ёриб юборай дединг, — дея беихтиёр гапириб юборди у.

— Нима гап, тинчликми? — сўради ҳайрон бўлган Ўқтам.

— Тинчлик, тинчлик, — деб Фотима опа ўғринча меҳмонхона томонга кўз қирини ташлаб қўйди.

— Мурод керак эди. Зарур иш чиқиб қолди.

— Шунақами, — деб юзи ёришди аёлнинг, чунки ўғлининг каззоблик қилмаганига амин бўлганди у, — ташқарига чиқиб кетганди-я, келиши билан айтаман, ўзи телефон қилади.

— Илтимос, айтинг, — деб гўшакни қўйди Ўктам.

Фотима опа чой қўйишни бутунлай унутиб, Шаҳлонинг ёнига қайтиб келди.

— Алдамабди, алдамабди, — деди шошиб, — азалдан ҳеч қачон алдамаган. Нима қилиб унга ишонмадим, ҳайронман. Ўктамжон яхши бола. У билан бирга ишласа, ёмон йўлга юрмайди, умрингдан барака топгур.

Шаҳлонинг юзида табассум пайдо бўлди. Бироз олдин у ичидан зил кетганди. Чунки у ишонган, суянган аёл битта қўнғироқдан қўрқиб кетганди-да.

— Эсим қурсин, болам, яна чойни унутибман-ку?! Одам хурсанд бўлганидан кейин...

Фотима опа қолган гапини ичида қолдирди. Айни дақиқада хурсанд эса-да, қўнғироқчача унинг дили зимистон бўлганлигини ўзидан яширолмасди. Шу боисдан ҳам гапини охиригача айтолмади. Айтолмади-ю, боя бир қанча муддат ғамга кўмилиб ўтирганини Шаҳлога билдириб қўйди. Қизнинг ичидан бир нарса «чирт» этиб узилгандай бўлди. “Кетаман. Ҳозир Мурод акам келса, мени Севинчларникига обориб қўйишини илтимос қиламан. Буларга оғирлигимни ташлаб нима қилдим?” — дея дилидан ўтказди.

Фотима опа чой дамлаб келганидан кейин столнинг устига қанд-курс қўйди, нон ушатди. Буларнинг бари Шаҳлонинг назарида шунчаки хўжақўрсинга қилинаётгандай туйилаверди. Бир бурда нон тугул, бир ҳўплам чойни зўрға томоғидан ўтказди у. Икки кўзи эса эшикда эди. Ярим соатлар ўтиб, Мурод келди. Эшикдан кириши билан Фотима опа уни Ўктам сўраганини айтди.

— Нега сўрабди? — деди Мурод онасига тикилиб.

— Билмадим. Келиши билан телефон қилсин, деди. Зарур иши бордир-да.

Мурод гўшакни кўтариб рақам терди. Тўрт-беш чақирувдан кейингина нариги ёқдан гўшак олинди. Ўктам Му-

роднинг овозини эшитиши билан сўрашишни ҳам унутиб:

— Тез етиб кел, зарур иш чиқиб қолди. Хурсанд бўласан, — деб гўшакни қўйиб қўйди.

Мурод бир-бир босиб меҳмонхонага кирди. Унинг юзидан на хурсандчилик ва на хафалик аломатини сезса бўларди. Бундан она билан ёрнинг иккови ҳам хавотирланди.

— Тинчликмикан? — сўради Фотима опа.

— Тинчлик. Тез кел, деди. Зарур иши бор экан. Лекин ёмон иш бўлмаса керак. Бўпти, мен кетдим. Менсиз маза қилиб дардлашадиган бўлдинглар.

Унинг гапидан кейин Шахло ичидан зил кетди. Чунки Севинчларникига олиб бориб қўйишини илтимос қилмоқчи эди. Аслида ўзи ҳам бир амаллаб етиб олса бўлади-ю, лекин Фотима опани ранжитиб қўйишни истамапти. Мурод билан бирга бирон нимани баҳона қилиб чиқиб кетса-ю, кейин ҳамма гапни онасига ўғли тушунтирса яхши бўлади, деган ўйда эди у.

Мурод кетди. Йўл-йўлакай минг бир хаёлга борди. Гарчи Ўктам унинг хурсанд бўлишини айтган эса-да, барибир кўнглининг бир четида хижиллик бор эди. Охири у ҳамма нарсани унутишга, фақат Шахло тўғрисида ўйлашга қарор қилди. Лекин барибир дили ёришмади.

Ўктам уни офисининг ҳовлисида кутиб олди. Кучоқлашиб кўришди. Узум сўриси остидаги ўриндиққа бошлади. Кейин шошилмасдан чўнтагидан сигарета олиб тутатди-да, гап бошлади:

— Хўжайин ўғлига фирма очиб берганди. Тикувчилик ва олди-сотди билан шуғулланадиган. Ёшлик қилганми ёки ўқиши халақит берганми, хуллас, эплотмаган. Бугун мени ёнига чақириб: “Оёқ-қўли чаққон, фаҳм-фаросатли одам топиб беринг”, деб илтимос қилди. Бирдан хаёлимга сен келдинг. Айнан сенбоп иш. Ҳаракат қилсанг, шунинг орқасидан бойиб кетишинг ҳам мумкин.

— Тикувчилик? — деганча Ўктамга тикилди Мурод. — Менинг қўлимдан унақанги иш умуман келмаслигини яхши биласан-ку?!

— Мен сенга бирон нима тикасан, демаяпман. Сен бошқарасан. Тушундингми? Туркиядан мол келади. Сен уни тикув цехига оборасан. Улар тикишади. Кейин бозорда сотасан. Қиладиган ишинг мана шу. Ҳа, қўлингда камида

Ўттизта одам бўлади, уларниям бошқаришингга тўғри келади. Энг асосийси, ишнинг кўзини билсанг, ҳалол бўлсанг, марра сеники.

— Эпполмасам-чи?

— Эпполмасанг, чиқариб отиб ташлашади, — деди бироз қизишган Ўктам, — бунчалик ландовур бўлма-да, ука. Шундай имкониятдан фойдаланиб қолмайсанми? Шундоғам бе-корчиларга хўжайинлик қилиб юрибсан... Ҳа, энди жуда бўлмаса, қўлимдан келмади, дейсан, тамом-вассалом, кета-верасан. Ўрнингга бошқаси келади.

— Мен бир ўйлаб кўрай.

— Ўйла. Эртага эртааб менга жавобини айт, — деб Ўктам ўрнидан турди.

* * *

Фотима опа бутунлай қарахт аҳволга тушиб қолган эди. Шаҳло билан озгина чой ичди. Меҳрибончилик кўрсатмоқчи эди-ю, аммо гапларининг ҳаммаси сохта чиқаверди. Охири ўрнидан туриб айвонга чиқди. Бир қанча муддат деразадан пастга қараб турди. Ичкарида эса Шаҳло ўзи билан ўзи андармон бўлиб қолганди. У Муроднинг келишини интиқлик билан кутаётган эди. Агар келса, Фотима опанинг ёнида бўлса ҳам, дугонасиникига олиб бориб қўйишини илтимос қилади. Чунки шундан ўзга чораси йўқдай туйилди унга.

Вақт жудаям имиллаб ўтар, бундан айвондаги аёлнинг ҳам, меҳмонхонада дастурхон учини ўйнаб ўтирган қизнинг ҳам юраги сиқиларди. Ниҳоят, Шаҳлонинг бардоши тугади. У секин ўрнидан туриб, гипсли оёғини эҳтиёткорлик билан босиб эшиккача борди. Юриш унга анча қийинчилик туғдирар эди. Сабаби, битта оёқда лўкиллаб юролмасди. Пол гурсиллаб кетарди. Синган оёғини полга босса, гипси эзилиб кетаётган эди.

— Ойижон, — деди у эшик раҳига суяниб. Фотима опа бирдан ўзини ичкарига олди. Шошилганча меҳмонхона тарафга бораётиб, Шаҳлога кўзи тушди.

— Сизга ҳали-бери юриш мумкинмас-ку, қизим... Яхшиси, ётоқхонадан жой қилиб бераман, озроқ дамингизни оласиз, — деди.

— Мен кетаман. Сизларга юк бўлишни истамайман.

— Нималар деяпсиз, қизим? Ким сизни бизга юк бўла-

ди деб айтди? — деди ҳайратини яширолмаган Фотима опа.

— Ташвиши кўп қизман. Балки ойим келиб қолсалар...

— Бир гап бўлар. Ниятимиз ёмонмас-ку, Худонинг ўзи марҳамат кўрсатар. Ҳали ҳеч нарса кўрмагандай бўп кетасиз. Ойингиз билан ҳам келишиб оламиз. Бундан бу ёғига кетишни эсингиздан чиқаринг. Чунки оиламиз аъзосига айландингиз.

— Ойижон! — дея йиғлаб юборди Шаҳло ва оқсоқланганча бориб Фотима опани кучоқлаб олди. Худди шу пайт эшикдан Мурод кириб келди. Қайнона-келиннинг бир-бирларини кучоқлаб туришганини кўриб, қувончдан кўзлари порлаб кетди.

— Бўларкан-у, — деди Мурод.

Фотима опа билан Шаҳлонинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Сен нима деб ўйловдинг? — дея кесатди Фотима опа.

— Менинг қорним очқаб кетди. Келинингиз бирон нима пишириб берсин, — деди Мурод эркаланган киши бўлиб.

— Ҳозирча биронта муллани олиб келиб никоҳ ўқитмагунингча Шаҳло сенга бир таниш қиз ҳисобланади. Шунчаки яқинлик юзасидан тайёрлаб бериши мумкин. Аммо жуфти ҳалолинг бўлолмайди.

— Унда бориб бирорта мулла топиб келайин, — деб Мурод ортига бурилган эди, Фотима опа уни тўхтатди.

— Шаҳлохонга осонгина эришаман, деб ўйлаяпсанми? Бекорларни айтибсан. Аввал оёғини тузатасан, сарпо-суруқ қиласан. Ундан сўнг тўй қилиб, элга ош берасан. Ундан кейин никоҳ ўқитасан. Шу ишлар охирига етмагунча, Шаҳло синглингга дугона бўлиб, у билан бирга ётиб туради. Келишдикми?

Шаҳло қизариб кетди. У секин Фотима опанинг орқасига ўтиб, Муродга ўғринча қаради ҳамда ўзига термилиб турган йигитга: “Ана энди, айтганларини қилинг”, дегандек кўзлари билан ишора қилиб қўйди. Бир зумгина уни ғам-ташвиш холи қолдирди. Озгина муддат у хурсанд бўла олди. Юраги севинчга лиммо-лим бўлди.

— Унда сизлар билан бир нарсани келишиб олайин. Ойи, айтганларингизнинг ўзи бўлмайди-ку, тўғрими? Менга Ўктам бир иш таклиф қилди. Қисқаси, битта фирма бор

экан. Шунни юрғазишим керак эмиш. Ҳар қандай ишни қилиб кетавераман-у, лекин буниси сал бошқачароқ экан. Хуллас, тикиш-бичиш...

— Зўр-ку! — деб юборди Шаҳло кутилмаганда. — Менинг орзуимдаги иш. Ҳам тикувчиликка, ҳам дизайнерликка... — Шаҳло гапираётганида Фотима опа билан Мурод унга тикилиб туришди. Шу боисдан у уялиб кетди. Бошини эгиб, паст товушда: — Ўқигандим-да, — деб қўйди.

— Демак, — деди Мурод кулиб, — иккинчи хоним менинг шу фирмада ишлашимга рози. Биринчи хоним нима дерканлар?

— Шошманглар, — деди Фотима опа нима деярини билмай, — яхшиси, ўтириб гаплашайлик. Сен нима гап-нима сўзлигини тушунтир. Ундан кейин маслаҳатлашамиз. Қани, меҳмонхонага киринглар-чи.

Ўктам нимаики деган бўлса, Мурод ҳаммасини бирма-бир сўзлаб берди. Сўнг ойиси Шаҳлога қаради. Шаҳлонинг ичи ёниқиб кетаётган эди. Чунки агар Мурод шу ишни бошлайдиган бўлса, жон-жон деб ёрдам берар, бунинг натижасида эрта бир кун бойиб кетишларига кўзи етарди. Аини чоғда, у бойишни сира истамасди. Чунки оиласининг пароканда бўлиб бораётганига айнан мана шу бойлик сабабчи эди. Шунингдек, унинг бу фикрига: “Ойи, мана кўриб қўйинг, ҳар қандай одам ҳаракат қилса бойиб кетиши мумкин. Сиз бекордан-бекорга Мурод акамни ҳақорат қилдингиз. Мана, бу кишининг қандай тадбир-корлигини кўриб қўйинг”, деган ўй қаршилиқ қилиб турарди.

— Ўктам ёмон боламас, — деди Фотима опа анча вақт мулоҳаза қилиб, — Сени жарликка етакламаса керак. Майли, бир уриниб кўр. “Уддалолмасанг, бемалол кетаверасан”, дебди-ку?! Фақат, болажоним, йўқ жойдан бир дунё қарз бўйнингга илиниб қолмасин. Эҳтиёт бўл. Бу — бир томони. Иккинчидан, қўлингда анави пулинг бор. Шунни ишлатгин-да, Шаҳлохонни никоҳлаб олгин. Худо ярлақаб, ишинг юришиб кетса, бир-икки ойда тўй ҳам қиламиз... Қолгани бир гап бўлар.

Шаҳло уятдан ерга кириб кетай деди. Муроднинг ҳам боши эгилди. Чунки Фотима опа сўнгги гапи билан нима демоқчилигини икковигаям билдириб қўйганди. Дарҳақи-

қат, Хонзода билан тил топишишининг ўзи бўлмасди. Унинг қизини келин қилиш учун одам ё амалдор ёки яхшигина бой бўлиши лозим эди.

* * *

Уқолдан кейин роса ухлаган, ўзига келгач, бир муддат карахтланиб ётган, сўнг бўлиб ўтган воқеалар хотирасига келиб, кўзидан ёш оққан Хонзода ўрnidан туриб, эри ва қизидан хабар олишни хаёлига ҳам келтирмай, касалхонадан ташқарига чиқди. Айни чоғда, қизининг тақдири уни мутлақо қизиқтирмаётганди ҳам. Унинг юрагини ўртаётган нарса — ютқазиб қўйгани эди. Яна келиб-келиб камбағал, ўз таърифи билан айтганда, ялангоёққа ютқазгани суяк-суягигача ўтиб кетди.

Нажотни яна отасидан қидирди. Аввал унинг қўл телефонига қўнғироқ қилди. Ўчирилган. Алам қилди. “Ҳар доим қидирганимда тополмайман”, дея кўз ёшини кафти билан артди. Телефонини сумкачасига солиб, тез-тез юрганча касалхона дарвозасидан чиқиб, такси тўхтатди. Ота уйининг манзилини айтиб, орқа ўриндиққа ўтирди. Кетакетгунча йиғлади. Такси ҳайдовчиси бир неча марта ажабланиб, кўзгу орқали унга қараб қўйди. Аммо Хонзода эътибор қилмади. Кўзидан ёшини оқизиб кетаверди. Орачора бурнини тортиб қўярди. Гўё атрофида ҳеч ким йўқдай, ёлғиз ўзи ўтиргандай эди.

— Тинчликми? — сўради ҳайдовчи охири сабри чидамай.

Хонзода жавоб қилмади. Сумкачасидан рўмолчасини олиб юз-кўзини артди.

— Кўзингиз қизариб кетибди, — деди кўзгудан нигоҳ ташлаган ҳайдовчи.

— Аҳвол шунақа бўладиган бўлса, қизармаган жойим қолмайди, — деди алам билан Хонзода.

— Бирор ёрдамим керак эмасми?

— Нимаям ёрдам берардингиз? Энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди.

— Ўлимдан бошқа ҳар нарсанинг давоси бор. Кўринишингиздан истарали аёлга ўхшайсиз. Сиздай аёлни шу даражада хафа қилишга кимнинг ҳадди сиғди?

— Топиларкан шунақалар ҳам. Уйимга, рўзгоримга яхши

бўлсин деб, қанча югурсам ҳам, биров билмади. Қайтанга ҳаммага қулги бўлганим қолди.

— Биров алдаб кетдимиз?

— Ундан беш-баттар бўлди.

— Унда уйингизга борсангиз, эрингиз аҳволингизни кўриб, пичоқ яланғочлаб чиқса керак?!

— Нималар деяпсиз? Қанақанги эр? У ётибди оёғини осмондан қилиб. Парвойи фалак. Менинг ўлиб кетганим билан иши йўқ. Ҳозир дадамнинг ёнига бораяпман. Яхшиям шу дадам бор эканлар. Бўлмаса, ўлиб кетаверсам ҳам бўларди.

— Ҳозир дадангизникига бораяпсизми?

— Ҳа.

— Нима бўлган тақдирдаям бу аҳволда боришингиз яхши эмас. Сал ўзингизга келволиб, кейин борсангиз маъқулроқми дейман.

— Қаергаям борардим? Кимнинг кўзи учиб турибди?

Ҳайдовчи энди аёлга яхшилаб қаради. Унинг бўйнидаги қалин тилла занжирга кўзи тушди. Шу биргина деталнинг ўзи унинг камбағал эмаслигидан далолат берарди. Бунинг устига оппоққина. Ёши ўттизлардан (Хонзода анча ёш кўринарди. Уни кўрган одам ҳечам қирқдан ошган деб ўйламасди. Бунинг учун у мағрурланарди ҳам. Давраларда кибр билан юрар, ўзидан анча ёш эркакларга-да эҳтиросли нигоҳ ташлаб кўйишни унутмасди. Шу билан у дугоналарининг ичини куйдиришни яхши кўрарди) ошган. Бундай пайтда аёл эридан ранжийдиган бўлса, албатта, бошқа бировнинг юпатишига эҳтиёж сезади. Ҳайдовчи Нажимнинг фикри шунақа эди.

— Битта кафе бор. Шовқин-суронсиз жойда. Яна элитний. Салқин. Биров халақит бермайди. Ўтириб озгина дам олсангиз, ҳозирги дилхиралигингиз тарқармиди... Нима дейсиз? — дея савол қотди Нажим.

— Майли, ҳайданг. Тўғриси, шу аҳволимда дадажонимнинг ёнларига борсам, эримни ўлдиртириб юбориши мумкин.

Унинг гапидан Нажим бир қалқиб тушди. Ахир ҳозирги замонда бировни ўлдиртириб юбориш осон иш эмас. Бу ишни қилган одамнинг томири бақувват бўлади. Қўпориб ташлашга унча-мунчанинг тиши ўтмайди. Бундай аёл би-

лан боғланиш бир тарафдан яхшилик олиб келса, иккинчи томондан одамни майиб қилиши ҳам мумкин. Ҳар қалай, эҳтиёт бўлган маъқул.

Нажим ўзи мўлжал қилган жойга Хонзодани олиб борди. Аёл ҳеч нарсага эътибор қилмади. Икки кишилик хонага кириб, оромкурсига ўтирди-ю, уларнинг олдига келган хизматчи йигитга:

— Илтимос, биз меньюни кўриб бўлгунимизча, муздай пиво олиб келинг. “Балтика-9”дан, — деди.

У пиво ичмагунча гапирмади. Нажим ҳам жим ўтирди. У ўзича бўладиган ўтириш неча пулга тушишини ҳисоб-китоб қиларди. Ахир бор-йўғи таксичи бўлса. Куни билан итдай ишлаган тақдирда ҳам қирқ мингдан зиёд тополмайди. Ҳозир бир ўтиришда бунинг барини сарфлаб юбориши мумкин. “Нималар қилиб кўйдим? Индамай уйига обориб кўйиб, пулини олиб кетавермайманми? Йиғласа, эзилса, ундан нарига ўтиб кетмайдими?” — дея хаёл сураб эди у.

Хонзода пивони ичиб бўлганидан кейин ҳақиқатан ҳам бироз бўшашди. Миясини эзгилаётган ташвишлар бироз узоқлашгандай бўлди. Оч қоринга даражаси юқори пиво ичганидан ҳатто кайфи ҳам ошди. Илжайиб, рўпарасидаги ўзидан бир-икки ёш катта одамга қарагач:

— Нега мени бу ерга олиб келдингиз? — дея сўради.

— Кайфиятингиз жуда ёмон экан. Озгина дардингиз энгиллашсин, дегандим.

— Раҳмат, унда танишайлик, менинг исмим Хонзода, — деб аёл эркакка қўл узатди.

Нажим унинг қўлини кафтлари орасига олиб сиқиб кўяркан, исмини айтди ва танишганидан ниҳоятда хурсандлигини яшириб ўтирмади.

— Кўнглимни кўтардингиз. Агар сиз бўлмаганингизда давлениям ошиб, бирон жойда ағанаб қолишим ҳеч гап эмасди.

— Нима бўлди? Эрингизнинг шундай ажойиб хотини бор экан, қандай қилиб бу даражада хафа қилишга ҳадди сиғди? — дея сўроқни давом этказди Нажим.

Хонзода қўл силтади. Сўнг исиб кетаётганини айтиб, нимчасини ечиб кўйди. Лямка кўйлагининг кўкрак қисми кенг очиклиги боис, эркак зотининг эҳтиросини қитиқлайдиган, хаёлини олиб қочадиган оппоқ, бўлиқ икки

“жоду” Нажимнинг кўзини ўйнатиб юборди. Хонзода ундаги ўзгаришни дарров сизди. Хаёлан Содиқни яниди. “Сен ўкситган бўлсанг, бошқа биров кўнглимни кўтаради. Ҳатто мен учун ҳар қандай ишни қилишга тайёр туради”, дея ўйлади.

— Сиз жудаям малоҳатли экансиз. Айниқса, юзингизда табассум бўлса. Кичкинагина илтимосим, ҳечам хафа бўлманг. Дунё остин-устун бўлиб кетсам парвойингизга келтирманг. Шунда ҳозирги ёшлигингиз, гўзаллигингиз доим дугонангиз бўлиб юради.

Хушомад Хонзодага хуш ёқди. Уялинқираган киши бўлиб деди:

— Оширвордингиз, қирқдан ошган аёлда чирой нима қилсин? Лекин барибир сизга раҳмат.

— Шошманг, қирқдан ошган дедингизми? Очиғи, ёлғон сизга сираям ярашмаскан. Бошқа ҳар қандай нарсани айтишингиз мумкин, лекин қирқдан ошганман, десангиз ҳеч ким ишонмайди. Узоғи билан ўттизлар атрофидасиз.

Хонзода қиқирлаб кулди. Беш-олти кун бадалига илк мартаба.

— Майли, қўйинг бу гапларни, Нажим ака. Яна биттадан пиво ичайлик. Слабийроғидан. Йўқса, мен маст бўлиб қоламан. Кейин кўтариб олиб кетишингизга тўғри келади.

— Сиздай аёлни машинада эмас, қўлда кўтариб кетса ҳам арзийди.

— Қаерга?

— Дунёнинг нариги бурчагига бўлса ҳам.

— Мен ўзига тортадиган, чиройли аёлманми?

— Ҳеч шубҳа йўқ.

* * *

Шоҳруҳ ўрнидан ирғиб турди. Унинг ранги докадай оқариб кетган эди.

— Бир нарса бўлганга ўхшайди. Телефонга жавоб бермай қўйди. Бориш керак. Оксанага нимадир бўлган! — деб бақариб юборди.

— Бироз кутайлик. Балки бошқа нарса учун жавоб бермагандир. Қизи айтганини қилмагани учун унга шунақа бақиргандир, — деди уни йўлдан қайтармоқчи бўлган Юлдуз.

Агар бошқа пайт бўлганида эди, қиз унинг гапини дар-

ров қўллаган ва ўзи ҳам шерик бўлган бўларди. Лекин ҳозир нимадир унинг юрагини гашлар, Роман Фёдорович-никага боришга оёғи тортмаётганди.

— Йўқ, Роман Фёдоровичга ўхшаган одамлар биров билан гаплашаётганида иккинчи бир одамнинг сўзини эшитмайди. Кўнглим сезиб турибди, бир гап бўлган.

Кўйиб берса, Шоҳруҳнинг учгудай чоғи бор эди. Унинг хатти-ҳаракатидан қизнинг жаҳли чиқди. Ҳеч бир сўз демай, шахт ўрnidан туриб ташқарига чиқиб кетди. Шоҳруҳ унинг ортидан анграйганча қараб қоларкан, эшик ёпилиши билан: “Бир нарса бўлган бунга”, деди паст овозда. Кейин шоша-пиша пинжагини кийди.

У Роман Фёдоровичникага етиб борганида банкир ўзига келган, роса асабийлашганидан тинимсиз сигарета чекарди.

Унга Шоҳруҳнинг келганини айтишганида, аввалига қўл силтади. Кейин худди уйқудан уйғонгандай:

— Ким?! — деди бақириб.

— Анави бола-чи, ярим кечаси келиб оромингизни бузган, — жавоб қилди шотири.

— Тез чақиринглар, — дея Роман Фёдорович қўлидаги сигаретасини кулдонга босиб ўчирди-да, стол устидаги коньякни шишаси билан кўтариб ичди. Сўнг хонанинг у бошидан бу бошига бориб келиб, Шоҳруҳни интиқлик билан кута бошлади. Кутгани эшикдан кўриниши билан кучоғини очди.

— Менинг ёш дўстим, сени кўриб турганимдан бошим осмонда, — деди.

Унинг юзидаги табассумни кўрган Шоҳруҳнинг кўнгли таскин топди. У ҳам жилмайди.

* * *

Оксана сумкачасидан телефонини оламан деб, итини ерга тушириб юборган эди. Бундай бўлишини унинг жони умидида келганлар мутлақо кутишмаганди. Шу боисдан сўнгги тугмачани босишди. Ерга тушган Петка фингшишгаям улгурмади. Бирдан портлаш содир бўлиб, кучукчанинг боши учиб кетди. Унинг бўйнидаги ҳалқадан учиб чиққан темир парчаларининг иккитаси қизнинг нозик оёқларини ялаб ўтди. У портлашни кўриши билан бақириб, қўлидаги телефони тушириб юборди. Кўрққанидан ёнига йиқилиб ўзидан кетди. Бирпасда ҳамма ёқда қий-чув бошланиб кетди.

Тезда милиционерлар, шифокорлар етиб келишди ҳамда Оксанани касалхонага олиб кетишди.

Роман Фёдорович бир муддат ўзини йўқотиб қўйгач, дарров телефонини қўлига олиб: “Алло, алло”, дея бир неча марта қичқирди. Бироздан сўнг бегона одам телефонга жавоб қилди. У кучукчанинг калласи узилганини, қиз озгина яраланган эса-да, жони омон қолганини айтди. Шундан кейингина бироз ўзига келган банкир Москвадаги та-нишларига қўнғироқ қилди.

* * *

— Қизингиз соғ-омонми? Телефонда бақирганингизни эшитиб, капалагим учди, — деди Шоҳруҳ Роман Фёдорович билан кўришгач.

— Сенга жудаям катта раҳмат. Агар вақтида хабар бермаганингда, ёлғизгина зурриёдимдан айрилган бўлардим. Кейин бойликларимнинг ҳам кераги йўқ эди. Умуман яшамасам ҳам бўларди... Кучукчаси Петканинг бўйнидаги ипга бомба ўрнатишган экан. Қизим вақтида кучукчасини ерга қўйибди... Ҳозир Оксана касалхонада. Кечки рейсда учиб келади. Айтарли зиён етмаган унга, — деди Роман Фёдорович Шоҳруҳга ўтириш учун оромкурсини кўрсатар экан.

— Тирик қолганидан хурсандман. Лекин мени сизнинг совуққонлигингиз ҳайрон қолдираяпти. Кеча сизга бўлажак хунрезликни айтдим. Аммо ким шунақа иш қилишга тайёргарлик кўраётганини бир оғиз ҳам сўрамадингиз. Ўшанда мен қизингизнинг тақдири билан қизиқмасангиз керак, деб ўйлагандим ҳатто.

— Менинг ўзимга ҳам ёқмайдиган одатим бор. Ҳамма нарсани ўзим билиб олгим келаверади. Бироқ, мана кўриб турибсиз, ўша одат гоҳида панд ҳам бериб қўяр экан. Эҳ, менинг ёшгина дўстим, аслида, Оксананинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уни Швейцарияга жўнатгандим.

— Ҳўш, душманларингизга ким ёрдам берган деб ўйлайсиз? Ҳар қалай, уларнинг ўзлари қизингизнинг кучукчаси бўйнига бомба ўрнатиб кетишмагандир?

— Унинг ўлигини йигитларим шаҳар чеккасига обориб кўмиб келишди.

— Кимнинг ўлигини?

— Буниси сир бўла қолсин. Ундан кўра менга айт, ўша эшаклар нега ўзимнинг эмас, қизимнинг жонига қасд қилишди?

— Бу саволларни беришга анча кеч бўлди. Энди яхшилаб ўйлаб кўринг. Ахир кимгадир ёмонлик қилганингизни эсингиздан чиқармаган бўлсангиз керак? Қолаверса, ўша айбдорни ўлдиришдан аввал сўроқ қилгандирсиз?..

Роман Фёдорович бир муддат кўзларини юмиб ўтирди. Қошларининг сезилар-сезилмас қимирлаб қўяётганини ҳисобга олмаганда, у худди мурдадек қотган эди.

— Мен кўп ўйладим. Охирги марта ким Петкага қараган бўлса, ўшани гумондор билдим. Сўроқ қилишга сабрим чидамади. Қандай қилиб тўппончамни олиб, пешонасидан отганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Бунинг учун афсусланиб ўтирибман.

— Мабодо бегуноҳ одамни ўлдирган бўлсангиз-чи?

Шоҳруҳ шундай дейиши билан Роман Фёдоровичнинг кўзи олайиб кетди. Ранги ҳам бироз оқарди. Аммо у дарров ўзини қўлга олди.

— Сезгиларим шу пайтгача алдамаган, — деди.

— Майли, ихтиёрингиз.

— Сенга қанча қарз бўлдим?

— Агар пул билан ўлчайдиган бўлсак, банкдаги пулларингиз етмайди. Ўзингиз айтдингиз-ку, Оксанани ўлдиришганда бойликларимнинг кераги йўғиди деб. Сизга керак бўлмаган нарсанинг менга нима кераги бор? Лозим бўлса, истаганча топа оламан. Сиз билан дўстлашмоқчиман, холос.

— Шуми?

— Шу.

— Бекоргамасдир?

— Балки. Вақт кўрсатади... Келинг, сизни йўқотмоқчи бўлганларни биргаликда излаймиз.

— Эвазига... — дея Роман Фёдорович ўткир нигоҳини Шоҳруҳга қадади.

— Айтдим, шекилли.

— Унақада келишолмаймиз. Мен нима иш қилаётганимни билишим керак. Шунчаки бирон нима қилмайман. Яхшиси, қанча беришимни айт. Шу билан орамиз очиқ бўлади.

— Начора, — деб Шоҳруҳ кўлларини икки ёнига ёзди, — сиз билан савдомиз пишмади.

У ўрнидан туриб, эшик томонга йўналди.

— Тўхта, — бирдан бақриб юборди Роман Фёдорович.

Шоҳруҳ тўхтаб орқасига ўгирилди-ю, қотиб қолди. Чунки банкир қўлидаги тўппончасини унга ўқталиб турарди.

— Сен ўзинг ҳаммасини ташкиллаштиргансан. Мени қўлга олиш учун шу йўлни танлагансан. Йўқса, бунақанги аниқ маълумотга эга бўлмасдинг. Битта одамни сўроқсиз отиб ташладим. Лекин сен билан бунақа бўлмайди. Албатта, кимга ишлаётганингни айтмагунигча роса азоблайман. Ундан кейин ўлдираман.

Шоҳруҳ мийиғида кулди. Сўнг пешонасидан чиққан совуқ терни артди.

Унинг бу хатти-ҳаракати ҳам банкир учун шубҳали туйилди ва у сал бўлмаса “ёш дўст”ини отиб қўяёзди. У Шоҳруҳга қимирламасликни буюриб, кўрсаткич бармоғини тепкининг устига яхшироқ жойлаштирди.

— Менинг ўлимим сизни асраб қололмайди. Қолаверса, тилимни суғуриб олган тақдирингизда ҳам қоникарли жавоб ололмайсиз. Чунки аслидаям ҳеч нарсани билмайман. Тагин битта душман орттирасиз. Яъни менинг одамларим сизни соғ қўйишмайди. Бошқа рақибларингизга қўшилиб, албатта, қизингиз иккалангизни йўқ қилишади.

— Қўрқитмоқчи бўлаяпсанми?

— Сиздай одам менинг пўписамдан қўрқиб қолмаса керак?

— Саша! — қичқирди Роман Фёдорович эшик томонга.

Унинг овози ҳавога сингиб улгурмасидан қотмадан келган, серсоқол бир йигит эшикни очиб ичкарига мўралади.

— Мановини, — деди Роман Фёдорович томоғи йиртилгудек бўлиб, — Кушковадаги уйга қамаб қўйинглар! Ҳаммасининг тагига етгунимча, ана ўша ерда ўтиради.

— Унда битта телефон қилволишимга рухсат беринг, пулларнинг ҳўжайини. Ўзимникиларга сиз билан бирга зарур ишни ҳал қилиш учун Питерга кетганимни айтиб қўяйин. Йўқса, уйингизга бомба ёғдирилади. Ҳазиллашма-япман, — деди юмшоқлик билан Шоҳруҳ.

Унинг дадил туриши, хаёлига келган нарсани бировдан чўчимай гапириши Роман Фёдоровичдай давра кўрган одамни ҳам довдиратиб қўйди. “Қўрқоқлик қилаяпман-ку, — дея ўйлади у. — Ҳеч бир қуролсиз, тансоқчисиз ёлғиз келган йигитчадан қўрқиб ўтирибман. Яна тўппонча билан

уни тўхтатиб турибман... Ҳа, мен стресс ҳолатидаман. Ўтиб кетади, ўтиб кетади. Бир соат, икки соатдан кейин аввалги ҳолимга қайтаман. Илгаригидай дипломатик йўл билан бунинг ҳам ишини тўғрилаб қўяман”. У тўппончасини туширди.

— Обориб қама, — деди шотирига паст овозда. — Уйимиз бомба тагида қолганини кўриш, менимча, завқли бўлса керак.

* * *

Юлдуз Шоҳруҳни кечгача кутди. Аммо ундан дарак бўлмади. “Барибир келади. Иш-пиши чиқиб қолгандир, хабар беришнинг имкони бўлмаётгандир”, дея ўзини-ўзи алдаб ўтирди. Шу билан бирга девордаги соатга тез-тез кўз ташлаб қўяверди. Ичини нимадир кемирар, тоқатсизланганидан бир неча марта ўрнидан туриб дераза ёнига борар, ҳовлидаги дов-дарахтларни томоша қилган бўлар, сўнг яна жойига келиб ўтирарди-да, нигоҳини соат милларига қаратарди.

Охири сабри чидамай, ташқарига чиқди. Бекка кўзи тушди. У бекорчиликдан арраланиб ғўла ҳолига келтирилган ўтинларни ёриш билан овора эди. Ҳаваси келди. Ўғил бола бўлиб туғилмаганига афсусланди. Ва бир-бир қадам ташлаб, унинг ёнига борди-да:

— Ҳорманг, йигит! — деди.

Бек ишини тўхтатиб унга қаради-да, илжайди.

— Қишлоғимиз эсимга тушиб кетди. Қиш келди дегунча, ўтин ёриш билан овора бўлардим. Четдан қараганда оғирдай туйилади-ю, лекин одам маза қилади. Бизда биров болта урсанг, ёрилиб кетадиган ғўлача тайёрлаб қўймайди, — деди.

— Менга болтани беринг. Ҳечам ўтин ёриб кўрмаганман, бекорчиликда бир кўрай, — дея Юлдуз у томонга қўл чўзди.

— Қандай бўларкан, бармоқларингиз нозик. Қавариб кетадими, деб қўрқаман-да...

— Кўриниши нозик. Лекин шундай ишларни қиладики...

— Айниқса, биров билан муштлашаётганда, — деб оғзидан гапини олди Бек.

Юлдуз талай муддат болтага термилиб турди. Кейин

битта ғўлани тикка қилиб, болтани энди ҳавога кўтарган эдики, машина товуши эшитилди. Қиз болтани ташлаб юборди ва юзига табассум эниб, машина келаётган тарафга ўгирилди. Юзидаги табассум бирдан йўқолди. Чунки йўл ўйдим-чуқур бўлишига қарамасдан, катта тезликда яқинлашиб келаётган иккита қоп-қора “Мерс” бегона эди.

— Тез қуролларни олиб чиқинг! — деб бақирди Юлдуз Бекка.

Бек уй тарафга югурди. Юлдузнинг овозини эшитган ховлидаги йигитлар ҳам ҳаракатга тушиб қолишди.

Елдай учиб келган уловлар уйнинг тўғрисида, темир панжара нарисиди тўхтади. Бир муддат ундан ҳеч ким тушмади. Юлдуз Бек тутқазган тўппончани секин ўқлади. Унинг юраги гупиллаб урар, кутилмаган сукунат ичида қандайдир даҳшатли нарса борлигини сезиб турарди. У машиналар салонига қанчалик тикилмасин, қорайтирилган ойналар ортида кимлар борлигини билолмасди.

Олдинги машина ҳайдовчининг ёнидаги эшик очилди. Ундан қора кўзойнак таққан, қоп-қора костюм-шим кийган, йигирма бешларга бориб қолган йигит тушди. Қоп-қора сочларини бармоғи билан тараб қўйди-да, иржайди. Битта-битта қадам босиб, машина юкхонаси тарафга ўтди. Юкхона автоматик тарзда очилди.

— Уни кўздан қочирманглар, озгина ортиқча ҳаракат қилиши билан отиб ташлайсизлар, — деди Юлдуз ёнида турган Бекка.

Ўз навбатида Бек нарироқда, уй ёнида турганча шубҳали ҳаракатланаётган чақирилмаган меҳмонга қуролларининг стволини тўғрилаб турган йигитларга қараб, кўрсаткич бармоғида ишора қилди. Бу: “Мен буйруқ беришим билан отасизлар”, деган маънони билдирар эди.

Қора кўзойнак юкхонадан қандайдир узун қопни суғуриб олди-да, ерга ташлаб юборди. Қопнинг бироз букланиб тушганидан Юлдуз сездик, унинг ичида одамнинг мурдаси бор. Хаёлига бирдан лоп этиб, Шоҳруҳ келди. Унинг юраги гупиллаб уриб, кўкраги тез-тез кўтарилиб тушар, вужудини титроқ босиб, кўзи каттариб кетганди. “Наҳотки?!” — дея пичирлади унинг лаблари. Шу заҳоти кўзидан ёш қуйилди. У турган жойида қотиб қолганди. Шунинг учун ҳам қора костюм-шимнинг бемалол машинага минишига имконият яратиб қўйганди.

Машинанинг мотори ўт олди. Қопдаги мурда эканини сезган Бек ортиқ чидаб туrolмади. Чунки улар шу тахлит яна бир неча сония туришса, иккала машина ҳам кетиб қолади.

— Отинглар! — дея бақирди у йигитларига.

Бирдан тасир-тусур бошланиб кетди. Машинадагилар ҳам шунчаки томошага келмаганликларини тинимсиз ўқ отиш билан исботлашди. Яхшиямки Бек вақтида Юлдузнинг белидан кучоқлаб ерга ўтқизди. Йўқса, унинг нозик баданини бир нечта ўқлар тешиб ўтиши аниқ эди.

Келгиндилар қочишга тушишди. Аммо жуфтакни ростлаш фақат битта машинага насиб этди. Иккинчисининг бензин бакига эса кетма-кет иккита ўқ тегиб портлаб кетди.

Афтидан, Шоҳруҳ ва унинг одамларини чув тушириш умидида келганлар бундай бўлишини хаёлларига ҳам келтирмаган бўлишса керак. Машинада нечта одам борлигини ҳеч ким билмайди. Чунки кучли портлашдан кейин машина бутунлай ёниб, ичидагилар кулга айланди. Биров унинг ичида нечта одам борлиги билан қизиқмади. Юлдуз шошапиша бориб, қолдирилган қопнинг ичини очиб кўрди: у танимайдиган бутунлай бошқа одамнинг мурдаси. Кулоқ, бурун, лаблар кесиб олинганидан уни ваҳшийларча ўлдирганликларини билиш қийин эмасди. Юлдузнинг оёқларидан мадор қочди, кўз олди қоронғилашиб, атрофини туман қоплади. У нималар содир бўлаётганига тушунолмай қолди, ҳатто йиқилаётганини, ўн қадамча наридан унинг аҳволини кўриб, бақирганча югуриб келаётган Бекнинг овозини ҳам англамади. Ерга қаттиқ тушиб, қуруқ арча шохи биқинига ботди. Бироқ қиз буни ҳам сезмади. Ўзини худди кўрпа устига йиқилгандай ҳис этди.

У ярим тунда ўзига келди. Кўзини очиб, тепасида Бекни кўрди.

— Нима бўлди? — деб сўради.

— Яхши бўп қолдингизми? Мен сизга ўқ тегдими, деб кўрқиб кетгандим, — деди Бек унинг оппоқ қўлини тугтиб.

— Нега менга ўқ тегар экан? Ким у... — дея бир неча сония ўйланиб турган Юлдузнинг хаёлига бирдан бўлиб ўтган воқеалар келиб, сўзлашдан тўхтади. — Мурда ким-

ники экан? — деди гапириш учун оғиз жуфтлаган Бекка нигоҳини қадаб.

— Мурда... Анави итлар олиб келган мурдами? Уни аниқлашнинг сираям иложи йўқ экан, издеватса қилиб ташлашибди. Қошларигача кесиб олишибди. Лекин биз иззат-икром кўрсатиб кўмдик. Яхшиям болалар ичида жаноноза ўқийдигани бор экан.

— Мошинадагилар кимлигини билдингларми?

— Йўқ.

Бек гарчи ўзини ҳозир ҳар нарсани билувчи, ер остида илон қимирласа сезувчидек ҳисобласа-да, аллақачон фақат чизик чизилгандагина ўша чизик бўйлаб юрадиган одамга айланиб қолганини сезмасди. Сезган тақдирда ҳам тан олмасди. Шоҳруҳ бўлмаса, у ўзини эркин ҳис этар, бошқалардан ақллидай ғоз юрар, Юлдуз билан ҳам эмин-эркин муомала қиларди.

У Рамиз-Февзининг қитиқ-патиға тегишганини хаёлига ҳам келтирмаётганди. Кўп қаватли уйнинг хонадонларидан бирига бостириб киришгани, пул, наркотика, компьютер ва ҳоказоларни ўлжа қилиб олиб келишганлари унинг ёдидан кўтарилганди.

Ҳозир Рамиз-Февзи қутуриб кетганди. Компьютерни ўғирлаганлар унинг ичидагилар нима эканлигини билиб олишолмайди, деган ўта хом хаёлга борган эди. Шу боисдан Шоҳруҳ билан унинг йигитларига Роман Фёдоровичнинг уйи ёнидан кетишларига имкон яратди. Чунки, банкирни чўчитиб қўйишдан кўрқди. Аммо Шоҳруҳнинг ортидан қўйган одамлари “ўлжа”нинг аниқ манзилени билмай қайтганларидан кейин ғазаб отиға минди. Бу сафар бошини эгиб кириб келганларни отиб ташламаган эса-да, хуморидан чиққунча тепкилади. Бир муддат ўтиб, иккинчи омадсизлигини эсидан чиқарди, бутун диққат-эътиборини Роман Фёдоровичнинг қизини йўқ қилишга қаратди ва яна бир омадсизликка дуч келди. Қон босими ошганидан томирлари кенгайди. Аламига устма-уст пиво ичди. Ундан кейин ёрдамчиларини сўкди. Ора-орада меъёрдан ошиб кетаётганини, йигитларининг бардоши сўнгги нуқтага яқинлашиб қолаётганини хаёлининг бир четига ҳам келтирмади.

— Ўша мараз кетган тарафдаги ҳар битта уйнинг тит-

питини чиқарасанлар, ифлосни топиб келасанлар! — дея ўқирди аъёнларига.

Бироқ унинг йигитлари у айтганчалик шовқин кўтаришмади. Чунки айтганидай қиладиган бўлишса, томи кетган чол сўздан қайтиб, яна бир-биридан хунук сўзларни устларидан ёғдириш билан бирга, бир-иккитасини яшатамай қўйиши ҳам аниқ эди. Шу билан мақсадга етишишди. Шоҳруҳнинг йигитлари сабрсизлик қилиб кузатувни сусайтирганлари ва бир кишини қолдириб, шаҳарга кетиб қолганлари, қоровул йигит ўзини шу ернинг эгасидай тутиб, катта кўчада бемалол дайдиб юргани уларга қўл келди. Аввал унинг ёнида тўхташди. Одамга ўхшаб саломалик қилишди. Санқийётган йигитнинг тили рус тилига нўноқлигини билганларидан сўнг, дарров учтаси машинадан отилиб тушиб, кутилмаганда тепкилашди. Қоровул бола шунчалик анқовлик қилдики, улар машинадан тушиб, унинг ёнига келгунларича чўнтагидаги тўппончани олиб улгурмади. Йигит мажбурлаб машинага ўтқазилгач, унга азоб беришди. Жон оғриғи қоровулнинг тил тугунини бутунлай ечиб юборди ва у маконнинг қаердалигини ипидан-игна-сигача айтиб қўйганини ўзи ҳам сезмади. Мукофот... Мукофотига даҳшатли “совға” олди. Аниқроғи, ҳам “гуллади”, ҳам тили, бурни, қоши ва кўзини мукофотга бериб юбориб, юрагини ханжарга топширди.

“Осонликча Шоҳруҳни қўлга туширамыз”, дея хаёл қилган Рамизнинг шотирлари “ўлжа” ёнига яқинлашганларидан кейин бутунлай бошқача манзаранинг гувоҳи бўлишди. “Буқоқ” лақабли гуруҳ каттаси нима мақсадда Юлдузнинг кўз ўнгида мурдани юкхонадан чиқариб ташлашга буйруқ берганини ўзи ҳам тушунмади. Ва оқибатда ўзининг тўртта йигити ва битта машинасидан айрилиб жуфтакни ростлашга мажбур бўлди.

Бироқ Рамизга йўқотишлар айтилмади. Фақат Шоҳруҳнинг макони топилгани хушxabари етказилди.

— Хайрият, — деди бирозгина юзи ёришган Рамиз-Февзи, одатига хилоф қилмаган ҳолда, янги пиво очиб, шишанинг оғзидан қулқуллашиб ичаркан (илгари ҳақиқий Рамиз шундай қилар эди. Янгиси аслигини билдириш учун у каби пиво ичавериш, охири ўзи ҳам ўрганиб қолди). Сўнг шишани стол устига тўқ этказиб қўйди ва тамаки

қутисидан бир дона сигаретани олиши билан шотирларидан бири гугурт ёқиб, хўжайинининг сигаретасини тутатиб берди.

— Шу сафар уддаладинглар, бўлмаса яна битта-икки-тангнинг бошингни олишимга тўғри келарди. Тезда тўртта мошина тайёрланглар! Агар одам кўп бўладиган бўлса, шунчаки жон беришмайди. Икки кундан кейин, кечаси соат уч яримда бостириб борасизлар. Бирортасини ҳам тирик қолдирмайсизлар. Чунки ўша битта уруғлик вазифасини бажариши мумкин.

Рамиз-Февзи ўзининг нутқини шу билан якун қилди ва шотирларига қўли билан ишора қилиб, чиқиб кетишларини буюрди. Улар кетганидан кейин илжайди. “Зўр гапирдим. Калласини китобдан кўтармай олим бўлганлар ҳам бу даражада ақлли гап айтолмасалар керак. Қойил!” — дея хаёлидан ўтказди у ва шишани кўтариб қулқуллатиб пиво ичди.

* * *

Роман Фёдоровичнинг қони қайнади: “Вой, ярамас, вой, ақлсиз-эй! Ҳали яшаб нимани кўрдинг? Тепкини битта боссам, ўлиб кетасан-ку, жувонмарг бўласан-ку, нега кеккаясан? Тилингни тийсанг, бир жойинг камайиб қолади-ми? Фалон пул берасан, де. Кўнглимдаги хавотир йўқолсин. Йўқ, сен бошқа нарсани истайсан. Яна шунақанги мавҳумки истагинг, одамнинг қонини қайнатади. Агар қизимни ўлдирмоқчи бўлганларга озгина аралашган жойинг бўлсаям, ўлдиртириб юбораман. Ҳеч қанақа сўроқ бўлмайди”, шуларни хаёлидан ўтказганча хонанинг у бошидан бу бошига бориб-келиб юрди. Кейин ўзининг бу аҳволидан жаҳли чиқди. “Қаердаги тирранчанинг гапларини ўйлаб ўтириш мендай ақлли, бой одамнинг иши эмас”, деган хулосага келди. Иш ҳақида ўйлади. У даромаднинг янги йўлини топганди. Банк хизматини аввалгидай мижозларга яхлит кўрсатмасдан, бўлақларга бўлиб, яна ҳар бир бўлақка ярим фоизнинг учдан бир қисмини қўшган ҳолда кўрсатишни режалаштирганди. Ўшанда сумма одамнинг кўзига жуда кам кўринади. Албатта, турни кўпайтириб юбориш ҳам мижозни зериктириб қўяди. Шу боисдан орага «текин» деб номланадиган бандлар ҳам қўшиб, кўзни чалғитиш лозим.

Йўқ, Роман Фёдорович кўнглидагидай иш тўғрисида ўйлаёлмади. Барибир “ёш дўст”ининг гаплари хаёлини чулғаб олаверди.

Шу пайт унга хабар келди: “Оксана бир соат олдин самолётга чиқибди”.

— Нега? — деди ҳайрон бўлган Роман Фёдорович. — Нега шу пайтгача билмадинглар? Ҳали келмаслиги керак эди-ку?!

— Оксана касалхонадан қочиб кетибди. Буни ҳеч ким сезмай қолибди. Тахминимизча, милиционерларнинг сўроқлари жонига тегиб кетган. Аэропортга келибди-ю, чипта олибди. Аксига олиб, худди шу маҳал самолёт бор экан. Ярми бўш, — деди хабарчи йигит худди айб иш қилгандай киприкларини пирпиратиб.

— Лекин тўғри иш қилибди, — дея илжайди банкир, — юрагимга қил сифмаётганди. Қанча врач бўлса, шу ерда топилади. Мен ўзим аэропортга чиқиб кутиб оламан.

Роман Фёдоровичга иккита машина шериклик қилди. Бири олдинда, иккинчиси орқада кўриқчилик қилиб кетди. Авваллари у сираям бунақанги қилиб юрмасди. Кўриқчиси бор бойваччаларни кўрганда, гижиниб: “Куён юраклар”, деб қўярди. Энди эса ўзи ҳам худди шу аҳволда кетаяпти. Лекин ўша айтган гаплари эсигаям келмайди.

Кутилмаганда олдинги машина тўхтади. На чорраҳа бор эди ва на одамлар ўтадиган йўлак.

— Падар лаънатилар, нима гап? — дея бақирди Роман Фёдорович ойнадан бошини чиқариб.

Унинг овозини эшитган нариги машинадагилар биринкетин сакраб тушишди ва имиллаб ўтаётган қандайдир аравакашни сўкишга тушиб кетишди. Бу пайтда Роман Фёдорович ўтирган “Мерс”нинг орқасида иккита алкаш муштлашаётганди. Бири машинанинг тагига кириб кетган, иккинчиси уни суғуриб олиш билан овора эди. Шунингдек, ора-чора шишадошининг биқинига тепиб ҳам қўярди. Машина остидаги пиёниста жони оғриганидан бақирар ва калтақдан қутулиб қолиш учун янаям ичкарилашга ҳаракат қиларди.

Роман Фёдоровичнинг жони ҳалқумига келди. Аламидан ўкириб, “Мерс”нинг эшигини очиб сакраб тушди-да, шими остига қистирилган тўппончасини олди. Бу пайтда орқа

уловдаги йигитлар ҳам машинадан тушишган, зўравон пиёнистани икки-уч мушт уриб, қонига белашга улгуришганди.

Агар орқа тарафда машиналар тизилиб қолмаганида, бири қўйиб, бошқаси сигнал чалмаганда, қони қайнаган банкир иккала пиёнистани ҳам қўлидаги қурол билан илма-тешик қилиб ташларди.

— Маразларни йўл четига чиқариб ташланглар! — деб бақирган Роман Фёдорович машинага ўтирди-да, — Газни бос! — деди ҳайдовчига.

У Оксанани кўрганидан кейин йўлдаги воқеани унутди. Қизини маҳкам бағрига босаркан:

— Ҳеч жойинг лат емадими? — деди тинимсиз йиғлаётган Оксананинг сочини силаркан.

— Й-ў-қ, — деди ўпкаси тўлиб йиғлаётган Оксана, — Петкадан бир умрга ажраб қолдим! Унинг ўлганини ўз кўзим билан кўрдим, дадажон, ўз кўзим билан! Бечора дунёга тўймай кетди. Мени асрайман деб, ўзи ўлди. Энди нима қиламан?!

— Ҳечқиси йўқ, бошқасини обераман. Ўзинг танлайсан энг чиройлисини, энг ақллисини, — дея уни юпатган бўлди Роман Фёдорович.

— Унақаси бошқа йўқ. Менга фақат ўзимнинг Петкам керак. Ўзимники! Тушуняпсизми?

— Яхши, яхши, уйга борайлик. Ҳамма бизга қараяпти.

— Қараса қарайверсин. Қарамаганда Петкам тирилиб келармиди?

— Тисс, уйга борайлик, юр, — деб Роман Фёдорович қизини ташқарига етаклади.

Энди машина ёнига етганларида қизнинг кўзи беш-олти қадам нарида худди унинг Петкасига ўхшаб кетадиган итни етаклаб кетаётган аёлга тушди.

— Вой, Петка! — қичқариб юборди кўзи қинидан чиққудай бўлиб Оксана.

Роман Фёдорович ялт этиб унга юзланди, сўнг у тикилиб турган томонга қаради. Дарҳақиқат, аёлнинг етовидаги кучукча Петкага қуйиб қўйгандай ўхшарди.

— Дадажон, меники, меники, дарров берсин, — дея кўз ёшини оқиза бошлади Оксана.

Банкир шотирларига имо қилди. Улар аёл томонга югу-

ришди. Оксана чидаб туrolмади. У йигитларнинг ортидан чопди. Борибоқ кучукчани кучоқлаб, кўтариб олди. Юзларидан ўпди. Ит бунга жавобан гингишиб безовталанди.

— Нима қилаяпсиз? — деди қўрқиб кетган итнинг эгаси ҳайрон бўлиб, бир итни ялаб-юлқаётган қизга, бир унинг олдини тўсиб чиққан барзангиларга қараб. — Нега менинг Бодрингчамга тегинаяпсиз, хоним?

— Дада, худди менинг Петкамга ўхшар экан. Айт, берсин, — деди Оксана етиб келган Роман Фёдоровичга.

— Қанча туради? — дея итнинг эгасига юзланди банкир.

— Вой, нималар деяпсиз? Мен Бодрингчамни ҳеч кимга сотмайман, ўзимга жудаям керак, — деди ранги докадек оқарган аёл.

— Сенга жон керакми, ит? — деди унинг рўпарасида турган барзангилардан бири.

— Ҳалиги, — дея кўзлари жовдираганча атрофга боқиб милицияни қидирди аёл.

— Ҳеч ким ёрдам беролмайди. Сиз ўзингизга бошқасини сотволасиз, — деб Роман Фёдорович ён чўнтагидан бир даста бели букилмаган доллар чиқариб аёлнинг қўлига тутқазди.

Пулнинг кўплигини кўрган аёл ҳаяжонланиб кетди. Ахир бунча пулга бунақанги итдан йигирматасини беради.

— Бодрингчам ниҳоятда ақли. Нима айтсангиз, ҳаммасини қилади. Ўзиям шунақанги тартиблики, қўяверасиз, — дея итини мақташга тушиб кетди у.

Роман Фёдорович мийиғида кулди.

— Қолганини Оксананинг ўзи ўргатиб олади. Сизга раҳмат, — деб қизининг қўлидан ушлаб юришга ундади.

Ота-боланинг машинага ўтиришларини аэропорт эшиги ёнида уч киши интиқлик билан кутиб турарди. Уларнинг қўлларида масофадан бошқарадиган мослама бор эди. Роман Фёдорович билан қизи қоп-қора, сўнгги моделдаги “Мерс”га ўтиришлари билан қўлларидаги асбобнинг мурватини бурашади, шу билан немисларнинг дунёга машҳур улови осмонга сапчийди. Пулдор ва унинг эркатойидан зумда ном-нишон қолмайди. Эвазига барзангилар Рамиз-Февзидан яхшигина мукофот олишади. Яна кўшимчасига рағбат.

Афсуски, бечораларнинг бу сафар ҳам омадлари юриш-

мади. Кутилмаганда, махсус машинада бошларига каска кийган, қўлларида автомат, юзларига ниқоб тортган омончилар келиб қолишди. Улар бирин-сирин машинадан ўқдай тушарканлар, аэропорт ичкарасига югуришди. Учала барзангининг ҳам кўзи қинидан чиқиб кетай деди. Қўлларида портлатиш мосламаси. Бурашса, тамом, ҳозиргина машинага ўтирган банкир билан қизининг кули кўкка совурилади. Шундай имконият қўлдан бой берилаяпти. Улар бир-бирларига қарашди. Биттаси кўзи билан “Бура!” деган ишора берди. Лекин асбобни ушлаб турган барзанги ундай қилмади. Секин оқ “Шевролет” томон кетди. Йўл-йўлакай шерикларига:

— Орқасидан тушиб, шаҳар ичида портлатиб юборамиз, — деди ва қадамини тезлатди.

Бу пайтда омончилар уларнинг ёнларидан ўтиб бўлишганди.

Катта шаҳарда кундуз куни битта машинанинг орқасидан етиб олиш анчайин мушкул. Чунки машиналар шунчалик кўпки, битта қизил чироқда тўхтаб қолсанг, олдиндаги машина анча илгарилаб кетиши мумкин. Агар масофа узоқлашса, табиийки, асбобни ерга тоблаб урсанг ҳам, фойдаси йўқ.

“Мерс” уларнинг уловига нисбатан илгарироқ жойидан жилди ва бирдан тезлик олди. Буни кўрган барзангиларнинг бирдан кайфиятлари тушди. “Шевролет” қанчалик учкур бўлмасин, барибир “Мерс”ни кўздан қочирди.

Оксана уйга етиши билан итини кучоқлаганча ювиниш хонасига кириб кетди. Петкасини қандай ювинтирган бўлса, Бодрингчани ҳам шундай чўмилтирди. Сўнг ўзининг феида қуритиб, атир сепди, ҳидлади.

— Ўзимнинг Петкам, — деди қувончдан кўзи порлаб, — сен ўлмагансан, тириксан.

Жавобига ит гингшиди ва қизга суйкалиб қўйди. Бундан Оксана шунақанги хурсанд бўлиб кетдики, кетма-кет итнинг тумшуғидан ўпишдан ўзини тийиб туrolмади. Фақат шундан кейингина отасининг ёнига борди.

— Сени хурсанд кўрганимдан бошим осмонда. Ўзингга келтиролмай қийналсам керак, деб ўйлаган эдим, — деди унга пешвоз чиққан Роман Фёдорович қизининг қўлидаги итнинг юнгини бармоқлари билан тараркан.

— Бахтинг бор экан, дада, агар мана шу ширингинамни учратиб қолмаганимда, сендан бир умрга хафа бўлган бўлардим.

— О-о-о, бунинг учун сизга катта раҳмат, — дея итнинг тумшукчасидан ушлаган Роман Фёдорович қизига юзланиб сўради: — Дарвоқе, бунинг исми нима экан?

— Адашмасам, анави аёл: “Бодрингчам”, деди.

— Хўш, биз ҳам шундай атаймизми?

— Ихтиёринг, агар сенга ёқса, шундай деб атай қол.

— Энди юр, овқатланамиз, қорнинг ҳам роса очқаб кетгандир?

— Нимасини айтасан, ўлиб қолаёздим. Ҳозир қанча овқат бўлса, барини еб ташлайман. Кечадан бери туз тотганим йўқ.

Улар ҳар хил егуликлару мева-чевадан тортиб, ичимликларгача қўйилган стол ёнига боришди. Оксана қовурилган гўштга қўлини узатди. Роман Фёдорович эса шишани оча бошлади.

— Менгаям ароқ қуй, — деди Оксана оғзидаги гўштни чайнарган.

— Бугун сенга рухсат. Асабларинг эртароқ жойига тушишини истайман.

— Ўзимнинг бебаҳо дадажоним, — деб Оксана лабларини чўччайтирганча ҳаво орқали отасидан ўпич олди.

Банкир қизи билан бир соатлар чамаси овқатланди. Шу муддат ичида бир шиша ароқ тугади, қизнинг кайфи анчашиб қолди. У хурсандлигидан кучукчасини эркалар, қайта-қайта дадаси билан қадаҳ тўқиштирарди.

— Бўлди, бошқа ичмаймиз, — деди гарчи ароққа эндигина иштаҳаси очилган бўлса ҳам ўзини босишга уринган банкир.

— Дада, яна озгина. Ўтган икки кунни ҳаётимдан бутунлай ўчириб ташламоқчиман.

— Ортиқчалик қилади. Шундай бўлсаям, азбаройи сени жудаям яхши кўрганим учун яна бир қадаҳ ичишингга розиман. Фақат ортиқ сўрамайсан.

Роман Фёдорович қизига қадаҳ тўлдираётганда қулқуллаб оқаётган суюқликка термилиб турган Оксана:

— Мени шунақа ўлдиришларини қаердан билдинг? — деб сўраб қолди.

Банкир ароқ қуяётган жойида тўхтади. Қизига бир муддат жим қараб турди. Шундан сўнг ўзининг идишидаги ароқни бир кўтаришда ичиб юборди-да, сўнг деди:

— Тунда келган йигитни эсингдан чиқармаган бўлсанг керак. Ўша йигит қўнғироқ қилиб айтди. Лекин жуда вақтида айтган экан. Озгина кечикканида борми?..

— Мен ҳозир қабристонда ётган бўлардим. Рўпарангда эса дўстларинг ўтиришарди. Сен худди ҳозиргидай ароқ ичаётган бўлардинг.

Оксанининг кўзи ёшга тўлди. У чуқур ўксик нафас олганидан кейин идишни қўлига олди ва бир кўтаришда унинг ичидагини худди отаси каби ичиб тугатди.

— Ҳозир ўша бола қаерда? — деди ундан кейин бурни-ни кафтининг орқаси билан артаркан.

— Қамаб қўйганман.

— Нега? — деди ҳайрон бўлган Оксана. — Мукофот бериш ўрнига...

— Атайин уюштирган бўлиши ҳам мумкин мени кўпроққа тушириш мақсадида. Бўлмаса бунақа ишонч билан бехато айтолмасди.

— Аниқ билмайсан-ку, дада?!

Оксана ўрnidан турди ва отасига қарамаган кўйи:

— Қаерда? — деб сўради.

— Йигитлар оборишади.

— Фойдасиз йигитларингнинг биронтаси ҳам кераги йўқ. Ўзимнинг мошинамда кетаман.

— Бу аҳволда бормайсан. Обориб қўйишади. Кейин, майли, ёлғиз ўзинг кириб гаплашавер.

Оксана индамай ташқарига чиқди. Йўлакда хизматкор аёлга дуч келди. Аёл қизни кўриши билан ранги оқариб кетди. Ҳаяжон босиб тез-тез, чуқур нафас олаётганидан кўкраги кўтарилиб туша бошлади. Аммо қиз ундаги бундай ўзгаришга эътибор бермади. Кайфининг зўрлиги халақит берди.

Унинг ортидан ҳовлига чиққан йигит тезда бориб Оксанининг машинасига ўтирди-да, ўт олди.

Қизнинг кўзидан ёш оқарди. У ўзи билан ўзи овора бўлиб, итини унутганди. Бироқ ҳозир уни кўришни истамасди. Отасини ёмон кўриб кетиб, онаси ҳақида хаёл сураётганди. Унга айтишларича, Елизаветта Прокофевна — унинг

онаси, автохалокат туфайли оламдан кўз юмган эди. Бироқ ҳозир унинг бунга сираям ишонгиси келмаётганди. Отасининг пуллари ва хотиржамлигининг қурбони бўлгандай туйилаётганди қизга. «Мен ҳам шунинг учун ўлиб кетишим мумкин эди. Бир сафар омон қолдим. Лекин кейинги гал вақтида огоҳлантирадиган одам бўлармикан? Йўқ, бўлмайди. Бақиришга-да улгурмай, ҳаётга тўймасдан қазо қиламан. Дадамнинг одамларию пуллари кўп бўлишига қарамасдан, барибир мени сақлаб қолишолмайди. Чунки падаримнинг душманлари ундан-да кучли... Пулнинг қурбонлари. Кетаман. Тупурдим ҳаммасига. Швейцарияда Петка билан тинчгина яшайман», дея ўйлади у. Бу ўйлар унга вақт ўтганини мутлақо сездирмади. Гўё машинага эндигина ўтиргандай эди у. Бироқ Роман Фёдоровичнинг шотири машинага тормоз бериб тўхтатганча орқасига ўгирилиб турибди. Бу манзилга етганликдан далолат берарди.

— Анави йўлакдан тўғрига борасиз... — деди йигит қўли билан икки қатор шиферли девор оралиғини кўрсатиб.

— У ёғини айтмасанг ҳам, ўзим яхши биламан, — дея Оксана ўқрайиб қараб қўйди-да, юриб кетди.

* * *

Шоҳруҳни шаҳарнинг бошқа бурчагига олиб бориб ташлашди. Кўримсизгина (бошқача қилиб айтганда, пиёнисталаргина яшайдиган уйга ўхшаб кетадиган, узоғи билан бир сотихча келадиган жойга каталакдай келадиган уй қурилганди. У ерга машина бормас, тор йўлакдан яёв кириш мумкин эди) уйга қамашди. Шундан кейингина у тақдири ҳақида ўйлади. Бироз қўрқди ҳам. Яна ўша акасининг уйдан қочиб чиққанидаги ниятини эслади. Ич-ичида ўкиниш пайдо бўлди. Фазаб билан деворни муштлаб сувоғини кўчириб юборди. Шунинг билан бирга ўзининг қўлини синдириб олаёзди. Шундан сўнггина полга ўтириб, тиззалари орасига бошини суққанча сочини гижимлади. Аллақанча вақт шу зайлда ўтирганидан кейин каравотга, юшоқ ўриндиққа ҳам чиқиб ётмасдан, полга чўзилиб ухлаб қолди. Узоқ ухлади. Алғов-далғов тушлар кўрди. Фақат Оксана келишидан бор-йўғи беш дақиқа олдин қорни очқаб уйғонди. Хона ичидаги ювиниш жойидаги жўмракни очиб, бошини сувга тикди. Тани яйради. Бир муддат шу тахлит

турганидан кейин сочиққа юзини артди-да, каравотга бо-
риб ўтирди ва бирор банда киришини кута бошлади.

Ниҳоят эшик очилди. Барзангининг ўрнига сулув Окса-
на кириб келди. Унинг кўзлари қизариб кетганидан йиғ-
лагани билиниб турарди.

— Сизни кутмагандим, — деди мийиғида кулган Шоҳ-
руҳ ўрнидан туриб, — бутун бошли Москвадан бунча тез
етиб келишингиз хаёлимга келмаган экан.

— Кўриб турибсиз, дунёнинг нариги бурчагидан бўлса
ҳам, агар лозим бўлса, вақтида келоламан, — деди жил-
майишга ҳаракат қилган Оксана.

— Тасанно! Лекин чиройли кўзлар нега бунча ғамгин?

— Сабабини ўзингиз яхши биласиз. Хуллас, сиз билан
бирорта ресторанда бирга ўтирсам девдим.

— Менимча, бунинг иложи йўқлигини ўзингиз ҳам кўриб
турибсиз. Биринчидан, башарамга қараб бўлмайди. Кўрган
одам беш-олти қадам наридан ўтиб кетади. Касал деб ўйлай-
ди. Яна юқумли, вабо десам сираям адашмайман. Иккин-
чидан, шунчалик очқаганманки, официант иккинчи овқат-
ни олиб келгунича столни бўм-бўш қилиб қўяман. Шун-
дай очофат билан ўтириш сиздай нозиктабиат аслзодага
уят. Учунчидан...

— Учунчидан, мени ҳеч нарса қизиқтирмайди. Агар бу-
тун бошли шаҳарнинг овқатини еб қўйган тақдирингизда
ҳам.

— Пули-чи, менинг чўнтагимда ҳемириям йўқ.

— У ёғидан хавотир олманг. Кейин мен эркакларнинг
нозланишини сираям ёқтирмайман. Нозланиш аёллар учун
чиқарилган. Сизни ташқарида кутиб тураман.

Оксана чиқиб кетди. Шоҳруҳ унинг ортидан қараб қолар-
кан: “Отаси буни қандай йўриғига солиб юрибди экан?”
— дея хаёлидан ўтказди.

Қиз Шоҳруҳдан сираям ирганмади. Қўлини қучоқлаб
олди. Шунда йигит билдики, бу оқбилагойимнинг анчаги-
на кайфи бор. “Сабаб бу ёқда экан-да. Шароб, жойи
келса, тиконни ҳам кўзга гул қилиб кўрсатиб қўяди”, дея
хаёлидан ўтказди. Бироқ ўзига ҳам, кимсан, Роман Фёдо-
ровичнинг эркатоий қучоқлаб олгани ёқди. Кўрганлар-
нинг, албатта, ичидан зил кетади. Ахир бу нозик-ниҳол-у,
унинг бойвачча отасининг пулларига ошиқ бўлганлар озми?

Оксана Шоҳруҳни шаҳарнинг энг қиммат ресторани-нинг алоҳида хонасига олиб борди. У ерда ҳамма шароит муҳайё эди. Ҳатто чўмилиш хонаси, маълум муддат мизғиб олиш учун алоҳида икки кишилик юмшоқ каравот, қўйингчи, одам бир муддат овқатланиб кетиши у ёқда турсин, бемалол яшаши мумкин бўлган имконият бор эди. Шоҳруҳ биринчи марта бунақанги жойга келгани боис оғзи очилиб қолди. Бироқ ўзини бемалол тутишга ҳаракат қилар, гўё бунақанги маскан унинг учун эскидай, аввал ҳам ўнлаб марта овқатланган одамдай кўрсатарди ўзини. Аммо битта нарса уни жудаям ўйлантираётганди. Яъни, бир марталик ташриф неча пулга тушиши. Буни Оксадан сўраса, сири очилиб қолади. Қизнинг олдида хизматчидан сўраш ноқулай.

Улар ўтирган емакхонага бирин-кетин бешта қиз кириб келди, ҳаммаси бир-биридан гўзал. Сарвқоматлигининг эса таърифига тил ожиз. Яна уларнинг устидаги либос ҳам жуда ўзгача, қўйлақларининг кўкрак қисми керагидан ҳам ортиқ очиқ. Юзларидаги табассумни кўрсанг, эсдан оғасан. Хуллас, фариштанинг ўзгинаси.

— Хўш, — деди уларга безътибор назар ташлаб қўйган Оксана, — қайси бири хизмат қилсин?

— Танлаш сизнинг ихтиёрингизда. Мен бунақа жойларда аёллардан ўтиб бирон нима деёлмайман, — деди лаблунжини йиғиштиролмаган Шоҳруҳ.

— Яхши, — деб Оксана бешта қизга бир-бир қараб чиқаркан, ўртадаги энг сулувини танлади. Агар унинг ўрнида Шоҳруҳ бўлганида, бундай гўзаллик қаршисида чалкашиб қолган бўларди.

— Сиз аслида ўғил бола бўлиб дунёга келишингиз керак экан. Дидингизни кўрган ҳар қандай эркак тан бермасдан иложи йўқ, — деди Шоҳруҳ қизни мақтаб.

— Эркаклар орасида юрганингдан кейин назаринг ҳам эркакниқига ўхшаб қоларкан, мен бундан жудаям афсусдаман. Шунинг учун кўришмаганимизга беш йилдан ошган бўлса ҳам, битта одамни аҳмоққа ўхшаб севиб юрибман. Бу ёқда эса энг гуллаган ёшлик чоғим ўтиб кетаяпти... Майли, буларни қўя турайлик. Хизматчи қиз сизга ёқдими?

— Менимча, ким хизмат қилсаям, егулик келтиришдан нарига ўтмайди, — жавоб қилди Шоҳруҳ.

— Адашдингиз. Чунки ҳали олдинда интим таъминоти бор. Ахир уч минг долларни шунчаки бир марта қорин тўйғазиш учун бериб кетмаймиз-ку, тўғрими?! — деб Оксана хизматчи қизга қаради ва кўзи билан ишора қилди. Қиз ўта назокат, майинлик билан бош силкиб, “хўп” ишорасини қилди ва столни айланиб ўтиб, секин Шоҳруҳнинг елкасини силай бошлади.

* * *

— Шу гапларни эримдан эшитсам бўлмасмиди?.. Эшитардим, анча аввал бундан ҳам зўрларини эшитганман. Содиқ акам еру кўкка ишонмасди. У киши ўша пайтлари анча камбағал эди... Йўқ, мен адашган эканман. У мени эмас, дадамни еру кўкка ишонмаскан. Унинг пуллари учун ардоқларкан. Мана энди ҳаммаси ойдинлашди... Эҳ, Содиқ ака, бунчалик гўрсиз-а?! Озгина пул кўришингиз билан...

Хонзода кутилмаганда бирдан чўчиб тушди. У бир неча сония ичида ўзини ёлғиз ҳис этган, атрофида ҳеч ким йўқ деб ўйлаганча ўзига-ўзи гапирмоқда эди. Беихтиёр Нажимга кўзи тушиб, шундоғам ичкиликдан қизарган юзига баттар қизиллик югурди.

— Кечирасиз, — деди ноқулайликдан чиқиш учун, — одамнинг сал кайфи ошса нималар демайди?..

— Мен сизни жуда яхши тушуниб турибман. Ҳаммаси жойида, хавотир олманг. Қайтанга сизга қизиқиб қолдим, — деб тиржайди ҳайдовчи Нажим.

— Турайлик, — деб жилмайди Хонзода, — сиз билан ҳали жуда кўп учрашамиз.

Нажим аёлнинг ичида нимадир безовта қилаётганини сезиб турарди. Шу боисдан ортиқча мулозамат қилмади. Қолаверса, анча пул ёнида қоладиган бўлиб турибди. Бошқа пайт харажатини камроқ қилиб мақсадига етишни мўлжаллаб қўйди. Қолаверса, бир кўргандаёқ аёлларга ёпишиб қоладиган эркаклар тоифасига кирмасди у. Арқонни узун ташларди.

— Кўришингиз жудаям безовта. Майли, ўзингиз мўлжаллаган ишни бажариб кўнглингизни хотиржам қилинг. Айтганингиздай, ҳали қалинлашиб, дўст бўлиб қоламиз. Фақат, кўп сиқилаверманг. Келишдикми? — деди у.

— Хавотир олманг, ҳаммаси айтганингиздай бўлади.

Отасининг дарвозасини кўриши билан Хонзоданинг кўзи-

га ёш қалқиди. Ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийиб турди. Шу боисдан машина тўхташи билан эшикни очди.

— Телефон рақамингизни қолдирмадингиз-ку?! — деди Нажим.

Хонзода бир муддат гапиролмай қолди. Оғзидан биронта сўз чиқса, кўзидаги ёш оқиб кетишидан қўрқди. Чунки бу кўз ёшлар ҳали унга қўп керак. Отасининг ёнида шунчалик йиғласинки, падарининг ичи эзилиб кетсин. У чуқур-чуқур нафас олгач, телефон рақамини зўрға айтди. Сўнгра эшикни ёпди-ю, орқасига ҳам қарамай югуриб кетди.

Қайта-қайта чалинган кўнғироқларга ичкаридан жавоб бўлавермади. Аёлнинг жаҳли чиқди. “Нима бало, кўчиб кетганми булар?” дея гўлдиради. Дарвозанинг тугмачасини газаб билан янада қаттиқроқ боса бошлади. Шундан кейин орадан беш дақиқалар ўтиб:

— Ким? — деган ёш боланинг овози келди ичкаридан.

— Ирода, менман, амманг, — деди қизариб-бўзариб кетган Хонзода.

— Аммажон, ҳозир, — дея ичкаридаги қизалоқ амаллаб зулфакни тортиб, дарвозанинг кичик табақасини очди.

— Вой-бўй! — деди амма ичкарига кириб бақираркан, сал бўлмаса, беш яшар қизалоқнинг юрагини ёраёзиб. — Уйда сендан бўлак ҳеч ким йўқми?!

Қизалоқ довдираб қолди. У аммасига тикилганча бошини қимирлатди.

— Бир ўзингни ташлаб кетишдимми?

Хонзода кичкинагина жиянчасидан яна тасдиқ ишорасини олди.

— Шунақаям бўладими одам дегани, қани юр-чи! — деб Ироданинг қўлидан ушлаганча ҳовлига етаклади у.

Хонзода ошхонага кирди. Юмшоқ диванга ўзини ташлаб, бир муддат кўзларини юмиб ўтирди. Сўнг музлаткичдан муздеккина шарбат олиб ичди. Тани бироз яйради ва бояги жойига бориб ўтираркан, шу пайтгача унинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган Иродага юзланиб жилмайди:

— Кел, жоним, ўзимнинг ёнимга кел, булар сени ёлғиз ташлаб кетишибдимми, келишганидан кейин ўзим гаплашиб қўяман. Қаерга кетишди ўзи? — дея жиянининг сочини силади.

Қизалоқ аввал елкасини қисди. Сўнг аммасига қаради-да, узун киприкларини пирпиратиб:

— Уларнинг ҳаммаси шошиб кетишди. Кимдир телефон қилди. Ойимла трубкани олдила, кейин бирдан ранглари оқариб кетдила-да, бувижонни ёнларига югуриб бордила. Кейин... Кейин, — дея Ирода тутилиб қолди.

— Кейин, кейин нима бўлди? Ойинг бувижонингга нима деди? — сўради кўнгли қандайдир нохушликни сезган Хонзода сабрсизлик билан.

— Додамла касалхонага тушиб қоптила... Ҳаммалиги югуриб кетишди. Ман боролмадим. Ойимла эшикни ёпиб қўй, дедила, — бўлган воқеани соддалик билан гапириб берди қизалоқ.

— Додангла?! — деди капалаги учиб кетган Хонзода. — Нега касалхонага тушади?! Қайси касалхонага?

Бу саволларга жавоб беришга қизалоқ ожиз эди. Шу боисдан аммасига термилиб тураверди.

— Уфф, — дея ўрнидан туриб кетди Хонзода, — нима бўлаяпти ўзи? Нега бунча ҳамма бало бошимизга ёғилаяпти?!

У кўзидаги ёшни артаркан, сумкачасини очиб, телефонни олиб рақам терди. Лекин келини кўтармади. Тўғрироғи, унинг телефони ўчирилган эди. Ойисига кўнғироқ қилиб кўрди. Бўлмади. Укасининг телефони эса хизмат доирасидан ташқарида экан.

— Тавба, буларга нима бўлган ўзи? Биронтасиям ишла-тиб қўймайди матоҳини! — деб бақирди у ва телефонини отиб юборди-да, икки қўллаб сочларини ғижимлади. Боши айланди. Йиқилиб тушмаслик учун эҳтиёткорлик билан диванга ўтирди.

— Аммажон, дори опкелиб берайми? — деди бироздан кейин Ирода.

Кўзидан ёши селдай оқаётган Хонзода унга қаради. Меҳри жўшиб кетди. Қўлидан ушлаб ўзига тортиб қучоқлади.

— Ойимлани дориларини биламан қаердалигини, — деди бир муддат жимликдан кейин Ирода.

— Бора қол, унгача мен музлаткичдан сув олиб тураман.

Хонзодага дори таъсир қилмади. Сабаби, ичкилик ич-ганди. Ҳозир унинг кайфи тарқаётганди, шунинг учун ҳам боши оғриётган эди. Буни унинг ўзи ҳам яхши биларди.

Аммо кўзлари меҳрга тўла Ироданинг ёнида музлаткичдаги ароқдан бир стакан қуйиб ичишга уялди. Ҳа, мана шу кичкинагина қизалоқнинг боқиши унинг нафсини, хоҳишини жиловлай олди.

У ҳовлига чиқди. Ёз охирлагани боис, кун ҳар доимгидан бирмунча салқинроқ эди. Хонзода ўпкасини тўлдириб нафас олди. Лекин бу ҳам унга енгиллик беролмади. Тагин ошхонага кирди-да, Иродани ўйнагани ҳовлига чиқариб юборди. Ўзи эса, стаканни тўлдириб ароқ ичди. Шундан кейин бирдан бош оғриғи қолди.

Диванда ўтириб хаёл сурмоқчи бўлди, лекин уйқунинг зўридан ўтирган қўйи пинакка кетди.

Ошхонада бирдан пайдо бўлган шовқин Хонзодани мизғишга қўймади. У кўзини очиб, ойиси билан келини Дилафрўзни кўрди.

Ўпка-гинасини тўкиб солмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, ундан олдин ойиси гап бошлади:

— Сизларни ҳам фарзанд деб улғайтирувдик. Вақти келиб коримизга ярайди, деб ўйлагандик. Лекин тарбияни шунчалик ёмон берибмизки, қиз чиқариб, ўғил уйлантирадиган ёшга етсанглар ҳам, бошимиз ташвишдан чиқмаяпти, — деди у.

— Ойи, — деб ўрнидан туриб кетди Хонзода, — менинг келганимга...

— Икки соатдан ошиб кетди, шундайми?! — дея бирдан унинг гапини бўлди Ойсара опа.

Хонзода ойисининг тиниқ юзига, дона-дона гапларига ўрганиб қолганди. Яна Ойсара опа ҳар доим қошига ўсма қўйиб юрарди. Бу ҳам ҳамма учун кўникма эди. Хонзода волидасининг юзида ҳозир бутунлай бошқа нарсаларни кўрди: алам, ўкинч, қайғу, қарилик. Буларнинг бари жам бўлиб, Ойсара опани мункиллаган кампир ҳолига келтириб қўйганди.

— Қизим, дадангни кимлардир роса калтаклаб кетишибди. Юзига қараб бўлмайди. Сочлари бутунлай оқариб кетган. Тушуняпсанми? Дўхтирлар зўрға ўзига келтиришди.

— Нега, ойи? Ким калтаклайди дадажонимни? Милиса...

— Сенларни деб бўлди. Бир кун бўлсаям шу кунгача уйингда тинчлик бўлдими, қизим?!

Ойсара опанинг лаблари титраб кетди.

— Уйингга бориб, — деди бир муддат тўхталишдан кейин гапани давом этказаркан, — бирортангни ҳам тополмадим. Қўшнилариингнинг оғзида минг хил миш-миш. Шахло қани?!

Хонзоданинг боши эгилди. Кўзидан битта-битта ёш тома бошлади.

— Ойи, мен уни бошқаролмадим. Қаердаги ялангоёқни топиб...

— Ҳаммасига ўзинг айбдорсан. Сенинг кимлигингни яхши биламан-ку?! Эринг ким эди-ю, ҳозир ким бўлди? Эсингдан чиқдими?.. Ҳамма гапни эшитдим. Отанг сенларнинг касрингга қолган. Лекин буниси ҳали аниқмас. Агар аниқ бўлса, кечаман сендайин қиздан!..

Хонзода сумкачасини олди-да, худди маст одамдай тебраниб эшик тарафга кета бошлади.

— Дадангга қорангни кўрсатма! — деди Ойсара опа таҳдидли оҳангда.

Хонзода юришдан тўхтади. Секин ортига ўтирилди. Унинг кўз ёшга ювилган юзини кўриш она учун аянчли эди. Лекин Ойсара опа ўзини ушлади. “Қизим”, дея Хонзодани бағрига босишдан зўрға ўзини тийиб турди. Хонзода онасининг кўзлари тубидаги меҳрни кўролмади. Кўрганида ўзини ерга ташлаган, уввос солиб йиғлаган, шу билан овутишлар оғушига шўнғиган бўларди. Бироқ у бундай қилолмади. Ҳовли тарафга юрди.

— Ойи, — деди Дилафрўз ўзини тутиб туролмай, — ўзларини бир бало қилиб қўядилар.

Ойсара опа “қайтар” қабилида ишора қилди. Аммо шу лаҳзадаёқ ўзи диванга ўтириб қолди. Дилафрўз қайнонасининг ихтиёрсиз ўтирганини кўрмади. Шошганча Хонзоданинг орқасидан югурди. Дарвозахонада қувиб етди. Маҳкам кучоқлади.

— Опажон, ойижонимдан хафа бўлманг, аччиқ устида гапириб қўйдилар. Юринг, тўрдаги уйга киринг, бироз дам олинг. Жудаям чарчагансиз...

У гапани давом этказолмади. Ироданинг:

— Бувижо-о-о-н!!! — деган чинқириғи эшитилди. Унинг овозидан ҳар икки жувон ҳам сесканиб тушишди. Дилафрўз Хонзодани нутиб ошхонага югурди.

Остонадаёқ Ойсара опанинг оғзидан кўпиги келиб ётганини кўрди-ю, юраги орқага тортиб кетди.

— Ойи! — бақирди у ҳам худди қизидай.

Унинг ортидан Хонзоданинг қичқириви ҳам эшитилди.

Ойсара опа тезда ўзига келавермади. Иккала жувон ҳарчанд унинг юзига сув сепмасин, турткиламасин, кўзини очавермади. Чақирилган “Тез ёрдам”дан эса дарак йўқ. Аслида дўхтирларга қўнғироқ қилишганига кўп бўлмаганди, узоғи билан икки дақиқадан зиёдроқ. Аммо Дилафрўз ҳам, Хонзода ҳам “Нега бунча имиллашади?” дейишдан ўзларини тиёлмасдилар. Бу орада уйга Хонзоданинг кичик укаси Султонмурод ҳам келди. Ойисининг аҳволини кўриб унинг ҳам юраги ёрилаёзди...

Орадан йигирма дақиқача ўтиб, хусусий “Тез ёрдам” етиб келди. Қилинган уколдан кейингина Ойсара опанинг нафас олиши бироз мўътадиллашди.

— Эҳтиёт бўлиб машинага чиқаринглар, — деди оқ халатли шифокор, — инфаркт аломатлари бор.

— Шужам пешонамизда бормиди?! — дея ўкириб йиғлаб юборди Хонзода.

Лекин унинг чинқиривига биров эътибор бермади. Ҳамманинг диққати Ойсара опада эди.

Аёл орадан уч соат ўтгач ўзига келди. Шундан кейингина шифохонада Султонмуроддан бошқа ҳамма тарқади.

Ҳайҳотдай ҳовли Хонзодани ютиб юборай деди. “Кимга кераги бор бу уйнинг?” — дея ўзига-ўзи гапирди у юмшоқ ўриндиқли чет элдан келтирилган икки кишилик ҳалинчакда ўтирар экан. Шу пайт бирдан хаёлига ўғли Жаҳонгир келди. Ахир уни неча кундан бери кўрмайди. Бола ўзи билан ўзи овора. Қаерда, нима қилиб юрибди, Худо билади. Хонзода илк маротаба ўзидан ўзи хафа бўлиб кетди.

— Жаҳонгир! — дея овоз берди ўзи эшикни калит билан очгани эсидан чиқиб.

Жавоб бўлмади. Шунда унинг бирдан юраги гупиллаб уриб кетди. Охирги марта ўғлини қачон кўрганини хотирлаш учун хаёлини титкилай бошлади. Эслаёлмади.

— Худо уриб қўйибди-ку! — деб ҳалинчакдан сакраб тушди-да, югуриб уйга кирди. Ўғлининг хонасига кириб бирдан бўшашиб кетди.

Жаҳонгир каравотида пишиллаб ухлаб ётарди. Аммо хонанинг ўртасидаги стол устида иккита ароқ шишаси бўш турарди. Ёнидаги кулдон ичида ўнлаб сигарета қолдиқла-

ри... Хона одам нафас ололмайдиган даражада сасиб кетган эди. Хонзода кирган заҳоти аксириб юборди ва бирдан бурнини кафти билан бекитиб:

— Нима балолар қилиб ташладинг, Жаҳонгир?! — деди ва шоша-пиша деразаларни очиб юборди.

Ана ундан сўнг эндигина ўн бешга кирган боласининг қилган ишларини идрок этди. Жаҳли чиқди. Бориб ўғлини турткилади.

— Тур ўрнингдан, ярамас! — деб бақирди. — Нима балолар қилиб ташладинг?! Ҳали шу ёшингдан ароқ ичиб, сигарет чекадиган бўлдингми?! Компьютерхонага йўқ бўлиб кетаётганингга индамаётгандим. Энди...

Хонзоданинг қолган гаплари ичида қолди.

— Нималар деб валдираяпсиз, ойи? — деди Жаҳонгир уйқусираб.

Хонзода тарашадай қотиб қолди. Нафаси бўғилди. Ўғлига термилганча Жаҳонгирнинг гапларини такрорлади.

— Валдираяпсиз?! Ҳали валдирайдиган бўп қолдимми? Дадангдан эшитмаган гапларни сендан эшитаяпманми? Ё тавба! Вой ўлмасам! Қанақа бола дунёга келтирибман?!

У Жаҳонгирнинг сочини гижимлади ва уч-тўрт марта аямасдан тортди.

— Вой! Вой! — дея бақирганча ўрнидан сакраб турди ўғли.

Шундагина Хонзода унинг бўйи анча чўзилиб қолганини кўрди.

— Нима?! — бақирди Жаҳонгир. Унинг оғзидан бадбўй ҳид келар, қовоқлари шишиб, кўзи қизариб кетган эди. Қарашидан махлуқ кўрқарди.

* * *

Нозик, юмшоқ қўл Шоҳруҳнинг елкасини силаётганида, у Оксадан кўзини узмай қараб турди. Жилмайди.

— Қорин очлигида бундан ҳам гўзал қиз бошқа ишларни қилган тақдирда ҳам, одам қочиб кетади, — деди.

Унинг гапига Оксана ҳам кулди ҳамда хизматчи қизга ишора қилди.

— Биласизми? — деди у кетганидан кейин Шоҳруҳ рўпарасидаги банкирнинг қизига. — Ўзимни жудаям ноқулай ҳис этаяпман. Ижозат берсангиз, егуликларни олиб келишгунча чўмилиб чиқсам. Ювинмагандан кейин одам оғир бўлиб қоларкан.

— Ихтиёрингиз, — деди Оксана ва сумкачасидан сигарета қутисини олиб стол устига қўйди.

Чўмилиб чиққан Шоҳруҳ артиниш, кийиниш баҳонасида, оромхоналарнинг ҳаммасини бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Чунки бунақанги жойга таклиф қилиш баҳонасида, Роман Фёдорович бошқа нарсаларни ҳам режалаштирган бўлиши мумкин эди. Албатта, бу сафар қизи орқали.

Шубҳали ҳеч нима кўрмаганидан кейин Шоҳруҳ жойига қайтиб келиб ўтирди. Бу пайтда столнинг усти турли егуликлару, Франциядан келтирилган коньяклар билан бир қаторда, Россиянинг энг тоза ароғи билан тўлдирилганди.

— Чўмилишдан кейин иштаҳа очилишини яхши биламан. Ўзим ҳам сувнинг тагига тушгим келаяпти-ю, лекин эринчоқлигим панд бераяпти, — деди Оксана Шоҳруҳ ўтирганидан кейин жилмайиб боқаркан.

— Аслида шундоғам иштаҳам очиқ эди. Тўғриси, нима бўлса еб ташлашим ҳеч гап эмасди. Лекин ўзимни қандайдир оғир ҳис қилдим, — дея Шоҳруҳ чиройли қилиб тарелкага кесиб қўйилган помидор бўлагини оғзига солдида, ҳузур қилиб чайнай бошлади.

Оксана эса қадаҳларга ароқ тўлатди.

— Қани, — деди ўзининг улушини қўлига олиб, — танишганимиз учун битта-битта олайлик.

Шоҳруҳ эътироз билдирмади.

— Сиз учун, — деб қадаҳини Оксананикига тўқиштирди-да, бир кўтаришда ичиб юборди. Сўнг ўзгача иштаҳа билан, қовурилган жўжа, колбаса, хуллас калом, дастурхон устидаги бор егуликларни бирма-бир оғзига тика бошлади.

Унинг тановулига Оксананинг ҳаваси келди. У зўр иштиёқ билан йигитнинг овқатланишини томоша қилиб ўтирди.

Агар ора-чора Шоҳруҳнинг қизга қараб қўйганини ҳисобга олмаганда, деярли беш дақиқача бош кўтармади.

— Ҳай-ҳай, — деди қиз мийиғида кулиб, — бу аҳволда столни ҳам еб қўясиз, яна эллик грамм ичиб юборинг. Кейин очофатликни давом этказасиз.

Шоҳруҳга унинг гапи хуш ёқди. Шу боисдан маза қилиб кулди. Сўнгра қадаҳини Оксана томон узатди.

Иккинчи қадаҳ унинг бошини анча қизитди. Роман

Фёдоровичдан аччиқланган эди. Бир муддат бу нарса эси-дан чиқди.

— Хизматчи қиз мендан мафтункорми? — сўраб қолди Оксана санчқи билан қўл артадиган қоғозчани эринмасдан бирма-бир тешар экан.

— Сизнинг тенгингиз йўқ. Қизиқ, нега мени бу ерга олиб келдингиз? Бошқа холироқ жойга борсак, бемалолроқ гаплашиб ўтирармидик?..

— Шу ер ҳам холи. Истасак, биров халақит бермайди. Мен дадамнинг қарзини узишим керак.

— Дадангиз кимдандир қарздорми?

— Ҳа. Сиздан. Мени қутқариб қолганингиз учун. Иккинчиси, шубҳаланиб...

— Унинг ўрнига мен бўлганимда ҳам шундай қилардим. Сизни қутқарганимга келсак... Сабаби оддий: дўстлашмоқ-чийдим. Албатта, сизнинг борлигингизни билмаганим боис, дадангиз билан...

— Демак, манфаат юзасидан.

— Фақат пул масаласида эмас.

— Суриштира, охири шунга бориб тақалади.

— Балки.

— Мен жуда ёмон кўраман, — деб Оксана ўзининг қадаҳини ароққа тўлдирди.

— Ана, кайфингиз ошиб қолганга ўхшайди. Бошқа ич-масангиз яхши бўлармиди, — деди унга термилиб ўтирган Шоҳруҳ.

— Нималар деяпсиз? Айрим гапларингиз худди дадам-никига ўхшаб кетаяпти. Назаримда, бир хил одамсизлар. Пул, мол-давлат, қават-қават иморатлар, шахсий самолёт... Лекин, лекин... — Оксана қадаҳини бўшатди. Сўнг лабини кафти билан артиб, стол устида турган тамаки қутисидан бир дона сигарета олиб, лабига қистириб тутатди. Тутунни шунақанги мириқиб ичига ютдики, қўзлари юмилиб кетди. Унинг қилиғидан Шоҳруҳнинг ғаши келди. Бироқ ҳеч нима демади. Бир бўлак колбасани ликопча устига қўйиб, майдалай бошлади.

— Лекин, — дея гапида давом этди Оксана, — сизларни деб кўп одам ўлиб кетади. Шунисини сираям ўйламайсизлар. Сизларнинг тоифангиздаги одамлар ҳаддан зиёд ўзларини яхши кўришади. Шунинг учун ҳам бирорта аёлнинг

ёнига яқинлашишмайди. Яқинлашган тақдирларида ҳам, сохталик билан яна ўз манфаатни ўйлаб яқинлашади. Мана, дадам. Ойимнинг ўлганларига олти йилдан ошди. Лекин бирорта бошқа аёл билан яқин муносабатда бўлмади. Агар яқинлашса, мол-мулкининг бир қисми кимгадир ўтиб қолиши мумкин. Ана шундан қўрқади. Ҳатто... Йўқ, айтмайман! Сизнинг ҳам дадамдан мутлақо фарқингиз йўқ!

У кутилмаганда бақриб юборди. Жаҳл билан столни муштлади. Аламидан сигаретасини кулдонга эзгилади.

Шоҳруҳ ўрнидан турди. Столни айланиб ўтиб, Оксанининг қўлини ушлади. Бироқ қиз қўлини бирдан тортиб олди. Шоҳруҳнинг ҳам ўжарлиги тутиб, қизнинг елкасидан тутиб, ўрнидан тургазиб маҳкам қучоқлади. Оксана аввалига унинг қучоғидан чиқиш учун бир-икки марта типирчилади. Кейин бирдан бўшашди ва ўзи йигитнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб йиғлаб юборди.

— Ҳаммаси изига тушади. Мен мутлақо дадангизга ўхшайман, — деди уни юпатиш учун Шоҳруҳ.

— Гапирманг. Жим. Ўтиб кетади дарров.

Шу маҳал хизматчи қиз кириб келди. Қўлида патнис, унинг устида буғи чиқиб турган тустовуқ димламаси.

У бир-бирини қучоқлаб турган йигит билан қизга эътибор ҳам бермади. Шошилмасдан лаганни столнинг ўртасига қўйди-да, ачомлашаётганларнинг ёнида туриб қолди. Нигоҳи қизнинг кўзидаги ёшга тушди. Сездики, ўзининг ёрдами керак. У Оксананинг елкасини нозик қўллари билан силай бошлади. Оксана беихтиёр кўзини юмди. Шунда хизматчи қиз унинг орқа томонидан жуда яқин келиб, бўйнидан, қулоқларидан бир-бир бўса ола бошлади. Унинг лаблари Оксананинг вужудига гоҳ жудаям нозик тегса, гоҳ унинг нафас олиб-чиқаргани қулоғига чалинарди. Оксана бутунлай эриб кетди. У хаёлан лаззат домига чўмиб кетганидан аста-секинлик билан Шоҳруҳнинг томоғидан ўпа бошлади.

Манзарадан Шоҳруҳ даҳшатга тушди. Бундай кўринишу хатти-ҳаракат ҳар қандай эркак зотининг ақлини оларди. Бироқ шу дамда хаёлига Юлдуз келди. Унинг майин боқишлари, гўзал жилмайиши кўз олдидан ўтди. Кейин ўзи севган қизнинг Бек билан ёнма-ён ўтирганини ҳам эслади. “Ҳозир у ҳам худди шундай, бошқа бир эркакнинг қучо-

гида бўлса-чи”, деган ўй ўтди хаёлидан. Изидан: “Бунақанги майнавозчиликни йиғиштиришим керак. Эртароқ кетмасам бўлмайди”, дея ўйлади. Бу пайтда Оксананинг эҳтироси жунбушга келганди. Ҳозир уни ҳеч нарса қайтаролмасди. Қачонки қоникса (у ўзининг Петкаси билан бир неча марта бунақанги висол онларини ўтказганди бошидан. Ҳозир ҳам қўмсаётганди. Қўмсаганда ҳам унча-мунча-мас...), шундагина хаёли жойига тушарди. Ва албатта, бунга ичкиликнинг ҳам ҳиссаси қўшилганди. Унинг ҳолатини хизматчи қиз жуда яхши англаб турарди. Ахир улар айни шу ишни амалга ошириш учун дугоналари билан озмунча шуғулланишганми?

— Ётоққа боришимиз керак, — деди хизматчи қиз.

Унинг бу гапи Оксананинг қулоғига йигитнинг оғзидан чиққандай туйилди. У баттар Шоҳруҳга ёпишди...

Шоҳруҳнинг томоғидан ҳеч нарса ўтмай қолди. Нуқул ароқ ичди. Ҳаттоки Оксананинг сигаретасидан бир дона олиб тутатди. Тўғри, тутунни ичига ютмади. Шунчаки оғизга олиб, кейин пуфлаб турди. Шу туфайли ҳам қизга кулги бўлди.

— Кўриб турибман, — деди Оксана, — сенга ёқмадим. Эҳтимол, сен жудаям бошқачасини кўргандирсан. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, асабларим озгина жойига тушди. Шунинг учун ҳам сенга раҳмат.

— Менинг яхши кўрадиган қизим бор, — деди унга бир қараб қўйган Шоҳруҳ.

— Нима қипти? Менинг ҳам йигитим бор. Сен билан менинг алоқамга муҳаббатнинг мутлақо дахли йўқ. Бир нарсани сендан илтимос қилсам майлими?

Шоҳруҳ жавоб қилмади. Бунинг ўрнига қадаҳини навбатдаги марта тўлдирди.

— Бўлди, — деди бу сафар Оксана унинг қадаҳини олиб қўйиб, — сен ҳам бизнинг алкашларга ўхшама... Дадам билан қалин бўлиб олишинга ўзим ёрдам бераман. Аммо бу қалинлик севган қизингнинг ўлимига сабабчи бўлмасин.

Шоҳруҳ ҳеч нимани тушунмади.

— Севган қизимнинг бунга нима алоқаси бор? — сўради у ҳайрон бўлиб.

— Ойимнинг, менинг ҳам алоқамиз йўқ эди... Бўпти, майдалашмайлик. Нима қилдик энди?

— Роман Фёдоровичнинг ёнига борамиз. У билан гаплашиб олишим керак, — деб Шоҳруҳ сигаретани симираётиб озгина тутун ютиб юборди. Шунақанги қаттиқ йўтал тутдики, аксираверганидан кўзларидан ёш чиқиб кетди.

Худди шу пайт Оксананинг қўл телефони жиринглаб қолди. Қиз эринибгина кийим илгичда осилиб турган сумкачасини ковлаб, “сотка”сини олди.

— Дадам, — деди беихтиёр ва кўк тугмачани босиб телефонни қулоғига тутди-да, ўта эринчоқлик билан, — Алло! — дея Шоҳруҳга қараб қўйди.

— Оксан, — деди Роман Фёдорович ваҳимали овозда, — қаердасан?!

— Дада! — бақирди жаҳли чиққан қиз. — Ўз ҳолимга кўясанми-йўқми?

— Қизим, ҳозиргина менинг мошинам портлаб кетди. Сендан хавотирдаман, — деди Роман Фёдорович шошиб.

— Нима?! Нега портлайди? Ким портлатади?! Ўзингга ҳеч нарса қилмадими ишқилиб?! — дея ўрнидан туриб кетди қиз.

— Мен соппа-соғман. Мабодо беҳавотир жойда бўлсанг, кимирлама. Йигитларни жўнатаман. Ўзлари олиб келишди. Шаҳар ташқарисидаги дала ҳовлимизда кутаман.

— Дада, ўзим бораман. Сен бемалол кетавер, — деб Оксана телефонни ўчирди.

Шоҳруҳ унга термилиб турарди. Оксана гаплашиб бўлиши билан:

— Қанақанги портлаш? — дея сўради.

— Билмадим. Нафақат мени, дадамни ҳам ўлдиришга чоғланишган кўринади, — деди Оксана.

Шоҳруҳ чўнтагидан телефонини олиб ёқди. Бирдан тинимсиз SMSлар кела бошлади. “Шоҳруҳ ака, қаерларда юрибсиз?” деган хабарнинг ўзидан учта экан. Бундан ташқари, “Кимлардир бизга ҳужум қилишди”, “Тезроқ етиб келинг”, “Қанақанги одамсиз ўзи?”, “Тирикмисиз?” ва ҳоказо шу каби кесатиқ ва совуқдан-совуқ хабарлар ҳам бор эди. Шоҳруҳ уларни шоша-пиша ўқиб чиққанидан кейин рақам терди-да, гўшакни олган йигитдан:

— Қаердасан? — дея сўради.

— Сизлар кирган ресторан тўғрисида, йўлнинг бериги томонидаман, — жавоб қилди йигит.

— Эшикнинг ёнига келиб тур, ҳозир чиқамиз, — деди Шоҳруҳ.

Бунақа бўлишини Оксана мутлақо кутмаган эди. Шоҳруҳнинг одамлари у билан изма-из юриши унинг хаёлига ҳам келмаганди. Ичида Шоҳруҳни ўзича қамаб қўйган отасининг устидан кулди.

Дала ҳовли шаҳардан ўн беш чақиримча узоқликда, дарёнинг қирғоғида жойлашганди. Албатта, замонавий услубда қурилган, атрофини ям-яшил футбол майдонининг майсалари ўраб турарди. Девори эса қизил пишиқ гиштдан эди. Шоҳруҳ деворга назар ташлар экан: “Бу хитойларникидан қолишмайдиган деворга қанча маблағ сарфланган экан?” — дея хаёлидан ўтказиб қўйди.

Уларни Роман Фёдоровичнинг шахсан ўзи кутиб олди. Ранги озроқ синиққан, қарашлари ғазабнок эди.

— Оксанани кўнг-лингдагидай ўлдиролмаганингдан менга ўтдингми? — сўради у Шоҳруҳ яқинлашиши билан.

Оксана юришдан тўхтаб, дадасига термилди. Лаблари титради.

— Дада, нималар деяпсан? У мутлақо сен ўйлаган одам эмас. Агар ёмонлик қилмоқчи бўлганида, сендан сўрамаган, аллақачон ишини битирган, сен билан мени қора ерга тиқиб, ўзи кайфу сафо қилиб юрган бўларди! — деди.

— Сен айтганча ҳам бўла қолсин. Унда нега бу хизмати эвазига сариқ чақаям олмади? Хўш, нега? Оксана, кўп нарсаларга ҳали ақлинг етмайди. Ўзимиз бу ёғини гаплашиб оламиз, шундайми, йигитча? — дея Роман Фёдорович ўткир нигоҳини Шоҳруҳга қадади.

— Албатта. Лекин сизга бир нарсани айтиб қўяй. Менинг сизга хусуматим йўқ, — деди унга жавобан Шоҳруҳ.

— Демак, гап бошқа нарсада. Сен Оксанани севиб қолгансан. Унга етишиш, яъни кўнглини олиш учун майна-возчилик қилаяпсан!

— Дада, яна хато ўйладинг. У эмас, мен унга аллақачон етишдим. Шунинг учун у билан бирга ишлашингни таклиф қиламан. У мени севмайди. Ўзининг севгани бор. Шу пайтгача бирор марта бўлсин, менинг айтганимни қилмадинг. Ҳеч бўлмаганда, битмас-туганмас бойликларингнинг ягона меросхўри айтган биттагина илтимосни бажар. Шоҳруҳ билан жиддий гаплашиб кўр.

Роман Фёдорович қизини таниёлмай қолди. Ахир унинг йигити бор эди. Яқин ойлар ичида тўйи бўлиши керак эди. Нимага бирдан ўзгариб қолди? Ёшликда ҳар қанақанги адашиш бўлиши мумкин. Ишқий мавзуда ҳам. Буни Роман Фёдорович яхши тушунади. Ўзи ҳам уйлангунича, агар хотираси панд бермаса, беш-олтита қизга “сабоқ” берган. Ҳатто хотини борлигида ҳам иккита “мушукча”си бор эди. Лекин уларнинг ҳеч бири нигоҳидагисига алоқаси бўлмаган. Оксана бир марталик ишқий саргузаштни деб, нефть гегемонининг ўғлидан воз кечмаслиги керак эди.

— Яхши, — деди банкир қизига ён босиб, — биз гаплашиб оламиз. Сен бориб, дамингни олиб тур.

Қиз Шоҳруҳга бир нигоҳ ташлаб кўйганидан кейин узоқлашди.

“Қойил, — ўйлади Шоҳруҳ, — қизи беш-бегона йигит билан бўлиб келаётганини очикдан-очик айтиб турса-ю, ота гинг демаса!.. Бунақанги қизларни отиб ташласа ҳам, отанинг ҳақи кетади-ку!”

— Қани, йигитча, менинг хонамга борайлик-чи, қизимнинг гапини ерда қолдиришни истамайман. Шу боис, икки соатлардан сўнг нима бўлишидан қатъи назар, орани очик қилайлик, — деб Роман Фёдорович Шоҳруҳни юз қадамча наридаги муҳташам иморатга бошлади.

Роман Фёдорович ўзининг кутубхонасига кирди. Хонанинг тўрт томони китоб кўйишга мўлжалланган шкафлардан иборат эди. Жавонларнинг ҳаммаси турли-туман китоблар билан лик тўла эди. Шоҳруҳнинг оғзи очилиб қолди. Зеро, у банкирнинг китоб ўқишини тасаввур ҳам қилолмасди.

— Мақсадга кўчайлик, — деди Роман Фёдорович ҳали-ҳамон китоблардан кўзини узолмай турган Шоҳруҳдан.

— Шуларнинг ҳаммасини ўқиб чиққанмисиз? — сўради Шоҳруҳ.

— Йўқ. Айримларини. Фақат иқтисодга тааллуқли бўлганларини. Қолганларини шунчаки этика учун олиб келганман.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Бу китоблар орасида сиз қотилликка кўл уролмайсиз.

— Нега?

— Уяласиз.

Роман Фёдорович баттар жиддийлашди.

— Дала ҳовлидан чиқишинг билан ўрмон. Исталган жойга олиб бориб, ўлдириб юборишим мумкин.

— Тўғри. Лекин сиз бундай қилолмайсиз. Айниқса, китоблар орасидан чиққанингиздан кейин. Мақсадга кўчайликми? Марҳамат. Мен анчадан бери бозордан жой олиш учун ҳаракат қилиб юрибман, — деб Шоҳруҳ жавондан семиз китобни олди-да, секин варақлай бошлади.

— Майда ишларга мутлақо аралашмайман, — деди банкир унга хўмрайганча.

— Биладан. Лекин менинг ишим сиз ўйлаганчалик майда эмас. Яъни айтмоқчиманки, бозорга истаган жойимдан, истаган миқдорда мол олиб келиб сотишни хоҳлайман. Яъни қишлоқ хўжалик молларини.

— Аниқроқ гапир.

— Менга жуда катта тўсиқ қўйилаяптими, демак, қилмоқчи бўлган ишим ҳам кичкина эмас...

— Помидор, бодринг ва ҳоказолар шунчаки кўргазма. Аслида тагида бошқа нарса ётибди. Унақа ишлар билан шуғулланаётганларни яхши биладан.

— Сизга биронтасининг иши тушганмиди? — дея Шоҳруҳ банкирга синовчан тикилди.

— Ҳа, бўлган.

— Ёрдам берганмидингиз?

— Аввалига рози бўлиб, кейин кўнмаганман.

— Энди тирик қолишни истаяпсизми? Агар айтганлари бўлмаса, улар ўзларини ниҳоятда камситилган ҳисоблашди. Сизнинг олдингизда иккита йўл турибди. Биттаси, уларнинг айтганларини қилиб берасиз, иккинчиси, қизингиз билан бирга нариги дунёга равона бўласиз.

— Нималар деяпсан? Уларнинг бирорта ҳам ҳужжати тўғри эмас. Пулларни хорижга чиқариб юборсам, эрта бир кун ҳукумат барибир қўймайди. Бошқача айтганда, бу ҳам ўлим билан тенг. Учинчи йўлни айт.

— Чиновниклар билан яқиндан таништириб қўясиз. Қиладиган ишингиз шу, холос. Мақсадим шу.

— Эвазига сен мени доимий равишда қўриқлайсан.

— Мен бунақа демадим. Мен ишимни битирдим. Қизингиз тирик. Сизга ҳам жин ургани йўқ. Иккала портлашнинг ҳам зиёни тегмади. Менинг олдимда қарздорсиз.

— Улар билан сенинг олди-бердинг борми? — сўради бир нуқтага термилиб қолган Роман Фёдорович.

— Йўқ. Тасодиф туфайли маълумот кўлимга тушиб қолди. Ва бундан усталик билан фойдаланиб қолишни режалаштирдим... Демак, чиновниклар билан танишамизми? Фақат самимий. Уларга таништираётганингизда, яқин дўстингиз эканлигимни айтишни унутмаган ҳолда, муомалани ҳам классик даражага чиқаришингиз керак, — деб Шоҳруҳ чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб Роман Фёдоровичга узатди, — ҳар эҳтимолга қарши телефон рақамимни ёзиб қўйган эдим. Агар таклифим маъқул келса, кўнғироқ қиларсиз. Энди эса, вақтим тугади. Яхши қолинг.

Шоҳруҳ эшик тарафга юрди. Роман Фёдорович унинг ортидан гарангсиган ҳолда термилиб қолди.

Ҳовлига чиққан йигит чуқур нафас олди. Ўпкаси тоза ҳаво билан тўлиб, унга ўзгача роҳат бахш этди. “Ҳурматли банкир, энди кўлимдан ҳеч қасққа қочиб қутулолмайсан”, дея хаёлидан ўтказди ва бир текисдаги кўм-кўк майсаларни босиб, эртақлардаги каби антиқа қилиб қурилган, қизғиш рангли уйдан узоқлаша бошлади. Ҳозир ташқарига чиқади, машинага ўтиради, кейин Юлдузга кўнғироқ қилиб... Шоҳруҳнинг юзи бирдан жиддийлашди. Унинг хаёлига Юлдуз жўнатган SMS келган эди. “Хужум”, дея ўзига-ўзи гапирди ва қадамини секинлатди. “Ким бўлиши мумкин? Наҳотки бизнинг қаерга жойлашганимиздан хабар топишган бўлса... Бир марта безовта қилишдими, демак, бу нарса яна такрорланади. Тўхта, бирдан ҳамма ёқнинг алғов-далғовини чиқарган бўлишса-чи?.. Шошилишим керак. Шунча хабарларни ўқиб, яна Оксана билан бирга келдим-а! Зарурмиди шу менга? Бошқа пайт келсам ҳам бўларди-ку молпараст банкирнинг ёнига...” — дея ўйлаётган Шоҳруҳнинг яна ўз-ўзидан қадами тезлашди. У шунчалик тез қадам босардики, ортидан югурмасдан унга етишнинг иложи йўқ эди. Оксана бошини ҳам қилганча анча нарида кетаётган Шоҳруҳни кўриб, аввалига ҳайрон бўлиб ойнадан қараб турди. Йигитнинг аҳволи иши битмаганидан дарак берарди. “Дада, шунчаликка ҳам борасанми? Ҳаммасини сенга тушунтирдим-ку, ҳеч бўлмаганда, одамгарчилик қил эди. Ишини битирмасанг ҳам, кўнглини овлагин эди. Бечора...” — дея хаёлидан ўтказиб хонасидан

югуриб чиқди. Шоҳруҳнинг исмини айтиб чақириб, уни тўхтатса ҳам бўларди. Аммо у бундай қилмади. Етиб олиб қўлидан ушлаганча тўхтатмоқчи бўлди. Шундай қилса, ҳар ҳолда романтик ҳолат бўларди. Шоҳруҳ ишдан ҳам кўра бошқа нарсани ўйларди. Жуда қисқа муддатга бўлса ҳам, хаёли чалғирди. Шуниси ҳам Оксанага кифоя. Ахир одамзод қачонгача фақат ўз манфаатини ўйлаб яшайди? Аслида, у ўйлаган режа ҳам манфаатнинг бир турига кирарди. Бироқ сал бошқачароқ, яъни унда самимийлик унсурлари бор эди.

Йигитнинг одими тезлашгач, Оксана югурди.

— Ҳой йигит, — деди у Шоҳруҳнинг олдидан чиқар экан, — хайрлашмасдан қочиб қолмоқчимисиз? Нақадар одобсизлик. Ҳатто кечириб ҳам бўлмайди. Ахир биз шунчаки таниш эмасмиз-ку?!

Оксана унга мафтункор жилмайди. У қандай қилса, йигитлар кетганларидан кейин ҳам уни эслаб юришларини яхши билар эди. Боқишлар, сўзлар, қадди-қоматнинг кўриниши — буларнинг бари эҳтиросга айланган бўлиши керак. Шунда сенга керакли бўлган одам ёнингдан кетганидан кейин ҳам сени хотирлайди. Ва ажойиб бир кунда, (балки соатда) ёнингга қушдай учиб келади. Бироқ айна дақиқада Шоҳруҳ уни кўрмаётгандай эди. Хаёли шунчалик банд эдики, ўйлашга халақит бераётган қизни ёмон кўриб кетди.

— Кетишим керак, — деди у Оксанага жиддий боқиб, — тезроқ.

— Келасанми?

— Билмадим.

Шоҳруҳ бошқа ҳеч нима демади. Югуриб кетди. Дарвоза ёнида унинг йўлини кўриқчи йигитлар тўсишди.

— Кетишингга ҳеч ким рухсат бергани йўқ, — деди улардан бири.

— Қолишимга ҳам.

Шу пайт орқадан Оксананинг аламли, ғазабга лиммолим овози эшитилди.

— Кўйворинглар, йўқолсин!

Унинг гапи Шоҳруҳнинг миясига яшиндай урилди. Бехтиёр ўгирилиб қизга қаради. Гарчи икковининг орасидаги масофа анчагина бўлса-да, йигит қизнинг қай аҳволда

турганлигини ич-ичидан сезарди. “Севиб қолган бўлса-я?.. Гарчи орамизда ҳамма иш бўлган бўлса ҳам, азбаройи қарзини узиш учун қилди, деб ўйлагандим. Эсиз, отаси билан эндигина чиқишганимда... Бундай майда-чўйдалар одамнинг оёғидан чалади. Асло чалинмаслигим керак. Бир дақиқа ҳам. Айниқса, Юлдуз мени интизорлик билан кутаётганида. Яхшиямки, Оксана билан иккаламининг орамизда бўлган воқеадан хабари йўқ. Билиб қолса, икки дунёда ҳам мени кечирмайди... Атайлаб қилмадим-ку, шунақа бўлиб қолди. Менга қолса, умуман яқинига йўламаган бўлардим”, қабилида ўй сурган Шоҳруҳ бир қанча муддат туриб қолди. Кейин уйқудан уйғонди гўё. Кўзларини катта-катта очиб, рўпарасида турган сўхтаси совуқ йигитларга қаради, сўнг уларнинг ёнидан ўтиб кетди.

Бу ердан қўналғасигача масофа олис эди. Аввал шаҳарга борилар, ундан сўнг яна икки соатча юриларди. Шоҳруҳнинг ичи ёнаётганди. Машинада зўрға ўтирди. Агар шу тобда қаноти бўлганидами, учарди. Тўхтамасдан, нафаси бўғзига тиқилиб қолса ҳам, қанот қоқиб кетаверарди...

Чанг-тўзон кўтарган машина бирдан тормоз берди. У эшикни очиши билан ўзини ерга отди ва югурди. Унинг келганини кўргач, бир нарса демоқчи бўлгандай атрофида юрган йигитлари тилларини тишлаб қолаверишди. Чунки Шоҳруҳ уларга қараб ҳам қўймади. Қарсиллатиб эшикни очди-ю, шу заҳоти ўзини ичкарига урди. Йўлак, йўлакдан бироз юрилгач, Юлдузнинг хонаси... Яна бир марта эшик ғийқиллаб очилиб, шу тарзда ёпилди. Ва Шоҳруҳ Юлдузнинг каравоти ёнида Бекни кўрди. Пешонасидаги тер муз бўлиб ёпишди. Ичидан бир нима чирт этиб узилгандай бўлди. Қўйлақларини бирма-бир ечиб ташлаётганида Оксананинг: “Қизим бор, деб бошқа айтма. Менинг ҳам йигитим бор. Лекин бу нарса сен билан яқинлик қилишимга халақит беролмайди”, деган гапини эслади. “Наҳотки Юлдуз ҳам шундай ўйласа, муҳаббати бўла туриб, қисқа муддатли лаззатдан ўзини тиймаса?!” — деб ўйлади.

Бек Шоҳруҳни кўриши билан ўрнидан сапчиб турди. Худди айб устида қўлга тушган одамдай. Ахир у эндигина юрак ютиб Юлдузнинг қўлини ушлаганди. Олдига неча марта кириб чиқди. Ҳар кирганида шириндан-ширин сўзларни айтди. Қизнинг кайфиятини кўтариш учун латифалар

тўқиб-бичди. Ўзини яхши кўрсатишга уринди. Бироқ, шифтдан кўзини узмай ётган қизнинг юзида зиғирчалик ўзгариш бўлмади. Унинг бутун ўй-хаёли бир-биридан чалкаш ишлар ва Шоҳруҳнинг ақлга сиғмайдиган тентакликлари билан банд эди. У бу чигалликлардан чиқиб кетишни ўйларди. Илгарилари, ҳали Шоҳруҳни учратмасидан бурун осонлик билан ҳамма муаммони ҳал қиларди. Дарров қўнгли хотиржам тортарди. Энди иккиланиб қолди. Тўғрироғи: “Шоҳруҳ нима деркин?” деган ўй бир қарорга келишига халақит берадиган бўлди. Бунинг учун ҳатто Шоҳруҳга жуда эрта, (балки умуман) юрагини топширганидан афсусланди ҳам. У ўйлардан чарчаб, Бекнинг сўнги латифасини эшитди. У ҳақиқатан ҳам кулгили эди. Сал илгарироқ бўлганида, эҳтимол, хандон отиб кулган ҳам бўларди. Лекин ҳозир жилмайиш билангина чекланди ҳамда йигитнинг мардлик қилишига имконият яратиб берди. “Бўлди, — ўйлади Бек, — энди қўлини ушлаб, сиқиб қўяман... Йўқ, қўйиб юбормайман. Тортиб олмоқчи бўлса, маҳкамроқ ушлайман. Агар менга қизиқиши бўлса, индамайди... Мабодо жаҳли чиқадиган бўлса, бошқа нарса ўйлаб топаман”, дея хаёлидан ўтказди у ҳамда иккиланиш билан аввал Юлдузнинг оппоқ, узун бармоқлари устига қўлини қўйди. Эти жимирлаб кетди. Нафас олиши тезлашди. Сўнг секин нозик бармоқларни кафтлари орасига олди. Бахтига, Юлдуз қўлини тортиб олиш учун умуман ҳаракат қилмади. Худди Бекнинг қилиғи ёққандай, қўлини унинг ихтиёрига топшириб қўйди. Ва ана шу пайтда ердан чиқдимиди, осмондан тушдимиди, Шоҳруҳ пайдо бўлди. Унинг важоҳати шунақанги қўрқинчли эдики, агар дев кўриб қолса, олдиорқасига қарамай қочарди.

* * *

Хонзода бир муддат ўғлини таниёлмай, унга термилганча қотиб қолди. Бўйни бўш, нимани айтсанг, қилиб кетаверадиган, мактабнинг энг аълочи ўқувчиси, ота-онасининг умиди ҳозир жирканч бир қиёфада турарди.

— Жаҳон... Жаҳонгир болам, сенга нима бўлди? — деди Хонзода ютиниб.

— Ойи! — деди онасига еб қўйгудек тикилган Жаҳонгир. — Менга ҳақиқатни айтинг... Мен... Мен ҳаромзодаманми?!

— А-а! Нима дединг?! — дея бақириб юборди Хонзода кўзи косасидан чиқиб кетгудек бўлиб.

— Такрорлайман, мени кўчадан орттириб келганмисиз?

— Жаҳонгир, сенга нима бўлаяпти ўзи? Босинқирадингни? Ёки тушингда бирон ёмонроқ...

— Ойи! — бақирди ўғил. — Айлантирмасдан гапимга жавоб беринг!

— Сен... — деди титраб кетган Хонзода, — сен...

Унинг тили негадир танглайига ёпишиб қолган, шу битта сўздан бошқасини айтишга қурби етмаётган эди. Шунингдек, унинг ранги борган сари докадек оқараётганди. Бир неча сониядан кейин оёқ-қўли бўшашиб ўтириб қолди. Сўнг йиқилди. Ўғли эса бу воқеага одатий ҳолдай, шунчаки қараб турди. Хонзоданинг кўзи юмилганидан кейин эса:

— Ҳар доим шунақа, битта гапни айтсанг, ўзидан кетиб қолади. Кошки мен шунга ишонсам... Мамаша, — деди у Хонзодага иржайиб қараркан, — денги... денги керак менга. Беворинг, кейин ҳушингиздан кетиб ётаверасиз...

Хонзодадан жавоб бўлмади. У ҳатто қимирлаб ҳам қўймади.

— Уфф, — деб Жаҳонгир сочиниғимлади, — бошим оғриб кетаяпти. Эллик грамм ичмасам ўлиб қоламан.

У секин онасининг устидан ҳатлаб ўтди-да, унинг полда бир тарафга қийшайиб ётган сумкачасини ковлди.

— Во-о! — деди бир сиқим пулни оларкан, Хонзодага назар ташлаб қўйиб. — Ўзимнинг бойвачча мамашкам борда. Любой время пули бўлади. Яна унча-мунча пул билан юрмайди.

У ташқарига чиқиб кетди. Тўзғиган сочлар, ювиқсиз башара-ю, кир қўл билан. Бунинг устига, кийимлариғимлади эди. Кўрган одамнинг гашини келтирарди. Биров уни соғ деб ўйламас, ҳойнаҳой, ахлат титувчилар қавмидан бўлса керак, деган хаёлга борарди. Фақат қўшнилари уни орқасидан бўлса ҳам танишади... Бундан улар учун янги шакл ва мазмундаги ғийбат тайёр.

Хонзода ярим соатча ётди. Сўнг устига тегирмон тоши қўйилгандек вазмин бошини зўрға кўтарди. Юзини тўзғиган сочларидан тозалади. Ўрнидан туриб, ўғлининг ётоқ жойига ўтирди. Кулдондан ярмигача чекилган сигарета до-

насини олиб, худди ундан бирон нима топадигандай термилиб турди. Сўнг гугурт чақиб, уни тутатди. Ўзича чеккан бўлди.

— Хонимлар ва жаноблар, — деди атрофидаги жиҳозларга телбавор қиёфада бир-бир назар ташларкан, — қисқаси, мен бутунлай қаршиман. Ҳа... Ҳа, қаршиман. Чекмаслик одам фантазиясини бўғади. Бир жойда қолиб кетишга мажбур қилади. Хонимлар, ахир ҳаётга бир марта келгандан кейин ҳар бир аёл маликалардай яшаши лозим.

У тутунни ютиб юборди ва бирдан аксира бошлади. Кўп марта баланд овозда аксирди. Кўзидан ёш чиқиб кетди. Кейин у йиғлашга тушди. Бақириб-бақириб, айтиб-айтиб йиғлади. Бир муддатдан кейин эса йиғидан тўхтади.

— Ҳали, — деди ўзига-ўзи гапириб, — ҳаммаси туггани йўқ. Изига тушиб кетиш имконияти бор. Ойим мени ҳайдаган, дадам касалхонада ётган бўлса ҳам, эримнинг акаси Бўрон ака бор. Иродали, бой, ҳар ерда сўзини ўтказа оладиган. Битта укасига барибир ичи ачийди. Унинг ёнига бораман. Ялинаман, ёлвораман, оёқларини ўпаман... Шошма-шошма, нега бундай қиларканман? Ахир унинг иккинчи хотини борлигини биламан-ку! Ҳатто бир марта нозиккина белчасидан кучоқлаб супермаркетга олиб кираётганини ўз кўзим билан кўрганман. Агар илтимосимни ерда қолдирадиган бўлса, овсиним Фароғатхон бошида ёнғоқ чақади.

У дарров кўз ёшларини артиб ўрнидан турди. Деразаларни очиб ташлаб: “Жаҳонгир болам-а, ҳеч бўлмаганда деразани очганингда, хонанг бунчалик сасимаган бўларди”, деди ва дадил қадам ташлаб хонасига кирди-да, кўзгу ёнига борди. Яхшилаб юз-кўзига тикилди. “Эҳ, бу аҳволингни кўрган одам қари кампир дейди. Нега бунча абгор бўлиб юрибсан? Қани, тезда ўзингга оро бер-чи”, деб ойнадаги аксига тегинаркан, “пучуқ қиз”, деди қайсидир қариндошининг гапини эслаб.

У обдан бўёқларни юзига чаплаганидан кейин ўзига ёқадиган пушти ранг кўйлагини кийди-да, бошқатдан ўзини ойнага солди. Гўзаллигидан кўнгли хотиржам тортгач, пастки қаватга тушди. Сал бўлмаса, кўчадан кириб келган ўғли билан тўқнашиб кетаёзди.

— Вой-бўй, — деди кўзи сузилган Жаҳонгир, — олифта

бўлиб олибсизми? Нима, менга бошқа дада олиб бергани кетаяпсизми? Боягина ўлаётгандингиз-ку, дарров эсингизга янги дадам тушиб қолдими?

— Ўчир овозингни, ярамас! — қичқириб юборди Хонзода. — Молдан фарқинг қолмабди, садқаи одам кет. Ҳали шу аҳволингда кўчага чиқдингми, ер ютгур? Сенинг шарманда қилишинг қолувди энди?!

Хонзоданинг асаби таранглашди ва жаҳл билан ўғлининг юзига шапалоқ тортиб юборди.

— Мараз! — деди Жаҳонгир ва қўлида озгинаси ичилган ароқ шишасини юқорида кўтарди.

* * *

Мурод Ўктамнинг ёнига бориб, фирмада ишлашга розилигини айтди. Ўктам гўё ҳайрон бўлгандай аввалига унинг юзига термилиб турди. Сўнг жилмайиб, елкасига қўлини қўяркан:

— Рози бўлишингни билардим, — деди.

Бу гапнинг орқасида: “Ўзинг зўрға кун кўраяпсан. Уйингда бир ҳафтада бир марта гўшт ейсанми-йўқми, Худо билади. Ўзингни аввалига ноз қилиб, сўнг худди мен мажбур қилаверганимдан кейин ноилож кўнган одам қилиб кўрсатмоқчимисан?” — деган фикр ётмаяптимикин, деб ўйлади Мурод. Тикув цехига борганидан кейин Ўктамнинг жон куйдириб ҳамма нарсани ипидан-игнасигача тушунтира бошлаганини кўриб, юқоридаги ўйидан ўзи хафа бўлиб кетди.

Ўша куни ярим тунгача ишлашига тўғри келди. Чунки, тикув машиналари, хом ашё ва бошқа ашқол-дашқолларнинг ҳаммасини бирма-бир кўздан кечириб чиқиши, ҳар бирини ҳисобга олиши зарур эди.

У куннинг ярмини бозорда, қолганини ишхонасида ўтказар, тинимсиз бозорбоп мол ишлаб чиқаришга уринарди. Аввалига иши ҳақида Шаҳлога лом-мим демади. Эрталаб кетди, ярим кечада ҳориб-толиб қайтиб келди. Иш эса, қанчалик изланмасин, барибир изига тушиб кетавермади. Бозорда хариди яхши бўлган икки-уч хил кўйлакни цехда тиктириб, савдогарларга олиб бориб берди. Аммо уларнинг биронтаси ҳам сотилмади. Сабаби, унақаси бозорда қалашиб ётарди. Фасони яхшимас, тикилиши бошқача, ранги тўғри келмайди ва ҳоказо.

— Уфф, — деди бир куни уйга келганидан кейин олдига қўйилган бир коса маставага қараб ҳам қўймасдан, — жонимга тегиб кетди. Ўзи асли қўнглим тортмаганди шу ишга. Мана, қўлимдан ҳеч бало келмаслиги аён бўлиб қолди.

Айни шу куни Фотима опа уйда йўқ эди. Синглисиникига кетган ва шу ёқда ётиб қолишини айтганди. Шахло овқатни сузиб келди. Ўзи ҳам Муроднинг рўпарасидаги столга ўтирди.

— Мурод ака, сиз сираям шошилманг. Иш бошлаганингизга бор-йўғи бир ҳафта бўлди. Дарров руҳингизни туширманг. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — деди ва ўрнидан туриб, ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўзи севган йигитининг юзидан ўпиб қўйди.

— Қани, овқатингизни енг. Мен томоша қилиб тураман, — деди жилмайиб.

— Фақат узоқроқ турасан-да, — дея косани қошиқ билан кавлаштира бошлади Мурод.

— Нега? — сўради ҳайрон бўлган Шахло.

— Очлигимдан сени ҳам қўшиб еб қўйишим мумкин.

Иккаласи ҳам бирдан кулиб юборишди.

Овқатни охирлатиш йигитга насиб этмади. Тўрт-беш қошиқ оғзига солганидан кейин ўз-ўзидан кўзи юмилиб кетаверди.

— Дўхтирлар, — деди у луқмасини чайнар экан, — тўқ қорин билан ухлашни зиён дейишган. Шу косадаги овқат шундай турсин, эрталаб тушириб ташлайман. Ҳозир ухлмасам, столдан ерга гурсиллаб ағанаб тушаман. Кейин хуррак отиб ухлаб қоламан. Сен мени ётоғимга оборолмайсан. Қуруқ тахтанинг устида ухласам, баданимга ботиб кетади.

У гапира туриб юзига фотиҳа тортди. Сўнгги гапини айтаётганида у ошхона эшиги ёнига етиб бориб қўйган эди.

— Яна адашиб, бизнинг хонага кириб кетманг. Синглингиз яқиндагина ухлаган эди, қўрқитворасиз, — деб Шахло чаққонлик билан ўрнидан турди-да, Муроднинг қўлидан ушлади. Қиз йигитнинг юришига ёрдамлашаркан, ўзининг оқсоқланаётганини билдирмасликка ҳаракат қиларди. Ва уддасидан чиқди ҳам. Чунки бўлажак куёв жудаям чарчаган ва қизнинг оёғи гипсланганини эсидан чиқарган-

ди. Бўлмаса, Шахло унга овқат сузаётганида кўзи тушди. “Бечора қиз қийналиб кетди”, деб ўйлади ҳам. Бироқ чарчоқ зўрлик қилди.

Улар биргалашиб Муроднинг ётоғига киришди. Йигит жойига ётаркан, ортига бурилиб кетмоқчи бўлган Шахлонинг қўлидан ушлаб қолди.

— Сенга бир нарса айтмоқчиман, — деди.

— Айтаверинг, бемалол.

— Кулоғингга, — деб Мурод қизни ўзига тортди ва бироз энгашган Шахлонинг юзидан ўпиб, белидан қучоқламоқчи бўлди.

— Мумкинмас, — деди типирчилаб ундан ўзини олиб қочишга уринган қиз, — ойижонимнинг айтганларини қилмагунингизча...

— Ойим кўп нарсани билмайдилар-ку?!

— Барибир. Ўзимга-ўзим ваъда берганман. Илтимос, қийнаманг.

— Бўпти, лекин вақти келса, ўзингни ҳам ялинтираман.

— Кўрамиз, — деб Шахло эшик томон юрди ва хонадан чиқиб кетаётиб, чиरोқни ўчирди.

Мурод тезда уйкуга кетди. Аламбало тушлар кўрди. Қанақангидир баландликда учиб юрганмиш. Кейин бирдан шаҳарнинг тепасида пайдо бўлармиш-у, юраги ҳаприқармиш. Чунки ундан-да тепада жуда катта қувватга эга бўлган электр симлари бормиш. Кимдир уни қувмоқчи бўлибди. У қочмоққа шайланганида, ўша кимдир йўқолиб қолибди. Ана шундай тушлар оғушида қандайдир баҳайбат аждаҳо пайдо бўлибди. Муроднинг атрофида одам жуда кўп эмиш-у, лекин аждаҳо фақат уни ютишга чоғланармиш. У чўчиб уйғониб кетди. Кўрганларининг ҳаммаси туш эканлигини билиб бўшашди ва пешонасидаги терни артди. Бу пайтда тонг отиб қолган, хонанинг ичи анча ёришганди. У ортиқ ухлолмаслигига кўзи етгач, ўрnidан туриб керишиб қўйдида, ювиниш хонасига кетди. Қайтаётиб меҳмонхонада ғалати манзарани кўрди. Шахло юмшоққина ўринда ётишдан воз кечиб, столга бошини қўйганча ухларди. Мурод ҳайрон бўлди ва секин овоз чиқармасдан юриб, унинг ёнига бориб, столнинг устидаги дафтарга кўзи тушди. Олиб кўрди. Турли-туман кўйлакларнинг фасонлари чизилган эди. У мийиғида кулди ва дафтарнинг қолган бетларини ҳам ва-

рақлади. Турли ўлчамлар, ранглар, номлар, яна рақамлар. Мурод Шаҳлонинг туни билан ухламаганини сизди. Чунки тўрт-бешта кўйлакнинг ўлчамини чизиб чиқиш ўзи бўлмайдиган иш. Унинг қалбида қизга нисбатан меҳр икки ҳисса ошди. Шаҳлони уйғотиб юбормаслик учун секингина сочларидан ўпиб кўймоқчи бўлди-ю, аммо кўполроқ ҳаракат қилиб қўйди. Шаҳло бирдан бошини кўтарди ва киприкларини пирпиратиб йигитга қараркан:

— Вой, шу ерда ухлаб қолибманми? — деди.

— Хонангга кириб, юмшоққина ўринга ётмайсанми? Қани энди тур, чизма чизаман деб кечаси билан ухламаганга ўхшайсан, кўзларинг қизариб кетибди, — деб Мурод унинг кўлидан ушлади.

— Йўқ, — деди кўзларини ишқалаб Шаҳло, — уйқуга тўйибман. Ишимни охиригача етказолмадим. Эркатоилигим тутиб кетди-да, — деб Шаҳло оқсоқлана-оқсоқлана ювиниш хонасига кета бошлади.

Унинг ортидан термилиб турган Муроднинг юрак-бағри эзилиб кетди. Ўзини шунақанги ёмон кўрдик, ҳатто дунёга келганига пушаймон еди. Ахир Шаҳло шу пайтгача мутлақо кам-кўстсиз яшаган, қийинчилик нималигини билмаган. Мурод эса уни йўлдан урди. Энди эса, азоб исканжаси томон етакляпти.

— Ишим юришмаётганини унга бекор айтибман, — дея пичирлади.

Бироздан кейин Муроднинг сингиси Наргиза ҳам уйғонди. Ювиниб келиб, акасининг ёнидаги бўш столга ўтирди ва Шаҳлога қараркан:

— Иккалаларинг ҳам ухламасдан гаплашиб чиқдингларми, нима бало? — деди.

У гўзалликда Шаҳлодан қолишмасди. Айниқса, қаддиқомати шунақанги келишган эдики, йигитларнинг кўзини ўйнатарди. Киприклари узун. Юзида кулгичи бор. Бунинг устига, қиз тушмагур, усталик билан ойиси ва акасига сездирмасдан қошини ингичкалатиб, чиройини икки ҳисса оширарди.

Ҳозир у Шаҳлога ола қараш қилаётганди. Хаёлида тўйсиз, никоҳсиз уйларига келиб олган бу ойимча ойисининг йўқлигидан фойдаланиб, туни билан акасини силаб-сийпаб чиққан, деган фикр бор эди. Шунинг учун ҳам гарчи

Шаҳлонинг ёнидаги стул бўш бўлса ҳам, унинг ёнига ўтирмади.

— Мен-ку, тошдай қотдим, — дея энди гап бошлаган Муроднинг гапини Наргиза давом эттириб кетди:

— Бўлажак кеннойим тепангизда ухлашингизни томоша қилганлар.

Шаҳло ялт этиб Наргизага қаради. Ранги бирдан оқарди.

Мурод пиёлани тўқ этказиб стол устига қўйди-да, ўрнидан турди. Тез-тез юриб, меҳмонхонадан Шаҳлонинг дафтари олиб келиб Наргизанинг қўлига тутқазди.

— Бир очиб кўр-чи, — деди жаҳл билан.

Акасига ўқрайиб қараган Наргиза секин дафтари ва рақлади ва кўзи турли кўйлақлар чизмасига, моделларига тушди.

— Бунча чиройли! — деб юборди беихтиёр. — Қаердан олиб келдингиз бу чизмани, ака?

— Сен пишиллаб ухлаётганингда, бўлажак кеннойинг мижжа қоқмай чизиб чиққан.

Наргиза бирдан Шаҳлога қаради ва ҳозиргина ўзи силтаб ташлаган қизни боши эгик ҳолда кўрди.

— Узр, — деди паст овозда, — мен билмабман.

— Ҳечқиси йўқ, — деб Шаҳло Наргизага юзланди, — аста-секин кўникаяпман. Фақат ўзимдан кўпроқ хафа бўляпман. Чунки бошқалар нотўғри ўйлашини ҳисобга олмабман.

Наргизанинг устидан биров муздай сув қуйиб юборгандай бўлди. Юзи қизарди. Хаёлида бу қиз барибир алдаётгандай туйилаверди.

— Вақти келса, ҳунарингизни мен ҳам ўрганиб оламан... Тўғрироғи, ўргатасиз, хўпми? Мен ҳам бировларнинг уйига борганимда кечаси билан ухламай, ҳаммасини қойил қолдираман, — деди у.

— Бўлди, бас. Тез чойингни ич-да, бориб ишингни қил, — деди унга ўқрайиб қараган акаси.

Мурод ишга Шаҳлонинг чизмаларини олиб кетди. Эшикдан чиқаётиб унга кўзини қисиб:

— Энди ишимиз зўр бўлиб кетади, кейин никоҳдан ўтамиз, — деб кулиб қўйди.

Жавобига қиз табассум ҳадя қилди. Айни чоғда энтик-

канидан қизнинг кўзларига ёш тўлганди-ю, бироқ буни Мурод кўрмади. Чунки у ўгирилиб, шошганча зинадан тушишга улгурган эди.

Мурод фирмада ишлаётган қизларга бошқа ҳамма юмушларини йиғиштириб, Шаҳлонинг кечаси билан чизиб чиққан андозалари асосида кўйлак тикишни буюрди. Ўзи ҳеч қаёққа бормай, ҳали у тикувчининг, ҳали бунисининг тепасида тикилаётган кўйлакларни кузатиб турди. Ўша куни кечгача ўнта кўйлак битди. Эртасига Мурод уларни бозорга олиб борди. Бироқ савдо барибир яхши бўлмади. Биринчи куни зўрға икки донасигина сотилди. Кайфияти бутунлай тушиб кетган Мурод уйига келиб омадсизликдан бошини эгиб ўтирди. Уни кўрган Шаҳлонинг юраги эзилди. Келиб Муроднинг рўпарасидаги столга ўтирди.

— Бўлмадими? — сўради севгилисига ачиниб.

Мурод бошини чайқади ва кираверишдаги эшик ёнида турган сумкани кўрсатди. Шаҳло ўрнидан турди, аммо уни очиб кўришга улгурмади. Ундан аввал хонасидан чиқиб келган Наргиза: “Нима бу?” — дея сумкани титкилай бошлади. Ҳаво ранг кўйлакни кўлига олди. У ёқ-бу ёғини кўрганидан кейин кўзи ёниб кетди.

— Вой-бўй, намунча чиройли! — деди.

Мурод унга ялт этиб қаради.

— Лекин биров сўрамади. Ҳеч кимга кераги йўқ экан, — деди у аламли товушда.

— Йўғ-э?! Бунақанги фасондаги кўйлак, менимча, ҳали бозорда бўлмаса керак. Бунинг устига, бичимининг чиройлилигини қаранг. Кўрган қиз ёпишиб қолади, — деди кўйлакни кўздан кечиришда давом этган Наргиза.

— Агар туркча моделдаги кўйлак билан бу ёнма-ён кўйилса, қайси бирини танлардинг? — сўради акаси ундан.

— Биринчидан, турецкий билан бизникининг орасида осмон билан ерча фарқ бор. Улар кийган аёллар кўйлагини бизникилар кийишмайди. Бизникини эса улар. Мабодо кийишганда ҳам, мен худди мана шу кўйлакни танлаган бўлардим. Буни мен сизга акам бўлганингиз учун айтмаяпман. Шунчаки ўзимнинг холис фикрим... Шошманг, сотилмади, дедингизми? Хўш, акажон, агар сотиб берсам, мана шу қўлимдаги менга совғами?

— Совға, — деди Мурод.

— Ўғил бола сўзидан қайтмайди. Буни уйда қолдираман. Қолганини, ҳозир айна муддао, Гуляникига обораман. Уларникида опасининг “гап”и бўлаяпти, — дея ўзига-ўзи гапирган Наргиза шошганча хонасига кириб, ҳаво ранг кўйлакни кўйиб чиқди. Сўнг акасидан кўйлакларнинг нархини сўраб билгач, сумкани кўтариб ташқарига чиқиб кетди.

Мурод билан Шаҳло эса унинг ортидан ҳайрон бўлиб қараб қолишди. Бир муддат ўтиб, уй ҳовлисида гаплашиб ўтирган Фотима опа кириб келди.

— Нима бўлди? — сўради у эшикдан кирар-кирмас. — Наргиза қоп кўтариб чиқиб кетди. Сўрасам, «Гуляларникига», дейди.

— Мен опкеган кўйлакларни «Сотиб бераман», деб чиқиб кетди. Бозорда ўтмади. У бўлса ўртоқларига кўрсатиб, дарров сотворармиш, — дея Мурод стол устидаги чойдан ҳўплаб қўйди.

Унинг гапи Шаҳлога жудаям оғир ботди. Титраган кўйи оқсоқланаркан, деворни ушлаганча хонасига кирди. Ўзини каравотга ташлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Овозини чиқармоқчи эмасди. Аммо чидолмади. Ичидаги ингроқ товуш торларини чертиб юборди.

Ошхонага кирмоқчи бўлган Фотима опа қизнинг йиғисини эшитиши билан бирдан тўхтади. Эти жимирлади. Кейин бир-бир босиб, бошини эгганча пиёлани айлантириб ўтирган Муроднинг ёнига келди. Унга бироз термилиб тургач:

— Шаҳлога нима бўлди? — дея сўради.

— Билмадим, — жавоб қилди йигит эрмагини давом этказаркан.

— Йиғлаяпти-ку?!

Мурод бошини кўтарди, онасига қаради.

— Нега? — сўради гўё ҳайрон бўлиб.

— Негалигини сендан сўрамоқчиман, болам.

— Кўйлакларни у чизган андоза бўйича тиктирувдим, бозорда ўтмади. Шунга алами келган бўлса керак-да.

— Ҳеч нима демаганмидинг?

— Йўқ.

Бир муддат ўлига термилиб турган Фотима опа қизи билан Шаҳлога ажратилган хонага кирди ва каравотнинг бир четига омонатгина ўтирди. Шаҳло хонага кимдир кир-

ганини сезиб, бирдан ўрнидан турди-да, шоша-пиша кўз ёшини артди.

Фотима опа ўелига тикилгани каби унга ҳам нигоҳ ташлади. Шаҳлонинг юзига тушиб турган бир тутам сочини тўғрилаб қўйди.

— Ойижон! — деганча Шаҳло кўнгли бўшаб яна йиғлаб юборди.

— Қўйинг, қизим, йиғламанг. Ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади, — дея уни юпата бошлади аёл.

Шаҳло бирдан унинг бағрига ўзини ташлади. Ҳиқиллаб йиғлашдан тўхтамади.

— Шу кўйлакни деб, йиғлаш яхшимас. Бу сафар бўлма-са, кейингисида бозорнинг олди бўп кетади, қизим. Йиғламанг. Ундан кўра, юринг, биргалашиб чой ичамиз. Муродниям ўзим яхшилаб таъзирини бериб қўяман.

Шаҳло Фотима опани ҳар доимгидан-да кўпроқ яхши кўриб кетди ва дарров ўрнидан турди.

Қайнона бўлмиш қизнинг қўлидан ушлаб олган эса-да, Шаҳло оқсоқланарди. Юриши эриш туйилиб, ўзига-ўзи ёқмай кетаётган эди.

Улар ҳали бир пиёладан чой ичиб улгурмасларидан, ҳовлиққанча Наргиза кириб келди уйга.

— Ака! — бақирди у бўсағада туриб.

Мурод бирон кор-ҳол бўлдимикин, деган хаёлда ўрнидан дик этиб турди ва кўча эшиги томон югурди.

— Тинчликми?! Қоронғи тушиб қолганида бало борми сенга кўчада?! — деб бақирди у синглисини кўрар-кўрмас.

— Вой, нималар деяпсиз? Кўйлақлардан яна борми? Етмади. Гапдагилар таллашиб қолишди, — деди югуриб келганидан ҳансираб нафас олаётган Наргиза.

— Йўғ-э?! — деди ҳайратдан кўзи олайган Мурод.

— Рост, мана, — деб бир сиқим пул кўрсатди Наргиза.

— Унда, ўзингга олиб қўйган кўйлагингни обориб сотиб кел. Мен сенга эртага бошқасини тиктириб бераман.

— Бекор айтибсиз. Ўзим эртага кийиб, қизларнинг кўзини ўйнатаман, — деди Наргиза ва Шаҳлога қараб, — кеннойи, минг-миллион марта раҳмат, — дея дарров оёғидаги крассовкасини ечиб ичкарига кирди-да, телефоннинг ёнига бориб рақам терди. Кейинги йўлакдаги қўшнисига кўйлак тугаб қолганини, эртага, албатта, олиб келиб беражанини айтди.

Шаҳлонинг юраги гупиллаб урар, ҳаяжондан ўзини кўярга жой тополмасди. Наргиза топиб келган хабар худди унинг тушида бўлаётгандай эди.

Стол устига қўйилган пулнинг чўғи анча баланд эди.

— Биронтаси адашиб кўпроқ бериб юбордими? — сўради Мурод.

Кўшнилар қўйлақларни кўришгач қандай ҳайратланишганини, иккитаси битта қўйлақни деб уришиб қолаётганларини ойиси билан Шаҳлога гапириб бераётган Наргиза бирдан сўзлашдан тўхтади.

— Ака, мени гўл деб ўйлаяпсизми? Нима, айтган нархингизда сотиб келишим керакмиди? Устига ўзимнинг ўн фоизимни қўйганман. Беш минутда битта қўйлақка эга чиқдим, ҳам битта соткали бўлволдим. Қалай, боплабманми? — деди у гўдайиб.

Ҳамма унга анграйиб қолди.

— Вой, пишиғ-эй! Қойил! — дея бошини сарак-сарак қилди Мурод. — Балки ҳақиқатан ҳам қўйлақнинг ўзини олиб қоларсан, эртага...

— Йўқ-йўқ. Яна бир марта йўқ. Насияни шайтон чиқарган. Эркак бўлсангиз, сўзингизда туринг... Эртанги заказням олиб келишни эсингиздан чиқармассиз? — деб Наргиза ёнида турган Шаҳлонинг елкасидан кучоқлади. — Сизга ко-о-о-тта раҳмат.

* * *

Бек саросималанди. Юзи қизарди. Шоҳруҳга тик қаролмай кўзини олиб қочди. Юлдуз эса ўрнидан туриб ўтирди. Аразламоқчи эди, бўлмади. Барибир юзида табассум пайдо бўлди. Шоҳруҳ буни бошқача тушунди. Яъни унинг назарида, айбини яширмоқчи бўлиб, атайин жилмаяётгандай эди қиз.

— Хайрият, — деб аввал сўз бошлади Бек, — кутавериб кўзимиз саккиз бўп кетди-ку!

— Шунинг маслаҳат қилаётганмидинлар ёнма-ён ўтириб? Мен бўлсам ҳовлиқиб келибман, битта-яримта бемаза Бекнинг шаънига ёмонроқ гап айтиб қўйдимикин, деган хаёлда.

Юлдузнинг жаҳли чиқиб кетди. У нима умидда Шоҳруҳни кутганди-ю, кутгани келиши билан қаёқдаги гапларни айтаяпти.

— Ташқаридан келдингизми ёки осмондан тушдингизми? — сўради у кесатиқ аралаш Шоҳруҳдан.

Шу гап ҳам Шоҳруҳга таъсир қилди. Назарида, бу олифга қиз кўзбўямачилик қилаётгандай эди.

— Тушундим. Кутилмаганда келишим озгина ноқулайлик туғдирганга ўхшайди. Қойил, қаердан келганимни ҳам сезмабсиз-а, хоним?

— Ташқаридаги тўполонни кўрмадингизми? — деди Шоҳруҳдан мутлақо бунақанги гапни кутмаган Юлдуз. — Ҳаммамиз қирилиб кетишимизга озгина қолди-ю, сиз бўлсангиз қаёқдаги гапларни гапирасиз!

Шоҳруҳ қизга бир муддат термилиб қолди. Сўнг шахт билан хонадан чиқиб кетди.

Йигитлар унинг чиқишини кутиб туришган экан, шекилли, бирдан атрофини ўрашди. Шоҳруҳ ҳайрон бўлиб ҳар бирига қараб чиқди.

— Нима бўлди ўзи? — сўради жаҳл билан.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Йигитларнинг бари мум тишлагандай эди гўё. Уларнинг жим туришлари Шоҳруҳни баттар асабийлаштирди.

— Ким ўлди, нима портлади? Гапиринглар, тилларинг борми? — деди у жаҳл билан.

— Унда эшитинг, — деди Юлдуз.

Шоҳруҳ миқ этмай, жаҳл қилиб чиқиб кетгани Юлдуз-ни қаттиқ ранжитганди.

— Ким деб ўйлаяпти бу ўзини? — дея унинг ортидан сапчиб туриб, шоша-пиша кийимларини кийиб, ташқарига югурганди. Таралмаганидан унинг сочлари тўзиб ётарди.

Шоҳруҳ бирдан ортига ўгирилди.

— Сиз кетганингиздан кейин иккита мошинада биз билмайдиган, танимайдиган нусхалар бостириб келишди. Улар кимнингдир ўлигини ҳам олиб келишибди. Биз унинг шахсини аниқлолмаган бўлсак-да, ўз юртимизданлигини рангрўйидан билиб олдик. Отишма бўлди. Битта мошинани йўқ қилдик. Лекин иккинчиси қочишга улгурди. Бахтимизга йигитларимиздан биронтаси ҳам яраланмади. Шунинг учун сизнинг келишингизни кутаётгандик. Чунки бу ерда бошқа қололмаймиз.

Юлдуз киприк қоқмай Шоҳруҳга термилиб турарди. Бунинг устига, сўзларида дўқ оҳанги ҳам бор эди. Ана шу

нарса унинг ғашига тегди. “Бек билан бунинг орасида нимадир бўлган”, деган ўй ўтди хаёлидан.

— Аллақачон бир қарорга келиб қўйган экансизлар-ку, — деди у иккала қошини бир-бирига яқинлаштириб, — ҳожати йўқ эди мени кутишнинг.

— Шундай қилсак ҳам бўлавераркан. Мен ўтган вақтимизга ачина бошладим.

— Наҳотки?! Мен мазмунли ўтказган бўлсангиз керак, деб ўйлаган эдим.

— Нима демоқчисиз?

— Шундай ақлли қизнинг тушунмаганига ҳайронман.

Юлдуз қизариб кетди. Лаблари титради. Бир хаёл Шоҳруҳнинг юзига тарсаки тортиб юбормоқчи ҳам бўлди. Аммо шаштидан қайтди.

— Сиз билан ичкарида гаплашиб олсак. Менимча, ўзингизга тегишли бўлган гапларни ҳам уялмасдан ҳамманинг олдида вайсаяпсиз! — дея бақирди Юлдуз.

— Шунақами? Бемалол.

Улар ичкарига киришди. Юлдуз ўзини қўярга жой тополмасди. Гоҳ каравотнинг, гоҳ тошойнанинг ёнига борар, ўзича бир нималарни гапирарди.

— Қулоғим сизда, хоним. Қани, нималарни менга айтмоқчийдингиз? — деди Шоҳруҳ.

— Ўйлаб гапираяпсизми ўзи? Нималар деб валдираганингизни биласизми? Сизда бет борми?!

Юлдуз сўзлаётганида титраб кетди. Кўзларидаги ёшни оқизмаслик учун зўрға ўзини босиб турарди у.

— Бегона эркакнинг ёнида бемалол ётишга сизнинг бетингиз чидайдми-ю, лекин менинг бетим бўлмайди, шундайми? Бу ерни шунчалик ағдар-тўнтар қилиб кетишган экан, нега бамайлихотир, гўёки байрам бўлиб ўтгандай...

— Бас! — қиз ортиқ чидаб туrolмади, ўзини каравотга ташлаб, йиғлаб юборди. Алам билан ўксиниб-ўксиниб йиғларди у.

— Тушунарли. Демак, нозик жойингизга тегиб кетибман-да?! Бир кун бўлмаганимга...

Буниси ошиб тушди. Юлдуз жойидан туришга, Шоҳруҳнинг ёнига келиб унинг юзига шапалоқ тортиб юборишга мажбур бўлди. Йигит турган жойида тарашадай қотиб қолди.

— Нима десангиз денг, лекин Бек билан орамизда сиз ўйлаган нарса бўлгани йўқ. Бемаза ўйлар ҳатто хаёлимга ҳам яқинлашмаган! Сиз бўлсангиз...

— Унда, — деди қўллари мушт бўлиб тугилган Шоҳруҳ, — у номаъқулни еб ўтирганмиди?!

Қиз бошини эгди. Чуқур нафас олди. Сўнг йигитнинг юзига боқди.

— Сиз ҳақсиз, — деди ҳазин овозда, — аёл кишининг ёнида бегона эркакнинг ўтириши мумкинмаслиги хаёлимга келмаган экан. Мени кечиринг!.. Менинг ўйларим ҳам жисмим каби тоза. Ишонинг!..

Янгаси Хонзода Шоҳруҳнинг қўйнига кирмоқчи бўлганди. Агар Шоҳруҳ озгина ўзини бўш қўйганида, нималар содир бўлмасди. Кейин Шоҳруҳнинг егани олдида, емагани кетида бўларди. Кеннойисининг раъйини қайтарди. Ўзига яқинлаштирмади уни. Оқибатда, акаларидан калтак еди. Ўлар ҳолга келди. Энди минглаб километр узоқликда, тушига ҳам кирмаган ишлар билан шуғулланиб юрибди. Юлдуз Бекни «Ярамас!» деди. Қўйиб берса, ҳозир уни балчиққа белаб ташлайди. Ўзи эса бир чеккада оппоққина бўлиб тураверади. Аёллар ўзи шунақа. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Ахир, Оксана бунга яна битта мисол бўлиб турибди-ку!

Шоҳруҳ ўй суриб, Юлдуз уни қучоқлаганини сезмади. Қиз уни ўпишга ҳам улгурди. Аввалига силтаб ташламоқчи бўлди. Кейин миясига бошқа ўй келди. Ўйига исбот топиш учун қизнинг елкаларини, томоқларини ҳидлади. Лекин ўзи қидирган исни тополмади. Бунинг натижасида қиз билан ярашганини ҳам билмай қолди. Ярашмади, балки ҳисоб-китобни кейинроққа сурди. Сабаби, ҳозир бу ердан мумкин қадар тезроқ кетиш керак эди. Рашк бир томондан, иккинчи томондан, иш унинг хаёлини олган эди.

— Хонангаям кирмасин энди, — деди у.

— Нима десангиз — шу.

Юлдуз жилмайди ва Шоҳруҳнинг юзидан ўпди.

— Нима бўлган тақдирда ҳам, барибир ичимда хурсанд бўлдим. Чунки сиз мени қизғанасиз, — деди у.

Албатта, бу гапларини йигитга ёқсин деб айтди. Бироқ ҳозир унинг ҳар битта ҳаракати-ю сўзлари Шоҳруҳга акс таъсир қилаётганди.

— Шаҳарга бирга борамиз-да, яхшироқ квартирани ижарага оламиз. Йигитларнинг бир қисми шу ерга жойлашади. Қолгани шаҳардан ташқарида бўлади. Ҳозир келаётганимда, қурилиш бўлаётган бир жойдан ўтдим. Бошлиғи билан гаплашаман. Қолган болаларни шу ерга жойлаштириб қўяман. Кейинги ишлар Роман Фёдорович орқали битади, — деди Шоҳруҳ.

Юлдузнинг йигитга нисбатан қаттиқ гапиргани Бекка мойдай ёққанди. Агар иккаласи келишмай қолса, сўзсиз, Шоҳруҳ кетади. Юлдуз унга қолади. Қизни эса бир амаллаб кўнглини олса бўлади. Ҳар қалай, кўлини ушлади-ку. Кўлини ушлатган қиз, вақт ўтиб, кўнглини бериши ҳам ҳеч гап эмас.

Аммо у нияти амалга ошмаганлигини қиз билан йигит уйдан жилмайиб чиққанларидан кейин билди. Аввалига, уй ичкарасидан бақир-чақирлар эшитилганди. Мабодо Шоҳруҳ сўкинадиган ёки шунга ўхшаш гап қиладиган бўлса, Бек ичкарига бостириб кирмоқчи ва у билан ўзи гаплашиб қўймоқчи ҳам бўлганди. Энди эса ҳафсаласи пир бўлди.

— Ҳамма ҳозирча ўзининг иши билан шуғулланиб турсин. Фақат эҳтиёт бўлинглар, бирорта ҳам бегона машинани бу ерга яқинлаштирманглар, — деб буйруқ берди Шоҳруҳ ташқарига чиқишгач.

Сўнг қаёққа кетаётганини айтмай, машинага ўтирди-да, уни ўт олди. Юлдуз унинг ёнидан жой олди.

Улар худди оддий севишганларга ўхшашарди. Шоҳруҳ машинани бошқариб кетар, Юлдуз эса унинг елкасига бошини қўйиб олганди. Сухбатлари ҳам фақат севги ҳақида эди. У ёғи бўлса, нечта фарзанд кўришади, уларни қандай тарбиялашади ва ҳоказо.

Иш тўғрисида сўз очилмади. Чунки Шоҳруҳ шуни истади. Бўлмаса, Юлдуз қаерга боришларини, қанақа уй танлашларини сўраган эди. “Боргандан кейин кўрамиз. Унгача шу падар лаънати бош оғриқлар тўғрисида гаплашмайлик”, дея жавоб қилди Шоҳруҳ. Ва айни пайтда елкасига бош қўйган соҳибжамолнинг муҳаббатга лиммо-лим сўзларини эшитса-да, унинг Бек билан битта хонада ўтиргани сира хаёлидан кетмаётган эди.

Ниҳоят шаҳар бошланди. Шоҳруҳ тез-тез йўл четига нигоҳ ташлаб қўяверди.

— Бирон нима ахтараяпсизми? — сўради ундан Юлдуз.

— Газета сотадиган дўкон қидиряпман. Уйни эълонлардан қидириб кўрамиз. Шунда ишимиз осон битади, — жавоб берди Шоҳруҳ.

Ижарага уй тез топилди. Европача таъмирланган, барча жиҳозларга эга бўлган тўрт хонали уй Юлдузга дарров ёқди. Фақат нархи бироз қиммат эди. Ойига беш юз доллар. Албатта, аввалги ҳолатлари бўлганида, улар яна бошқа квартира қидирган бўлишарди. Энди эса бемалол қурблари етади.

Олдиндан пул тўлангач, ижарачи калитни Шоҳруҳнинг кўлига тутқазди. Юлдуз йигитларни чақирриш учун рақам тераётганида Шоҳруҳ унинг ёнига келиб:

— Навбатма-навбат қоровуллик қилишсин. Эртага ўзимиз бориб олиб келамиз, — деди.

Унинг гапини боши билан тасдиқлаган қиз гўшакни кўтарган йигитга ҳамма нарсани тушунтирди.

Кўп ўтмай қоронғи тушди. Шунча кундан бери тинчлик нималигини билмаган Шоҳруҳ чўмилиб чиқиб, егуликлар учун дўконга бориб келди. Сўнг телевизор қаршисига михланди. Юлдуз овқат тайёрлади.

Стол усти мўъжазгина безалди. Юлдуз ёш келинлар каби севгилисини ўзи овқатлантирмоқчи эди. Лекин Шоҳруҳнинг ўзи иштаҳа билан тамадди қилишга тушиб кетди.

— Ҳай-ҳай, менгаям қолсин, — ҳазиллашди Юлдуз.

— Қолмаса кераг-ов! Чунки бунақанги ширин овқатни ёлғиз ўзим ейишни яхши кўраман-да. Айниқса, мана шундай димлама жону дилим, — деди Шоҳруҳ унга жилмайиб қўяркан.

Ваҳоланки, у Юлдузга қарамаслик учун шундай қилаётганди. Чунки қанча уринмасин, Бекнинг башарасини кўз олдидан кетказолмаётганди. Бунинг устига, Оксана икковининг саргузашти ҳам ҳали-ҳануз ўзини эслатиб турарди. Аслида ана шу сабаб Шоҳруҳ Юлдуз тўғрисида бошқача хаёлга бораётганди.

— Энди ўзингиздан кўринг, — деб Юлдуз йигит томондаги картошкаларни қошиғи билан ола бошлади.

Ҳазил-ҳузул, қизганишлар билан кечки овқат ниҳояланди.

Олдинда бутун бошли тун турарди. Шоҳруҳ ички туйғу-

си орқали нималар содир бўлишини туяр, айна пайтда уни истар, ҳам кўрқарди. Бунга эса сабаб ахтариб тополмасди. Кўнглида ишқ олови бор эди. У ўчмайдиган бўлиб, мангуга ёнган. Бироқ унинг гуркираб кетишини ҳозирдан истамётгандай эди. Албатта, бунга Оксана билан бўлган лаҳзалар ҳам маълум маънода таъсир қилаётганди. У ҳозир тез-тез Оксананинг қарашлари, эркаланишларини эслар, бунга ўз-ўзидан Бекнинг Юлдузнинг ёнида ўтиргани қўшилиб кетаверарди.

Шоҳруҳ ана шундай кайфиятда турганда, телевизорда ошиқ-маъшукларнинг ишқий саргузаштларини кўрсатиб қолишди. Бунга қизнинг ҳам, йигитнинг ҳам нигоҳи тушди. Сўнг улар бир-бирларига қарашди. Юлдузнинг юзига қизиллик югурди. У секин стол устида турган чойнакни олиб ошхона тарафга кетди.

Бир муддатдан кейин ошхона томондан жўмракнинг очилгани ва сувнинг шилдирагани эшитилди. Шоҳруҳ қулоқ тутди. У қиз тезроқ идишларни ювиб бўлишини кутаётганди. Негадир сув оқишида ўзгариш сезилавермади. Ўрнидан турган Шоҳруҳ ошхонага борди.

Юлдузнинг қўлида ликопча. У сувга термилганча ўй сурмоқда эди.

Шоҳруҳ унинг елкасига қўлини қўйди. Қиз шу заҳоти унга ўгирилди. Нигоҳлар тўқнашди. Сўнг лаблар бир-бирига жипслашди.

* * *

— Нима дединг? — деди титраб кетган Хонзода ўғлига нафрат билан қараркан. — Ким мараз?!

Жаҳонгир унга бепарво қараб турди-да, бурнини жийирди. Сўнг қўлидаги шишадан яна бир қултум ароқ ютди. Шайтон сувининг аччиқлиги унга мутлақо таъсир қилмади. У ҳўл бўлган лабини енгига артаркан:

— Аслида, — дея кўзини сузди Жаҳонгир, — бундан баттарига лойиқсиз-у, ойим бўлганингиз учун айтмадим-да.

У фирт маст эди. Бироқ сўзлари дона-дона, гаплари равон чиқди.

Хонзода тарашадай қотиб қолди. На бирорта хатти-ҳаракатга ва на бирон нима демоққа тили айланарди унинг. Гўё эшитгани-ю, кўраётгани тушида кечаётгандай эди. Қарашини маънисиз, тирик жоннигига сираям ўхшамасди.

Жаҳонгир шишасини гилам устига қўйди. Сўнг ўзи ҳам чордана қуриб ўтирди. Ундан кейин амаллаб чўнтагидан бир дона сигарета олиб тутатди. Мириқиб тутунни ичига ютди. Шунгачаям Хонзода қаққайиб тураверди.

— Қақ...қақ... қаққаймай, салат-палат қилиб берсангиз ўласизми? — деди Жаҳонгир.

Энди гўлдираб қолганди. Ҳар-ҳар замон кўзи юмилиб кетаётган эди. Лекин у эндиги гапи билан ойисини ўзига келтирган эди. Ва шунинг билан бирга гиламга ағанаб хуррак ота бошлаган, қўлидаги сигарета эса гиламни куйдираётганди.

Хонзоданинг жони ҳалқумига келди.

— Ярамас! Эшак, ит, ҳайвон! — дея чинқирди у ва ўғлининг қўлидаги сигаретасини олиб ташқарига улоқтириб юборди. Кейин эса аямасдан тепкилашга тушиб кетди. Лекин унинг тепкилари Жаҳонгирга зиғирча бўлсин таъсир қилмади. Гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига ағдарилар, лекин кўзини очай демасди. Аммо қўлидаги шишани қўйиб юбормас, ароқ эса қулқуллаб тўкилмоқда эди.

Хонзода шишани деворга уриб, чил-чил синдирди, сўнг кўзига кўринган бошқа буюмларни ҳам улоқтира бошлади. Уларнинг орасида, албатта, ўзининг сумкаси ҳам бўлиб, ичидаги барча нарсаи сочилиб кетди. Аёл булар билан ҳам қаноатланмади. Натижада ошхонадаги, меҳмонхонадаги идишлар ҳам турли томонга улоқтирилди. Шиша, чинни идишлар бўлақларга бўлиниб кетди. Ундан сўнг навбат пардаларга етди. Йўқ, булар ҳам унинг жазавасини босолмади. “Ҳозир! Ҳозир!” — деди у бақириб ва югурганча ертўлага тушди-да, идишдаги бензинни олиб чиқиб, аввал ўғлининг устидан сепди. “Ана! — деди у ғолибона қичқириб. — Тўрт соатда қийналиб туққан бўлсам, энди бир минутда йўқ қилиб юбораман! Сен нима деб ўйловдинг? Қўлидан ҳеч нарса келмайди, деганмидинг?! Келганини кўриб қўй! Кейин биласан кимнинг ярамас эканлигини!!!”

Биринчи қаватдаги ҳамма хоналарга шошганча бензин сепиб чиққан аёл ошхонага кириб қўлига гугурт олди. Уни айнан ўғлининг тепасида ёқишни ният қилиб югуриб чиқаётганида, қандайдир эркак кишига урилиб кетди.

— Қоч йўлимдан! — дея чинқириб, халақит бераётган одамни суриб ташламоқчи бўлди-ю, бироқ кучи етмади. —

Ғажиб ташлайман! — деб елкаларидан маҳкам ушлаб турган кишининг бақувват қўлларини тишламоқчи бўлди. Аммо шу пайт юзига қаттиқ тарсаки тушиб, орқага тисарилди ва унга ким қўл кўтарганини билиш учун рўпарасига қаради. Қаршисида қайноғаси Бўронни кўрди.

— Мулла ака, қаердан келиб қолдингиз? — сўради ҳайрон бўлиб.

— Келин, томингиз кетиб қолдимми?! Нима балоларни бошламоқчисиз?! — деди қошлари чимирилган, қовоқлари уйилган Бўрон.

— Нима қилибман?

— Уйга кўшиб Жаҳонгирни ҳам ёқмоқчимисиз?!

Хонзоданинг бошига биров тўқмоқ билан ургандай бўлди.

— Нега ёқарканман, мулла ака?! — деб гилам устида гўлдираб ётган ўғлига қаради. Зумда Жаҳонгирнинг айтган гаплари ёдига тушди. Қолганини эслаёлмади. Қўлидаги гугуртни ташлади-да, йиғлаб юборди.

— Мен тамом бўлдим, мулла ака! Тамом бўлдим! Ишонган яккаю ёлғиз ўғлимнинг аҳволини кўраяпсизми? Укангиз касалхонага ётволган, Шаҳлоям, билмадим, қайси гўрга йўқолган! Бир ўзим нима қилай?! Айтинг, нима қилай?! — деб ўкирди.

— Содиққа нима қилди?!

— Авария, мулла ака, авария. Ҳа, худди шундай бўлди. Мошинанинг дабдаласи чиқиб кетган, укангиз бир ўлимдан қолган, жианларингизнинг биттаси қочиб кетган, иккинчиси алкаш бўп қолган. Воҳай бола, жо-он бола, ўйнаб-ўйнаб, ўйнаб-ўйнаб, қиё боқиб, ошиқларинг, маъшуқларинг ўтда ёқиб! — дея Хонзода қолган гапларини қўшиққа айлантириб юборди ва рақсга тушиб кетди. Шу аснода ҳали ҳам қўлида турган гугурт донасини чақишга урина бошлади. Бўроннинг кўзи олайиб кетди. Бирдан аёлнинг қўлидан гугуртни тортиб олди. Хонзода бўлса шу заҳоти унинг сочига чанг солди. Бўрон қараса, аҳвол чатоқ, келинининг юзига аямасдан кетма-кет тарсаки туширди. Сочлари тўзиб кетган Хонзоданинг бурнидан қон оқди. У ўтириб қолганча юзини кафтлари билан бекитиб, ўкириб йиғлашга тушди. Бўрон бутунлай довдираб қолган эди.

— Нима бўлди сизга, келин?! Нималар қилаётганингизни биласизми?!

Хонзода унинг гапларини эшитадиган аҳволда эмасди. У нияти амалга ошмай қолганидан жазавага тушаётганди.

Бўрон ёнидан телефонини олиб, аввал хотини Фароғатга қўнғироқ қилди. “Тез етиб кел”, деб тайинлади. Кейин ўзининг шаънига бир-биридан хунук қарғишларни ёғдириб ошхонага кирган Хонзоданинг ортидан борди. Шу қисқа муддат ичида келини газ мурватларини бураб улгурган экан. Бўрон тагин Хонзодани уялтирди. Сўнг унинг қўлларини орқасига қилиб боғлаб ташлади.

Бу пайтда Жаҳонгирнинг бироз кайфи тарқаган ва ўрнидан амаллаб турганди. У амакиси ойисининг қўлларини боғлаётганини кўрди. Қизарган, киртайган кўзларини базўр очиб атрофга термилди. Амакиси нега бундай қилаётганига сираям ақли етмади. Билишича, Бўрон амакиси укаларининг хотинларига жудаям хушмуомала эди, доим сизлаб мурожаат қиларди. Энди бўлса, амакиси ойисини чинқиртириб унинг қўлларини боғлаш билан овора.

Бўрон ишини битиргунича у қараб турди. Ҳартугул, маст бўлса-да, ўйлагани амалга ошмаганидан кўнгли бироз таскин топди. Кейин:

— Амаки, нега ойимни боғлаб ташладингиз? — деди турган жойида тебраниб.

Бўроннинг қони қайнади. Бир хаёл, муштдай бошидан пиёнисталикни касб этган жиянини обдан калтакламоқчи бўлди. Бироқ шаштидан қайтди. Фазабини ичига ютиб:

— Шаҳло қани? — дея сўради.

Жаҳонгир худди бир нима еяётган одамга ўхшаб кавшанди. Сўнг атрофига аланглаб ниманидир қидирган бўлди. У қидираётгани бир неча бўлақларга бўлиниб ётганини кўриб, йиғлаб юбораёзди.

— Амаки, — деди аламдан титраб, — нега шишани синдирдингиз?!

Унинг иккала кўзи ҳам ёшга тўла эди. Бўрон даҳшатдан қотиб қолди. Жаҳонгир ёшлик қилиб озгина ичиб қўйган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Ваҳоланки, жиянининг сочлари хурпайгани, кийимларининг яғири чиқиб кетгани, қовоқлари шишгани мутлақо бошқа нарсадан далолат бериб турарди.

— Вой аблаҳ-эй! — дея беихтиёр бақириб юборди у ва чидаб туришга ортиқ бардоши етмай, жиянига мушт туши-

ра кетди. Онасининг урганлари чивин чаққанчалик таъсир қилмаганди Жаҳонгирга, лекин амакисининг калтагига чидаб туролмади. Ҳар мушт текканида, зорланиб йиғлар, қочмоқчи бўлар, аммо шуниям уддасидан чиқолмас: “Урманг, амакижон, урманг!” — дея ялинарди, холос.

Бўрон ҳансираб қолганидан, тез-тез нафас олиб, оғзига келган гапни гапиролмади. Сўнг жиянининг сочидан фикимлаб ювиниш хонасига олиб борди-да, устидан совуқ сув қуйди. Шу тахлит бир қанча вақт ушлаб турди, кейин қайтариб олиб чиқди.

— Жонингиз ачирмиди бировнинг боласига, ўлдириб ташланг, ўлдилинг! Барибир укангиз миқ этолмайди! — деб бақирарди Хонзода ётган жойида.

Бўрон камарини ечиб, жиянининг қўллариниям боғлаб ташлади. Сўнг ташқарига чиқиб, хотини келгунча сигарета чекди. Биттасини тугатиб, иккинчисини тутатди. Негадир юраги эзилиб кетаверди. Узоғи билан бир соатлар ичида унинг бир дона ҳам сигарети қолмади. Ҳовлини эса сигарета қолдиқлари тутиб кетди. Бу вақт оралиғида у неча бор укаси ва унинг хотинини сўкиб олди. Келиши чўзилаётган Фароғат ҳам четда қолмади. Унинг ҳам ота-онасини “сийлов”дан ўтказди. Ниҳоят пешонасига тер тепчиган Фароғат кириб келди.

— Шу пайтгача қайси гўрда эдинг?! — ўқирди Бўрон.

Хотини унга тузук-қуруқ жавоб қайтаролмади. Шу сабаб ҳам уч-тўрт сўкиш билан сийланди.

— Қара, овсининг ҳамма ёқнинг абжағини чиқариб ташлабди! — бақирди Бўрон худди айбдордай қаршисида бош эгиб турган аёлига.

Айнан шу гапни кутиб турган Фароғат ўзини ичкарига урди ва Хонзоданинг қўли боғланган ҳолда уввос тортиб йиғлаётганига гувоҳ бўлди. Унинг капалаги учиб:

— Нима бўлди?! — дея сўради.

— Айтсам, тилим куяди, айтмасам, дилим! — деб чинқирди Хонзода. — Озгина қолди сиз билан кундош бўп қолишимизга, овсинжон!

Фароғат бир қалқиб тушди. Орқага тисарилди. Қошлари чимирилди.

— Нега унақа дейсиз?! — деди вужудига титроқ кириб.

— Уйда ёлғизлигимдан фойдаланиб... Қандай айтсам

экан?... Тилим бормаяпти... Мана, кўнмаганимдан кейин не аҳволга тушдим! Боламнинг аҳволияям кўрдингизми?! Бу шармандаликка қандай чидайман?! Қандай?!

Ана шу маҳал уларнинг ёнига кўзлари кўкарган, қўллари орқасига боғланган Жаҳонгир келди. Уни кўрган Фароғатнинг кўзи чиқиб кетай деди. Овсинини ўрнидан турғазини, кишандан озод қилиш ўрнига ташқарига югурди. Ҳали-ҳамон укасининг бўшанглигидан ғазаби келиб, унинг номига ҳақоратлар ёғдириш билан машғул бўлган Бўрон хотинининг ранги оқарганча чопиб чиққанини кўриб, кўрқиб кетди.

— Ўзини ўлдириб қўймабдими?! — деди шошиб.

— Да... да... Дадаси...

— Гапир чайналмай! — дея ўкириб юборди Бўрон.

— Нималар қилиб қўйдингиз?! Келиб-келиб, одам қуригандай, овсинимга ёпишдингизми?! — деди кўзидан ёши дув-дув оқаётган Фароғат.

— Ни-ма?! Нима дединг, сен итдан тарқанган?! Томинг кетиб қолдими?!

— Хонзода ўлолмаётибди! Мени ерга тиқибсиз-ку! Бундай яшагандан ўлиб кетсам бўлмасмиди?! Шунақаям одам бўладими?!

Иккинчи китоб тугади.



Адабий-бадиий нашр

Ўзбек тилида

Нуриддин Исмоилов

МАФИЯ САРДОРИ

Саргузашт-детектив роман

(Иккинчи китоб)

Муҳаррир Аҳмад Отабой
Дизайнер Акбар Исмоилов
Техник муҳаррир Зокиржон Алибеков
Мусаҳҳиҳ Замира Гулматова
Саҳифаловчи Фафуржон Мадалов

Босишга 24.10.2008 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Босма табағи 6,0.
Шартли босма табағи 10,48.
Адади 3000. ...-сонли буюртма.
Нархи шартнома асосида.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази.
Манзил: 100113, Тошкент, Чилонзор-8,
Қаторгол кўчаси, 60.
Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими — 368-36-89;
Маркетинг бўлими — 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru